

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

НАВОИЙГА армуғон

**ЎЗБЕКИСТОН „ФАН“ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1968**

Бу тўплам улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири А. Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишланган армуғондир.

Тўпламдаги мақолалар Навоий меросининг ўрганилмаган ёхуд кам ўрганилган масалаларини текширади. Унда Навоийнинг янги топилган айрим асарлари, Навоий асарларининг танқидий текстини яратиш, Навоийнинг адабий муҳити, унинг издошлари, адабий жанрларнинг тақомлида Навоийнинг ўрни ва традициялари каби масалалар ёритилади.

Тўплам илмий ходимларга, аспирантлар ва олий ўқув юртлари филология факультетлари студентларига мўлжалланган.

Бош муҳаррир проф. *Ш. Ш. АБДУЛЛАЕВ*
Таҳрир ҳайъати: *М. АСҚАРОВА, Н. М. МАЛЛАЕВ*
(масъул муҳаррир), *А. РАШИДОВ*
Нашрга тайёрловчи: *У. ҚУШҚОВ*

Ш. Абдуллаев

АРМУҒОН

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунга 525 йил тўлди. Навоий жўшқин гуманизми, ўткир халқчиллиги, ватанпарварлиги, ақл-заковати, шеърый даҳоси билан асрлар оша авлодларга манзур бўлиб келмоқда.

Асарларидан бирида Навоий «Умидим улдурки ва хаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай» деган эди. Навоий янглишмади. У XV асрдаёқ сўз санъатининг забардаст соҳиби сифатида эътироф қилинди, қадрланди ва юксак баҳоланди. Навоийнинг буюк хизмати шундаки, у ўрта асрнинг жаҳолати ва иллатларига ҳамла қилди, инсонпарварлик ва халқпарварлик яловбардори бўлди, хароб этувчи ўзаро феодал урушларнинг олдини олишга, шаҳар ва қишлоқларни обод этишга, мактаб ва мадрасалар ташкил этишга, илм-маърифатни, санъат ва адабиётни юксалтиришга бутун кучини ва маблағини сарфлади. У ўзбек адабий тилининг асосчиси, ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган мисли йўқ қаламкаш бўлди. Навоийнинг «Хазойин-ул-маоний», «Хамса», «Девони Фоний», «Лисон-ут-тайр» ва «Маҳбуб-ул-қулуб» каби асарлари ўзбек адабий муҳитида улкан ҳодиса бўлибгина қолмасдан, балки жаҳон адабиёти бисотиغا кирган дурдоналар бўлди. Бу асарлар ўзбек адабиётининг кейинги асрлардаги истиқболини белгилаб берди.

Навоий халқлар дўстлигини амалиётда ҳам, ижодиётда ҳам фидойиларча ҳимоя қилган улуғ инсон, мутафаккир ва адибдир. Навоий ўзбек ёзма адабиёти ва халқ ижодиётидан кенг баҳраманд бўлиш билан бирга, туркий, форсий ва арабий тиллардаги барча адабиётни мукаммал билган, ундан завқ-шавқ олган устоз санъаткордир. Айни чоқда Навоий

асарлари тожик ва озарбайжон, турк ва туркман, афгон ва эрон, қозоқ ва қорақалпоқ, татар ва қирғиз халқлари орасида ҳам кенг тарқалган, севилган, шу халқларнинг адабиётида чуқур из қолдириб, қалам аҳлларини янги-янги асарлар ижод этишга илҳомлантирган обидалардир. Бежиз эмаски, қорақалпоқ адабиётининг классиги Бердах:

Чор китобдан тўра қочтим,
Навойдан савод очтим,
Фўзулидан дурлар сочтим,
Дилбарларни излар эдим, —

деган эди. Навоий ўрта асрда адолат учун курашган буюк давлат арбоби, маданият ва маърифат ҳомийси, улуг санъаткор бўлиши билан бирга, донишманд олим ва муаррих ҳам эди. Навоийнинг «Мажолис-ун-нафос», «Мезон-ул-авзон», «Муфрадот» ва «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарлари ўз даври адабиётшунослиги ва тилшунослигига қўшилган йирик тадқиқот асарлари бўлиши билан бирга, ўзининг илмий аҳамиятини шу кунга қадар ҳам сақлаб келмоқда.

Навоий яратган «Тарихи мулуки Ажам» асари, ундаги айрим ривоятларни мустасно этганда, ўрта аср Шарқи тарихини ўрганишда қимматли манбалардан биридир. Бугинча эмас, Навоий асарлари у яшаган муҳитнинг, тарихнинг бир кўзгусидир. Навоий ҳаёти, фаолияти ва ижоди эса ўзбек халқи, унинг маданияти, адабиёти, тили ва санъати тарихининг шонли саҳифаларидир.

Навоий ғоят мураккаб ва зиддиятли бир замонда яшади. У муҳитнинг зиддиятларидан холи ва батамом мусаффо бўлолмас эди, албатта. Бинобарин, Навоий дунёқарашида, унинг бадиний ва илмий асарларида диний эътиқод, идеалистик тўшунчалар, подшопарастлик майллари ва бошқалар ҳам маълум ўрин тутган. Аммо булар Навоийнинг улуг даҳосини сояда қолдира олмайди. Булар баъзан расмий, баъзан ўткинчи ҳодисалар сифатида намоён бўлиб, шоир ижодида инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик ғояларининг поғона-поғона такомиллашиб боришига халақит етказа олмади. М. Горький айтганидек, ўтмиш маданияти, санъати ва адабиёти арбобларини, бир томондан умуминсониятнинг озодлик йўлидаги курашига қатнашувчи сифатида, иккинчи томондан ўз даврининг фарзанди сифатида текшириш ва баҳолаш лозим. Навоий даҳосига шу жиҳатдан ёндашар эканмиз, уни умуминсониятнинг озодлик йўлидаги курашига, меҳнат ва ҳиммат камарини боғлаб қатнашган киши сифатида улуғлаймиз, у билан фахр этамиз.

Утмишда Навоийнинг адабий ва илмий меросидан кенг халқ оммаси етарли баҳраманд бўлолмади. Эксплуатацияга асосланган тузум бунга йўл бермади.

«... Навоий беш асрдан бери ўзбек халқининг ифтихори бўлиб келди. Лекин фақат энди, Совет ҳокимияти замонидагина ҳар бир ўзбек ишчиси ва деҳқони унинг қимматли гузал асарларини ўқишга муяссар бўлди. Совет ҳокимияти ўзбек халқини саводли қилиб, маданиятнинг бу улуг самарасидан уни баҳраманд қилди.

... Навоий сингари маданият қуёшларининг ижодлари кўпчилик меҳнаткаш халқ оммасига муяссар бўлди ва Навоий каби улуг кишиларнинг номлари халқ учун жуда қимматли бўлиб қолди»*.

Совет ҳокимияти йилларида Навоий мероси том маъноси билан халқнинг бисоти бўлиб қолди. Навоийнинг деярли барча асарлари қайта-қайта нашр этилиб, китобхонларга тақдим қилинди, кўпчилик асарлари рус тили ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима бўлди. Навоий асарлари асосида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Меҳр ва Сухайл», «Дилором» саҳна асарлари яратилди. Ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ва бошқа халқлар Навоий ҳақида қадимдан турли хил ҳикоя ва қиссалар яратган бўлсалар, эндиликда унинг тўғрисида ўнлаб шеър ва достонлар, повесть, роман, драма ва кинокартина яратилди. Хусусан, Ойбек яратган романининг мамлакатимиз халқларининг кўпчилики тиллари ва бир қатор дунё халқлари тилларига таржима қилиниши билан социалистик маданиятимиз фахрланса арзийди. Республика халқ кутубхонаси, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Давлат академик Катта театри, Самарқанд Давлат университети, йирик кимёгарлар шаҳрининг (собик Кармана райони) ва бошқа бир қатор жойларнинг Навоий номи билан аталиши улуг шоирга совет кишинининг меҳри ва эҳтироми ифодасидир.

Навоий фаолияти ва меросини ўрганишнинг катта ва мураккаб тарихи бор. Бу тарих XV асрнинг ўзидан бошланади. Чунончи, Хондамир («Мақорим-ул-ахлоқ», «Ҳабиб-ус-сияр», «Хулосат-ул-ахбор»), Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират-уш-шуаро»), Бобир («Бобирнома»), Восифий («Бадое-ул-вақое»), Жомий, шунингдек Навоийнинг бошқа замондошлари ҳамда кейинги тазкиранавислар Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумот ва хотиралар ёзиб қолдирганлар, унга юксак баҳо берганлар. Навоий асарлари қилқалам хаттоғлар томонидан меҳр билан кўчирилган, унинг асарлари асосида луғат китоблари яратилган, айрим обидалари ўзга

* «Правда», 1948 йил 15 май, бош мақола.

тилларга таржима қилинган. Рус ва Европа шарқшунослари ҳам Навоий фаолиятини ва меросини ўрганиш борасида бир-мунча иш қилганлар. Булардан, хусусан, Михаил Никитский-нинг «Амир Низомиддин Алишер, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги фаолияти» номли магистрлик диссертацияси муҳим ҳодиса бўлган эди.

Аммо совет даврига қадар Навоий фаолияти ва мероси бўйича қилинган ишлар оз ва номунтазам бўлиши билан бирга, Навоий ижодиётини сохталаштириш, уни камситиш каби нуқсонлардан холи эмас эди.

Навоийнинг фаолияти ва адабий-илмий меросини чинакам илмий асосда ўрганиш Совет ҳокимияти йилларида бошланди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида фаннинг махсус соҳасига айланган навоийшунослик вужудга кела бошлади. Қисқа давр ичида Навоийнинг фаолияти ва меросини чуқур тадқиқ этган монографиялар, диссертациялар, илмий тўпламлар яратилди. Навоий меросини ўрганиш соҳасида адабиётшунослар, тилшунослар, тарихчилар, файласуфлар, этнографлар ва бошқа илм аҳлларининг хизмати бениҳоя катта. Олим Шарафиддинов, С. Айний, Е. Э. Бертельснинг монографиялари, В. Й. Зоҳидов, А. К. Боровков, Ойбек, В. Абдуллаев, Ҳамид Сулаймон, П. Шамсиев, И. Султонов, М. Шайхзода, А. Ҳайитметов, Ҳ. Орасли, А. Мирзоев, Е. Исмоилов ва бошқа олимларимизнинг тадқиқотлари навоийшуносликни тобора ривожлантирмоқда.

Навоий меросини ўрганиш соҳасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг олимлари ҳам самарали иш олиб бормоқдалар. Навоийнинг ҳаёти ва ижодини тўлароқ ёритган биринчи йирик монография «Алишер Навоий» (1939) институтимизнинг собиқ доценти, атоқли навоийшунос Олим Шарафиддинов қаламига мансубдир.

Институтнинг ветеранларидан бўлган йирик шоир ва олим марҳум Мақсуд Шайхзода «Гениал шоир» (1940), «Навоийнинг лирик қаҳрамони» ва кўплаб мақолалари билан совет навоийшунослигига муҳим ҳисса қўшди. Институтнинг доценти Ҳ. Ҳомидий «Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари» (1943), ўзбек адабиёти кафедрасининг мудираси, доцент Ш. Абдуллаева «Навоийнинг ҳоғин-қизларга гуманистик қарши» (1954), таниқли педагог, доцент И. Ҳусанхўжаев «Навоийнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари» темаларида кандидатлик диссертациялари яратдилар. Н. Маллаевнинг ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун яратилган дарсликларида Навоий боби катта ўрин ишғол этади. Булар, хусусан олий мактаб дарслиги ва дарслик муаллифининг ўзбек ғазалиёти ва тазкиралар тарихидан ёзган мақолалари навоийшуносликка қўшилган муҳим улушдир.

Китобхонларга тақдим этилган мазкур тўплам институти-миз ходимларининг Навоий юбилейига армуғонидир.

Навоийнинг асарлари аллақачонлар маълум ва манзур бўлса-да, бироқ баъзи асарлари номаълум қолиб келмоқда эди. Шулардан бири тўрт қасидани ўз ичига олган «Фусули арбаа»дир. Таниқли навоийшунос, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, институти-мизнинг ветеранларидан Ҳамид Сулаймон узоқ изланиш ва текширишлар натижасида бу муҳим асарни қўлга киритди.

Навоий бошқа халқларнинг адабиётидагина эмас, балки адабиётшунослигида ҳам чуқур из қолдирган. Бу, жумладан, XVI аср озарбайжон адабиётшуноси Содиқбекнинг «Тазкираи мажма-ул-ховос» асарида равшан кўринади. М. Шайхзоданинг мақоласи тазкирачилик тарихига ва хусусан Навоий анъаналарини давом эттирган Содиқбекнинг «Тазкираи мажма-ул-ховос» асари таҳлилига бағишланган.

Филология фанлари доктори С. Усмоновнинг мақоласи ўзбек тилининг лугат составида форс-тожик ва арабча сўзлар ҳақида, доцент Ш. Абдуллаеванинг мақоласи Навоий асарларида хотин-қизлар образи ҳақида баҳс юритади. Тўпламдаги бир неча мақола (доцент Ҳ. Ҳомидий, Ҳ. Ҳомидов) Навоий ва ўзбек халқининг бошқа халқлар билан маданий-адабий алоқалари деган темага бағишланган.

Ўзбек классик адабиёти жанрларининг шаклланиши ва тараққиётида Навоийнинг роли бениҳоя катта. Классик адабиётдаги айрим жанрлар традицион форма сифатида ҳозирги поэзиямизда ҳам мавжуд. Бу масалалар Н. Малласев ва С. Иброҳимованинг ғазал аспектидаги мақолаларида ёритилган.

Доцент Ҳ. Бекмуҳамедовнинг илмий-оммабоп услубда ёзилган мақоласида Навоий даври Ҳирот шаҳрининг социал-иқтисодий ва маданий қиёфаси ҳақида сўз юритилади. Л. Халилов ўз мақоласида «Тарихи мулуки Ажам» асарининг қўлёзма нусхалари тавсифини ҳамда унинг илмий-танқидий текстини тузиш принципини баён этади.

Тўпламдаги барча мақолалар бир хил савияда ёзилган, кам-кўстсиз деб айта олмаймиз. Аммо улғу шоир ва мутафаккирнинг юбилейига кичик бир армуғонимиз бўлган бу тўплам навоийшунослик бисотиغا янги саҳифалар қўшади деб умид қиламиз.

Ш. Ш. Абдуллаев

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида Навоий юбилейини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Ҳамид Сулаймон

НАВОЙНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН „ФУСУЛИ АРБАА“ АСАРИ ВА УНИНГ XVI АСРДА НУЧИРИЛГАН МУЪТАБАР ҚҮЛЁЗМАСИ ҲАҚИДА

Шарқ поэзиясининг Урта Осиё феодализм даври адабиётида кенг тараққий этган асосий жанрларидан бири қасидадир. «Қасидан ҳилолия» билан «Тухфат-ул-афкор»дан ташқари, Навоий яратган яна 9 та форсий қасиданинг яқинда топилиши муносабати билан улуг санъаткор даҳосининг тафаккур кучи, муъжизакор шеърияти ажойиб фалсафий ва дидактик қасидаларда янгича намоён бўлди. Бу қасидалар Алишер Фойийнинг ўз устозлари Хусрав Деҳлавий, Ҳоконий ва Жомий сингари маҳоратли қасида навис экани ва XV аср ўзбек адабиётининг буюк қасида ижодкори бўлганидан хабар беради.

Алишер Навоий яратган улкан адабий мерос бизнинг давримизгача асосан етиб келган бўлса ҳам, шоир ижод этган баъзи асарларнинг йўқолган бўлиши ёки қўлёзма нусхаларининг гоётда оз бўлганидан бизга маълум бўлмаслиги табиийдир. Шоирнинг тўрт қасидадан ташкил топган «Фусули арбаа» асари шулар жумласидандир. Ҳозирча «Фусули арбаа» ҳақида қисқача ва ягона маълумот «Муҳокамат-ул-луғатайн»дагина мавжуд. Навоий ёзган эли: «Яна зоҳир шуароси (тасаввуфдан четдаги шоирлар, — Ҳ. С.) тариқида ҳам тўрт қасидаки, «Фусули арбаа»га мавсумдир ва анда тўрт фасл — ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва ёбусати кайфияти маълум. Ҳомам рақам қилибдурки, тўрт фасл хосияти асаридек рубъи маскунга ёйилибдур»¹. Бундан ташқари бизга маълум бўлган биронта қўлёзма манба — тазкира, баёз, рисола ва тарихий ривоятларда ёки бошқа илмий адабиётда «Фусули арбаа» тўғрисида ҳеч қандай маълумот учратмадик.

¹ Алишер Навоий, Муҳокамат-ул-луғатайн, Тошкент, Ўздавнашр, 1940, 34-бет.

Навойнинг форс тилида яратган поэтик меросидан ташкил топган «Девони Фоний» асарининг топилиб нашр қилиниши адабиётимиз тарихида ва навойшуносликда катта воқеа бўлди². «Девони Фоний»ни чоп эттиришда биз фойдаланган икки Париж қўлёзмасидан бирида (инв. № 285) шоирнинг ўзи «Муҳокамат-ул-луғатайн»да кўрсатиб ўтган, аммо ҳозиргача китобхонга ва фанга маълум бўлмаган, форс тилида яратилган икки қасидалар тўплами — олти қасидани ўз ичига олган „Ситтаи зарурия“ *سته ضروريه* („Олти зарурий нарса“) ва тўрт қасидадан ташкил топган „Фусули арбаа“ *فصول اربعه* („Тўрт фасл“) — топилди. „Фусули арбаа“ форс тилида яратилгани учун уни „Девони Фоний“ таркибига шоирнинг ўзи киритган бўлиши керак.

Биз ўз мақолаларимизда «Девони Фоний»нинг жаҳон кутубхоналарида бешта қўлёзмаси маълум эканини хабар қилган эдик³. Мазкур қўлёзмалар ичида биз фойдаланган Париж нусхаларидан ташқари, яна иккита Туркия қўлёзмаси таркибидagina қасидалар борлиги турк навойшуноси Огаҳ Сирри Левенднинг Туркиядаги Навоий қўлёзмаларига берган тавсифидан маълумдир. Бироқ Огаҳ Сирри Левенд ҳам «Девони Фоний»нинг Туркия нусхалари таркибида фақат олти қасидадан ташкил топган «Ситтаи зарурия» борлигини айтган. Левенд асарида «Фусули арбаа» ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ⁴. Яқинда Эрон олими Рукниддин Фаррух томонидан «Девони Фоний»нинг Техрон қўлёзмаси асосидаги нашрида ҳам ҳеч қандай қасида берилмаган. Демак, ўз-ўзидан равшанки, «Девони Фоний»нинг Техрон нусхасида ҳам «Фусули арбаа» қасидалари йўқдир⁵. Модомики, шундай экан, Париждаги француз миллий кутубхонасида сақланаётган «Девони Фоний» қўлёзмаси таркибидаги «Фусули арбаа»ни ҳозирча мазкур асарнинг жаҳон қўлёзма фондларидаги ягона, уникал нусхаси дейишга ҳақлимиз.

«Фусули арбаа»нинг бу нусхаси ҳижрийнинг 933 йили, зулҳижжа ойида, яъни 1527 йил сентябрида Хуросонда санъ-

² Алишер Навоий, Асарлар, Гафур Ғуллом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1965, V том.

³ Ҳамид Сулаймон, Алишер Навоийнинг форс тилида яратган поэтик мероси тадқиқотида, „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, 1965, № 5.

⁴ Agah Sirri Levend, Türkiye kitapliklarındaki Nevai yazmalari; Turk tarih kurumu basimavi, Ankara, 1958, sah. 185—186.

⁵ ديوان امير نظام الدين غليشير نوايي — فاتى. يسعى و اهتمام ركن الدين همايون فرخ، تهران، فروردين ماه، ۱۳۴۲.

аткор хатот томонидан чиройли, майда настаълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзмада котибнинг номи кўрсатилмаган. Аммо нуханинг деярли хатосиз, моҳирона кўчирилишидан котибнинг ўз замонасининг юқори малакали фозил хатотларидан экани шубҳасиздир. Қўлёзма жуда яхши сақланган. Уринган, сиёҳ суркалган, йиртилган варақлар йўқ. Қўлёманинг юксак китобат савияси, ҳар бир қасида мазмунига, матлаъ ва мақтаъларига қараганда, биз эълон қилган «Фусули арбаа» тексти мукамал бўлиши керак. «Фусули арбаа» тексти «Девони Фоний»нинг бошида, «Ситтаи зарурия» қасидаларидан сўнг, 296—386-варақларига икки устунда жойлаштирилган. Ҳар саҳифада 14 байт. Қўлёзма формати 22,5×15,5. Тўрт қасидадан ташкил топган бу асарнинг умумий ҳажми 231 байтдан иборат.

Қўлёзмада «Фусули арбаа»нинг ҳар тўртала қасидаси бир-биридан ажратилмай сидирғасига кўчирилган. Дафъатан қараганда, бир қасидани иккинчисидан ажратиб олиш анча мушкул кўринади. Биз бу тўрт қасидани бир-биридан ажратган ҳолда, ҳар қасиданинг шартли номи, матлаъи, мақтаъи ва байтлар сонини қуйидагича кўрсатдик:

I САРАТОН — سرطان (ёз) қасидаси, 71 байт, вв. 296—32а.

матлаъ — Боз оташхўр сохт самандар саратонро,
Афрухт чу оташкада гулзори жаҳонро.

мақтаъ — Бодо хама маъмури ту в-аз маҳзани лутфат,
Омода катон дар саратон хилъаташонро.

II ХАЗОН — خزان (куз) қасидаси, 33 байт, вв. 32а—33а

матлаъ — Дигар шуд баҳри санжидан баробар адли давронро,
3-кофуру зи мушки рўзу шаб ду палла мезонро.

мақтаъ — Агарчи нест он мавсумки аз гулҳо шавад гулшан,
Чи суратхонаи Моний зуҳури сунъи яздонро.

III БАҲОР — بهار (кўклам) қасидаси, 57 байт, вв. 33а—35б.

матлаъ — Вазад бодн баҳор эҳёи амвоти гулистонро,
3-анфоси Масихий тоза созад олами жонро.

мақтаъ — Зи мулк орою адлат жаҳонро бод маъмури,
Хусусан мулки Эронро дар ў халқи Хуросонро.

IV ДАЙ — دى (қиш) қасидаси, 70 байт, вв. 35б—38б.

матлаъ — Зи хирғаҳи фалак оташ нуҳуфт дуди саҳоб,
Даро ба хирғаҳу оташ фуруз аз маи ноб.

мақтаъ — Ҳазор бор жавонмардиат чу Бармаку Тай,
Ҳазор солжавонбахтият чу аҳди шабоб.

Маълумки, Навоий деярли ҳамма асарларининг номини ва баъзан яратилиш тарихини, ўрта аср шарқ адабиётида қабул қилинган традицияга кўра, асарнинг хотима қисмида, девон дебочаларида кўрсатиб ўтган. Чунончи, «Ситтаи зарурия»-даги олти қасида номлари «Ситтаи зарурия» дебочасида берилган. Афсуски, «Фусули арбаа» қасидалари бундай маълумотлардан маҳрумдир. Қўлёзмада «Фусули арбаа» деган ном бўлмагани сингари асарнинг ижод этилган тарихи ҳам йўқ. Шунингдек тўрт фасл хосиятларини тасвирловчи қасидалардан биронтасининг ҳам номи кўрсатилмаган.

«Девони Фоний»нинг мазкур Париж қўлёмаси тавсифини берган француз шарқшуноси Блоше «Ситтаи зарурия» қасидаларини номлари билан санаб чиққач, яна шуларни ёзган: «Мир Али-Шер Навоийнинг форс тилидаги яна учта қасидаси сарлавҳасиз ва автор номисиз берилган. Булар Султон Ҳусайн Баҳодирхонга бағишланган. Дастлабки иккитаси «алиф» билан, учинчиси эса «бе» ҳарфи билан қофияланган. Бу асарлар «Девони Фоний» таркибига кирди»⁶. Блоше бу қасидаларнинг «Фусули арбаа» эканини билмаган. Алиф билан қофияланган қасидалар, Блоше айтганидек, иккита эмас, балки учтадир.

Нихоят, бу тўрт қасида ҳақиқатан ҳам Алишер Навоийнинг «Фусули арбаа» асари деган даъвои қуйидаги далиллар билан исботлашга ҳаракаат қиламиз.

1. Биринчи ва энг асосий далил бу қасидаларнинг мазмуни, ғоявий йўналиши ва жанр хусусиятларидир. Мазкур қасидалар, шоирнинг ўзи айтганидек, тасаввуф руҳида эмас, дунёвий мавзуда ёзилгандир. Ҳамма қасиданинг кириш (насиб) қисмидан сўнг «тўрт фасл хосияти» табиат манзараларининг ажойиб реалистик тасвири орқали ўзига хос ибораларда берилади. Тўртала қасидада шоирнинг ўзи «Муҳокамат-ул-луғатайн»да айтган тўрт фаслнинг «... ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва ёбусати кайфияти...» равшан ифодасини топган. «Саратон», «Баҳор» ва «Қиш» қасидаларининг иккинчи ярмиси эса Султон Ҳусайн мадҳи билан якунланади. Ҳар тўрт қасида ҳам қасида жанрига хос муболағали иборалар ва дабдабали услубда ёзилган.

2. Бу қасидаларнинг, Блоше айтганидек, учта эмас, балки тўртта бўлиши, аynи вақтда ҳар бир қасиданинг ўз матлаъи ва мақтаъига эга бўлган ҳолда тўрт хил вазнда ёзилганлиги бу асарнинг «Фусули арбаа» эканига далилдир.

⁶ Blohet, E. Catalogue de la collection de manuscrits Orientaux conservés a la Bibliothèque Nationale, Paris, 1900.

3. Биз юқорида бу тўрт қасиданинг биронтасига ҳам от қўйилмаганини айтган эдик. Аммо текширишлар шуни кўрсатадики, ҳар бир қасида текстида тўрт фаслнинг номи турли ибораларда кўрсатилган. Масалан: биринчи қасидада *سرتان* саратон сўзининг уч марта (байтлар 1а, 70а, 71б); иккинчи қасидада *خزان* хазон сўзининг тўрт марта (байтлар 8а, 9а, 23а, 30а); учинчи қасидада *بهار* баҳор сўзининг беш марта (байтлар 1а, 6а, 11а, 12а, 56а) учраши ва ниҳоят тўртинчи қасидада *دی* дай сўзининг уч жойда (байтлар 5а, 10б, 28а) мавжудлиги бу тўрт қасида номини бирма-бир аниқлашга асос бўлди. Биз шонирнинг ўз сўзи ва ибораларидан келиб чиқиб, тўрт қасидани шартли равишда „Саратон“, „Хазон“, „Баҳор“ ва „Дай“ сўзлари билан номладик. Фикримизча, ҳар бир қасида номи ўзига монанд ва тўғри бўлиши керак.

4. Тўртинчи ҳисобланган «Дай» қасидасининг 34-байтида «Фоний» тахаллуси мавжуддир.

Ба бѣи васл ниҳад рѣ ба дарғахат Фоний,
Чунон ки ахли ибодат ба гушан меҳроб.

Сўнги қасидага Фоний тахаллуси киритилиши, бир томондан, «Фусули арбаа»нинг тугалланишига ишора бўлса, иккинчидан, бу асар муаллифи Алишер Фоний эканини кўрсатади. Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган фактлар, биз эълон қилган тўрт қасидани Алишер Фонийнинг янги топилган асари «Фусули арбаа» эканига етарли далил бўла олар деган фикрдамиз.

«Фусули арбаа» қасидалари нима учундир йил фасллари-нинг табиий изчиллигида берилмай, ёз, куздан сўнг баҳор тасвирланиб, ундан кейин қиш фасли берилган. Асарнинг табиий архитектуроникасига хилоф кўринган бу ҳолатни биз ҳозирча изоҳлай олмадик. «Фусули арбаа»нинг «Саратон», «Хазон», «Баҳор» қасидалари «а л и ф» билан тугалланувчи *انرا* онро қофиясида ёзилган (1. «Саратон»: сарат-онро, жаҳ-онро; 2. «Хазон»: давр-онро, мез-онро; 3. «Баҳор»: гулист-онро, ж-онро). Сўнги «Дай» қасидаси эса, б е билан ясалган *اب* об (саҳ-об, майин-об) қофиясида ижод этилган.

«Фусули арбаа»нинг ижодий тарихи ва манбалари тўғрисида ҳозирча бирор сўз айтиш қийин. Фақат «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Моний қурган, йилнинг тўрт фаслини ўзида намоён қилувчи тўрт қаср тасвирини маълум даражада «Фусули арбаа»нинг дастлабки эскизи сифатида қараш мумкин. Аммо «Фусули арбаа» қасидалари, Навоий тили билан айт

ганда, «зоҳир шуароси тариқида»⁷, яъни дунёвий мавзуда, реалистик методда яратилиши нуқтаи назаридан, шоир дунёқараши, ижодий методи ва бадий маҳоратини ўрганишда алоҳида ўрин тутиши керак.

«Саратон» қасидасининг насиб қисмида (байтлар 1—22) ёз фаслининг бениҳоят иссиқлиги, қуёш ўти жаҳон гулзорини оташкадага айлантиргани тасвирланган. Шоир бу дафъа кўкдаги юлдузларни қуёш ҳароратидан эриган қалайи томчиларига ўхшатади. Ҳаво, ер, сув, тоғу тош, биёбонлар қуёш ўтида ёнади — бу саратон фаслининг қисқача, аммо рангоранг ҳаяжонли тасвири эди.

Қасиданинг насиб қисмидаёқ шоир саратон пейзажига мантикий равишда жамият ҳаётини боғлаб юборади. Инсон қуёш алангасидагина эмас, ундан ҳам кўпроқ адолатсизлик ўтида куйиб кул бўлиши баён қилинади. Бу дунёга умид билан кўз очиб келган инсоннинг дунёдан оҳу надоматда, ўтда ёниб кетишини «Саратон»да шоир шундай беради:

Он рафтки аз оташи ишқу дили маҳрур,
Қас нуқта сугул омада абнои замонро.

Бу хил байтлар, «Фусули арбаа»нинг Навоий дунёқарашига хос бўлган катта социал мазмунга эга эканлигидан далолат беради.

Бир умр Султон Ҳусайн шахсиятида одил ва маърифатпарвар подшоҳни кўришни орзу қилган шоир «Саратон» қасидасида ҳам яна шу орзу-умидларини Бойқаро мадҳи тарзида тарона қилган. Саратон иссиғи (азоби)дан қутулиш учун одамларни замона Жамшиди (Султон Ҳусайн.—Ҳ. С.)нинг шарафли туғи соясидан паноҳ излашга чақиради:

3-ин гармии хуршед барзет он ки панаҳ сохт,
Зилли шарафи раият Жамшиди замонро.

Султони фалак кадр Ҳусайн он шаҳи Ғозий,
К-аз адл чу фирдавси жинои сохт жаҳонро.

Қасиданинг деярли ярмидан кўли (45 байти) Бойқаро мадҳига қаратилган. Урта аср қасиданавислигига хос бўлган дабдабали услуб, беқиёс муболағалар билан шоҳ салтанати, ҳарбий қудрати, шаъни шавкати мақталади. Шоир ўз мадҳларида шоҳнинг одил сиёсатидан, унинг мамлакатидagi бўрилар қўйларни қўрувчи бир итга айланади, саҳийликда, халқпарварликда Бойқаро бир подшоҳдан олган мулкни иккинчи бир гадога бағишлаб юборади дер экан, бу байтлар реалистик лавҳалардан кўра кўпроқ, Навоийнинг шеър ва дoston-

⁷ Навоий, Муҳокамат-ул-луғатайн, 32-бет.

ларида тез-тез учрайдиган, насиҳатомиз руҳдаги романтик орзуларни ифодалаган дейиш мумкин.

«Саратон» қасидаларининг охирида шоир билан подшоҳ ўртасидаги муносабатларнинг нақадар яқин эканини кўрсатувчи биографик мазмундаги янги байтларни ўқиймиз:

Шоҳо! Чу з-аввал ба ду сад айб хариди,
Ин бандан бефондан ҳеч мадонро.

Беҳтар зи туам қас нашуносад зи баду нек,
Аз неку бади ман чи яқинро, чи гумонро.

Аз айбу ҳунар ҳар чи ту гўйики чунони,
Ман банда қабул аз дилу жон карда ҳамонро.

Бу сатрлар адабиётшуносликда ҳозирча жуда оз ўрганилган Султон Ҳусайн билан Навоий муносабатлари масаласига маълум янгилик киритади.

Куз фаслининг ажойиб реалистик лавҳаси 33 байтдан ташкил топган «Хазон» қасидасида гавдаланади. Қасида куз манзарасининг қуруқ тасвиридан иборат эмас. Асарнинг матлаъидаёқ буюк инсонпарвар шоир ўз даври адолатсизлигидан аччиқ киноя қилади.

Дигар шуд баҳри санжидан баробар адли давронро,
З-кофуру зи мушки рўзу шаб ду палла мезонро.

Бу байтдаги «мушк» билан «кофур»га нисбат берилган тун билан кун мезон (тарозу)нинг палласига ўхшатишган. Куз фаслининг биринчи ойига ишора бўлган мезон сўзи айни вақтда адолат тарозуси маъносида ҳам ишлатилади. Келтирилган байт фасл манзараси билан бир қаторда жамиятдаги ҳуқуқ тенгсизлигидан шикоятдир.

«Хазон» қасидасининг насиб қисмида олтин кузнинг ғоятда гўзал, тугалланган пейзажи чизилган. Куздаги сокин табиат, ранг-баранг товланган дарахт барглари куз фаслини сеҳрли бир бўстонга айлантиради. Қасидада кафтига хино кўйган чинорнинг нақши, лиму рангли теракнинг сариқ хуллага ўралгани, тут япроғининг боғу бўстон зийнати экани, чаманга ўт ёққан анор барги, зарварақ ток барглари устида қизил май томчилари сингари товланган лаъли ранглар, танасидан заъфарон либосни отиб, савдойи телбадек афгон чекувчи дарахтлар Навоий ижодий методига хос бўлган реалистик санъатда кузнинг жозибали лавҳасини гавдалантирган.

«Хазон» қасидасининг асосий мадҳ қисми 23-байтдан янги матлаъ билан бошланади:

Хазон з-авроки беҳ з-акнун ки зийнат дод бўстонро,
Хуш ояд сурхруйи аз шароби зард мастонро.

Ун бир байтли газал шаклидаги бу мадҳ чуқур оптимизм билан суғорилган, дунёвий ҳаёт ва унинг лаззатларини тарона этувчи риндона руҳга эгадир.

«Баҳор» қасидасининг ўн икки байтли қисқа насиб қисмида гул, булбул, қизил май образларида баҳор манзарасининг традицион тасвири берилган. Аммо шоир баҳорни тасвирлар экан, уни яна инсон ҳаёти билан боғлайди. Баҳорни инсон ҳаётининг гузал камолотига, унга қарши кузни эса умрнинг хазонига ўшатади. Гул ва булбул тимсолида намоён бўлувчи ошиқ ва маъшуқаликни ғанимат билишга, яна ҳаётга чақиради:

Баҳори умрро диданки, чун рафтү хазон омад,
Хазон ҳам бигузарад, то бинигари ин кохи вайранро.

«Баҳор» қасидасини ҳам асосан Бойқаро мадҳидан иборат дейиш мумкин. Қасиданинг 57 байтидан 45 таси Султон Ҳусайн таърифи ва тавсифига қаратилган. Султон Ҳусайн мадҳи шундай байт билан бошланади:

Агар хоҳи баҳори беҳазон бини варо бинигар,
Баҳористони халқи Хусрави Эрону Туронро.

Қасида Хуросон халқининг Султон Ҳусайн паноҳида фаровон ҳаёт кечириш орзуси билан тугатилган:

Зи мулк орою адлат жаҳонро бод маъмури,
Хусусан мулки Эронро, дар ў халқи Хуросонро.

«Фусули арбаа»нинг охириги «Қиш» қасидасини композицион жиҳатдан уч бўлакка ажратса бўлади. Чунки қасиданинг насиб қисми билан асосий қисми орасига етти байтдан иборат (28—34-байтлар) тасаввуф руҳида бир газал киритилган. Бу фалсафий фрагмент, айтиш мумкинки, фақат «Қиш» қасидасига хос бўлмасдан, балки «Фусули арбаа»га ёзилган фалсафий хотима бўлиши керак. «Фоний» таҳаллусининг ҳам шу шеърда учраши фикримиз учун равшан далил бўла олади.

Аввалги уч қасидага нисбатан «Қиш» қасидасининг насиби ўзининг яна ҳам кучли, равшан реализми билан ажралиб туради. Симоб рангли чодирга ўралган осмон, ер юзини қоплаган кумуш қор, маҳбублар жамолини ўзида акс эттирувчи яхмалак жойлар қиш пейзажини гавдалантирар экан, шоир муҳтожликда яшовчи оддий кишилар ҳаётининг қиш фаслида яна ҳам машаққатли бўлишини ғоятда ҳаяжонли ва ишонарли тасвирлайди. Биз бу парчани тўлиқ келтираемиз:

Ба ларза жуссан муфлис зи шавки оташи тез,
Мушобихи дили маҳмур аз хавон шароб.

Шуда чу жарзи асам гуши муфлисон зи самоъ
Ки ду китф шуда бар раҳгузор гуши ҳижоб.

Ба чашми шахс таҳаррук намонда жуз ларза,
Чу майинги мутаҳаррик зи қудрати ваҳҳоб.

Дар оби моҳни беҳис чу мех рафта ба хок,
Ба хок мор фитода ба сони пашша таноб.

Гузашта чун малаҳ аз пушт ҳар тараф з-ону,
Ҳар он ки буда баҳам даст сои ҳам чу зубоб.

Чу дидан шӯла ба ранги пармалаҳ жаста,
Дар у ба сони малаҳ карда ҳушро партоб.

Даруни ҳалқан чашм ашк баста чун айнак
Вале ба чашм аз он не фуруғ касбу на тоб.

Нихоят, юқорида айтилганлардан шундай хулосалар чиқариш мумкин: XIV—XV асрлар кенг ривож топиб, феодализм даври ўзбек адабиётининг асосий жанрларидан ҳисобланган қасида Бадр Чочий, Саккокий, Лутфий ва Гадоийлардан сўнг Алишер Навоий ижодида янги тараққиёт босқичига кўтарилади. «Фусули арбаа» қасидалари Навоийнинг бошқа қасидалари сингари юксак ижтимоий, маърифий мазмуни, илғор социал ғоялар, инсонпарварлик туйғулари билан ажралиб туради. «Фусули арбаа» асосан дунёвий мазмундаги қасидалардан ташкил топган бўлса ҳам, унда шоир пантеизмига хос фалсафий парчалар ҳам учрайди.


Ҳилнинг тўрт фасли манзаралари ва социал воқеликнинг ҳаққоний акс эттирилиши нуқтан назаридан «Фусули арбаа» Навоийнинг реалистик асарлари гуруҳига киради. Шу билан у шоирнинг «Ситтаи зарурия» туркумига кирган тасаввуф руҳидаги қасидаларидан ҳам ғоявий мазмун, ҳам ижодий метод томонидан алоҳида ажралиб туради. «Фусули арбаа» Навоий ижодида романтизмдан кўра реализм методи устун эканининг яна бир ёрқин исботидир.

«Фусули арбаа»даги Султон Ҳусайн мадҳлари шоир билан подшоҳ ўртасидаги турли низолар билан бирга дўстона, самимий муносабатлар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Лекин шунинг алоҳида қанд этиб ўтмоқ зарурки, Навоийнинг Султон Ҳусайн ҳақидаги барча асарларида учраганидек, «Фусули арбаа»да ҳам Бойқаро шахсияти шоир томонидан идеаллаштирилади. Бир томондан, Султон Ҳусайн ҳақидаги мақтов қасидаларида Бойқаро шахсини одатда турли-туман муболағалар билан идеал даражасига кўтариш, феодализм даври сарой адабиёти традицияларидан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, бу хил мақтовларни кўпроқ шоирнинг романтик орзулари ифодаси ҳам деб тушуниш ҳақиқатга яқин бўлиши ке-

рак. Яъни подшоҳ ҳамма жиҳатдан шоир мақтовларига сазовор бўлмаса ҳам, Навоий шундай улуғлашга лойиқ оқил, доно ва одил подшоҳнинг Султон Ҳусайн шахсиятида мужассамланишини истар эди.

Тўрт юз йилдан ортиқ муътабар китоблар дунёсида яширин ҳолда ётган «Фусули арбаа» қасидаларининг бугун топилиб, рўёбга чиқиши, халққа тақдим этилиши улуғ устоднинг туганмас меросини урганишда янги очилган олтин саҳифалардан биридир.

Биз Навоийнинг «Фусули арбаа» қасидаларини нашрга тайёрлаб, биринчи бор ушбу тўпلامга илова қилдик (18—33-бетлар).



علیشیر فانی
فصول اربعه
|سرطان|

- 1 باز آتش خور ساخت سمندر سرطانرا
افروخت چو آتشکده کلبزار جهانرا
هم کرد عیان باد سموم آه جزین را
هم ساخت بیان بار حجر سر نهانرا
از شعله و دود سحر و شام جهان سوخت
مریخ و زحل کی کند این نوع قرانرا
خورشید پی شعبده بازی جو مشعبد
از شوره و از طلقوثر آراست دکانرا
5 کلرینز نکور هر طرف از خط شعاعش
آتش بازی کرده همه سیرت و سانرا
انجم قطرات قلعی آمده هر سو
در طاس فلك تافته از خور ثوبانرا
در دود میسند از شرر کز دم فاسید
کشتست عیان سر خجه اغضای دخانرا
ز آتش نه زیبانه است که از فرط حرارت
گردست برون از دهن کوره زبانرا
برخاک اکبر پیویه زند کس نتوان یافت
از پاشنه یاخود سرانکشت نشانرا
10 گویا کوره بار نه افتاده ز جایش
و افکند بدور کره ارض مکانرا
کشتست هوا شعله به بین در حجر و طین
خواهی نکری احقر و خاکستر آرا

در چشمه که جوشیده برآید ز زمین آب
 چون جوش ز کر ماست به بینش جریانرا
 گاه جریانش نه حبابست که کشته
 پا آبله از تاب زمین آب روانرا
 کرماو عرق ساخته چون ماکت حمام
 از چین بدن پیر همه شخص جوانرا
 15. در تافته ریکش بنکر جار سم اینک
 بشکافته و سوخته آهوی دوانرا
 ورنه ز جه ناساید از جستن مفرط
 ره داده در انفس و وجودش خفقانرا
 از آرزوی شوشه یخ جا بتوان داد
 در سینه تفسیده لب تشنه سنانرا
 در کوزه گردون شده خورشید جو آتش
 ذرات شرارست همی شعله آنرا
 آتش که زبان آوری او زربانه است
 کس عالمنی معنی آن صوت و بیانرا
 20. کویاکه جو حمی شده مفرط بهزاجش
 کردست عیان گاه تکلم هدیانرا
 نر جور فلک خون شده از لعل دل کوه
 کافتاده ز کر ما احکر سینه کانرا
 آن رفت که از آتش عشق و دل محرور
 کس نکته سکال آمده اینای زمانرا
 کز گفتن آتش بخلاف مثل اکنون
 سوزد که زند آبله اطراف زبانرا
 مانند سیه سینه شود داغ وجودش
 هر مرغ که بر خاک نهد جسم طیانرا
 25. شد آنکه دم صبح ز انفس مسیحی
 دادی بطن خاک همی مژده جانرا
 آن واقعه آمد که هوا از دم مهلك
 زایل کند از سنك سیه تاب و توانرا
 زمین گرمی خورشید برست آنکه پنه ساخت
 ظل شرفی رایت جهشید زمانرا

سلطان فلک قدر حسین آن شه غازی
 کز عدل جو فرخوس جهان ساخت جهانرا
 شاهی که زیك کنکر قصرش بدکر یک
 صد ساله پریدن فکند مرغ کمانرا
 30 از چاوشیش قدر و بها کسری و جمرا
 وز جاگریش عز و شرف قبصر و خانرا
 از صولت او مور تنی شیر عرین را
 وز شوکت او پشه‌وشی پیل دمانرا
 بدلش بخیال خرد افکنده طمعرا
 احسانش از نفس طمع برده هوانرا
 آید جو نسیم کرم از کلمشن خلقش
 سازد بنظر نار سغر ورد جانرا
 ور زانکه شراری جهد از آتش قهرش
 خاکستر بی وزن کند کوه کرانرا
 35 ای فیض رسانی که بجز فیض پذیری
 کاری نبود پیش تو یک فیض رسانرا
 هم ابر زدست تو کند کسب کرمرا
 هم جرخ ز خاک در تو رفعت شانرا
 بر کسوت عمر عدو از ماه لوایت
 آن آمده کز پرتو مهتاب کتانرا
 کیو فطره خون عدوی تیغ ترا بین
 نادیده عمیق یمن و برق بمانرا
 در وادی عدل تو ز افرات سیاست
 کلمبی است نکه دار رمه کرک شبانرا
 40 از تربیت سرو قدی آمده گل‌خدا
 در طرف چمن جون نکری سرو جهانرا
 ز ریاشی دست نه جو ابرست که گاهی
 روشن کند از صاعقه یک سوی جهانرا
 کائور که چون میر فشايد زر احسان
 بر زر کند آفاق کران تا بکرانرا
 برر ای منیر تو جو نظاره کند میر
 ز ایل کندش هورت خجلت برقانرا

چون بر چمن حلم و وقار تو وزد باد
 از دل برد آن تازه هوایش ضربانرا
 45 آنروز که از ابر بلا فطره پیکان
 بارد که زیند آب نضای میدانرا
 دو صفی جو دو کوهی که بود رستخیزان
 بنموده جو برك و شجرش تبع و ستانرا
 زان کوه و جنان پشه ییلان عربده آید
 بیمنند جو در طعمه خوری شیر زیانرا
 هر کرد بجهون خودی آویخته در وزم
 آنکیخته در کیمینفوری برق جهانرا
 از خون که بجز سو شد چون سیل روانه
 صحرائی و غا کرده عیان لاله ستانرا
 50 متعار صفت کرده ز هر گوشه دهن بار
 چون میل سله خوردن خون زاغ کمانرا
 بر بختی کف ریز غریبو خم رویمن
 آن نوع نطق فلك افکنده فغانرا
 کز جنر اصم پیده مغز از تعب رنج
 آنکشت بکوش آمده فریاد آمانرا
 آن لحظه اگر باشسته بران سنگ خیز
 جنبانیسی و تحریک ذئی کوه کرانرا
 زانسان فرع اکبر از افاق برآید
 کافلاک بخود یابد از آن ورطه زیانرا
 55 هر سوی که روی آوری کر حصم بود کوه
 چون گاه چه قوت بودش حمل جانرا
 در یک نفس آثار نماند ز اعادی
 چون از اثر برق خس باد پیرانرا
 کار عدو و زمکه آورده فراهم
 تابی جوسوی بز مکه عیش عذانرا
 کج کرده بفریق سر خود تاج کیانی
 ز اقبال قدم زیب دهی تخت کیانرا
 ملکی که ز شاهی بگرفتی بگدایی
 بخشی جو دهی جلوه کفی ملک ستانرا

60 اندر خور بزل و کرمت نقد رسائی
 نبود بیقین حوصله نی بحرو نه کانرا
 یابد ز سیا تا فلک اعظمت احسان
 یعنی ز عطا مایه دهی خرد و کلانرا
 در بزم نوال تو دو قرصند مه و مهر
 چون پهن کند خادم احسان تو خوانرا
 وین طرفه که در دور تو محتاج نه سایل
 تا بشکند از خوان چنین نان چنانرا
 زان رو که کدایان سرخوان تو بخشد
 بسیار بشاهان ز چنین مایه نانرا
 65 دین داریت آن کونه که یک نکته که کویی
 بالخاصیه سازی جو حرم دیر مغانرا
 شاهها جو ز اول بدو صد عیب خریدی
 این بنده بی فایده هیچ مدانرا
 بپتر ز توام کس نشناسد ز بد و نیک
 از نیک و بد من چه یقین را چه کمانرا
 نشنیدنت اولیست ز تعریف و ز تعریض
 اندر حق من نکته بیماک و فلانرا
 از عیب و هنر هر چه تو کویی که چنانی
 من بنده قبول از دل و جان کرده همانرا
 تا در سرطان از اثر کرمی خورشید
 خورشید و شاتند خریدار کنانرا
 71 یادا همه مامور تو وز مخزن لطف
 آماده کتان در سرطان خلعتشانرا

[خزان]

i دیگر شد پهر سنجیدن برابر عدل دورانرا
 ز کافور و ز مشک روز شب دو پله میزانرا
 و لیسکن مشک افزونتر شود کرچه هوا از برد
 کوند کافور کاری هر نفس کوه و بیابانرا

شد از بیس دماغ دهر سودا غالبش آن نوع
 که سازد در سواد شب نهبان اعضای عریانرا
 نه کر سودایی مجنون شده هر سو شجر از جه
 لباس از بر فکنده بر کشد از باد افغانرا
 بشوخان شجر بنکر که از بیماری مفرط
 عیان کردند هر سو زعفرانی رنگ بستانرا
 بجوی آب چون کل خورد آن زردی بین یاخود
 فلک در آب افکندست عکس برک اعصابرا
 اگر کل خوردنش خواهی که گردد بر دلت روشن
 نشاءه در لبش یابی کل در کام پنهانرا
 همه زردی نکو کز روز بازار نشاط دی
 خزان آراسته اجناس رنگارنگ دوکانرا
 خزان نبود مگر شوخان کلمش را بهار آمد
 که ظاهر کرده هر یک تر لباس خویش الوانرا
 10 کفی خود را خنا بسته جنار از محض رعنائی
 کزین در اضطراب افکنده خوبان کلمستانرا
 شکسته سرو بهر دست او مانند مشاطه
 نکار از برک و ظاهر کرده نقش و هیئات انرا
 جنار ایش از آن سازد عیان کز غایت شوخی
 ز تری نکار بسته سازد خشک دستانرا
 سپیدار از حریر لیمویی وز حله اصر
 بسی شرمندگی آورده خورشید درخشانرا
 نه برک توت کز مومست کرده نخل بندبها
 ز صنعت نخل بند دهر زیب باغ و بستانرا
 15 بدان هیأت که طوبی را تو کویی برکها رسته
 ز شکل ثابت و بسیار حسن باغ رضوانرا
 چمن از برک رمان شعله آفرود ولی سازد
 در او اخگر مثال حقهای لعل رمانرا
 بهر یک حقه بینی صد هزاران لعل رمانی
 اگر آری برون زان حقه کوههای پنهانرا
 زرشک از قطره های خون که ظاهر کرد ارو کردون

همانا کره‌مان دم کرده خون الود بیکانرا
 سماق آتش زده در پشته خود تا که برهاند
 ز سرما پشته پروازان اطراف کیستانرا
 20 در اوراق رزان نقاش صنع از خامه حکمت
 بروی زر ورق از رنگ لعلی ریخت افشانرا
 مکه لعلی مکر از باده لعل است آن افشان
 پی ترغیب می در این چنین فصلی جریفانرا
 بیاغ از بلبل نستان سرا کر چه اثر نمود
 معنی کو بدین مطلع مزین ساز دستانرا
 خزان ز اوراق به زاکثوک که زینت داد بستانرا
 خوش آید سرخ رویی از شراب زرد مستانرا
 بده ساوی می اصر برنک شعله آزر
 که باشد روشنایا می رنگین دهقانرا
 25 عجب مدفون که از جوی زرش دهقان جو بکشاید
 ز خاک آرد بروی کویی خواص آب حیوانرا
 چه زیبا بکر شوخی کو جو بروی آید از پرده
 درو صد پرده از کافرو شبیا اهل ایمانرا
 چه خورشیدی که جون از مشرق ساغر شود طالع
 بر افروزد بشام عیش صد شمع شبستانرا
 و کر از روی آشناکش افتد بر توی دردل
 جو ساز موسی افروزد دل ارباب عرفانرا
 و کر از لطف بنماید طریق مجلس آرای
 دهد آرایش فرخوس اعلی بزم سلطانرا
 30 ولیکن نیک ناید جز بیاعی کش خزان سازد
 ز اوراق نجوم آساش روشن کاخ ایوانرا
 ببرک زعفرانی آبکش خطبای شنکرفی
 نشان خون اشک افتد رخ عشاق کریانرا
 کند برک مرد از لعل فامی ناظرانرا هست
 مکر می در کلبه آورده بود این بستانرا
 33 اگر چه نیست آن موسم که از کلبه شود کلشن
 چه صورت خانه مانی ظهور صنع یزدانرا

ארבעה עשר ימים ביום
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'
 ויש להם משנה וכו'

ز تطقش بستمکیها نکتۀ عیسی [و] مریمرا
 ز رایش تیرکیما پنجه موسی [و] عمرانرا
 کمینه جاگر رومیش بین در حیل قیصررا
 کمینه بنده جینیش دان در پیش خاقانرا
 شهنشاهی که صد خاقان و قیصر بنده سان باشند
 جو اندازد بفرق اهل عالم ظل احسانرا
 فلک حاهی که در بانان در گامش دمی صد ره
 ز نعل موزه جنبانند مغز فرق کیوانرا
 20 جو نعل زر بیک دو میخ کوکب رخشا را بندد
 بپا تا افتد و یابد کدایی میز رخشانرا
 جو اندر حکمت اسرار خلقت فکر بیکمارد
 بیاید آنچه محفی مانده افلاطون یویانرا
 زهی شاهی که از رای تو باشد روشنی هر روز
 بگردون میز را ز انسان که از وی ماه تابانرا
 بود جزمت بهر کاری که باید کرد تا حدی
 که از خاطر بناد تیر بستان داده نسپانرا
 ببحر و کان ز ابرو آفتاب آن در و یاقوتی
 که خواهند از نیابند از گفت یابند تاوانرا
 25 فلک همچون کواکب گردد از دوران خود راجع
 بر جعت کرد ساند قاصد امر تو فرمانرا
 شوند افلاک و انجم کر بجشم تربیت بینی
 بروز بار خرکه را درو کلهای کمسانرا
 ببحر و بر غرض قصد درخت عمر خصم تست
 تهنک از اره را در کنار دارد پیل دندانرا
 دو صد میدان جهد چون کوهی هر که جابک عزمت
 بطرف کنبد گردون رساند نوک چوکانرا
 ز قعر تیره جاه تخیل حکمت رایب
 برون آید نه صد ماه مقنّع ماه کنعانرا
 30 بود بند و کشاد کاینات از امر و نهی تو
 خرد بر چرخ انجم بندد این بیهوده بهتانرا
 بسی نان چون مه و خورشید سایلرا شود روزی

بیزم از کسترد قسام جود و حشمت خوانرا
 تخیل کر نبندد نقش جون ذات تو موجودی
 درین مبحث خرد هر دم نماید منع امکانرا
 بدفع سحر اعدا کر قدم مانی زمان فیمد
 هم از ذات تو موسی را هم از روح تو ثعبانرا
 بروز رستخیز کین که کردان دعا خواهند
 فروشاندن باب تیغ و پیکان کرد میدانرا
 35 غریو کوس حربی هر زمان در اضطراب آرد
 بمجرای مباح اندر عروق ارض شریانرا
 سنانهارا نیستان بلا بینی ز انبوهی
 ز بس کلکون علم آتش فتاده ان نیستانرا
 عیان کردد قیامت از تحرك در دو کوه صف
 که امید حیات اندم نماید نوع انسانرا
 ز کرد رزمکه ابر بلا رو بر سپهر آرد
 فلک زان ابر بر اطراف ریزد تیر بارانرا
 ز بس غلظت عبار صرصر آفت کند تیره
 همه چشم زرهرا سر بر سر بل رنگ خفتانرا
 40 کشیده تیغ کین جون آفتاب اتروز هر جانب
 بپویه افکنی جون اشهب افلاک بکرانرا
 برون آری دمار از روز کار خاکنی و آبی
 نکویم پوردستانرا که بل سام نریمانرا
 بهر ضربی که اندازی چه از خنجر چه از روین
 ز تن آری برون خوانرا بخون آمیخته جانرا
 بهر نیزه که بر بایی سوارو افکنی بر چرخ
 نیاید بر زمین تسمیرده اندر آسمان جانرا
 که کر کوشش نمایی فتح اقلیمی بهر جمله
 که بخشش بیک سایل ببخشی حاصل آنرا
 45 جو از میدان رزم و جیش بر کشته بغیروزی
 پی این بزم عیش زینت بخشی ایوانرا
 فراز تخت جهشید و فریدون افکنی مسکن
 فرو شسته ز خورشید دو عارض کرد میدانرا

بی خوشحالی اهل ضرب از نکتۀ جانبخش
 سکندروش فرو ریزی بسافر آبجوانرا
 بدورت ساقیان ماه پیکر باده کردانند
 کشیده مطربان زهره آیین صوت الحانرا
 ترا با آن توانایی و ضرب تبع عالم کبر
 دهد رو عالم دیگر که ریزی اشک غلطانرا
 56) خیال درمندیهای عشقت اوغند در سر
 کز آه اشک ظاهر سازی اندر بزم طوفانرا
 ز آه سرد اهل بزم را شر دن زتن آتش
 که دیده برد کسو ظاهر کند چون برق نیرانرا
 بنیلت بحر و حودت کمان نماید تاب از آن معنی
 که سازی خشک ظرفی بجز را حالی کونی کائنرا
 شها از عیدۀ مدح تو بمرهون آمدن سازد
 مرا عاجز جنان کز وصفی خیرالناس حسانرا
 همان بجز که نارم بر زبان غیر از دعا کویبی
 تسازم منفعل از مدحتت طبع پریشانرا
 همیشه تا که بعد از رفتن فصیح بچار آید
 خزان و شان این باشد در ونکیمنهای دورانرا
 بچار باغ جهت باد از باد خزان آیدین
 مبینک از کمال آیین اقبال تو نقصانرا
 57) ز ملک آرایبی و عنایت چنانرا باد معموری
 خصوصا ملک ایرانرا در و حلق خراسانرا

اندی

1 ز خر که فلک آتش نیفت دود سحاب
 درآ بخر که و آتش بزرگ از من تاب
 نمونه بجز مشمع نمود قوس قزح
 پی لفاغه خرگاه آسمان ز سحاب
 اکبر نه ابر لفاغست بجز خر که جرح
 ز تار قطره چرا هر طرف کشید طناب
 ز بس که سیم فشان گشت ابر سیمایی
 ز سیم برف زمین شد جو قلزم سیماب

5 ز بحر دی اکرت آرزو بود در عیش
 بیا و کشتی دریای لعل را در یاب
 شویمست کلغنی از شعله و ز خاکستر
 که هست آن یکش الطایی این دگر سنجاب
 بسوی مغرب نارد شدن زمشرق میتر
 اگر نیفکند از ایر پیل بروی خلاب
 در آمدن بر کابست و بردن سرما
 در فنا شده کویا بیای خلق رکاب
 هوا خزیده ز سرما در آهنین کنبد
 بروی آب که یخ بسته قبیای حباب
 10 مکو حباب که از شدت پرودت دی
 جو فرش سیم شده سطح میتره کرداب
 فروغ عارض خوبان بگاہ یخماله
 بود جو بر فلک آب رنگ نور شیباب
 جو بوم شعله شود پرزنان ز شدب برد
 ز کالوار درو اوفتنند خیل غراب
 زه بس بیاض که بر چشمیا رسید از برف
 بسان سرمه عزیز آمده سواد تراب
 مکوئی سرمه که جیوان مشک ناب خاک سیاه
 بزیر یرده کافور کون شده نایاب
 15 ز یرده بین شریست تمکبوت آسا
 که در دهانش همه تار سیم کشته اعاب
 بلورزه جثه مفلس ز شوق آتش تیز
 مشابه دل محمور از هوای شراب
 شده جو جز اصم کوش مفلسان ز سماع
 که دو کتف شده بر رهگذار کوش حجاب
 بجشم شعص تحرك نموده جز لوزه
 جو میت متحرك ز قدرت وهاب
 در آب مافی بی حس جو میخ رفته بخاک
 بخاک مار فتاده بسان [پشه] طناب
 20 گذشته جون ملج از پشت هر طرف زانو

هرآنکه بوده بهم دست سای همچو ذباب
 جو دیده شعله برنگ پیرملج جسته
 درو بسان ملج کرده خویش را پرتاب
 درون حلقه چشم اشک بسته چون عینک
 ولی بچشم ازان نسی فروغ کسب و نه تاب
 ز باد قیامت دی مرده آتش زردشت
 که کشته از دم عیسی زنده کی نایاب
 درین زمان که ز سوراخ سوزنی صرصر
 چنان وزد که شود زو بتمای عمر خراب
 25 جو نار خانه طلب کن گرفته روزن او
 درو جو دانه اش احکرجو آب او می تاب
 مغنی و حریفی و ساقی دلکش
 کزین سه جار نیاید عدد فزون بحساب
 نشاط کن که مغنی اذا کند این شعر
 بیاد مجلس شاعنش رفیع جناب
 که ای ز عارض و لب گاه میل بزم شراب
 در آب ساخته آتش عیان در آتش آب
 بغیر روی و دهانت ندیده کس ذره
 درون دایره افتاب عالمتاب
 30 که خرام قندت کو بیا معاينه بین
 هر آنکسی که ندیدست عمر را بشتاب
 نقاب مانع نور رخ تو نیست که نیست
 چهار پرده کردون بافتاب حجاب
 کشم خیال تو را رشتنای جان بسته
 ز بهر وصل همینم مرتب است اسباب
 جو راه چشم بیستم بیماری های جگر
 درون خیال رخت مانده بودو بیرون خواب
 ببوی وصل نچند رو بدر کت فانی
 چنانکه اهل عبادت بکوشه محراب
 35 میسر ار شود رو بدر که شاهی

نهم که کحل مرا دست خاکش از همه باب
 بکلمک صنع ابوالغازیش لقب کشته
 لقب که کفته قضا کان احسن الالقاب
 نجوم کوکبه سلطان حسین دریا دل
 که بحر رفعت اورا فلک شدست حباب
 سپهر جنر معلاش را بته سایه
 چرا که قبه او کشته مهر عالمتاب
 نجوم رخس سبکپاش را بنعل سیم
 چرا که بویه او را سپهر کشته تراب
 40 زهی بیایه رفعت ترا مکان جایی
 که لامکانش جو تحت الثری شده بحساب
 خبی بندروه حشمت ترا محل اوجی
 که عرش کشته بخاک حضيض او نایاب
 سمند عزم ترا سرعت آنچنانکه به بطو
 نموده جرخ سر بعش چنانکه خر بخلاب
 رکاب حلم ترا آن ثبات کاندر چشم
 نموده ارض کرانش جو آسمان بشتاب
 ز دست جود تو شد بحر و کان چنان خالی
 که کوه توده خاشاک کشته بحر سراب
 45 ز لطف عام تو کر تیک و بد جهان منعم
 که کس سوال نیابد بصد هزار جواب
 نسیم کلشن خلق تو جون وزید بروح
 دم مسیح نموده جو دود نار عذاب
 شرار شعله قهرت جو جسته جرم سپهر
 هزار برق بلا کرده بسرزمین پرتاب
 شده ز تیغ تو ویران عمارت تن خصم
 شود چنانکه عمارت ز آب تیز خراب
 دل عدوت ز بیکان ناوکت مرده
 چنانکه شعله نار کین ز قطره آب
 50 ز سهم تیر تو فتح هزار حصن حصین
 بلی غمام ز باران نموده فتح الباب

پی فزونی عشرت بیزم حشمت تو
 که آن زمد کمانچه است یا نوای ریاب
 فلک ز کیسوی ناهید بمدد انرا موی
 قضا ز بر ملایک بیان دهد مضراب
 سپهر قدر تو بحری که بیز غرقه خصم
 بود هزار جو کردون دایرش کرداب
 دران زمان که ز باد فتن عمار بلا
 کشد نقاب بر خسار میز عالمتاب
 64 غریو کوس دعا آن قیامت اندازد
 که بکسلند ز هم اشتران جرخ طناب
 دو صف بهیات تو کوه آهن از پی قتل
 که رسته در وی از تیغ و نیزه صورت غاب
 پی شکار ندر و حیات و طوصی روح
 پرد خلدنک ز زاع کمان ببال عقاب
 درم بسکه ملک عدم رسد از کوز
 جو بر بشیزه جوشن زنند بقول ضراب
 بساز تیغ همه از فواد خون لیسند
 چنانکه گاه غذا از جگر زیان ذیاب
 65 جو حمله جانب خصم آوری دران ساعت
 کشیده تیغ ز ظل نوای فتح ماب
 چنان ز جا رود از صد مه تو صف عدو
 که کوه خار و خس از پیش ندر و سیلاب
 وزد نسیم ظفر بر نوای منصورت
 بیز طرفی که بوجه کنی برای صواب
 ظفر پناه سباه ترا بیز جمله
 ندای فتح مبین بپشنود ز غیب خطاب
 ز رزمکه جو با یواک بزم رانی رخس
 هزار کسری و کیمسروت روان بر کباب
 66 درون قصر فلک رفعت حیات آرا
 نهاده بزم کیانی کنی جو میل شراب
 یقین که در خور آن رزم باشد این بزم

که دور چرخ ندیدست مثل هر دو بخواب
بسعی هر چند شاهان گرفته باشی ملک
کنی عطای کدایان بمدح بی اطناب
همیشه تا پشتا پوشد ابر کافوری
ز برف پره کافور کون بجزم تراب
بمجلس می کافور طبع مشکین عطر
بعیش باد مقوی بر نیک لعل مذاب
هزار بار جوانمردیت جو بر مک و طی
هزار سال جوان بختیت جو عهد شباب

М. Шайхзода

ТАЗКИРАЧИЛИК ТАРИХИДАН
(Алишер Навоийнинг озарбайжонлик
тазкирачи шоғирди ҳақида)

Алишер Навоий даҳосининг биллур чашмаларидан томиб-томиб хазиналар яратган дурдоналар, башариятнинг олтин фондига кириб қолганлиги ҳар қандай шаку шубҳадан холи бир ҳақиқатдир. Навоий ҳали барҳаёт вақтидаёқ унинг шеърлари — купинча ғазаллари, рубойилари, мустазодлари ва қитъалари фақат шоир турган шаҳарни ва юртигина эмас, бир қанча яқин ва узоқ мамлакатларни ҳам тасхир ва мафғун қилганини замондошлари бир оғиздан эътироф этадилар. Биз булардан фақат биттасининг гувоҳлиги билан кифояланамиз. Навоийнинг замондоши Давлатшоҳ ибн Алоуддавла (1438—1491) ўзининг машҳур «Тазкират-уш-шуаро» (асар 1486 йилда тугалланган) номли китобида Навоийнинг шеърлари ҳали муаллифнинг тирпклик чоғида нақадарлик шуҳрат топганини очиқ ва равшан иборалар билан уқтириб ўтади.

Навоийнинг эпоси ҳақида у: — «...Орифлар шайхи Низомийнинг «Хамса»сига жавоб ёзгандирки, улуғ амирдан олдин ҳеч ким бундай фазилатга киришган эмас ва дарҳақиқат шоир ўша дostonда (dostonларда, — М. Ш.) маъноларни ўрни-ўрнига қўйиб қойил қилган»¹.

Давлатшоҳнинг шу шоҳидлигидан аён бўладики, Навоийнинг «Хамса»сига кирган dostonлар ўз вақтидаёқ афкор омма назарида юксак баҳо олган экан. Дарвоқе, агар «Хамса»нинг сўнгги dostonи «Садди Искандарий» 1485 йилда тугалланган бўлса, Давлатшоҳ ўз «Тазкира»сини ёзаётганида (1486) улуғ эпопеянинг тугаганига уч йил бўлган эди. Уч йил эса бу dostonларни чинакам тақдирлаш учун кифоя муҳлат бўлган.

¹ Давлатшоҳ Самарқандий, Тазкират-уш-шуаро, Теҳрон, Шохобод, 1337 хижрий (шамсий — 1958). Мухаммад Аббосий таҳрири остида, 562-саҳифа.

Лекин эпик асарлар билан бир қаторда, Алишер Навоий тинмасдан буюк лирикасини ҳам яратганки, девон шаклида тўпланган бу асарлар «Хамса» дostonларидан ҳам олдинроқ шуҳрат топиб кетганлар. Бу девонларнинг қиймати ҳақида мазкур Давлатшоҳ бундай деган: «Улуғ амирнинг туркий девони султонлар ва киборлар мажлисларининг зийнатидур ва Навоий арганунининг² унлари мунгли ошиқларни «рост» йўлига олиб келади»³.

Давлатшоҳ бу парчада Алишер Навоий лирикасининг қудрати ҳақида сўзлаётганида сўз ўйини ясаб, «рост» сўзини икки маънода — ҳам тўғрилиқ ва ҳамда классик мақомлардан бири бўлган «Рост» мақоми маъносида қўлланади.

Бу умумий баҳолардан сўнг, Давлатшоҳ Самарқандий Навоий шеърининг жуғрофий сарҳад ва доирасини ҳам белгиламоқчи бўлиб бундай дейди:

«У қанча ҳам ширин овозадирки, турклар диёридан (яъни: Туркистондан,— М. Ш.) то Ҳижоз чегараларига бориб етган, у нақадар ажойиб дабдабадирки, Нишопурдан то Исфаҳонгача чўзилиб кетган. Ажамлар (эронийлар,— М. Ш.) юртидаги аҳолининг қулоғи бу гўзал садоларга тўлган ва оламнинг ҳамма бурчақлари бу денгиз баракатидан дурдоналар муясар бўлган...»⁴.

Биз Давлатшоҳнинг бу шаҳодатига тамомила ишонч ва эътибор билан қарашимиз лозим. Аввало шуки, Навоий ҳали тирик вақтида бир шоир сифатида кенг шуҳрат топганини қатор замондошлари яқдиллик билан тасдиқлайдилар. Масалан, Навоийнинг кичик замондоши Зайналобидин Восифий ўзининг «Бадое-ул-вақое» номли кўп машҳур ва қимматли асарида Ҳиротда Навоий шеърларининг халқ ўртасида ашулага тушиб расм бўлганини хотирлайди ва намуна учун шоирнинг бир мустазодини мисол қилиб («Дин офати бир муғбачаи моҳи лиқодир майхонаи бебок...») ⁵ келтиради. Иккинчидан, маълумки, Навоий ўз дostonларини ёзишга 80-йилларнинг бошларида киришган бўлса, ундан анча олдин, 25—30 йил мобайнида лирик шеърлар — газаллар, рубоийлар, қитъалар, мусамманлар, мустазодлар, муножотлар, наътлар, соқийнома-лар соҳасида, бир қанча ажойиб асарлар ёзиб, буларни икки

² *Арганун* — классик музыкада чолғу асбоби, бу ерда эса ушбу сўз кенг маънода олинниб, умуман Навоий лирикасининг рамзи сифатида талкин этилади.

³ Давлатшоҳ, Тазкира, 569-саҳифа.

⁴ Давлатшоҳ, Тазкира, 569-саҳифа.

⁵ «Ҳирот шаҳрида ҳеч бир сарой ва уй йўқ эрдиким, бу таронадин холи бўлғай» (Восифий, Бадое-ул-вақое, хоразмлик Диловар хужа таржимаси, қўлёзма, 249-саҳифа).

девои ҳажмида туплаган ҳам эди. Албатта, бу асил ва нафис шеърларнинг шаҳар, сарой, бозор, зиёли, косиб ва мадраса муҳитларига хуфя бўлиб сақланиши мумкин эмас эди ва зотан буларни халқдан яшириш на Навоийга керак эди ва на унинг дўстларига. Рақиблар эса қанотли қўшиқларнинг йўлини тўсишдан ожиз эдилар!..

Учинчидан, Давлатшоҳ Самарқандий шоирлар ҳақида маълумот берганида, Навоий ва Ҷомийларга чуқур ҳурмат билан қарайди. Лекин шуниси ҳам борки, Навоийнинг жамиятдаги мавқеи шу қадар мустаҳкам эдики, у бировларга хушомадгўйлик қилишга муҳтож эмас эди. Чунки унинг ўзи энг юқори киборлар табақасидан бўлиб, «амир»лик унвонига ва салтанат девонида мўтабар мавқега эга эди.

Тўртинчидан, Давлатшоҳ ўз «Тазкира»сида айрим нуқсонлар, жумладан айни бир шахснинг исми, тахаллуси ҳақида ёхуд айни бир ҳодисанинг жойи ва санаси тўғрисида янглишларга ва қарама-қарши маълумотларга йўл қўйса-да, булар кўпинча илгари ўтган ва ёки эшитилган воқеаларга доирдир. Муаллиф ҳамиша бевосита кўришиб турган таниқли ва мўтабар киши (Амир Алишербек) ҳақида тахминий гапларни қаламга олиши ёки бепарво иборалар ишлатиши жоиз эмас эди. Маълумки, Давлатшоҳ ўз асарини форсий тилда ёзган. Энди шундай савол туғилиб қолади: бу муаллиф туркий — ўзбек тилини қай даражада билган ва буюк шоиримизнинг даҳосига баҳо берадиган даражада бу тилнинг нозик томонларига тушунганми? Бу саволга жавоб бериш учун, Давлатшоҳнинг ўз «Тазкира»сида Алишер Навоийга бағишлаб ёзган бир қитъасини ва бир қасидасини эслатиш kifоядир. Ҳар иккала шеър муламма (مولمما) тарзида ёзилган бўлиб, бошдан-оёқ бир байт туркча, иккинчи байт эса форсча келтирилган. Шу билан биз Давлатшоҳнинг туркча (ўзбекча)ни мукамал билганини аниқ кўрган бўламиз⁶.

Давлатшоҳ, Навоийнинг ёшлик давридан бошлаб зуллисонайн (икки тилли) бўлганини ва ҳар иккала тилда ҳам зўр маҳорат соҳиби эканини уқтириб ўтгандан кейин, амир кабир ҳақидаги муламманни келтиради:

Туркисин кўруб қилурлар эрди гарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Қардарий
Бовужуди форсий дар жунби шеъри комилаш
Чист ашъори Заҳиру, кист бори Анварий!?

Тўртликнинг таржимаси: Агар шоир Лутфий ва Қардарий тирик бўлганда эдилар, Навоийнинг туркча ёзган шеърлари-

⁶ Қаралсин: «Тазкират-уш-шуаро», 560 ва 573—74-саҳифалар.

ни кўриб ўзлари ёзишдан бутунлай тавба қилиб минбаъд бу ишни ташлаган булар эдилар. Унинг мукаммал форсча шеърларига қараганда Заҳирнинг шеъри нимаю, Анварийнинг узи ким бўлар эди?

Бу қитъада Давлатшоҳ икки туркий ва икки форсий шоирни олиб Навойига қиёслайди ва Навойийнинг маҳоратини улардан устун қўяди. Бинобарин, мантиқ бўйича, муқоясага олинган бу шоирларнинг оддий эмас, буюк, забардаст, қиёслашга лойиқ йирик санъаткорлар бўлиши шарт. Булар ким? Бу шоирлардан биринчиси ҳаммамиз билган улуғ турк — ўзбек шоиридирки, ўз замонасида (XV аср) «маликуш-шуаро» (шоирлар подшоси) лақаби билан шуҳрат топган ва Навойи салафлари ичида энг зўр туркийгўй шоир ҳисобланган. Мазкур қитъанинг биринчи байти охирида зикр этилган Қардарий ким? Бу саволга бирданига жавоб бериш қийинроқ кўринди. Чунки Қардарий номи билан танилган катта, йирик (ёки машҳур бўлмаса-да, моҳир) бирон шоирни танимаймизки, у Навойидан илгари туркий-ўзбек тилида қимматли асар яратган бўлсин. Қардар узи нима ва қаёқда? «Қомус-ул-аълум»нинг «Қ» ҳарфида «Қардарий» исмида бир олимнинг Хоразмдаги Қардар қишлоғидан чиққани ҳақида маълумот берилди⁷. Абулмафохир номи билан шуҳрат топган бу олим фикҳ (диний ҳуқуқшунослик) фанига доир арабча ёзилган бир қанча асарларнинг муаллифи бўлган. Аммо бу киши назм билан шугулланмаган, бунинг устига у асарларини фақат арабча ёзган. Демак, Давлатшоҳнинг муддаоси буладиган туркийгўй шоир бу зот эмас экан.

Баъзи бир қўшимча манбалар ва маъхазларга⁸ мурожаат қилганимиздан кейин маълум бўлишича, Хоразм улкасининг Қардар қишлоғида 761 ҳижрий (1359 милодий) йилда вафот этган Маҳмуд бин Али деган бир шахс «Наҳж-ул-Фародис» (жаннат боғларининг йули) номли диний-ахлоқий бир асар ёзган экан. Умрининг бир қисмини Олтин Ўрда пойтахти Сарой шаҳрида кечирган бу муаллиф исломият илмларидан чуқур хабардор бир арбоб бўлган. Бу асарнинг бир қанча нусхалари мавжуд бўлиб, хусусий қўлларда сақланиб келганидан унинг ўз замонасида анча тарқалганидан дарак беради. Мавжуд нусхалар қаторида Истанбулда Янги Жоме кутубхонасида 879-сон остида сақланган нусхаси Маҳмуд бин Али ҳали тирик вақтида хоразмлик бир котиб томонидан кўчирилиб Хоразм шеvasига уйғун равишда ҳамма сўзлари ҳаракатлан-

⁷ «Қомус-ул-аълум», Истанбул, 1888—1898, V жилд, 3840-саҳифа.

⁸ «Ислом энциклопедияси», III жилд, 24 жузв, Истанбул, 1945, 287-саҳифа.

ган (зебу забарлар қўйилган). Бу жиҳатдан қараганимизда, асарнинг ҳалиги нусхасини текшириш хоразм шевасининг ва балки адабий лаҳжасининг тарихини урганиш учун жуда катта илмий аҳамиятга эгадир⁹. Ҳар ҳолда, фикримизча, Давлатшоҳ туркий назм утаси деб кўрсатган Қардарий деган шоир шу Маҳмуд ибн Алидан бошқа киши эмас, деб айтишимиз мумкин. Мазкур қитъадаги икки форсий шоирга келганимизда, булар ҳам таққослашга сазовор бўладиган буюк шоирлардандир, чунончи, булардан биричиси Заҳир Фаробий бўлиб, Туркистонда мавжуд Фарёб шаҳрида туғилган (XII аср) ва қасидачиликда катта шухрат қозongan. У шеър, адаб ва турли илмларда шу даражада донг чиқарганки, замондошлари унга «садрул-ҳукамо» (ҳакимлар бошлиғи)¹⁰ деб лақаб берганлар. Миерадаги иккинчи шоир булса Заҳирнинг замондоши машҳур ва маъруф қасидачи Анварийдир.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг эпос ва лирика соҳаларида яратган шоҳ асарлари, унинг бошқа тур ва навларда қилган катта ва муҳим хизматларини маълум даражада сояда қолдириб кетган. Ҳолбуки, Навоийнинг илмий, тадқиқий, адабий текшириш ва тарихий асарлари ҳам кейинги ўзбек шоирлари, адиблари ва олимларига, умуман Яқин ва Урта Шарқнинг сўз санъаткорларига ҳамда сўз мутахассисларига, яъни бир сўз билан айтадиган бўлсак, унинг халафларига¹¹ таъсирсиз қолмаган, ахир!

Биз бу мақоламизда Алишер Навоийнинг тазкирачилик мактабини давом эттирган халафлардан озарбайжонлик бир адибнинг асари ҳақида сўзламоқчимиз.

Маълумки, илми бадъ (бадний санъатлар, қофия илми ва аруз фанини ўз ичига олган классик поэтика билими) эски шеърининг ички қурилиш қоидаларини текшириш билан кифояланиб қолган. Адабиёт тарихини систематик ва ёҳуд, жуда бўлмаса, тематик равишда тасвирлаб баён қилиб бериш

⁹ Каралсин: «Хоразмда ёзилмиш эски туркча асарлар», «Туркийёт» мажмуаси, II, 315—347-саҳифалар; Фуод Кўпрули, Турк адабиёти тарихи, 1928, 340—347-саҳифалар; Самойлович, Жужу улуси ва ё олтун ўрду адабий тили, «Турк дили», 12-сон, Истанбул, 1935, 35-саҳифа.

¹⁰ Шибли Нумоний, Шер-ул-аҷам ё тарихи адабиёти Эрон, V жилд, Урдудадан Оқони Саид Муҳаммад Тақи Фаҳри доний Гилоний таржимаси. Техрон, 1918 ҳижрий (шамсий 1939), 3—4-саҳифалар (форсча).

¹¹ Баъзи бир адабиётшуносларимиз халаф (последователь) сўзини янги ясалган «издош» сўзи билан ифода қилмоқчи бўладилар. Фикримизча, бу сўз гоъят ясама ва ноқулай бўлиб, ўша тўшаничани бермайди, зероки «издош» сўзидан айни вақтда, бир пайтнинг ўзида бир изнинг ўзини босаётган икки йўлдош англашлади. Ҳолбуки, бу ерда бир раҳбарнинг орқасидан унинг изини босиб бориш жоъси бор. Биз эски илмий таъбир — «халаф»ни қўллаш тарафдоримиз.

илми бадеънинг вазифасига кирмаган. Зотан, бизнинг замонамизда адабиёт назарияси бирон халқ ва ё даврнинг адабиёт тарихини нақл қилиб бермагандай!

Бугун Шарқ халқларининг адабиёт тарихларини асл манбалар орқали текшираман, деган тадқиқотчининг асосий сўянадиган маъхазн турли замонларда, турли шахслар томонидан турли сабаблар билан ёзилган тазкиралардир. «Тазкира» сўзи арабча бир калима бўлиб, мақсадни унутмаслик учун ёзув орқали зикр этмок демакдир. Мусулмон Шарқи мамлакатларида бориб-бориб кенг тарқалган тазкира жанри ва умуман тазкирачилик катта муваффақиятларга ва қаттиқ анъаналарга эга бўлиб қолган. Тазкирачи муаллифлар ўз асарларини турли белгилар ва қондаларга рноя қилган ҳолда тузганлар. Мавжуд тазкираларда одатан маълум бир даврнинг ёки маълум бир мамлакатнинг (кўпинча қатор ҳамсоя мамлакатларнинг) шоирлари ҳақида гап боради. Ёзувчилар, одатда, бор белги остида туркумлашади. Сўнгра булардан ҳар бири борасида алоҳида маълумот берилади. Бу маълумотлардан ҳар бирини мақола ёхуд мақолача, тўғрирогн фиқра деса бўлади. Булардан бир хили уч-тўрт жумладан иборат кичкина хабарга ўхшаса, бошқа бир хиллари дурустгина муфассал тақриз ёки танқидий мақолани эслатади. Одатда, бу фиқраларнинг схемаси қўйилагичадир: а—шоирнинг исми, лақаби, қаерданлиги ҳақида қисқа маълумот; б — шоирнинг ҳаёти, характери, баъзи хусусиятлари тўғрисида қисқа маълумот; в — шоирнинг ижоди, асарлари, асарларидаги хусусияти, асарларининг ўз даврида қай даражада шуҳрат топганлиги; г — бу шоирга тазкира муаллифининг муносабати ва ёки, акенича, шоирнинг тазкирачига нисбатан тутган мавқеи (бу маълумот шоир билан тазкирачи ўртасида шахсий танишлик бўлган тақдирдагина берилади); д — шоир ҳақида эл оғзида ёхуд муаллиф хотирасида сақланган бирон қизик воқеа ёки латифа; е — шоирнинг назмидан бирон мисол (бу, одатда, газал ё қасиданинг матлаи, бирон маснавий ёки рубоий ва ёхуд китъа бўлади); ж — шоир умрининг охири (агар ўлган бўлса, қаерда дафн этилгани албатта кўрсатилади).

Турган гап, барча тазкирачиларда ва ҳамма шоирлар ҳақида ёзилган фиқраларда айнан шу схеманинг сақланиши шарт эмас. Бу моддалар олдинма-кейин бўлиши, айрим моддаларнинг тушиб қолиши мумкин. Лекин, умуман олганда, биз кўрсатган схема кўпчилик тазкиралар учун характерли ва тиликдир. Тазкиралар кўпинча ё географик, ё монографик, ё хронологик, ё сулолавий, ё ижодий принципда қурилади ёки шоир номларининг охиридаги ҳарфларга қараб алифбе

тартибида берилади. Аммо бу принципларнинг икки-учтасини қўшиб, аралаштириб тазкира тизган муаллифлар ҳам бор.

Шарқда (ислом дунёсида) бизга маълум бўлган энг эски адабни мажмуа Абулфарах Али ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Алқураши ал-Исфаҳоний (897—967) томонидан тузилган «Китоб-ал-оғони» (қўшиқлар тўплами) дирки, бу асар, гарчи бевосита ва том маъноси билан тазкира турига кирмаса-да, катта бир даврнинг поэтик ижодиётини системалаштириш ва баҳолаш нуқтан назаридан кейинги тазкирачиларга маълум даражада нўл очиб бергандир. Ўзи шахсан умавийлар сулоласига мансуб бўлган Абулфарах бу китобда халифаликнинг илк даврига оид кўп қимматли материалларни тўплашга муваффақ бўлган. Қоҳира нашрида 21 жилдчи ташкил этган бу муаззам китоб тор маънода тазкира жанрига кирмаса-да, кейинги катта тазкирачилик амалиёти учун кенг йўл очиб берган. Чунки бадий шеърининг манбаи ва буюк қисминини ташкил қилган оғзаки поэзия «Китоб-ал-оғонининг бутун мазмунини ташкил этади.

Шарқда (биз бу ерда ислом маданияти ва дини доирасига кирган Шарқ мамлакатларининг кўзда тутамиз) илк тазкира ёзган олим араб адаби Алсаълабий бўлган (X аср). У ўзининг «Ятимат-ул-дахр» (Замонанинг дурдонаси) номли тазкирасида араб тилида ёзган ёзувчилар ҳақида гапириб, ҳар бир адиб хусусида қисқакгина ҳаётини маълумот бергандан кейин унинг асарларидан намуналар келтиради. Бу тазкира тамомила географик белгилар билан тизилган бўлиб, шoir вi ёзувчиларини Сурия (Шом), Ироқ, Жибол, Хуросон (Мовароуннаҳр ҳам бу доирага киритилган) ўлкаларига қараб туркумлаштиради.

Саълабийдан анча кейин форс-тожик адабиётчилари ҳам шoirлар ҳақида асарлар яратиб бердилар. Бироқ булар ҳали том маъноси билан тазкира бўлишдан анча узоқ турар эди. Чунки буларда бир қанча бўлак масалалар қаторида йўл-йўлакай ёки бiron муносабат билан шoirлар ҳақида сўз боради. Бундай асарларга яққол мисол қилиб Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола» номли асарини кўрсатиш мумкин¹². 1156—57 йилларда Афғонистоннинг Бомийн водисидида мавжуд бўлган Ғулғула қалъасида самарқандлик Низомий томонидан ёзилган бу китоб подшоҳларга хуяқу ахлоқ, одобга оид насихатлар билан тўлган бўлиб, асосан орифлар (зиёлилар)нинг қадру қийматини улуғлашни, уларнинг меҳ-

¹² Аҳмад бин Умар бин Али Низомий Арузий Самарқандий, Чаҳор мақола, 1313 хижрий, Техрон, Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний таҳрир этган танқидий матн.

натини ва хизматини юксак баҳолашни шоҳларга эслатиб ўтади. У ҳар бир ҳукмдорнинг даргоҳида ва ҳаётида тўрт табақа зиёлининг катта роли борлигини кенг тавсиф қилиб ўтади. Булар: 1 — дабирлар, яъни котиблар ёхуд мушшилар; 2 — шоирлар; 3 — мунажжимлар ва 4 — табиблардан иборатдир. Муаллиф ҳар бир зиёли мутахассиснинг шарафли меҳнати ҳақида уз даврига нисбатан прогрессив фикрлар баён қилгандан кейин бу тўрт табақанинг намоёндалари ҳақида ўзи ривоят тариқасида эшитган ё курган ва ёхуд ўқиган воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Бизни бу ерда кўпроқ қизиқтирган жиҳат муаллифнинг шоирлар ҳақида берган маълумотларидир. Низомий Арузий Самарқандий IX, X, XI, XII асрларда Урта Осиё, Эрон ва Афғон тупроқларида ҳукм сурган ҳукмдорларнинг хонадонларига хизмат қилган ёки уз тақдирини уша ҳукмдорларнинг саройлари билан боғлаган шоирларни ана шундай қилиб, сулола белгиси билан туркумлаштириб рўнхатга олади. Чунончи, муаллиф Сомонийлар хонадонининг исмини абадийлаштирган сабаб деб улар даврида устод Рудакийнинг, Абу Аббос Рабинжонийнинг, Абу Мусал Бухорийнинг, Абу Исҳоқ Жўйборийнинг, Абулҳасан Оғажийнинг, Таҳовийнинг, Хаббози Нишопурийнинг ва Абулҳасан Алқисойининг яшаб ижод қилганларини кўрсатади. Сунгра муаллиф Наериддин хонадонига, яъни Ғазнавийлар сулоласига мансуб подшоҳларнинг номларини абадийлаштирган шоирларни (Унсурий, Асжадий, Фаррухий, Баҳромий, Масъудий, Масъуд Саъд Салмон, Усмон Мухтор, Маждуд Санони ва бошқаларни) бир сира санаб ўтади.

Ҳоқонийлар хонадонига, яъни кўпинча бизга Қорахонийлар номи билан танилган сулолага хизмат қилган шоирларни (шулар қаторида Кулобий, Нажиб Фарғоний, Амъақ Бухорий, Рашид Самарқандий, Жавҳарий, Суғдий, Али Шатранжини ва бошқаларни) зикр этгандан кейин Низомий Арузий, бириктеги Буя хонадонига боғлиқ шоирларни, Салжуқийлар сулоласига хизмат қилган шоирларни, Табаристон маликларини улуғлаган шоирларни санаб ўтади ва ниҳоят Шансабийлар сулоласига мансуб Ғур подшоҳларини мадҳ этган шоирлар ҳақида гапирганида, Абулқосим Рафийи ва Абубакр Жавҳарийлар қаторида ўзини ҳам эслатиб «камтарини бандагон Низомий Арузий»¹³ (бандаларнинг энг камтари Низомий Арузий) деб ўзининг ҳақиқатан Бомбён водисига қоймақом бўлган кичкина феодал давлатига астойдил хизмат қилганини эътироф этади.

¹³ «Чаҳор мақола», 25-саҳифа.

Низомий Арузийнинг «Чаҳор мақоласи» ҳали тазкира типда ёзилган асар бўлмаса-да, форс-тожик тилларида тазкирачиликнинг шаклланиши йўлида маълум бир босқични ташкил этади. Арузийдан кейин бир қанча тарихчилар ва тазкирачилар муаллифнинг китобини муътабар маъназ деб билиб, ундан кўп фойдаланганлар. Масалан, XIII асрнинг бошларида, яъни бизнинг муаллиф ўз асарини тугатгандан олтинчи йил кейин, «Тарихи Табаристон»ни ёзган Ибн Исфандиёр Низомий Самарқандий китобидан Фирдавсий ҳақида берилган маълумотни бутунлай ўз асарига кўчириб олган эди¹⁴. То XVII асрнинг охириларигача кўп тазкирачилар Низомий Самарқандийнинг асаридан кенг фойдаланганлар. Бу китобнинг эски ва янги бир қанча қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиши унинг ўз даврида анча кенг шухрат топганига далолат қилади.

Форс-тожик тазкирачилигининг ва шу билан бирга турк (ўзбек) тазкирачилигининг шаклланишида ва такомилланишида маълум бир роль уйнаган шу қизиқ асарнинг услуби ҳақида маълум бир тасаввур туғдириш учун муаллифнинг Умар Хайём ҳақидаги ҳикоясини, яна тўғриси хотирасини бу ерда келтиришни хоҳлар эдим. Гарчи таржимда бу эпизод ўз латофатини йўқотса-да, буюк шоир ҳақида жонли гувоҳ қили билан ёзилган бу хотира ўзининг гамли нафосати ва ҳасеъ назокати билан китобхон дилини мафтун қилади.

Ҳикоят: Беш юз олтинчи йилда¹⁵ Балх шаҳридаги Қулжаллоблар кўчасида Амир Саъд Жарранинг қўрасига хўжа имом Умар Хайём ва хўжа имом Музаффар Исфизорий меҳмон бўлиб қўнган эдилар. Мен уларнинг хизматини ўтаб туриб эдим. Зиёфат қизигида мен Ҳужжатул-ҳақ¹⁶ Умарнинг шу гапларини эшитдим: «Менинг қабрим шундай бир жойда бўладики, ҳар баҳор чоғида шаббода устимга гуллар солиб ташлайди!» Мен бу сўзларга таажжубландим, бироқ бундай бир зотнинг ёлгон сўзламаслигини ҳам яхши билар эдим.

Қачоқким, мен беш юз уттузинчи йилда¹⁷ Нишопурга бориб қолганимда, ул буюк инсон юзига тупроқ ниқобини тортганига ва шу пасткаш дунёни етим қўйиб кетганига тўрт йил тўлган эди. Менинг зиммамда ҳам у зотнинг устодлик ҳақи бор эди.

¹⁴ Бу тўғрида қаралсин: «Чаҳор мақола»нинг русча нашри (Москва, 1963), А. Болдирев ёзган сўз боши, 20—21-бетлар.

¹⁵ Милодий тарих ҳисоби билан 1112/13 йилда.

¹⁶ Ҳақиқатнинг далили. Чўқур илми ва ҳаққоният тарафдори бўлгани учун Умар Хайёмга берилган лақаб.

¹⁷ Милодий ҳисобда 1135/36 йил.

Жумъа куни мен унинг хокини зиёрат қилмоқчи бўлиб, гуристонга жунадим ва унинг қабрини менга кўрсатсин деб ўзимга битта ҳамроҳ ҳам топиб олдим. У киши мени Ҳира гуристонига олиб борди. Мен чап томонга қайрилиб, қўшни боғ билан гуристон уртасига солинган деворнинг этагида унинг мақбарасини кўрдим. Уша боғдан кўтарилган нашвоти ва зардолу ёғочлари ўз баргдор шоҳларини қабр устига ёйиб, бу қабрни гулларга фарқ ва ниҳон қилган эдилар. Мен шу дамда у кишидан Балхда эшитган сўзларини хотирлаб, фарёд деб йиғлаб юбордим»¹⁸.

Шунинг ҳам қайд қилиб қўйиш керакки, «Чаҳор мақола»ни илмий асосларда текшириб, унинг таъқидий матнини нашр этишда ва шу билан бирга, Низомий Арузий томонидан йўл қўйилган баъзи бир хатоларни (исмларни, саналарни, баҳо-ларни ва бошқаларни) тузатишда марҳум Мирзо Муҳаммад-хон Қазвинийнинг хизматлари фоят каттадир. Бу олим «Чаҳор мақола»нинг аслида «Мажма-ун-наводир» (нодир нарса-лар тўплами) деб аталганини исбот қилиб берди¹⁹.

Форс-тожик тилларида бизгача келиб етган, **чинакам тазкира** деб аталишга лойиқ илк асар Нуриддин Муҳаммад Авфий (1171—1233) нинг машҳур «**Ўубоб-ул-албоб**» (Мағизларнинг мағзи) деган китоби саналади²⁰. Бу асарида Авфий исломиятдан кейин пайдо бўлган форс-тожик шоирлари ҳақида мароқли маълумот беради.

Китоб XIII асрнинг бошларида хижрий 618 йилда²¹ ёзилгандир. Китоб муаллифи Муҳаммад Авфий кайерда туғилгани аниқ бўлмасда, ёшлик даврининг катта бир қисмини Бухорода ўтказгани учун, адабиёт тарихчиларидан баъзи бирлари уни Авфий Бухороний деб атайдилар. Авфий Бухородан кейин Самарқандга бориб Қорахоний шаҳзодаларидан Қилич Арслон хизматида мунши (котиб) бўлиб ишлаган.

Авфий бундан кейин Хуросон, Сейистон ва Хоразмнинг турли шаҳарларида турди ва схири мўғул босқинидан эсонмон қолмиш ниятида кўп диёрларни кезиб, 1219 йилда Синд ва Мултон ҳукмдори Носириддин Қобажанинг наздида бош-

¹⁸ «Чаҳор мақола», 53—54-саҳифалар.

¹⁹ Асар унинг ўз муаллифи кўнган номдан кўра кўпроқ китобхонлар доираси кўйган қўлайроқ ном билан шуҳрат топиб кетишига яна бир мисол қилиб Навонийнинг «Ҳазойин-ул-маоний» асари «Чор девон» унвони билан танилганини эслатиш кифоядир.

²⁰ Авфийдан илгари ҳам форс-тожикча тазкиралар ёзилган бўлса-да, булар замонамизга келиб етмаган. Камолиддин Хотунбийнинг «Манокит уш-шавро-си (XI аср) бундан ёзилган асарлардандир. Қаралсин: Абдулғафий Мирзоев, Баъзе қайдҳо онд ба яқ мақола, «Садон Шарқ», 1966, 2-сон, III-саҳифа.

²¹ Милодий 1221 йил.

пана топади. Ана шу ерда у 1221 йилда подшоҳнинг вазири Айналмулк Раҳмиддин Алҳусайний номига ўзининг шоирлар тазкирасини, яъни «Лубоб-ул-албоб»ини яратди. Кейинча у Деҳлига кўчиб, у ернинг ҳукмдори Шамсиддин Элтутмиш даргоҳида илмий-адабий ишларини давом эттирган²².

Деҳлида у машҳур «Жавоми-ул-ҳикоёт ва лавоми-ул-ривоёт» (хикоялар йиғини ва ривоятлар ёруғи) номли асарини битирди²³.

Авфийнинг шу иккинчи асари XIII асрдан бошлаб Шарқ-Ислом оламида кенг шўҳрат топиб, узоқ вақт давомида тарихчиларга ва адабиётшуносларга муътабар маъхаз (илк манба) ролини ўйнаган. Турт қисмдан (ҳар қисм эса йигирма беш бобдан) иборат бу асар турли касб эгалари, яхши ва ёмон хулқлар ва табиат ҳодисалари босида қизиқ материалга эгадир.

«Лубоб-ул-албоб» эса бир муқаддима ва ўн икки бобдан иборат бўлиб, у даврнинг шоирлари ҳақида навбатма-навбат маълумот берилади. Шеърнинг хусусиятларидан, маъно ва мафҳумидан, шеърини ижод билан шуғулланган ҳукмдорлар, давлат арбоблари ва олимлар ҳақида гап боради.

Лекин, масаланинг ажабланурлик томони шундаки, «Лубоб-ул-албоб» гарчи «Жавоми-ул-ҳикоёт...» асаридан олдинроқ ёзилган бўлиб, адабиёт тарихида мустасно бир ўринда тургани ҳолда, уч аср мобайнида ҳеч кимга ва ҳеч қаерда маълум бўлмай қолган, тазкира тузган адиблар ва шулар қаторида биринчи галда Давлатшоҳ ўз «Тазкират-уш-шуаро»сида, Жомий ўз «Баҳористон»ида ва Навоий ўз «Мажолис-унафоис»ида Муҳаммад Авфий ҳақида мутлақо ҳеч нарса айтмайдилар. Фақат Аҳмад Амин Розийнинг 1594 йилда ёзган «Ҳафт иқлим»ида бу тўғрида маълумот берилгандан кейин «Лубоб-ул-албоб» тез орада донг чиқаради, нусхалари кўчирилиб, Шарқ мамлакатларида танила бошлади²⁴.

Ҳатто XIX аср бошларида Қўқон адабий муҳитида «Лубоб-ул-албоб» маълум ва муътабар бир китоб бўлиб танилганини биз шоир Фазлий билан бирга шоира Маҳзуна ўрта-сидаги мушоирада Фазлийнинг бир имосидан пайқаб олишимиз мўмкин:

Юз офарини сўзингга «Лубби лубоб» кўрмай,
Арзи жамол этарму оинна об кўрмай²⁵

²² Ислом энциклопедияси, II жилд, II жузв, 23-саҳифа. Фуод Қўпрули мақоласи.

²³ «Большая Советская Энциклопедия», 28-том, «Мухамед Ауфи» сарлавҳали мақола.

²⁴ «Қомус-ул-аълום», 6-жилд, 4218-саҳифа.

²⁵ «Ўзбек шеърнати антологияси», Тошкент, 1961, 178-саҳифа.

Тазкира жанрининг пайдо бўлиши ва умуман тазкирачиликнинг тараққиётини тўғри тасаввур қилиш учун Муҳаммад Авфийнинг мазкур асаридан албатта хабардор бўлмоқ лозим. Ўзи ўзбек адабиёти тарихида кўп қимматли тазкира («Мажмуат-уш-шуаро») яратган Фазлий, юқорида эслатиб ўтганимиздек, «Лубоб»ни тилга олиши бежиз эмас. Ўзбек адабиётининг устозлари бу асарни (гарчи у Навоийдан бир аср кейин маълум бўлиб қолган бўлса-да) мутолаа қилишни ва ундан воқиф бўлиб туришни маҳорат ва маърифатнинг бир даражасидек баҳолай бошлаганлар.

1902—1906 йилларда бу китобнинг яхши муқаддима ва ҳошиялар билан нашр этилиши²⁶ Ўрта Осиё ва Эрон маданият тарихига оид кўп қимматли бир маъхазнинг кенг илмий тадқиқот доирасига киришига сабаб бўлди²⁷.

Бироқ биз юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, XV асрда Муҳаммад Авфийнинг тазкираси адабий доираларда ҳеч кимга маълум эмас эди. Шунинг учун бу даврда Давлатшоҳ тизган «Тазкират-уш-шуаро» бу соҳанинг (форсча) энг вазмин ва машҳур маҳсулларида саналган. Умуман олганда эса, бутун форс-тожик тазкирачилигида Авфийнинг «Лубоб-ул-албоб»идан кейин иккинчи тазкира Давлатшоҳнинг «Тазкират-уш-шуаро»си ҳисобланади²⁸. Асарда 350 шоир ҳақида маълумот берилади. Китоб Хуросон ва Ўрта Осиё тарихининг X—XV асрларига оид материалларга бой. У бир дебоча, етти боб ва хотимадан иборат бўлиб, Алишер Навоийга бағишланган. Гарчи «Тазкира»нинг қўлёзмалари кўп бўлса-да, лекин булар талай хатолар билан кўчирилган нусхалардир. Асарнинг энг яхши матни машҳур инглиз олими Эдуард Браун томонидан тайёрланган эди. Кейинча эронлик адабиётшунос Муҳаммад Аббосий бу матни қадимий ва мўътабар бир нусха билан қиёслаб, 1958 йилда Техронда чоп эттирган. Китобда шоирлар ҳаётига доир латифалар кўпдир. Бу китоб Эрон ва Ўрта Осиё адабий ҳаётига доир материалларининг бойлиги билан шўҳрат топиб, Ғарб ва Шарқ илмий доираларида бир маъхаздай истифода қилинади. Масалан, Фон Хаммер (Вена, 1818) Европада ва Сулаймон Фаҳмий афанди Туркияда²⁹ мазкур асардан мўътабар манба каби фойдаланганлар.

²⁶ Муҳаммад Авфий, Лубоб-ул-албоб, Эдуард Браун ва Мирзо Муҳаммадхон Казвиний нашрга тайёрлаган танқидий матн.

²⁷ «Ислом энциклопедияси», II жилд, 11-жузв, 22—23-саҳифалар.

²⁸ «Краткая литературная энциклопедия», II том, «Дуалатшах Самарканди» мақолаسىга қаралсин.

²⁹ Сулаймон Фаҳмий, Сафинат-уш-шуаро (шоирлар кемаси), Истанбул, 1943.

Тазкиралар ҳақида гап борар экан, адабиёт тарихчиси яна бир нарсани эътиборга олиши керакки, шоирлар ҳақидаги тазкиралардан ташқари, тасаввуф арбоблари — суфийлар, шайхлар, пирлар туғрисида тузилган тазкираларда ва ҳатто ҳукмдор хонадонлари борасида ёзилган солномаларда ҳам шоирлар ҳақида мароқли маълумотларга тасодиф қилинади. Шулар жумласидан Фаридиддин Атторнинг «Тазкират-ул-авлиё», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул-унс» ва Навоийнинг «Насоим-ул-муҳаббат»ида бундай мисолларни учратишимиз мумкин. Маълумки, Навоийнинг «Насоим-ул-муҳаббат»ида Аҳмад Яссавий ва Адиб Аҳмад каби туркий шоирлар ҳақида гап боради. Яна туғриси, гарчи бу кишиларни у «машоихлар» (шанхлар) унвони остида берса-да, булардан ҳар бири уз соҳасининг иirik шоири бўлганки, адабиёт тарихчилари учун масаланинг бу томони кўпроқ қизиқарлидир. Муаллиф, узидан илгариги тасаввуф тазкираларига — чунончи, Фаридиддин Атторнинг «Тазкират-ул-авлиё» ва Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул-унс» асарларига кирмаган «турк машоихи»ни имкон борича «тилаб топиб», уз китобига киргизганини айтади³⁰. У «Ҳибат-ул-ҳақойиқ»ни ёзган Адиб Аҳмад ҳақида дейдики:

«...Ул ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида гариб нималар манқулдир. Кўзлари бутар эрмиш ва асло зоҳир эрмас эрмиш»³¹.

Бундан кейин Навоий Адиб Аҳмаддан икки байт келтирадики, улардан биттаси ҳам шу ҳикматли фарддир:

Сўнгакка иликдур, эронга³² билик³³,
Биликениз эрон, ул — сўнгакениз илик³⁴.

Навоий Адиб Аҳмаднинг XV асрда кўпчилик турк халқлари ўртасида машҳур бўлганини ва унинг ҳикматлари билан нукталари эл-улус ўртасида шойеъ (тарқалган, ёйилган) бўлганини очиқ кўрсатади. Шу билан унинг тили ваъз ва насихатларга мосланган турк лафзларидан иборат бўлганини қайд этади:

³⁰ «Жомий ва Навоий», Тошкент, 1966, 112—113-саҳифалар.

³¹ Фуод Кўпрули, XII аср турк шоири Адиб Аҳмад («Турк тили ва адабиёти ҳақида текширувлар» тўпламидан), Истанбул, 1939, 70-саҳифа.

³² Эрон — эр киши.

³³ Билик — билим, дониш, илм, маълумот («Луғати чағотойӣ-туркий-усмоний», I жилд, 94-саҳифа, Истанбул, 1298 ҳижрий Шайх Сулаймон Бухорий асари).

³⁴ Уша асар, 71-саҳифа.

«... Ва анинг тили турк алфози³⁵ била мувоиза³⁶ ва насойихга³⁷ гўё³⁸ эрмиш, балки, аксар турк улусида ҳикмат ва нуқталари шойеъдур ва назм тариқи била айтур эрмиш...»³⁹.

Шуниси диққатга лойиқдирки, «Насойим-ул-муҳаббат»да муаллиф Адиб Аҳмаддан келтирган байтлардан бири ва яна «Муншоот»⁴⁰даги мактублардан бирида баён этилган тўртлик Адиб Аҳмаднинг машҳур «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» асарида учрамайди. Демак, Навоий даврида Адиб Аҳмаднинг иккинчи бир асари ҳам халқ ўртасида кенг шуҳрат қозонгандир.

«Насойим-ул-муҳаббат» билан шундай танишув очиқ-аён кўрсатадики, Навоийнинг авлиёлар ҳаётига доир ёзган (ёки Жомийдан эркин таржима қилиб, бунга бир қанча материаллар қўшган) шу асарида адабий тазкирага яқинлашаётган бир қанча унсурлар бор экан.

Зотан адабиёт тарихчилари тазкираларни уларда мавжуд мундарижаларга кўра бир неча турга ажратганлар. Уларни «Тазкират-уш-шуаро» (шоирлар тазкираси), «Тазкират-ул-машойих» (шайхлар, авлиёлар ҳақидаги тазкира), «Тазкират-ул-хаттотин» (хаттоғлар ҳақида тазкира) каби номлар билан атаганлар⁴¹.

Навоийнинг авлиёлар ҳақидаги тазкираси шоирлар ҳақида ёзиладиган тазкираси учун бир босқич, балки машқ ролини ўйнагандир.

Аммо Навоий ўзининг машҳур «Мажолис-ун-нафоис» асарини бошлаганида асосан Давлатшоҳнинг «Тазкират-уш-шуаро-сига ва Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»ига ухшаш асар яратмоқчи эди.

Навоий Абдурахмон Жомийдек «олимиқдор кишининг «Баҳористон» отлиғ китоби»да⁴² бир равзанинг вазнлик кўйловчи булбулларга бағишланганини қайд қилиб ўтганида Жомийни

³⁵ Алфоз — лафзлар

³⁶ Мувоиза — ваъзлар.

³⁷ Насойих — насихатлар.

³⁸ Гўё — гапирувчи, сўзлаётган.

³⁹ Фуод Кўпрули, XII аср турк шоири Адиб Аҳмад, 71-саҳифа.

⁴⁰ Адиб Аҳмаднинг рубойиси шудир:

Атодин хато келса, кўрма хато,
Савоб бил хато қилса доғи ато.
Отаннинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин кўтқаргай худо.

Фуод Кўпрули, XII аср турк шоири Адиб Аҳмад, 72-саҳифа (Мисол Париж миллий кутубхонасидаги Навоий асарларининг куллиётидан, II жилд, 397-варақдан олинган).

⁴¹ Огоҳ Сирри Левенд, Девон адабиёти, 422-саҳифа.

⁴² «Мажолис», 2-саҳифа.

бир қанча тазкирачилардан ажратиб олгандек бўлиб «Ул жумладин бири»⁴³ деб қўрсатади. Сунгра Алишер Навоий «Хуросон мулкининг асил мирзодалари орасида фазл ва доғиш зевари билан баҳраманд бўлган амир Давлатшоҳ»нинг «Тазкират-уш-шуаро» отлиғ китобига юксак баҳо бериб, «воқиян бисм захмат тортибдур ва бу тоифани яхши жамъ қилибдур»,⁴⁴ дейди.

Лекин тазкирачилик оламида мавжуд бўлган асарлардан Навоий фақат шу икки асарининга билганми? Албатта, йўқ. Бу тўғрида у очиқдан-очиқ баён қиладики, бу бобда (яъни тазкирачиликда,— М. Ш.) «яна доғи расоил ва кутуб бор»⁴⁵. Аммо Навоий мазкур тазкира рисоалари ва китобларидаги асосий нуқсон деб, уларда фақат илгари ўтиб кетган шоирлар ҳақида сўз бориб, замонанинг (Навоий ўз замонасини— XV асрни ва хусусан асрнинг II ярмини кўзда тутди) шоирлари, айниқса ғазалнавис шоирлари ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаганини билади.

Навоий, тазкираларнинг вазифаси — шоир ва адибларнинг номи замон саҳифаларидан ўчмасин деб, уларнинг азият номларини китобларга нақш қилиб қўйишдан иборатдир, деб кўп тўғри тушунади. У Абдураҳмон Жомийнинг адабиёт ва маданият соҳасидаги мавқенга улўғ баҳо бериб, саккиз равза (боғча)дак иборат бўлган «Баҳористон»нинг еттинчи равзаси шоирларга бағишланганини катта ташаккур ила қайд қилади⁴⁶.

Лекин, юқорида айтганимиздек, Навоий ҳар иккала тазкирада кўпроқ илгари ўтиб кетган шоирлар ҳақидагина гап бориб турганидан қаноатланмайди. У ўз замондошлари қаторида бир қанча шоирларнинг илгари ўтган санъаткорлардан сира қолишмаслигини қайд қилиб дейдики: «... ишкаста хотирға ва синўқ кўнгулга келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси биле бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай, то бу нўзмандаар ҳам бурунги шуаро ақобири зайлида мазкур бўлганлар...»⁴⁷.

Бу «аср шуароси» деб ўз асрдон ва замондошларини назарда тутган Навоий, айтиш мумкинки, «Мажолис-ун-нафос» (1491) китоби билан ўзининг энг кўпроқ замонавий мавзуда ёзилган асарини яратгандир, зероки «Мажолис» том маъноси билан тазкира, яъни адабий-тарихий турдаги асар бўлиш би-

⁴³ Уша жойда.

⁴⁴ Уша жойда.

⁴⁵ *Расоил* — рисоалар.

⁴⁶ Алишер Навоий, *Мажолис-ун-нафос*, Тошкент, 1961, Суйима Ганиева нашрга тайёрлаган танқидий матн. 2—3-саҳифалар.

⁴⁷ «Мажолис...», —3—4-саҳифалар.

лан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз юксак бадний моҳиятга ҳам эгадир. Бу асардаги хотиравий парчаларнинг пухталиги, тилнинг сунъий ва ясама сажълардан холи, содда ва раван бўлиши, одамларга берилган сифат ва тавсифномаларнинг жазбали сурат(образ) даражасига кўтариллиши, кўпчилик фикра (мақолача, модда)ларнинг чуқур ва самимий лиризм билан озукланиши, баҳоларнинг асл завқ ва тамиз дид билан ифодаланиши китобга олий бадний ҳислат бахш этади.

Хоҳ Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»и ва хоҳ Алишер Навоийнинг «Мажолис»и ҳақида бир қанча монографиялар ёзилиб, улар ўзбек китобхонига яхши маълум бўлгани учун, биз бу асарлар устида алоҳида тўхтаймиз. Биз тазкирачилик тарихида жуда кам текширилган ва бизнинг китобхонларга номаълум бўлган асарларни юқорида багафсилроқ тушутиришимизнинг боиси ҳам шудир.

Маълумки, «Баҳористон» асари Жомийнинг ягона бадний насрий асаридир. Муаллиф ўзи бу китобни буюк эрон шоири ва адиби Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»идан илҳомланиб ёзганини «Баҳористон»нинг дебوحасида эътироф этади⁴⁸.

«Баҳористон» саккиз равзага (боғчага) бўлинади. Булардан биринчиси — машҳур шайхлар ва авлиёларга, иккинчиси — донишмандларнинг ҳикматли гапларига; учинчиси — ҳукмдорларга; тўртинчиси — саховат ва ҳимматга; бешинчиси — муҳаббатга; олтинчиси — ҳазил ва мутўйибаларга; еттинчиси — машҳур ва атоқли шоирларга; саккизинчиси — жониворлар баҳсида масалларга багишлангандир.

Жомий, ўзи аниқ кўрсатганидек, «Баҳористон»ни 908 ҳижрийда, яъни милодий ҳисоб билан 1486/87 йилда ёзиб тугаллатгандир.

Буюк эпик шоир, ажойиб лирик таронасоз, файласуф, тилшунос, адабиётчи бўлган Абдурахмон Жомийнинг даҳосида ҳосил бўлган бу асар ҳам оригинал, мароқли ва юксак адабий-тарихий аҳамиятга эга бўлган бир асардир. Гарчи «Баҳористон» бутунлигича, бошдан-оёқ тазкира типидagi асар бўлмаса-да, бу китобнинг еттинчи бобида шоирлар ҳақида берилган маълумот ва шеърятга оид мулоҳазалар уни энг қийматли тазкиралар қаторига қўйишга ҳақ беради.

Тазкирачиликда Навоий ўзига хос бир из очиб, айниқса

⁴⁸ Е. Э. Бертельс, Навои и Джами, М., 1965, стр. 246—247.

туркий тилларда биринчи⁴⁹ ўлароқ тазкира яратгани учун ва бу мақоламизда биз Навоий тазкирачилик мактабининг Озарбайжон заминида давом этганини кўрсатмоқчи бўлганимиз учун, «Мажолис»нинг баъзи бир хусусиятларини эслатиб ўтишни лозим топамиз.

Навоий ўз асарида прогрессив мавқелардан туриб адабиётнинг тарбиявий ва эстетик аҳамиятини чуқур тушунганини исботлаган. У ҳар бир шоирдан ёхуд шеър ҳаваскоридан чуқур мазмун ва пухта шакл талаб қилади. Фикраларда олинган ҳар бир шоирнинг ҳаёти, тақдири, ижтимоий сиймоси, ҳунари, истеъдоди, фазилати ва нуқсонлари бир бутунлик ташкил қиладики, бу факт ўзи Навоийнинг ўз асарига катта илмий масъулият билан ёндашганига далилат қилади.

«Мажолис» муаллифи учун қаламга олинган шоирнинг қайси тилда ижод этганлиги бефарқ эмас. У ҳар қайси шоир (унинг қайси тилда ёзишидан қатъий назар) ижодига яраша баҳо бериш билан бирга, ҳамisha туркий (ўзбекча) ёзган шоирлар ҳақида сўзлаётганда уларнинг шу тилда асарлар яратганини алоҳида қайд қиладики, шу билан у ўзининг юксак ватанпарварлик ва халқпарварлик бурчини адо қилмоққа тайёр эканини намойиш қилади, зеро она тилида бақувват бир адабиёт яратиш, унинг туғма халқи тушунаётган тилда рангоранг асарлар ижод этиш шоиримиз учун баланд виждоний вазифалардан бири эди. Улуғвор башарий ғояларни ва дардларни изҳор этиш учун ўз она тилиси-турк тили тамомила лойиқ, қодир ва моҳир эканига шоирнинг имони комил эди.

Ўз қурилиши эътибори билан ҳам «Мажолис» ғоят оригинал бир ҳислатга эга. Муаллиф, дўсти Жомийга ҳурматан ўз асарини саккиз мажлисга бўлган. Бироқ композицион қурилиш жиҳатидан у бошқа тазкиралардан ажралади ва биз юқорида берган таснифдан ҳеч қайси бирига кирмайди, балки, аксинча, тазкира хилларининг ҳаммасига хос бўлган белгиларни олиб, мураккаб бир тазкира типи яратади. Чунончи, биринчи, иккинчи ва учинчи мажлислар хронологик тарзда тузилганлар. Буларда муаллиф вақт тартибига риоя қилиб, илгари ўтган ва ёхуд Навоийга замондош бўлган кишиларни яшаган саналарига қараб тартибга солиб берган.

Асардаги бешинчи ва олтинчи мажлислар жуғрофий принципда тузилган, зероки, бу ерда тасвирланган кишилар Ху-

⁴⁹ «Мажолис-ви-нафонс» барча туркий халқларнинг адабиётларида биринчи тазкира ҳисобланганини бизгина таъкид қилаётганимиз йўқ. Ажнабий туркологлар ва шунлар жумласидан Туркия тил ва адабиёт академиясининг президенти ҳам эътироф этган Қаралсин: Огаҳ Сирри Левенд, Навоийнинг асарлари, Анкара, 1957, 189-саҳифа.

росонда яшаганлар ва Хуросондан ташқарида яшаганлар деган белги остида тулланганлар.

«Мажолис»даги еттинчи мажлис, том маъноси билан сулолавий (династик) белги остида қурилган. Чунки бу ерда тулланган йиғирма бир киши ҳаммаси Темурийлар сулоласининг (биринчи шахс амир Темур Қўрагоний ўзи бўлиши шарти билан) намояндаларидир.

Асардаги саккизинчи ва сўнгги мажлис эса монографик тарзда ёзилган кенг бир адабий таҳлилни эслатади. Чунки бу ерда ҳамма гап Султон Ҳусайн Бойқаронинг (шоир Ҳусайнийнинг) ғазалларини ва санъаткорлигини тасвир ва таъриф қилишга қаратилган.

Шундай қилиб, шоиримизнинг «Мажолис» асари мужассам бир ёлгорлик сифатида замонасининг 459 та шоир, ёзувчи, олим, шеър ҳаваскорлари ва мухлислари ҳақида ўз даври аҳлига эслатма бўлиш билан бирга, келгуси наслларга,— бинининг авлодларимиз ҳам шулар қаторига киргани ҳолда,— узоқ зурриётларга мароқли ва бўронли даврнинг эҳтиросли, бетинч, галати, доно, буюк ва оддий шахслари ҳақида ғоят ҳолис⁵⁰, нафис ва унутилмас бир шаҳолатнома бўлиб етиб келгандир.

Кўп ўтмай «Мажолис» бир қанча Шарқ мамлакатларида шўҳрат ва эътибор қозонди. Эронда, Ўрта Осиёда, Озарбайжонда ва Туркияда «Мажолис» энг сеvimли китоблардан бўлиб қолди. Ўзининг замонавийлиги, ҳаётийлиги ва мароқли мундарижга бой бўлиши билан у турли табақаларнинг диққатини ўзига жалб этди. XVI асрнинг ўзида «Мажолис»нинг 3 марта форс тилига таржима қилинганлиги⁵¹ бунинг жонли гувоҳидир.

Яқин ва Ўрта Шарқда XVI асрдан бошлаб пайдо бўлган кўп тазкирачилар ўз асарларини ёзаётганларида буюк Навоийнинг албатта баракали нафасини ўз синналарида ҳис этганлар. Шулар жумласидан Содиқбек Содиқийнинг «Тазкиран мажма-ул-хавос», Сом Мирзонинг «Тухфай Сомий», Лугфалибекнинг «Оташкадан Озар» ва бошқаларини кўрсатиш мумкин. Бизни булар қаторидан Содиқ Китобдорнинг тазкираси кўпроқ қизиқтиради. Бунинг албатта боиси бор. Биринчидан, «Мажма-ул-хавос»нинг муаллифи озарбайжонлик бўлса-да, асарини ўзбекча (унинг ўз таъбири билан айтганда, «чинғатоича») ёзган; иккинчидан, Навоий тазкирачилик мактабининг анъаналари «Мажма-ул-хавос»да айниқса яққол ифо-

⁵⁰ Е. Э. Бергелъс, Навои, М.—Л., 1946, 228—230-саҳифалар.

⁵¹ Бу тўғрида қаралсин: Суйима Ғаниева, Давр адабий ҳаёти кўзгуси, «Мажолис-ун-нафоис»га ёзилган муқаддима, 13-саҳифа.

даланган; учинчидан, бу тазкирадаги материаллар ва шоирларининг ўзбек адабиёти тарихига анча тааллуқи бор; тўртинчидан, бу тазкиранинг муаллифи ўзбек китобхонаига ҳозирча кам танилган ёзувчидир⁵².

Табриз (Эрон, Жанубий Озарбайжоннинг пойтахти) донишгоҳининг, яъни университетининг мударрисси доктор Абдуррасул Хайёмпур иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзининг илмий ишларига оид материаллар излаб Истанбулга боради. У ерда турли кутубхоналарда шуғулланиб турган маҳалида Истанбул дорилфунунининг кутубхонасида туркийча ёзилган бир қўлёзмага кўзи тушиб қолади. Сяничклаб қараса, бу қўлёзма, Хайёмпурнинг таъбири билан айтганда, «чигатойча», яъни қадимий ўзбекча ёзилгани ошкор бўлади. Хайёмпур бу қўлёзмага ҳаят мароқланиб қолади. Чунки,— дейди у,— бу китобга ёзган муқаддимасида «...Нафосати нусха ва шириниши мавзу маро чанд дақиқа бамуталааи он водошт ва дар натижа бармаи маълум шудки, ин китоб дар аҳамият поин камн аз «Мажолис-ун-нафос» Алишер Навоий надорад»⁵³.

(«Бу нусханинг нафосати ва ундаги мавзунинг ширинлиги менга бар неча дақиқа уни муталаа қилмоққа мажбур этди. Ва натижада менга аён бўлдики, бу китобнинг аҳамияти Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун-нафос» асаридан кам эмас».)

Бунинг сабаби шундан иборатки, дейди доктор Хайёмпур, Навоий асари IX аср ҳижрийдаги форс шоирлари ҳақида маълумот берган бўлса, «Мажма-ул-хавос» Навоийдан кейинги маданият арбобларини, XVI асрда ва XVII асрнинг бошларида яшаган шоирларни, мусиқийшуносларни, рассомларни, хонандаларни, наққошларни ўз ичига олади. Бинобарин, Хайёмпур уни «мутаммими китоби Навоий бояд шумурд»⁵⁴ (Навоий китобини тамомловчи саналмоғи лозим), дейди.

Бу асарнинг аҳамиятини ва қийматини тула фаҳмлаб англагани учун Хайёмпур ҳамма бошқа ишларини йиғиштириб

⁵² «Мажма-ул-хавос» ҳақида қаранг: «Мухтасар озарбайжон адабиёти тарихи», I жилд, Боку, 1943; X. Орасли, XVII—XVIII аср озарбайжон адабиёти тарихи, Боку, 1956; X. Орасли, Навоий меросини ўрганish тарихидан, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 3; С. Ғаниева, Навоийнинг «Мажолис-ун-нафос» асари таъсирида ёзилган тазкира, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1963, № 6.

⁵³ «Тазкираи «Мажма-ул-хавос», базабон турки-чағотий, Талиф Содивий Китобдор ва таржиман он базабон форсий баҳомон доктор Абдуррасул Хайёмпур, муаллим донишгоҳи Табриз; Табриз, 1327 ҳижрий шамси (1918 милодий), «Муқаддимаи мутаржим» (таржимоннинг муқаддимаси), «ж» саҳифаси.

⁵⁴ Уша асар, уша муқаддима.

қўйиб, бу асарнинг бўлак нусхаларини ахтара бошлайди. Бу асарнинг номи «Мажма-ул-хавос», муаллифининг номи эса — Содиқий Китобдор деб қўйилган эди. Олим яна Истанбулда машҳур «Нури Усмония» кутубхонасидан ҳалиги қўлёзманинг иккинчи нусхасини ва Истанбул дорилфуруни кутубхонасидан бу асарнинг яна бошқа бир нусхасини топиб олишга муваффақ бўлган. Бироқ бу нусхаларни қислаб кўрса, ҳар учала вариантдан энг сифатлиси, тўлароғи ва тўғрроғи дорилфунундан биринчи топилган 485 сонли нусха экан. Шунинг устига бу нусха Содиқбек Содиқий Китобдор ҳали тирик чоғида кўчирилган энг эски нусхадир. Унинг қачон ёзилганини биз қўлёзманинг охирида Ҳошимий номли бир котибнинг қўйидаги қитъасидан англаймиз:

Ёзилди нусхаи Содиқий муборакбод,
Раис афандийи тапҳода ўла гохи анис.
Гарунжа Ҳошимий итмомини анинг, тарих —
Деди: Китоби наву бебадал бароий раис...⁵⁵

«Китоб наву бебадал бароий раис», абжад ҳисоби билан араб ҳарфларини ҳисобласак, ҳижрий 1016 йилга, милодий эса — 1607/8 йилга тўғри келади. Шу йилларда эса Содиқийнинг ҳали ҳаёт бўлгани аниқ маълумдир.

Бу фазилатларни эътиборга олиб, доктор Хайёммур бу нусханинг суратини кўчириб олади ва форсчага таржима қилиб асли билан биргаликда Табризда (1948 йилда) нашр этади.

Энди шундай савол туғилиб қолади: бу китоб Хайёммур нашридан олдин адабиёт донраларида маълуммиде? Содиқий Китобдорнинг ўзи ким ва унинг номи тазкираларда зикр этиладими?

Бу саволларга ижобий жавоб бера оламиз.

Муаллиф ўз асарларининг куллиётига ёзган муқаддимада ўзини Содиқий Китобдор деб атайди. Бошқа бир қанча жойларда муаллиф ўзи эътироф этганидек, унинг исми Содиқбек, тахаллуси Содиқий ва мансаб бўйича лақаби «Китобдор» бўлган.

Содиқбек Содиқий ҳақида илк маълумот берган тарихчи Искандарбек Мушши (Туркмон)дир. У ўз тарихий асарининг 1616 йилда ёзган қисмида⁵⁶ бу киши ҳақида қимматли материаллар берган. Муаллиф Содиқийга замондош ва балки шахсий таниш бўлгани учун, унинг бу тўғрисида берган маълумотлари ва қолдирган таассуротлари, айрим фактлардаги

⁵⁵ Уша асар, хотима қисмидан.

⁵⁶ Искандарбек Мушши, Тарихи Оламороий Аббосий, I жилд, 127—128-саҳифалар.

галатлардан қатъий назар, катта эътибор ва ишончга лойиқдир.

Бундан бошқа Қози Аҳмад, Лутфалибек Озар («Оташкадан Озар») Шамсиддин Сомий («Қомус-ул-аълום)лар ҳам Содиқийнинг ҳаёти ва ижодиётига қизиққандир.

Лекин Содиқий ҳақидаги бор материалларни системалаштириб, ўзи ҳам янги маъхазлардан фойдаланиб кўп жиддий ва илмий фикр билан майдонга чиққан киши ХХ аср Эрон олими Мирзо Муҳаммадали Тарбият Табризийдир. Илгариги баъзи бир тазкирачилар Содиқийни кўчманчи Афшор уруғидан десалар-да, марҳум Муҳаммадали Тарбият бу тахминий мулоҳазани рад этиб, Содиқбек Содиқийнинг «Худобандалу қабиласидан бўлиб, буюк Шоҳ Аббос давридаги машҳур арбоблардан бири экан»ни исбот этади⁵⁷.

Зотан Содиқий ўзи ҳам 1601/02 йилда бини етмишдан ошган бир чоғда Исфаҳонда асарларини тартибга солиб туриб, ўз қуллиётига ёзган дебочасида ўзининг келиб чиқиши ҳақида шундай деган:

«Тангрининг кичик ва заиф бандаси Содиқий Китобдор шу билан арз қиладурким, тенг-тушларимга аён бўлганидек, мен Худобандали номи билан машҳур бўлган турк тоифасиданман. Шоҳ Исмоилнинг хуруж ва зуҳур қилиб майдонга чиққан йилларида Шом дёрида истиқомат қилгучи бизнинг тоифамиз ўз истак ва орзуси билан раҳматлик шоҳга ёрдам ва кўмак бермоқ мақсадида улугъ пиримизнинг даргоҳига сўғинган эди. Бизнинг тоифамиз кўчманчи бўлиб, молу давлат эласи бўлганлигидан шаҳарнинг атрофида турғун бўлиб қолишлик тоифа аҳлининг ҳаётига мос тушмагани учун, Озарбайжон ва Ироқнинг ўтлов майсазорига жойлашиб олдилар. Тоифамизнинг пешволари саналган шахслар, чунончи, бу ҳақирнинг боболари, отаси ва тоифанинг булак оқсоқоллари пойтахтда ўрнашган эдилар ва ҳозирда ҳам пойтахтда турдилар»⁵⁸.

Демак, Содиқийнинг ўз иқроридан кўринганидек, у чинакам озарбайжонлик уруғлардан чиққан бир шахс бўлиб, авлодма-авлод бир қанча йиллардан бери унинг ота-боболари Табриз шаҳрида яшаганлар.

Модомики, бизнинг бу мақолада қўйган вазифамиз Содиқийнинг ҳаётини ва ижодиётини умуман ва атрофлича текшириш бўлмай, бу муаллифнинг фақат Навоийга тааллуқли

⁵⁷ Мирзо Муҳаммадали Тарбият, Доншмандон Озарбайжон, Техрон, 1316 ҳижрий (1937).

⁵⁸ Фаффор Кандли, Содиқбек Содиқийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида баъзи бир кайдлар, «Озарбайжон адабиёти масалалари» тўпламига кирган мақола, Боку, 1964, 218/19-саҳифалар.

асарини муҳокамага қўйишлик экан, биз энди юқоридаги маъхазларда Содиқий ҳақида айтилган маълумотларни умумлаштириб, унинг умри ва тақдири ҳақида қисқагина сўзлаб, масаланинг бу томонини шу билан якунлаб қўя қолайлик.

Содиқий тақрибан 940 ҳ. (1553 м) йилда Табриз шаҳрида Варжу маҳалласига яқин бир жойда сардор оиласида туғилди. Ёшлик йилларини Табризда ўтказган Содиқий ўз асосий таҳсилини ҳам бу шаҳарда олгандир. Унинг шеър ва адабиётга ҳаваси ва истеъдоди илк ёшлик йилларидаёқ зоҳир бўла бошлаган эди.

Содиқий бир ижодкор каби шеър яратиш билан кифояланмасдан, илми бадеъ билан ҳам шуғулланганини ўз «Мажма-ул-ҳавос» асарида хотирлатиб ўтади. Масалан, «шеърни бу ҳақир» (яъни муаллифнинг ўзи) машҳур олим Мир Сунъийдан касб этганини очиқдан-очиқ эътироф этади. Бу олимдан бошқа Содиқий Фазоий ва Ҳофиз Сабу каби замона фозилларига шеърларини ўқиб, уларнинг маслаҳатларини олганини ва «шарафни сўхбатларига мушарраф» бўлганини айтади.

Содиқий йигирма ёшида эканида унинг отаси қонли урушлардан бирида ҳалок бўлади. Ёш шоирга тегишли ота мероси бўлак ворислар ўртасида таланиб кетиб, Содиқий тамомила қашшоқланиб қолади. Бу ҳолатга бардош беролмаган бечора Содиқий саёҳат ва мусофирчилик йўлига тушиб кетади; у қаландар сифатида мамлакатда дарбадар бўлиб юради.

Истеъдодли адибни ва олимни сарсон ва овора кўриб, Ҳамадон ҳокими Амирхон Мусулавий уни ўз ёнига олади ва тирикчилигини таъминлаб, санъат ила шуғулланишига шароит туғдиради. Кейинча бўлак хонларнинг хизматида юрганда ҳам адабиёт билан баробар нафис санъат соҳасидаги машғулотларини ҳам давом эттириб мусиқи, хаттотлик, наққошлик, рассомлик бобларида катта салоҳият эгаси бўлганини исботлаган.

Ўз замонасининг фарзанди бўлган Содиқий фақат адабий ва ижодий ишлар билан шуғуллана олмас эди. У вақтнинг бетинч ҳавосида нафас олган адиб ўз доирасига мансуб бўлган кўпчилик зиёлилар янглиғ қурол кўтариб ўзаро урушларга, босқинларга, юришларга иштирок этмоққа мажбур эди. Замондошлари Содиқийнинг жанг майдонида ажойиб жасоратли ва мард бир қаҳрамон бўлганини таъкидлайдилар. Айниқса Астрабод сафарида туркман исёнчилари билан бўлган жангларда Содиқий зўр ботирлик намоён қилгани тарихларда зикр этилади.

Содиқийнинг илмини, диёнатини ва кенг нуфузини эътиборга олиб, уни даргоҳга чақириб оладилар. У II Исмоилшоҳ

Сафавийнинг кутубхонасига хизматга олинади. Кейинча, Шох Аббос даврида эса китобдорлик мансабига кўтарилади.

Китобдорлик мансаби сафавийлар даврида катта илмий-маданий аҳамиятга эга бир вазифа эди. Бу даврда китобдор мансабидаги киши санъат ходимларига раҳбар, устоз деб ҳисобланар эди. Машҳур рассом Бехзоднинг китобдор қилиб тайинлаганида ҳам, I Шох Исмоил чиқарган фармоннинг мазмуни ҳам бизнинг юқоридаги фикримизни қувватлайди⁵⁹.

Содиқийнинг шахсий хислатлари ҳақида гапирганида, Искандарбек Мунши унинг мизожи оғир, қайсар, камҳафсага бўлганини эслатади. Содиқий одамлар билан чиқиша олмай-диган даражада тажанг киши экан. Бироқ унинг илмий, адабий ва ҳарбий фазилатларини эътиборга олиб, даргоҳда ҳам, жамоат уртасида ҳам ҳурматни сақлаб турганлар. У умрининг охиригача китобдорлик маошини, яъни энг юқори амалдор ойликлари ҳажмида оқча олиб турган ва тирикчилик томонидан ҳеч қандай кийинчилик кўрмаган.

Ҳозиргача Содиқийнинг айрим асарларидан парчалар ва алоҳида лирик шеърлари нашр этилган бўлса-да, бу ёзувчининг адабий мероси Озарбайжонда ва Эронда кенг китобхонлар оммасига маълум эмас.

Содиқий «Қонун-ус-сувар» (сураткашлик қоидалари) номли манзум асарининг дебючасида шундай деб ёзади. «Ёшлик човларимда менинг ҳунарим шоҳларга хизмат қилмоқ эди. Менга бу вазифа кўп маъқул кўринар эди. Булак касблар билан шугулланишни мен шаънимга лойиқ билмас эдим. Чунки булак ҳар қандай касбни ўзимнинг насл-насабимга уйғун эмас деб санар эдим. Аллақанча вақтлардан кейин мен тушуниб олдимки, подшоҳларга хизмат қилмоқнинг ҳеч бир хайрли натижаси йўқдир. Кечикмасдан бошимга бир чора топмогим лозим, деган қарорга келдим. Шундай бир ҳунарни эгаллашим керак эдики, ёмон кунда мени қўллаб тура олгай! Менинг мағрур хулқим ҳар қалай ҳунарга мос келолмас эди... Қалбим Бехзоднинг⁶⁰ санъатини ўзлаштиришни кўп орзу қилар эди. Шу орзумда барқарор бўлишим мени ташвиш ва тараддуллар гирдобидан қутқазди. Моҳир бир устозга шогирд бўлмасдан бундай мушкул бир санъатда муваффақият қозониш амри маҳол эди. Шу сабабли Бехзод мактабига ман-

⁵⁹ Фаффор Кандли, Содиқбек Содиқийнинг ҳаёти ва ярадижиллиги ҳақида баъзи бир қайдлар, 223-саҳифа.

⁶⁰ Камолиддин Бехзод — Навоий замонасининг машҳур рассоми. Темурийларнинг Хўросонда тору мор келтирилишидан сўнг у Сафавийлар наздида, Табризда ишлаган. Содиқий, ўзи айтишича, Бехзоднинг жияни Ҳайдарали ўғли Музаффар Али Наққошдан рассомлик таълим олган.

суб бўлган устознинг пайдан қилира бошладим. Ниҳоят, ўз орзумга эришдим. Устод Музаффар Алининг шоғирдлигини қабул этдим. Устодимнинг исми каби бу санъатда музаффар бўлдим⁶¹.

Содиқийнинг вафот санаси ҳалигача аниқ эмас. Шоирнинг 1601/02 йилда Исфаҳонда ўз куллиётини тартиб қилганидан кўринадики, уша маҳалда ёши етмишларга бориб етган Содиқий ҳали адабий ишларини давом эттириб турган. Лекин бошқа баъзи бир мулоҳазалар⁶² Содиқийни 1611/12 йилгача яшаган деб таъкид қилишга асос беради.

Содиқий уч тилда (форсча, озарбайжонча ва ўзбекча) ижод этиб қолдирган асарларининг рўйхатини ўзи, умрининг сўнгги йилларида тузиб қолдирган. Унинг асосий асарлари қуйидагилардан иборатдир:

1. «Зубдат-ул-қалом» (сузнинг сараси) — подишоҳи ислонининг мадҳида ёзилган мақтовлар, наътлар, манқабаларга онд қасидалар мажмуасидир.

2. «Фатхномаи Аббоси номдор» — Фирдавсийнинг «Шоҳнома» баҳрида ёзилган дoston.

3. «Шарҳи ҳол» — Низомийнинг «Маҳзан-ул-асрор» и ва Саъдийнинг «Бўстон»и вазнида ёзилган мақола ва ҳикоялар тўплами.

4. «Девони ғазалиёт» — турли йилларда ёзилган лирик шеърларнинг тўплами.

5. «Саъд ва Санд» — Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» дostonи вазнида ёзилган маснавий.

6. «Мажма-ул-хавос» тазкираси.

7. «Қонун-ус-сувар» (суратлар қонуни ёки сураткашликнинг қонун ва қондалари).

8. «Мактублар» — озарбайжонча ва форсча ёзилган хатларнинг мажмуаси.

9. «Тазкират-уш-шуаро» — Содиқийнинг салафлари ва замондошлари бўлмиш шоирларнинг ҳаёти ва ижодларига доир ёзилган рисолаки, манзум шаклида ёзилган бўлиб, «Рисолаи муаммо» деб ҳам аталади.

10. «Ҳаззиёт» рисоласи. Бу асар ҳар қандай ҳиссий ҳузур-ҳаловат ҳақида ёзилгандир.

Ўз куллиётининг рўйхатига ёзган дебочасида Содиқий, бу асарлардан бошқа назм ва насрда бир қанча таҳният (қутлов, олқиш), гаъзият (қангу, аза), сано (мадҳ), ҳажо (ҳажв,

⁶¹ Фаффор Кандли, Содиқбек Содиқийнинг ҳаёти ва ярадижиллиги ҳақида баъзи бир қайдлар, 225-саҳифа.

⁶² Мухаммадали Тарбият ва Амирхизининг 1931 йилда «Армўғон» журналида нашр этган мақолаларида Содиқийнинг чала қолган бир сурати муносабати билан баён қилинган мулоҳазалар.

мутойнба) ва муаммолар ёзганини уқтириб ўтиб, китобхонни зериктирмаслик учун буларни санаб ўтиришдан воз кечганини сўзлайди.

Содиқий гоят бўронли, потинч ва таҳликали бир даврда яшаган: қонли, кескин, мудҳиш ҳодисаларнинг шоҳиди ва ҳатто баъзан қатнашчиси бўлган. У шоҳларнинг ҳирс ва интиқомини, ҳашамат ва дабдабасини кўрган. У хароб шаҳарларни, барбод этилган қишлоқларни, поймол қилинган экинзорларни, сўлиб ётган гулшанларни, бева хотинларни, етим болаларни, қўлидаги ҳассаси синган мўсафидларни кўрган. Бинобарин унинг бир қанча асарларида айниқса, лирикасида инсон ҳақида гамхўрлик, шафқат ва мурувват хислати, чинакам инсонпарварлик куйлари эшитилади.

Содиқий яшаган даврда Яқин ва Урта Шарқда дин ва мазҳаб низолари авж олиб, айниқса шиалар ва суннийлар ўртасидаги қонли мунозаралар кўп элларнинг тинчасини қуритган эди. Содиқий расман ва шахсан шиа мазҳабига мансуб бўлса-да, мусулмонлар ўртасида ҳоким синфлар томонидан атайлаб қизитилган шу диний тўқинишларга, шиалар ила суннийлар ўртасидаги бемаъни ва бешафқат гавғоларга асло кўшилмаган. У динмо шеърининг байроғини юксак тутиб, соф тиллақларга хизмат қилишга чақирган.

Содиқий ҳақида бир қалар маълумот берган Лутфалибек Озарининг «Оташкадан Озар»да (XVII асрнинг охири) қисқа, лекин кўп маъноли баҳолар берилди. Ҳасан Содот Носирийнинг таҳрири ва тасҳиҳи (тузатишлари) билан 1957 йилда Техронда чиққан бу китобда шундай дейилади:

«Содиқий. Неми Содиқ булган. Афшор жамоасидандур. У девон эгасидир. Ўз замондошлари ҳақида туркча тазкира ёзган»⁶³. Бу китобни таҳрир қилиб, танқидий матнини нашр этган Ҳасан Содот Носирий бу тазкиранинг йўналишини конкретлаштириб мазкур саҳифага берган ҳошиясида шундай деб ёзди:

«Мажма-ул-хавос» тазкираси туркий чағотоний тилда ёзилган бўлиб, унинг (Содиқийнинг,— М. Ш.) асарларидандир. Бу асаридида у Шоҳ Исмоил даврининг аввалларидан тортиб то буюк Шоҳ Аббос замонигача ўтган уч юз ўттиз уч шоирнинг аҳволи ва ижоди ҳақида айтиб беради ва ўзининг очиқдан-очиқ иқрори бўйича Амир Алишер Навоийнинг «Мажлис-ун-нафос» тазкирасига эргашиб боради⁶⁴.

⁶³ Лутфалибек Озар, Оташкадан Озар, Техрон, 1336, 71—72-саҳифалар (форсча).

⁶⁴ Ўша асар, 71-саҳифа, хошия.

Содиқий ҳақида айтилган ҳамма гапларни яқунлаб, бу тўғридаги барча маъҳазлардан танқидий фойдалангани ҳолда, марҳум Муҳаммадали Тарбият ёзган мақоласида⁶⁵ бу ажойиб муаллифнинг ҳақиқий тарихий сиймосини тиклашга муваффақ бўлади.

«Мажма-ул-хавос» 1948 йилда доктор Хайёмпур томонидан форсчага таржимаси билан нашр этилмасдан олдин кенг китобхоналар оммасига маълум бўлган эмас. Ваҳолонки, Хайёмпур Истанбулда топган уч нусхалан бошқа яна Истанбул кутубхоналаридан «Аё Суфия»даги қўлёзмалар фондида «Мажма-ул-хавос»нинг бир нусхаси мавжуд эди. Ношир танқидий матни тайёрлаганида бунга эътибор қилмаган. Ленинграддаги Шарқ қўлёзмалари фондида ҳам «Мажма-ул-хавос»нинг котиб қўли билан чиройли кучирилган бир нусхаси мавжуддир. Аммо бунинг котиби ва ёзилиш санаси кўрсатилмаган. Бу нусха Табризда нашр этилган китоб матнига тамомла мувофиқ келар экан.

Ҳар ҳолда, Хайёмпурнинг ҳиммати билан муътабар бир нусха асосида⁶⁶ шундай муҳим бир асарнинг кенг оммага тақдим этилиши форс, тожик, озарий ва ўзбек адабиётларининг шеърнат тарихи учун гоят мусбат бир роль ўйнаган. Бу асарнинг айниқса, Навоий тазкирачилик мактабининг давомидек пайдо бўлиши ўзбек ва озарбайжон халқларининг маданчй, адабий алоқалари тарихи учун аҳамияти фавқулодда каттадир. Табриз нашрининг мукаммал нусхаси Москвада В. И. Ленин номидаги давлат кутубхонасида сақланмоқда⁶⁷. Унинг фотонусхасини олдириб келиб Тошкентда чоп эттириш гоят фойдали ва мақбул бўлур эди.

«Мажма-ул-хавос» киборлар йигини, тўпланиши демакдир. «Хавос» сузи «хос»⁶⁸нинг куплик шаклидир. Ҳатто китобнинг номида Алишер Навоийнинг ижодий таъсири кўринади. Зероки «киборлар йигини» билан «нафислар мажлиси» деган икки мафҳум ўртасида маъно ва образ жиҳатидан яқинлик ва қа-

⁶⁵ Муҳаммадали Тарбият, Донишмандон Озарбайжон, Техрон, 1937.

⁶⁶ Истанбул университети кутубхонаси, 485-сонли нусха.

⁶⁷ $3B \frac{17-13}{49}$ шифри остида «Тазкираи «Мажма-ул-хавос» базабон туркий-чингачоний. Таълиф Содиқий Китобдор на таржиман он базабон форсий баҳоман доктор Абдуррасул Хайёмпур, муаллими донишгоҳи Табриз, Табриз, 1327 шамсий (ўзбекча ва форсча).

⁶⁸ Хос — бошқа нарсалардан ажралган буюм ёки зот. «Мукаммал усмонли луғоти», 338-саҳифа. Содиқий бу ерда истеъдод ва қасблари билан оддий кишилардан ажралиб чиққан мумтоз кишиларни кўзда тутди. Авомга қарши хосни қўйиш эски анъанавий таъбир бўлиб, феодал мафкурасидаги аристократизмга далолат қилади.

риндошлик мавжуд экани биринчи муқоясадаёқ кўзга ташланади.

Содиқий Китобдор ўзининг биз кураётган тазкирасини ўзбекча ёзган. Бироқ XVI асрларда ўзбек адабий тилини чигатой тили деб юритганлари учун ўтмиш, XVII, XVIII асрларнинг тазкирачилари ва ҳатто асримизнинг бошида ўтган бир қанча ажнабий олимлари ўзбекларнинг адабий тилини чигатой тили деб такрорлаб келганлар. Эски тазкирачилар учун бунини маълум сабаблар билан узрли деб кечириш мумкин. Лекин замонамиз олимлари бу терминни кўр-кўрона такрорлаб, ўлик бир тилдек талқин қилиб, унинг тарихий вориси қайси халқ эканини, унинг маданий давоми қайси тил эканини айтмасликлари кишини таажжубга туширади. Ахир «паҳлавий» тилини «қадимий форс тили» деб талқин қилган эроний олимлар чигатойча ҳам айнан «қадимий ўзбек тили» эканини нега иқдор қилгулари йўқ. Бунинг асл сабаби, бизнингча, хоржий илмий доираларда совет даврида Ўзбекистонда ва бошқа миллий совет республикаларида рўй берган ўзгаришлардан, бу ўлкаларнинг маданий, илмий тараққиётидан етарли даражада ҳабардор бўлмаганлари билан изоҳланиши мумкин. Улар ўзбек халқининг адабий меросини «турк», «чигатой», «муғул» таъбирларига фарқ қилиб юборадилар.

Буларнинг ҳаммасидан кўз юмсақ-да, озарбайжон совет олимнинг айнан шу терминология кўрбони бўлиб кетиши кишини чиндан таажжубга солади. Биз ўз мақоламизда бир неча бор фойдаланган Фаффор Кандли гарчи Содиқийни ўрганиш соҳасида маълум даражада меҳнат қилиб, баъзи масалаларни яхши ёритган бўлса-да, бу муҳтарам муаллиф ҳам «Мажма-ул-хавос»ни ўзбекча ёзилган асар деб айтгуси келмайди. У бу асарни «бири-бирига қариндош ва илдизи бир бўлган чигатой — озарбайжон адабий тилида» ёзилган деб ҳисоблайди⁶⁹. Содиқий асарини шундай бир рубой билан бошлайди:

Ёраб, садафи таъбимни гавҳарво қил,
Хуршиди каломимни жаҳон оро қил.
Кўнглумни дури шаккар ила дарё қил,
Яъни тилмни ҳамдинг ила гўё қил!⁷⁰

Бу рубой туркий тиллар системасидаги тиллардан қайси бирига киради? Албатта, ўзбек тилига! Умрида ўзбек муҳитида яшамаган, Мовароуннаҳрга саёҳат қилмаган (Хуросон пойтахти Ҳирот XVI аср охирларида сафавийлар давлатига

⁶⁹ Фаффор Кандли, Содиқбек Содиқийнинг ҳаёт ва ... 223-саҳифа, Мааттаассуф, бу муаллиф «Мажма-ул-хавос»дан олган ўзбекча мисоллар жуда бузилиб, англашилмасидиган шаклда берилди.

⁷⁰ Содиқий Китобдор, Мажма-ул-хавос, 2-саҳифа.

ўтган ва бус-бутун форсийланиб кетган эди!) бир озарбай-жонтик муаллиф ўз тазкирасини ўзбекча ёзар экан, бу ҳодиса унинг ўзбек тилига ва бу тилнинг улуғ ҳомийси Алишер Навоийга бўлган чуқур ихлосига ва қизғин муҳаббатига далил қилмайдими? Ҳолбуки, бу китобда ўзбекча ёзган ва умуман туркигўй шоирлар жуда кам. Китобдаги кўпчилик шоирлар форс-тожик тилида яратган санъаткорлардир. Албатта, булар ҳақида ёзиш, буларнинг асарларидан намуналар келтириш форсча қулайроқ ва муносиброқ бўлар эди. Лекин Содиқий Китобдор ўз асарини, ўша даврнинг таъбири билан айтганда, «чингачойча», бизнинг замонамиз ибораси билан десак, ўзбекча ёзган. Бунинг туб сабаби Содиқийнинг Навоийга бўлган чин муҳаббати ва ихлосмандлиги бўлган. Афтидан, ўша даврнинг туркигўй шоирлари га уз она тилисининг посбони бўлган маданият арбоблари Навоийни байроқ деб кўтариб, унга тақлид қилишни виждон бурчи деб билганлар ва она тили учун курашда ундан ўрнак олганлар.

Содиқий ўздан илгарги тазкира ёзган тўрт муаллифини зикр этади. Булар сираси билан «Баҳористон» соҳиби Абдурахмон Жомий, «Мажолис-ул-нафое» муаллифи амира кабир Алишер, «Тазкират-ул-шуаро» мусаннифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Тухфай Сомий» эгаси Сом Мирзодан⁷¹ иборатдирлар.

Содиқий шоирлар ҳақидаги маълумот мунтазам тўпланиб ёзилиши кераклигини яхши аниқлайди. У дейдики:

«... бу силсила сарҳалқа интизоми бир-бирини узулмасун дею ва бу тазкиралар сарриштаси бузулмасун дею,—

Машаққат мулкнинг беҳонумони,
Маълумат дафтарининг нуқтадони,
Бало ҳангомасининг пеш дасти,
Фано хумхонасининг майнарасти⁷², —

деб ўзини тақдим этади. Бундан кейин, у ўз замонасида сочилишган, пароканда ва паришон ҳолда тарқалиб ётган шоирлар ҳақида ва уларнинг асарлари тўғрисида маълумот тўплаб китоб ёзмоқчи бўлганини баён этади.

У, Алишер Навоийнинг адабий хизматларини ва шу тўғрисида она тилисига ривож берганини юксак баҳолайди:

⁷¹ Иккинчи Шоҳ Насоил амри билан ўлдирилган шахзода Сом Мирзо ўзининг «Тухфай Сомий» номли тазкирасини Жомий, Навоий ва Давлатшоҳ тазкираларига эргашиб ёзганлиги бизга маълумдир.

⁷² «Мажма-ул-хавос», 3-саҳифа.

Улким, мўғул истилоҳин⁷³ айлаб машҳур,
Олди арабу ажам⁷⁴ элдин маншур⁷⁵,
Бўлса не ажаб жалои тилига мазкур,
Ким ҳеч кишига бу янглиг эрмас мақдур⁷⁶.

Бундан сўнг Содиқий ўз маромини сажъли насрда давом эттириб, узининг қилмоқчи бўлган ишини бировнинг (учинчи бир шахнинг) ишидек тақдим этади: «... Бир неча сўзига гузориш беруб, бир неча сафҳага ингориш беруб ҳам ул ҳазратнинг (яъни: Алишер Навоийнинг, — М. Ш.) нафис мажлисларига мувофиқ саккиз мажмаи хос мутобиқ тузмак тилар ва «Мажма-ул-хавос»га номзод қилмоқ истар»⁷⁷.

Содиқий айтганидек, дарҳақиқат, у Навоийга тақлидан ўз китобини саккиз мажма (боб) дан иборат қилиб тузган.

Биз энди бу мажмалар билан танишиб чиқайлик:

Биринчи мажма — замон подшоҳлари ҳақида.

Иккинчи мажма — шаҳодалар ҳақида.

Учинчи мажма — турклардан чиққан саитанат арбоблари ҳақида.

Тўртинчи мажма — эронийлардан чиққан саитанат арбоблари ҳақида.

Бешинчи мажма — турклардан ва эронийлардан чиққан саитанат арбобларининг фарзандлари ҳақида.

Олтинчи мажма — сайидлар ҳақида.

«Еддумжи⁷⁸ мажма — атроқ хуштабълари зикридаким, қуввати истеъдод била туркий ва форсий ва арабий каломига қодир бўлиб, Араб ва Ажамда лағофати табъ ва назокати зеҳн бирла шухрат қабулин топубдурлар»⁷⁹.

Саккизинчи мажма — эронийлардан чиққан замон шоирлари.

Хайёмпур ўз нашрида ўзбекча («чиғатойча») мати рўпарасига унинг форсийча бадалини бериб, шу тарзда эълон қил-

⁷³ «Мўғул истилоҳи» деган таъбир остида ҳам муаллиф туркий тилини кўзда тутди. Чунки, «Чигатой улуси», «Чигатой тили» деган иборалар мўғул подшоҳи Чингизхоннинг ўгли Чигатойхон номидан олинган эди.

⁷⁴ *Ажам* — бегона, демакдир. Бу ерда Эрон кўзда тутилади.

⁷⁵ *Маншур* — васика, шаходатнома. Бу ерда Содиқий, Навоий ўз калами билан турк тилини шу қадар машҳур қилиб қўйдик, араблар ва эронийларнинг тилларига берилган биринчилик васиқасини олиб қўлди. бекор қилди, демоқчи бўлади.

⁷⁶ «Мажма-ул-хавос», 4-саҳифа.

⁷⁷ «Мажма-ул-хавос», 4-саҳифа.

⁷⁸ Бу сўз шу шаклда матндагидек айнан олинди. Ўзбекчани китоб орқалигига ўрганган бир озарбайжонликнинг ёзувида ва сўзлашида озарийчаннинг айрим белгилари сақланиб қолиши табиий бир ҳол бўлса керак.

⁷⁹ Кўштирноқ ичига олинган еттинчи боб муаллифнинг имло ва шева-си сақланган ҳолда айнан кучирилди. Қаралсин: «Мажма-ул-хавос», 5-саҳифа.

ганини юқорида айтган эдик. Эътироф этиш лозимки, шоирлар ҳақидаги маълумот ва умуман таржимаи ҳол материаллари яхши таржима этилган. Туркий шеърлар эса таржима қилинмай, ўзича, аслида боридек қолдирилган.

Аммо, таасуф билан қайд қилмоқ лозимки, муҳаррир ҳам таржимон доктор Хайёмпур сарлавҳаларда Навоийга хос бўлган сажъаларни ташлаб кетган ва шу билан сарлавҳалардаги анъанавий оҳангни йўқотган. Янада муҳимроқ нуқсон эса шундан иборатки, сарлавҳада воқеага берилган баҳо меъёрлари ҳам тушиб қолган.

Масалан, биз юқорида 7-мажманинг сарлавҳасини айнан кўчириб келтирган эдик. Хайёмпур ўша жумлани шундай таржима этган:

«Дар зикр шуарон аз турконки, дар забон туркий ва форсий ва арабий қудрат суҳанварий доштаанд»⁸⁰.

Кўриниб турибдики, Хайёмпурнинг бу таржимаси, жумланинг асосий тезисини бергани ҳолда, жуда зарур бир тафсилни қисқартириб ташлаган. Шу билан таржима хулосага айланиб кетган. Бу бобда ўзбекчадаги ушбу таъбир тушиб қолган: «Араб ва Ажамда латофати таъб ва назокати зеҳн бирла шуҳрат қабулин топубдурлар». Аке ҳолда таржима матнига шу таъбир қўшилиши керак эди: «... ва дар мамолики Араб ва Ажам бо латофат таъб ва назокати зеҳн шуҳрати васъ ёштаанд».

Бу муқоясадан очик кўринадики, муаллиф (Содиқий Китобдор) туркий шоирларнинг уч тилда бўлган қудратини уқтириб бу важҳдан улар Арабистон ва Эрон мамлакатларида шуҳрат тошганини айтади. Бу — замондошнинг гувоҳлигидир ва адабиёт тарихи учун гоаят муҳимдир. Хайёмпурнинг ҳеч қандай ғаразсиз, фақат услубни силлиқлаш ва ихчамлаштириш юзасидан қилган шу хилдаги баъзи бир «ихтисор»лари эса таржиманинг илмий қимматига халал етказди.

Бизни бу китобда ўзбек шоирлари айниқса қизиқтиради. Муаллиф, Шайбонийлардан Маҳмудхон ўгли Убайдуллахондан маълумот бериб, унинг форсча бир рубоийсини келтиради:

«Убайдхон Ўзбек, зиёда рост салиқа ва шоир табнат ва хуштабъ подшоҳ эрди. Ўзбакияда ул подшоҳдек дилір⁸¹ биров бўлмабдур. Шоҳ жаннатмакон билта муқобила бўлди. Агар мағлуб бўлди ва илло кўп баҳодурлуғ қилиб мардона уруш қилди. Таъби ақсоми шеърда⁸² яхши бордур. Аъдоси-

⁸⁰ «Мажма-ул-хавос», 102-саҳифа.

⁸¹ Дилір — юракли, жасур, мард.

⁸² Ақсоми шеър — шеърнинг қисмлари, турлари, навълари.

нинг⁸³ кинояси изҳорида ва ўзининг шамотати⁸⁴ исботида бу рубоийси зиёда хуштабъона бўлбдурким:

Эй кавмики, аз шумо атон нарасад,
Нафъи ба фақиру бенагон нарасад,
Сахл асг агар сари шумо меоранд,
Бояд қадами шумо бажойи нарасад⁸⁵.

(«Эй, ҳеч бир баракаси бўлмаган қавм, фақирларга, ожизларга сиздан ҳеч бир нафъ йуқ. Ундан кура каллаларингизни олиб ташлаган маъқулроқ, Токи, қадамларингиз ҳеч қаерга бориб етмагай!»).

Содиқий Убайдуллахонга (қисқартиб «Убайдхон» деб аталар эди) юксак қиймат бериб, уни «шоир табиат» киши, «роёт салиқа» ва «хуштабъ» подшоҳ деб баҳолаб, ўзбек хукмдорлари (у Шайбонийлар сулоласидан чиққан султонларни кузла тутди,— М. Ш.) ичида бундай қаҳрамон инкинчи бир подшоҳ пайдо бўлмаган, дейди. Эрон шоҳи Сафавий Таҳмосиб билан жангда енгилган Убайдуллахоннинг шахсий фазилатларини ва шижоатини мақташ билан Содиқий замондошларига нақадар холисона ва инсоф билан қараб баҳо берганини яна бир бор исботлаган бўлади. Бўлмаса, ўзи шиъа мазҳабида бўлган бир шоир ўша даврда ўзи хизмат қилган сулоланинг ашаддий душманини, суннийлар султони Убайдуллахонни мақташи, унинг шоирлик табиини ва жанговарлик шижоатини кукларга кўтариши ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмас эди. Китоб муҳаррири ва ношири Хайёмпур «Дувал Исломия» (Ислом давлатлари) номли тарихий асарнинг 231—232-саҳифаларига биноан Убайдуллахон — Шайбоний силсиласидан бўлиб, Маҳмудхон ўғлидур. У Мовароуннаҳрда 940—946 (милод билан 1534—1540) йилларда салтанат сурган деган маълумотни китобнинг ҳошниясида келтиради⁸⁶.

Яна шу биринчи мажмада Шайбонийлардан машҳур Абдуллахон ҳақида маълумот берилади: «Абдуллахон ўзбек (Аваз Ғози) — Ўзбакия подшоҳларининг ашжаи⁸⁷ ва улур хонларининг акрамидур. Туркий ва форсий назмда яхши бордур. Аваз Ғози тахаллус қилур. Бу абёт ул подшоҳнингдурким:

То телбалигим шухрати оламини тутубдур,
Андин бери Мажнун сўзини эл унутубдур,
Новаклари мендин кечиб ағёрға тегди,
Жоним билур ул дамки, нелар мендин ўтубдур.

⁸³ *Аъдо* — душманлар.

⁸⁴ *Шамотат* — душман устидан кулиш.

⁸⁵ «Мажма-ул-хавос», 15—16-саҳифа.

⁸⁶ «Мажма-ул-хавос», 15-саҳифа.

⁸⁷ *Ашжа* — ҳаддан ташқари шижоатли.

Бечора Аваз Ғози кетуб васлиға етсун,
Ҳижрон ўти чун нахли умидин қуритубдур.
Фарход ила Мажнун не билур ишқ фунунин,
Бу водада шогирдим аларни ўқитубдур⁸⁸.

Бу келтирилган икки фикрдан кўриниб турибдики, Содиқий тазкирачиликда Навоий анъанасини давом эттириб борган. Аввало, шоирнинг (ёки адабиётга алоқаси бор бўлган маълум шахснинг) исми, тахаллуси, сўнгра унинг табиати ва фазилатлари, у кишининг ҳаётида рўй берган машҳур воқеа ҳақида сўзланади. Сўнгра унинг шеърятдаги ва шеърый ижодидаги қобилиятига баҳо берилади. Ниҳоят, олинган шахснинг ижодидан намуна бўлсин деб бирон парча ёки бутун асар (рубойй ва ғазал) келтиради. Абдуллахон (Аваз Ғози)нинг бу ғазали тилининг соддалиги, вазнининг равонлиги, анъанавий суратлар доирасида самимий туйғуларнинг қайнаб туриши билан диққатга сазовордир.

Хайёмпур нашр қилган китобининг ҳошиясида Абдуллахон Ўзбек Искандар султон ўғли бўлиб, Шайбонийлар сулоласига мансуб бўлганини уқтириб беради. Абдуллахон 1556 йилда Бухорони олиб, ўзига пойтахт қилади. 1578 йилда Самарқандни ҳам салтанатига қўшиб, катта Мовароуннаҳр давлатига эга бўлиб қолади. Ўз отасининг вафотидан сўнг (1583) у иккинчи Абдуллахон номи билан Мовароуннаҳрнинг ягона, қудратли подшоҳи бўлиб қолади (1598 йилгача).

Аваз Ғозининг бу тург байтлик ғазали бизнинг поэзиямиз тарихида энг мухтасар (қисқароқ) ғазаллардан бири бўлса керак. Зеро, ғазалчилик назарияси ками 5, кўпи билан 15 байтлик ғазаллар доирасини аллақачонлар чизиб белгилаб қўйган. Лекин Аваз Ғозининг бу ғазали шунча мухтасар бўлишига қарамай, унда ғазалнинг ҳамма белгилари ва шартлари мавжуддир. Шеърда яхшигина, таносиб асосида қурилган ошиқ сурати бор (телба — Мажнун). Шоирнинг муддаоси (муҳаббат бобида улуг жонфишонлик) бутун ифодаланган. Муаллифнинг тахаллуси мақтаъга бўлмаса-да, ҳусни мақтаъга (сўнги байтдан юқориги байтга) киритилган.

Содиқий Китобдорнинг биз учун яна бир фазилати, у орқали қадимий ўзбек — турк шеърятининг Ҳиндистондаги тақдирига назар солишга бир дераза очиб беришидан иборатдир.

Бундай дераза бизга Бобир ўғли Ҳумоюн ҳақидаги кичик фикрга билан очилади.

Одатда, биз Бобир ва Бобирийлар ҳақида гапирганимизда Ҳиндистонда ўзбек шеъри Бобир билан бошландию Бобир

⁸⁸ «Мажма-ул-хавос», 17-саҳифа.

билан адо бўлди, деймиз. Бунга далил қилиб, «Бобирнома»нинг Бобирдан сўнг кўп ўтмай Ҳиндистонда тушунилмай қолганини ва, бинобарин, Акбаршоҳ амри билан Абдурахимхон томонидан ўзбекчадан форсчага таржима қилинганини, ёхуд Бобирнинг қизи Гулбадан бегим ўз «Хумоюннома»сини форсча ёзганини пеш қиламиз.

Биз, фақат шу масалага билвосита фактлар билан кифояланамизу, аммо аслида тарихий воқеаларни билвосита текширишга киришмаймиз.

Ҳолбуки, «Ислом энциклопедияси»да Бобир замондошлари ва ундан кейинги бир неча насл уртасида чиғатойча, яъни ўзбекча шеърлар ёзилгани талай фактлар орқали тасвирланади⁸⁹. Уша даврда шеър билан шуғулланиб турган кишилар қаторида «Паноҳий» тахаллуси билан форсча ва ўзбекча шеърлар ёзган Амир Хожа Калонни, туркча ва форсча девон эгаси, Қандаҳор ҳокими Миримбекни, Бобирнинг амирларидан Мирзо Иброҳимхонни зикр этадилар.

Хумоюн Мирзонинг жангдош дўсти ва ҳамроҳи, Акбаршоҳ даврида «Хон бобо» унвонига муяссар бўлган Байромхон зўр шоир бўлиб, форсча ва чиғатойча (ўзбекча) шеърлардан иборат девони 1910 йилда Дениссон Росс томонидан «Ҳиндистон кутубхонаси» куллиёти силсиласида босилганини биламиз.

Байромхоннинг бу девонида 2000 байтдан зиёд шеър бор экан. Унинг чиғатойча (ўзбекча) шеърларида Навоий ва Бобирнинг аниқ таъсирлари борлигини кўп шарқшунослар эътироф этади.

Байромхоннинг ўгли Абдурахимхон («Бобирнома»нинг таржимони) ҳам кўпинча форсча ва гоҳо чиғатойча (ўзбекча) шеърлар ёзган. Ҳатто Абдулбоқий Наҳовандий ўзининг «Маассари Раҳимий» китобида унинг чиғатойча (ўзбекча) ёзган бир мактубини келтиради.

Акбаршоҳнинг катта амирларидан ва Аргун қабиласининг пешволаридан бўлган Мирюнус Муҳаммадхон ҳам туркийча ёзган шеърлари билан шухрат қозонганини «Ҳафт Иқлим» муаллифи Аҳмад Розий хабар берса-да, унинг катта девони ҳанузгача топилган эмас.

«Ислом энциклопедияси» Бобирнинг иккинчи ўгли Комрон Мирзонинг туркийча шеърлар билан ўз вақтида кўп машҳур бўлганини қайд этади. 1509 йилда Қобилда туғилиб, отасининг вафотидан сўнг ўз оғаси Хумоюн била узоқ вақт низолар қилган ва охири 1557 йилда Маккада вафот этган Комрон Мирзо ғоят эҳтиросли, жанжалкаш, нотинч бир киши бўлиш билан бирга жуда закий, зийрак, истеъдодли ва санъаткор

⁸⁹ «Ислом энциклопедияси», Истанбул, 1945, III жилд, 24 жузв.

бир киши бўлган. Унинг форсча ва туркийча (эски ўзбекча) газал, қитъа ва рубойлардан иборат девони бу истеъдоднинг маҳсули бўлса керак! Бу девоннинг турли қўлёзмалари ҳақида 1924 йилда Ҳиндистонда нашр этилган В. Иванов каталогида маълумот берилади.

Бу китоблар ҳақида «Ислом энциклопедияси»нинг берган маълумотлари ўзбек адабиётининг Ҳиндистонда яратилган шу дурдоналарини келажакда ахтариб топмоққа қўлимизга бир илмоқ бериб қўйди. Лекин ҳозирча биз бу китоблардан маҳруммиз.

Бироқ Содиқий Китобдор бу соҳада бизга яна бир ёрдам бермоққа қодирдир. Масалан, «Ислом энциклопедияси»да Ҳумоюннинг форсча ҳам туркийча шеърлар ёзганлиги айтилади-ю, лекин асарларидан ҳеч бир мисол келтирилмайди.

Бу жиҳатдан Содиқий Китобдорнинг Ҳумоюн подшоҳ ҳақида бизга берган маълумоти бағоят қийматлидир. Бу ерда Содиқий, аслида, ўз замондоши тўғрисида гапиради.

Маълумки, Ҳумоюн Мирзо 1530—1556 йилларда ҳукмронлик қилган. Демак, Ҳумоюн вафот этганида Содиқий 23 ларга кирган бир йигит эди. Лекин, ҳар ҳолда, у Ҳумоюн ҳақида ўзининг катта ёши замондошидек гапиришга ҳақли. Биз унинг Ҳумоюн тўғрисидаги кичик фикрасини, унинг биз учун катта аҳамиятини эътиборга олиб, бутунича бу ерга кўчирамиз.

«Ҳумоюн подшоҳ ниҳоятдин мутажовиз⁹⁰ каримул таъб ва сахонеша ва хушсалиқа подшоҳ эрди. Абдулғози Султон Ҳусайн Мирзодин сунгра чигатой подшоҳларидан Ҳумоюн подшоҳдек хуштаъб подшоҳ оз воқеъ бўлубтур. Қариндоши Комрон Мирзодин ҳазимат қилуб шоҳ жаннатмакон зилоли жалолига⁹¹ малжаъ⁹² бўлди. Қизилбош аскари нусрат фаржоми⁹³ имдоди била хасми⁹⁴ мағлуб қилуб, Ҳинд аввобин⁹⁵ мафтўҳ қила олдилар.

Таъби шеърда уқуш⁹⁶ мулойим воқеъ бўлубтур. Бу икки туркий байтининг кўп шухрати бор ва машҳур бўлубдурким:

Ғарблиғ ғамдин мехнату малолим бор,
Бу ғамдин ўлимга етдум, ғариб ҳолим бор.
Висоли давлатидан айрилубман маҳзун,
Тирикмену бу тирикликдан инфолиим⁹⁷ бор⁹⁸.

⁹⁰ *Мутажовиз* — ҳаддан ошган.

⁹¹ *Зилоли жалол* — буюк, шонли соя.

⁹² *Малжаъ* — сиғинадиган жой, бошпана.

⁹³ *Нусрат фаржоми* — галабалик натижа.

⁹⁴ *Хасм* — душман.

⁹⁵ *Аввоб* — боблар, эшиклар.

⁹⁶ *Уқуш* — кўп зиёда.

⁹⁷ *Инфиол* — ўпқаланмоқ, хафалик.

⁹⁸ «Мажма-ул-хавос», 13—14-саҳифалар.

Бу тўртлик Ҳумоюннинг нозик ва лирик шоирона бир қалб ва ҳассос бир дид эгаси бўлганига далолат қилади. Шакл эътибори билан бу тўртлик рубойга ўхшаса-да, классик рубойларга махсус бўлган вазнда («Ҳазаж» баҳрининг йигирма тўрт навъдан бирида) ёзилмагани учун расман рубой жанрига кирмайди. Гарчи Навоий ўз «Мезон-ул-авзон»ида рубой ҳақида гапирётганида «ани дубайти ва тарона ҳам дерлар»⁹⁹ деганидан ҳали XV аср назариячилари бу уч атамани бир маънода тушунганлари маълум бўлади. Ҳатто замонамиздаги айрим адабиётшунослар айнан шу фикрни қувватлайдилар. Масалан, Оймутлу нисбатан яқин ўрталарда ёзган китобида «Рубойларга» «дубайт» ва ё «тарона» номи ҳам беради. Рубойда ҳар мисрада ҳар вазни қўллашга ижозат бор¹⁰⁰, дейди. Бу ерда муаллиф рубойдаги шу хусусиятни (ҳар мисранинг бир баҳо доирасида бошқа-бошқа вазнда бўлишлик хусусиятини) тўғри мушоҳада этган. Зотан рубойдаги бу хусусиятнинг ўзи уни дубайтдан ва таронадан ажратади.

Бироқ сўнгги даврдаги эрон адабиётшунослари рубойдан дубайтни ва таронани ажратиб, бошқа-бошқа жанрдек тавсиф қилмоқдалар. Улар асосий фарқни вазнлардаги тафовутда кўрадилар. Масалан, эрон адабиётшуносларидан Фазлulloҳ Сафо рубойда «ҳазажи мусамман», дубайтларда ва тароналарда эса «ҳазажи мусаддас мақсур» ўлчовлари қўлланганини катта материал¹⁰¹ асосида аниқлаб, юқоридагидек, терминларни ажратиб қўяди.

Ҳар ҳолда, Содиқий Китобдор ҳам Ҳумоюндан ҳалиги тўртликни келтирганида уни рубой деб атамагани тасодифий бўлмаса керак. Аммо нега у бу тўртликни «икки туркий байт» деб тақдим этади? Ахир булар айрим, бири-бирига боғланмаган ёхуд бирон катта асардан кўтариб олиб ажратилган парча (қитъа) эмас-ку! Бу тўртликда фикрий, бадиий, шаклий бутунлик мукамал сақланган-ку! Бизнингча, «икки байт» деб Содиқий ўзича форс-тожикларнинг «дубайт» деган жанрини туркийлаштириб (ўзбеклаштириб) «икки байт» маъносида таржима қилганга ўхшайди.

Шу дубайтдаги кайфият ва имо-ишоралардан бир хўлоса чиқариш мумкин: у ҳам бўлса, Ҳумоюн Мирзо бу дубайтини иниси Комрон Мирзо дастидан қочиб, Эронда бошпана топган маҳалида ёзганга ўхшайди. Дубайтдаги «ғариблиғ», «ғам», «висоли давлатидан айрилиқ», «тирикликдан инфюл»

⁹⁹ Алишер Навоий, Мезон-ул-авзон, XXXV саҳифа.

¹⁰⁰ Аҳмад Оймутлу, Аруз, Истанбул, 1950, 53-саҳифа (туркча).

¹⁰¹ Фазлulloҳ Сафо, Сабгхойн адабий, Теҳрон, 1337 ҳ. (1958),

50—51-саҳифалар (форсча).

каби кайфиятлар шу қочқинлик ва мусофирчилик вазиятида туғилган бўлиши кўп табиийдир. Зотан бу дубайтнинг Эронда яшаган Содиқийга маълум ва ёд бўлиб қолиши бизнинг бу эҳтимолимизни янада қувватлайди, холос!

Содиқий Китобдор чуқур эҳтиром билан Алишер Навоийнинг обрўйини ва адабий таъсирини кузатиб юрган. У Навоийни фақат бир ўзигагина эмас, булак бир қанча шоирларга ҳам мураббий ва муаллим деб талқин этади. Масалан, «Сусанийбек» фикрасида муаллиф берган маълумотни ўқийлик:

«... туркмандур. Авоилда шоҳи жаннатмаконнинг муаззам кўрчиси эди... Табъи Амир Навоий шеърига кўп сарростдур»¹⁰².

Содиқий бу йигитнинг кейинча шароб, таряк, қиморга берилиб кетиб тушкунликка юз қўйганини айтгандан кейин, унинг Ҳамадон шаҳрида «дунёга видо қилгани»ни ачиниби хабар беради. Унинг ногамом қолган девонини тугатишни Амирхон Гулобий Туркмон Содиқийга ҳавола қилади. Содиқий бу вазифани бажаришга «муваффақ бўлдим», дейди. Бундан кейин Содиқий Сусанийбекнинг шоир Шоҳийга жавобан ёзган ғазалининг матлаини келтиради.

Шоҳий ғазалининг матлаи бундай бўлган:

Тутти илким меҳр эдуб берди менга ул шоҳ элик,
Кимки, эл тутар кўрим тутсун анинг оллоҳ элин.

Сусанийбекнинг унга жавобан ёзган байти шундайдир:

Шоҳлар тутмас гадо илкин фано бозорида,
Келки, ул бозораким, тутғай гадолар шоҳ элин¹⁰³.

Бу икки шоирнинг икки матлаида худди бир масалага (ҳукмдорларнинг фуқарога шафқати масаласига) икки турли, бири-бирига тамомила зид икки муносабат кўрсатилади.

Шоҳий ҳукмдорга миннатдорчилик ва дуою сано билан муносабатда бўлса, Сусанийбек бу дунёда шоҳлар ҳеч қачон фуқарони қўллаб-қувватламайди, дейди. У шундай бир бозор (дунё) орзу қиладики, у ерда шоҳлар гадоларга муҳтож бўлмайлар!

Сусанийбек ўзи туркман бўлгани ҳолда Навоийга мухлис бўлиб, ўзбек тилида шеърлар ёзиши адабиёт тарихимизнинг тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам, халқларимиз ўртасидаги азалий ҳамкорлик нуқтаи назаридан ҳам диққатга сазовор қийматли воқеалардан биридир. Сусанийбекнинг шоҳ шахси-

¹⁰² «Мажма-ул-хавос», 118—119-саҳифалар.

¹⁰³ «Мажма-ул-хавос», 118—119-саҳифалар.

га шундай эркин муомалада бўлишида Навоийнинг инсон шаъни ҳақидаги оловли байтлари таъсир қилганига шубҳаланиш мумкинми? Сусанийбек Навоийни севиб-севиб мутолаа қилиб, унга тақлид ва эргашган бўлса, наҳотки устоднинг шу байтини ўқимаган бўлса:

Тут гадолиғни Навоий муғтанам,
Шоҳлар олида бош индурма кўп!

Албатта, бевақт сўниб кетган бечора Сусанийбек Навоийнинг энг яхши анъаналарини ўзида тўплашга қодир бир шахс бўлганки, Содиқийнинг бу тўғридаги маълумоти шу жиҳатдан алоҳида бир аҳамият касб этади.

Нихоят, яна бир масалада Содиқий Алишер Навоийни тилга олади. У ўз китобининг охирида Айюб номли бир киши ҳақида маълумот беради. Шу муносабат билан муаллиф мазкур Айюбнинг Абулбарака деган бир кишининг ўғли бўлганини ва ул кишини Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис»да ёмон сифатлар билан тавсиф этганини эслатиб ўтади.

Икки даврнинг икки адиби ота ва ўғилга икки хил баҳо берадилар. Лекин уларнинг қаламлари гуё бир оила хонасида яна учрашгандай бўладилар. Албатта, шундай учрашув Содиқий учун улўғ бир файз бахш этиши табиийдур.

Биз, аввало, Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис» асаридан Абулбарака ҳақидаги фикрани олайлик:

«...Хуросон ва Самарқандда, ани андоқким бор, билмас киши йўқтур. Қабоҳат ҳолатини мазкур қилмоқда кўп беҳижоблик керак.

Абулбарака Шаҳрисабзда қози эрди. Подшоҳ ҳазратига анинг зулмидин додхоҳ¹⁰⁴ кўп келган жиҳатидан маъзул¹⁰⁵ бўлди ва Хуросонга келди. Мунда доғи ғариб шаҳкорлар¹⁰⁶ ташладиким, ғаробатининг тули бор. Мунда ҳам туролмай яна Самарқандга борди, анда доғи аркони давлатдин баъзини мунга келтургандурким, яна ул мансабни анга бергайлар. Чун муддати экандурким, ул ерда қозий йўқ экандур, анинг ҳаводорлари: «ул мансаб эгасиздур, муносиб киши топибмиз», деб бир либос била подшоҳ арзига еткургандурлар. Яна баъзи нуввоб:¹⁰⁷ «ул бадмаош кишидур», деб ул сўзни рад қилгандурлар. Подшоҳ дегандурким: «ҳар неча бадмаош ва бадбахт бўлса, ул бурунқи қозидин яхшироқ бўлғусидур». Анинг

¹⁰⁴ *Додхоҳ* — шикоят, адолат сўраб арз қилиш.

¹⁰⁵ *Маъзул* — азл этилиш, хизматдан ҳайдалиш.

¹⁰⁶ *Шаҳкорлар* — усталик билан найрангбозлик.

¹⁰⁷ *Нуввоб* — ноиблар, асизодаalar ва баланд мартабали туралар.

назмидин хотирда йўқ эрди, аммо бу байтни зурафо¹⁰⁸ анинг учун дебтурлар:

Деви шайтон сифат Абулбарака,
Бод жойаш баҳафтумин дарака!¹⁰⁹

(Абулбарака шайтонсифат девдир, унинг жойи еттинчи жаҳаннамнинг тагида бўлгай!)

Алҳосил, Абулбарака Навоийнинг қалами остида ғоят ярамас, маккор, муттаҳам, муғомбир ва қаллоб бир киши сифатида гавдаланади.

Энди бу кишининг ўғли ҳақида Содиқий Китобдор тубандагиларни айтади:

«Айюб хуросонлиғдир. Абулбарака ўғлидурким, амири кабир Алишер «Мажолис-ун-нафоис» да таъриф қилибдурким, улча бадзот ва бемулоҳаза эрдиким, Хуросон аҳли илқидин фирор қилуб овора бўлдилар. Бу байтни анинг учун айтибдурларким:

Деви шайтонсифат Абулбарака,
Бод жойат¹¹⁰ баҳафтумин дарака.

Ва илло ўғли анинг хилофиға мажлисаро ва музҳик киши эрди, Устодимиз Мир Сунъий... билла кўп мусоҳиб эрмишлар. Бу абёт ул азизнингдурким:

Хадиси мазҳаб аз риндон бо машраб чи мепурси?
Эи-риндон ҳарфи машраб пурси, аз мазҳаб чи мепурси?»

(Таржимаси: Майхўр дарвишлардан сен мазҳаб сўраб нима қиласан? Дарвишлардан сен майхўрлик сўзини сўраб бил, сен уларга дину мазҳаб ҳақида савол бериб нима қиласан?)

Шундай қилиб, Навоийнинг қаҳру ғазабини қўзғаган бир зотнинг ўғли яхшилик йўлида юрганни китобининг охирига қўйиш билан, Содиқий Китобдор, билиб ё билмасдан, катта бир символлик ҳиммат кўрсатган. У ҳам бўлса, бу оламда яхшилик, меҳрибончилик ва дўстлик, лобид ва муҳаққақ енгишига, шеър, санъат, нафосат ва эркинликнинг ҳаётга ҳукмрон бўлишига сўнмас имон билан ишонишдир.

Содиқий Китобдор Навоий адабий мактабининг, баъзи шарқшуносларнинг таъбири билан айтганда, Навоий бошлиқ «Хирот Фанлар академияси» нинг юксак гуманистик ғояларини XVI асрда Озарбайжон заминида баракали давом эттирган буюк адиб сифатида ўзбек адабиёти доиралари учун, ўзбек адабиётининг дўстлари учун ҳам азиз ва муқаррамдир.

¹⁰⁸ Зурафо — зариф, шинаванда одамлар, зиёлилар.

¹⁰⁹ «Мажолис-ун-нафоис», 182—183-саҳифалар.

¹¹⁰ Бу мисрада котиб ёки ношир хатоси билан «жойаш (жойи) сўзи «жойат» (жойинг) тарзида кетган; «Мажма-ул-хавос», 312-саҳифа.

Ш. Абдуллаева

НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ОБРАЗИ

Алишер Навоийнинг бош адабий меросини ўрганиш ва марксистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш совет адабиёти учун гоят катта аҳамиятга эга.

Навоий ўз даври ҳаётининг кенг манзараларини очиб берадиган ўлмас асарлар ёзиб қолдирди. У яратган образлари орқали илғор гуманистик ғояларни илгари сурди.

Гарчи Навоий дунёқараши XV асрдаги ижтимоий-иқтисодий шароитларга кўра бир қанча масалаларда моҳият эътибори билан маълум чекланишлардан холи бўлмаган ва унинг ижодида анчагина ғоявий зиддиятлар мавжуд бўлса-да (бу зиддиятлар Навоийнинг ғоявий, ижодий эволюцияси, ҳақиқат излаши билан боғлиқдир), у буюк олим ва шоир сифатида ўз даври тарафидан ўртага ташланган кўпчилик масалаларга ёндашишда ўз дунёқараши билан замондошларидан анча илгарилаб кетди. Навоийнинг дунёқараши, унинг гуманистик принциплари «Хамса» даги хотин-қизлар образларида ҳам ўз ифодасини топган.

Навоийнинг буюк хизматларидан бири шундаки, у аёллар ҳақидаги илғор фикр ва орзуларини юксак бадиий формада, киши қалбини дарҳол ўзига жазб эта оладиган бадиий воситалар орқали ифодалади.

Шоир ўзининг «Хамса» асарида хотин-қизлар образларига алоҳида аҳамият беради. XV аср шароитида хотин-қизларга феодал-диний қарашларни фож этди, хотин-қизларнинг ўлмас образлари галереясини яратиб, ўзининг бу хусусдаги ҳаётий ва романтик орзуларини баён қилди.

Ўзбек классик адабиёти тарихига назар ташлар эканмиз, аёллар образини яратишдек муҳим ишга ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик катта аҳамият бермаганлигини кўрамиз. Сарой шоирлари ўз лирик ғазалларида маъшуқаларига бўлган «вафо»ларини қанчалик усталик билан баён

қилмасинлар, уларнинг гаплари сохта эканлиги маълум. Масалан, вафо, ишқ-муҳаббат ҳақида ғазаллар ёзган Ҳусайн Бойқаронинг 19 хотини, ҳарамда эса 40 та аёл сақлангани тарихий манбалардан маълум.

Хотин-қизларга нисбатан шунчалик муносабат ҳукм сурган бир даврда Алишер Навоий аёллар — оналарни оталар билан баробар ўринга қўяди.

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садка ано бошига...
Тун-кунинга айлагали нур пош,
Бирисин ой англа, бирисин — қуёш¹.

Навоий ўзининг бир қатор асарларида, жумладан фалсафий-ахлоқий «Ҳайрат-ул-аброр» дostonида шарият қонунларига асосланган одатлардан анча четга чиқиб, она билан отага ҳамиша содиқ, самимий хизмат қилиш зарурлигини уқтиради.

Маълумки, феодализм шаронтида она онлада ҳам, жамиятда ҳам ота билан тенг ҳуқуққа эга бўлмаган, унинг мавқеи чегараланган эди. Хотин-қизлар инсоний ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб, ҳаддан ташқари хўрланган, эзилган, менсиммаган фақат «ярим одам» қаторида яшар эдилар.

Феодал жамиятининг қаттиқ исканжалари ҳам, ислом динининг даҳшатли, оғир қонунлари ҳам улуғ Навоийни ажойиб хотин-қизлар образларини яратишдан тўхтата олмади. Навоий идеал аёллар образини яратди. Улар орқали ўз ғоялари ва орзуларини ифода қилди. Уларнинг энг яхши фазилатларини тасвирлаб, кишилик жамиятига намуна қилиб кўрсатди.

Дин арбоблари, сарой аъёнларининг фикрларига хилоф бўлса ҳам, Алишер Навоий онани ота билан, яъни аёлларни эркаклар билан бир қаторда баҳолаб, уни (онани) олий ҳурматга сазовор деб билди.

Навоий «Садди Искандарий» дostonида ўғилнинг она билан сўзлашишини тасвирлаб, она сўзларини қимматбаҳо лаълга ухшатади ва бу ухшатишни Искандар тили билан шундай ифодалайди:

«Сенгаки бузулган тавим жонисан
Вужудим сенин лаълининг конисан»².

Навоий асарларида тасвирланган хотин-қизлар адолатпарвар, илмпарвар, меҳнасевар ва жасоратли қаҳрамонлар-

¹ Навоий, Ҳамса, 120—121-бетлар, Ўзбекистон ФА нашриёти, Тошкент, 1958 («Ўша асар» деб «Ҳамса»нинг ушбу наشري кўзда тутилади.

² Ўша асар, 1614-бет.

дир. Масалан, «Ҳайрат-ул-аброр» достонида бир кампирнинг шоҳ Абдул Ғозий олдига ноҳақ ўлдирилган ўғлининг хунини талаб қилиб келганлиги ва шоҳнинг ўз гуноҳига иқрор бўлиб, кампир олдида бош эгиши тасвирланади. Бу эпизод орқали шоир адолат ва жасоратни улуғлайдики, қари аёлнинг подшоҳ ғазабидан кўрқмай адолат ахтариши шундан далолат беради.

Навийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Ширин ижодкорлик, вафодорлик, ватанпарварлик каби фазилатларга эга бўлган мукамал шахс сифатида тасвирланган.

Ширин ўз хислатлари билан Фарҳоддан қолишмайди. Шириннинг Фарҳодга бўлган муҳаббати сабабларидан бири Фарҳоднинг меҳнатсеварлиги ва матонатидир.

Ширинни қизиқтирган энг қимматли хислат одамийликдир. Ширин «мен инсонман, шунинг учун ҳам ўзимдек чин инсонни севаман» дейди:

Менга не ёру не ошиқ хавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур»³.

Эрлар билан бир қаторда, хотин-қизлар орасидан ҳам салобатли, тadbирли, илмпарвар давлат арбоблари чиқишига ишонган Навоий ўз қарашларини Меҳинбону образи орқали бизга етказди:

Меҳинбону ки донишпарвар эрди,
Биллик ахлига хохи сарвар эрди»⁴.

Навий тасвирлаган хотин-қизлар ҳар томонлама қобилиятлидирлар. Унинг Лайлиси эркин севишни истайди, ўша замон урф-одатларига лаънатлар ўқийди. Ширинда ватанпарварлик, одамийликни кўрамиз. Меҳинбону адолат ҳомийси, буюк истеъдод эгасидир. Луғбати чиний чакқон, камтар баҳодирдир.

Навий аёлларнинг эрлар каби ижтимоий ҳаётда иштирок этишларини истайди. Лекин XV аср шароитида бу идеалларни амалга ошириш мумкин эмас эди. Ширин, Лайлилар ўз мақсадларига эриша олмадилар. Синфий айирмага, синфий қарама-қаршиликка асосланган жамиятда адолат ва аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мумкин эмас эди.

XV аср феодал тузумида энг оғир кунлар, ҳар томонлама эзилиш ва ҳўрланишлар, айниқса, хотин-қизларга насиб бўлганини, даврдан зорланиш, норозилик ва шикоятни Алишер Навоий Лайли тилидан шундай ифодалайди:

³ Ўша асар, 494-бет.

⁴ Ўша асар, 48-бет.

Лайлики балойи фурқати бор,
Икки мажнунча меҳнати бор.
Умр анга галат ҳавасдир ахир
Жон тарки ажаб эмасдур ахир⁵.

Илму маданиятга ташвиқот, олимларга, ҳикмат аҳлига ҳурмат ва эҳтиром билан қараш Алишер Навоий «Хамса» сининг асосий мотивларидан биридир.

Қишига неча келса мушқул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол⁶.

Дунёга келиб илм олмай утишни шоир бундай тасвирлайди:

Қамол эт касб ким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмаган ғамнок чикмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмоқ бианинҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ⁷.

Нодонлик эса маломат ва бахтсизликка олиб боради:

Нодонлик эрур элда маломатга далил,
Дони улус сдида хижолатга далил⁸.

Илм олиш фақат эркакларгагина эмас, аёлларга ҳам зарур эканини уқтиради шоир. У хотин-қизларни қуёш билан тенглаштириб айтади:

Яхши хотинлар сафойи зухдидин,
Олам ичра гар ёруғлик бўлса фош.
Йуқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш⁹.

Яъни: яхши хотинлар покизалигнинг мусаффолигидан оламга ёруғлик тарқалса таажжуб эмас, чунки қуёш (шамс) сўзи араб тилида муаннас (женский род) га киради.

Навоий хотин-қизларнинг илм ва ҳунардаги маҳоратини юқори баҳолайди. Шунингдек, шоир каниз қизларни ҳам моҳирлик билан тасвирлайди.

Шириннинг саройига тўпланган қизлар билан танишайлик:

Бирн ашъор баҳри ичра ғаввос, (шоира)
Бирн адвор даври ичра раққос, (раққоса).
Бирн мантиқ русумида рақамқаш, (мантиқчи)
Бирн хайъат руқумида қаламқаш, (астроном)

⁵ Уша асар, 849-бет.

⁶ Н а в о и й, Афоризмлар, Тошкент, 1941. 35-бет.

⁷ Уша асар, 35-бет.

⁸ Уша асар, 49-бет.

⁹ Уша асар, 86-бет.

Бирининг шеваси илми хақойиқ, (файласуф)
Балоғатда бири айтиб дақойиқ, (оратор)
Бири тарихда сўз айтиб фасона, (тарихчи)
Бири ҳикмат фани ичра яғона, (физик)
Ҳисоб ичра бирининг зехни бориб, (математик)
Мўаммода бириси от чиқариб¹⁰. (топишмоқчи)

Хотин-қизларга паст назар билан қаралган феодал муҳит шароитида юқоридаги образларнинг тасвирланиши шоирнинг ҳаётбахш романтикаси ва гуманизмидан далолат беради.

Буюк гуманист ёзувчи диний реакция авж олган ва Хўжа Аҳрор сингари ута реакцион феодал шайхлар халқ онгини заҳарлаётган бир даврда ижод этди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг илғор ғоялари айниқса ўша даврда муҳим прогрессив аҳамиятга эга эди.

«Хамса» нинг тўртинчи достони «Сабъан сайёр» да вафоли, жасоратли, моҳир санъаткор аёллар образини кўра-миз. Достонда марказий образлардан бири Дилором бўлиб, унинг жасорати, вафодорлиги ва айрим камчиликлари асардаги мусофирлар айтиб берган афсоналардаги қизлар образида янада очила боради. Иккинчи томондан, подшоҳ Баҳром образи характеридаги камчилик ва зиддиятларнинг очилишида ҳам Дилором образи аҳамиятлидир.

Фазилати ва гузаллиги билан Лайли ва Шириндан қолишмайдиغان Дилором хитой савдогарининг канизи сифатида тасвирланади. Қизнинг портретини тасвирлашда шоир Лайли ва Ширин образлари тасвиридаги сўзлар ва сифатларни такрорламайди, оригинал ифодалар излайди.

Хур, йўқ-йўқ, не хур, балки пари,
Не пари, балки офати башари,
Лаби сўз дерда элди олиб жон,
Лабларини чун кўриб, уёлиб жон.

Дилором ўз саргузаштини шундай изҳор этади

Билки, Чин мулкидур дидр менга,
Утубон анда рўзгор менга.
Икки хон кин разминдин такдир,
Тифил эканда бировга килди асир,
Байимга хўжа муштари бўлди,
Бандаси меҳри ховарий бўлди.
Гарчи мундоғ азиздурмен анга,
Сотқун олгон каниздурмен анга!¹¹

¹⁰ Ўша асар, 478—479-бет.

¹¹ Ўша асар, 1147-бет.

Дилором ўзининг мавқеини асир ва канизларидан юқори кўтара олмайди. «Отахони» уни бир йиллик хирож баробарига Баҳромга сотади. Дилором Баҳромга севимли ёр, доимий ҳамроҳ бўлади. Унинг гўзаллиги, жозибадор санъатига мафтун бўлган шоҳ мамлакат ишини унутади, чунки:

Ишқ ила шоҳлик мувофиқ эмас,
Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас.
Ишқ учун бедили керак фони,
Ўртаган шавқ шуъласи ови¹².

«Сабъан сайёр» достонидаги воқеанинг тугуни ов манзарасидан бошланади. Алишер Навоийнинг раҳмдил қалбига шоҳ Баҳромнинг уста мерганлигидан кўра Дилоромнинг гуманизм билан тўла сиймоси таъсири ортиқроқдир.

Шоир мерганнинг маҳоратини Дилором тили билан машқнинг натижаси сифатида баҳолайди. Қиз яраланган кийикнинг ҳолига ачиниб, кўз ёшлари билан:

Ҳар ким бир ишни варзиш этар,
Иш камолни кўрки не ерга етар¹³,

дейди.

Чуқур ҳаётий маънога эга бўлган бу байтда инсоннинг такрор ва изчил қайтариш натижасида қийин, мушкул ҳисобланган хунарни ўрганиши мумкин эканлиги айтилади. Дилоромнинг ҳақли даъвоси такаббур, ўжар шоҳни ғазаблантиради. Унинг ғурури олдида севги ҳам ожизлик қилади. Дилоромни ўз сочи билан боғлаб, саҳрода қолдириб кетади. Ҳақ сўзи учун севгилисини ўлимга маҳкум қилади.

Бу билан Навоий феодал аристократларининг инсонга, хотин-қизларга муносабатини ёрқин ифодалайди. Дилором ўлмайди, уни соғиниб келаётган савдогар отахони тасодуфан биёбонда жонсиз ётган ҳолда топиб олади.

Дилором бир оз ўзига келгач, воқеани баён этиб шундай дейди:

Алл ила шоҳ ҳукми қатл этди,
Неки килмиш эдим, жазо этди.
Янги жон менга берди эрса худо
Ани ҳам келмишам килурга фидо.
Қатл килса агар фикандасман,
Афв ҳам айлар эрса бандасман¹⁴.

Дилором ўжар Баҳромнинг такаббурлик билан қилган ёмонлигини жуда тез унутади. Шоҳга оддий каниздек итоткорлик қилади. Қиздаги вафодорлик ва марҳамат Баҳ-

¹² Уша асар, 353-бет.

¹³ Уша асар, 355-бет.

¹⁴ Уша асар, 355-бет.

ромнинг иродасизлик натижасида қилган зулмини унутишига сабаб бўлади. Дилором Баҳромни афв этади.

Лекин бу ҳаракат Дилоромдаги ожизлик белгисидир. У ўзининг истъододу фазилатини, инсонлик шаънини Лайли, Ширинлар каби тушуна олмади. Балки Навоий бу билан қизнинг итоаткорлигини, вафодорлигини, самимий муҳаббатини кўрсатмоқчи бўлгандир. Лекин шунга қарамай, Алишер Навоий тасвирида Дилором тақдирга тан берувчи, ноҳақ хўрлик, азоб-укубатга чиловчи содда қиз образидир.

Санъаткор қиз Баҳромдаги зулмкорлик хусусиятига нафрат билан қараш даражасига кўтарила олмаган. Карвончилар Дилоромга ачиндилар, унинг қайтиб шоҳ ҳузурига боришини лозим кўрмадилар.

Отахони эса бундай ўғит беради:

...Ева дерсен, ўзингдаму йўксен
Еки хони ҳаётидин тўксен.
Шаҳки, бир сўз учун тўкар қонинг,
Яна қилмоқ недур фидо жонинг?
Шоҳ бир шўълан фурузондур,
Хар кишига етүшса сўзондур.
Ут аро ихтиёр ила сўрмак:
Баҳра бермас, бағайри кундурмак.
Шоҳким, буйла тангдил бўлмиш,
Ғазаби ўти муштанл бўлмиш,
Кочмоқ андин савоб эрвр бу дам,
Неча андин йирок — офат кам¹⁵.

Бу сўзлар халқнинг шоҳга муносабатини очиб берувчи достоннинг аҳамиятли сатрларидандир. Дилором Хоразм ўлкасига кетади. Мусибатли саргузашти унга қаттиқ таъсир этади, лекин у оламга ғавғо солмай, севги аламларининг ноҳасини чолғу билан куйлайди. Бу эса унинг санъати маҳоратини ортттиради. Унинг ашула ва чолғусини эшитганлар ҳушидан ажралар эканлар. Дилоромнинг санъати таърифини эшитган Хоразм шоҳи оддий кийим кийиб, савдогарникига чолғу эшитишга келади. Қизнинг ашула ва чолғусига ошнқи беқарор бўлиб, эртасига совчи юборади. Савдогар шоҳнинг талабини қабул қилмагач, у (шоҳ) аскар юбориб, зўрлик билан Дилоромни ўз ўрдасига олиб келади. Подшо кўрмоқчи бўлиб унинг олдига келганда, Дилором куйлай бошлайди, бу куйдан таъсирланган сарой аҳли ҳушсизланиб йиқилади. Қиз соғ-саломат ўз манзилига қайтади. Бу иш бир неча марта такрорлангандан сўнг, подшо қиздан умид узиб, чолғу эшитишгагина рози бўлади.

¹⁵ Уша асар, 1156-бет.

Хоразм ўлкасида ном чиқарган музикачи Кофурнинг бозори касод бўлганлиги сабабли, у Дилоромга маҳрам шоғирд бўлади. Устозининг қайғули ишқий ашулалари Кофурни ортиқ даражада қизиқтиради, у ўз устозидан севги дардларини айтиб беришини сўрайди. Дилором музикачини ўзи каби ғамгин билиб, унга сирини айтади, фақат, эшитгач, бу шаҳардан чиқиб кетиш шартини қўяди:

Е бу тафтиш таркнини этгил,
Ёки билгач, бошинг олиб кетгил¹⁶.

(Алишер Навоий яшаб, ижод этган даврда севги, айниқса қизлар учун катта гуноҳ ҳисобланар эди, шунинг учун Дилором бу масалада эҳтиёткорликни унутмайди.)

Кофур, ваъдага мувофиқ, шаҳардан чиқиб кетиб, шаҳарма-шаҳар юради. Музикачи Кофур ҳам ваъдага вафода Баҳромдан устун қўйилади. Унинг йўли Баҳром яшаб турган шаҳарга тушиб, жума куни еттинчи мусофир бўлиб, шоҳга Дилором ҳикоясини сўзлайди. Кофурнинг ҳикояси Баҳромни ўлдириб-тирилтиради, у Хожага ва Дилоромга мактуб ёзиб, элчилар юборади.

Иккинчи марта Дилоромига етишган шоҳ яна ичкиликка, ов ишига берилади. Бу ҳол уларни ҳалокат қучоғига гарқ қилади.

Дилоромнинг Баҳром саройига қайтиб келиш эпизоди бир неча масалалар билан изоҳланиши мумкин:

1. Бу эпизод ҳам Дилоромнинг одамгарчилик ва вафодорликда Баҳромдан устун эканини таъкидлайди. Дилором вафодорлиги туфайли Баҳром даргоҳига қайтиб келишга рози бўлади. Бироқ Баҳром эса Дилоромнинг вафодорлигига етарли баҳо бера олмайди, айш-ишрат гирдобига янада кўпроқ ботиб, ўзининг ва Дилоромнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Навоий Баҳромнинг бу қилмишини қаттиқ қоралаш билан ўз давридаги ҳукмдорларнинг ишратбозлигини танқид қилади.

2. Китобхон Дилоромнинг тақдирига ачинади. Бироқ айни замонда бу эпизод Дилором образига хос пассивликни, унинг «тақдир» олдида ожизлигини яна бир қарра таъкидлайди. Бу эса Дилором образига янада XV аср феодал ҳаёти шароитига мувофиқ реал тус беради. Дилоромнинг тақдири феодал жамиятдаги мазлума хотин-қизларнинг фоживий ҳаёти йўлини умумлаштиради. Навоий Дилоромдаги бу ожизликни кўрсатиш билан ундан ғазабланмайди, балки унинг тақдирига ачинади.

¹⁶ Ўша асар, 353-бет.

3. Бу эпизод дoston композиция линиясининг бутунлиги ва такомил учун бир восита вазифасини ҳам бажаради.

Демак, бу эпизод дostonнинг сюжет линиясига, ғоявий мазмунига ва образлар характерини ёритишга мувофиқ келади.

Навоий тасвирлаган Дилором уста ва моҳир санъаткор, вафоли маъшуқа, камтар ва ҳақиқий инсондир. Навоий Дилоромни ўз даврининг моҳир санъаткори сифатида тасвирлаб, шу орқали бутун истеъдод ва қобилияти жамият учун эмас, балки ҳарамхона доирасида, фақат ҳукмдорнинг кайфига, маишатига сарф бўлган қадимги қобилиятли шарқ қизларининг таҳқирланган тақдирига афсусланган бўлади.

«Сабъан сайёр» дostonидаги етти иқлим мусофири ҳикояларида тасвирланган актив, жасоратли қизлар образи айниқса диққатга сазовордир.

Ҳикоялар халқ оғзаки ижодиёти мотивлари асосида маҳорат билан пухта ишланган. Халқ оғзаки ижодиётидаги оптимизм Навоий асарига бу ерда ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ранг-баранг воқеаларга бағишланган бу ҳикояларда муҳаббат, дўстлик, мардлик, донишмандлик, илм-ҳунарнинг афзаллиги ажойиб усталлик билан тасвирланади. Ҳикояларда Навоий ўз даврига кўра илғор гуманистик идеяларни шеърининг гўзал формасида кўрсатган.

«Хамса» даги бошқа дostonларга нисбатан «Сабъан сайёр» да коинот, яшаш, инсоннинг улўғлиги, ҳаммадан ҳам ҳаёт гулининг афзаллиги кўйланади:

Хуш дурӯр боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули¹⁷.

Шоиримиз яшаган даврда оддий одамларнинг яшаш шaroитлари қанчалик оғир бўлса ҳам, коинот, ҳаёт ҳақидаги халқнинг орзуси унинг диққат марказидаги масалалардан бўлди. Ранг-баранг сўз тўқималари дostonнинг асосий ғоясини бўрттириб, инсон енга оладиган қийинчиликларни гўзал фантазия воситаси билан тасвирлайди. Ҳикояларда гуманистик ва дидактик мотивлар айниқса кучли. Дostonда автор ўз даври учун энг характерли воқеалардан кўпини бадий воситалар орқали гавдалантиради. Ундаги бир қатор ҳикоялар гарчи узоқ кечмишдан олинган деб берилса-да, лекин уларда биз Навоий даврининг жонли лавҳалари инъикосини ҳам кўраимиз.

Дostonни ёзишдан асосий мақсад давлат бошида турганларни ўз (Навоий) тушунчасидаги адолат йўлига солиб юбориш, қайси шоҳ мамлакатни, халқ талабларини эсдан

¹⁷ Ўша асар, 1088-бет.

чиқариб ва улардан ажралиб қолса, инсонликни ноймол этса, маъносиз айш-ишратдан, кайфу сафодан ўзгани билмаса, албатта, ҳалокатга учраяжagini таъкидлашдир. Ҳикоялар инсонпарварлик, тараққийпарварлик тушунчалари билан сугорилгандир. Уларда Навоий бир неча аёллар образини яратадикки, улар асосий мақсадни оиниш ва исботлашга хизмат қиладилар.

«Саъбан санёр» нинг биринчи ҳикоясида тасвирланган Гулчеҳра (Ахийнинг рафиқаси) образи орқали оилавий ҳаётга, севимли эрга бўлган садоқат идеяси усталик билан очиб бериллади. Ахий ишқ йўлида ҳамма нарсадан, ҳатто подшоҳликдан ҳам воз кечган Фаррухга ўз рафиқасини бермоқчи бўлади. Фаррух Гулчеҳра даргоҳига кириб унинг қайғудан азобланиш ҳолатини кўради:

Юзни тирнок ила Фигор этган,
Барги настриши лозавор этган¹⁸.

Бу ҳолнинг сабабини сўраганда Гулчеҳра:

Деди маъвашки: «эй улме аро ток,
Хушдил айлар — никоҳ, пўкки — талоқ!»¹⁹

деб жавоб берадикки, унинг бу сўзлари вафодор рафиқанинг сўзи, чунки эрининг талоқ қўйиши кулфат чекишнинг сабабидир. У Ахийнинг ери эканлигини, ўз эрига садоқатли бўлиб, янги никоҳга унамаслигини сўзлайди. Гулчеҳра Навоийнинг вафо, садоқат ҳақидаги тушунчаларини ўзида ёрқин ифода этган.

Фаррух бу ҳодисадан қаттиқ таъсирланади. Чунки у ўз севимлисининг Ахийга хотин эканлигидан беҳабар эди. Фаҳму идроки ниҳоясиз йигитнинг олижаноб инсонлиги туфайли Гулчеҳра унга ёр эмас, умрли сингил бўлади:

«Сен ҳам энди шукӯфтадия бўлгил,
Менга икки жаҳон сингил бўлгил»,
Дедию қўпти олдиди шодон,
Қўнгли маъвашнинг ўзди ободон...²⁰

Гулчеҳрага автор жуда оз мисра бағишлаган бўлса-да, унинг сиймосида садоқат ва бу йўлда жасорат тўла гавдаланади. В. Г. Белинскийнинг «Замонамиз қаҳрамони» даги Бэла ҳақидаги сўзини хотирлаш билан юқоридаги фикр янада равшанлашади: «У жуда оз сўзласа-да ва жуда оз ҳаракат қилса-да, сиз унинг бутун вужудини кўз олдингиз-

¹⁸ Уша асар, 1004-бет.

¹⁹ Уша асар, 1004-бет.

²⁰ Уша асар, 1004-бет.

га жонли суратда яққол гавдалантириб келтирасиз. Унинг юрагида нима борлигини биласиз ва унинг нозик ҳисларини ҳам пайқаб оласиз»²¹.

Навоийнинг фикрича, инсонни безайдиган хислат вафодорликдир. Мана бу хислат Гулчеҳрада бус-бутун мавжуд, чунки у подшозода Фаррухга берилган бўлишига қарамай, ўз эрига садоқатини сақлаб қолади.

Эр амрига итоат қилиш, йиғлай-йиғлай унинг чизган чизгидан бориш феодализм даври аёллари ахлоқининг нормасидир. Лекин Гулчеҳра эрини қундиrolмаганидан сўнг, Фаррухга таъсир қиладиган сўз топиб, унга ёр эмас, бир умрли сингил бўла олади. Фаррух подшо ўгли бўлса ҳам, саройларда одат қаторига кириб кетган ҳолга — бировларнинг чиройли хотинларини зўрлаб олиб, ҳарамда қуллик занжирига боғлаш каби ҳақсизликларга йўл қўймайдиган виждонли, инсонпарвар кишидир.

Ҳафтанинг учинчи кунин Баҳром Мисрдаги катта бир бойнинг ўғли Саъд ва унинг севган қизи ҳақидаги ҳикояни тинглайди. Ҳикояда мардлик, қаҳрамонлик билан бирга ҳикмат ва донишмандлик каби хислатлар ҳам тараннум этилади.

Шаҳрисабз шохининг қизи совчи бўлган йиғитларга мушкул шартлар қўяди. Қуллар унинг шартларини бажара олмай нобуд бўладилар. Қизнинг мақсади: «Кимки қаср дарбандларини олса, Қатронга ғолиб келса, ҳақимнинг саволларига жавоб берса, жодугар Золнинг сирларини бекор қилса, шундай одамга тегиш эди». Қизнинг шартини бажариш учун қаср дарбандларини олиш қувватига эга бўлган қаҳрамон бўлиш, урушда ғолиб чиқиш, илмни чуқур эгаллаш, жодугарлик ва сеҳргарликларни бекор қилиш керак. Бундай шартларни бажарувчи йиғит аввало илм, ҳикмат аҳдларидан сўз урганиши керак: «Ҳар қандай курашда кўрқмаслик керак, чунки урушда кўрққан киши ғолиб бўлмайди». Саъд бу сўзларни шир қилиб олиб, Шаҳрисабз шохининг қизи қўйган мушкул шартларни бажаради.

Қизнинг турмуш ўртоғига турли шартлар қўйиши халқ дostonларига хос приёмдир. Қизлар йиғитларнинг илм, фазилат эгаси бўлишини, шу билан бирга, қаҳрамон бўлишини истаган, йиғитлардаги бундай хусусиятларни улуғлаш, шижоатли, илм-ҳунарли бўлишини талаб қилиш қизларнинг ҳам турмуш ҳақидаги савиясини белгилайди. Ҳикояда кўзланган асосий мақсадлардан бири шундай қиз образини беришки, у ўз ижобий истак ва хоҳишлари билан иш кура-

²¹ В. Г. Белинский, Мақолалар, Тошкент, 1948, 187 бет.

ди. Узининг юксак орзу ва мақсадларига жавоб бера оладиган ва мувофиқ одамни ўзига муносиб кўради, ўзига ёр дейди.

Тўртинчи иқлим мусофири ҳикоясининг темаси сахийлик, адолат, журъат ва дўстликдир. Афсонада золим Маллунинг қизи порлоқ ишланган образдир. У, отасининг зулмкорлиги ва ярамасликларини тушуна оладиган очиқ кўзли қиздир. Қиз Маллудан ситам кўрганларга ёрдам қилади, уларни азоб-уқубатдан қутқаришга интилади. Жасур ва раҳмдил бу киз ўз севгилиси Масъудни каниз қизлар ёрдами билан зиндондан тортиб олади, улар илгаридан тайёрлаб қўйилган икки отга минадилар ва шаҳардан, подшо зулмидан қочиш кетадилар. Қиз жасорат кўрсатиб, севгилисини ўлимдан қутқазди. Бу ҳикояда адолат зулм устидан ғалаба қозонади.

Феодализм шароитида севган йигитини зиндондан қутқариб, у билан қочиш халқ эртақларида орзу қилинган катти жасоратли иш эди. Зотан севган йигитига тегиш учун башка чора ҳам тонилмасди. Гуманист шоир ижодининг қимматли хусусиятларидан бири ундаги ҳурриятпарварлик ва унга эришиш йўлидаги жасоратдир.

Чоршанба кунин Баҳром қасри нилуфарда бешинчи иқлим мусофиридан афсона тинглайди. Адан мамлакатида Жобир исмли қароқчи бўлган. Унинг ёлғиз ўзи юзларча одамларга қарши кураш очади. Жобир денгиз қирғоғидаги сердароҳт оролга жойлашиб олган.

Беҳиштасаро шаҳрининг подшоси Навдарнинг Меҳр деган гўзал қизи бор. Меҳрнинг тасвири:

Кадиким нахли сарфароз келиб,
Хусь боғида сарвишоз келиб,
Зулфини сувбуя айлабон юз печ
Оғидан ғунча айтмай суз хеч.
Орази машъали жаҳон афрўз,
Партави шўъласи келиб жон суз²².

Меҳр дарё сабҳатига чиқади. Тўлқинда адашиб, Жобирнинг қўлига асир тушади. Бутун ҳаёти ўрғиллик, босқинчилик билан утган Жобир Меҳрга ошиқ бўлади. Лекин у Меҳрнинг севги билан тўла қалбини жароҳатлантиришга ботина олмайди. Меҳрнинг унаштирилган йигити Суҳайл тўй тарадудини қилиб, Меҳрни олиб келиш учун кетаётганда, Жобир қўлига тушади. Лекин у билан қаттиқ курашади. Урушда зур қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Жобир уни ўлдирмай, қудуққа — зиндонга ташлайди...

²² Уша асар, 386-бет.

Меҳрнинг отаси ҳам, Суҳайлнинг отаси ҳам ўз фарзандларини излаб чиққанларида, Жобир қулига асир тушадилар ва зиндонга ташланадилар. Меҳр асирликда тинч ўтирмайди. Қудуқдаги асирни (унинг ким эканини билмаса-да) қутқазмоқчи бўлади. Қанизақлар ёрдами билан қудуққа арқон ташлаб, уни озод этади. Асир қизнинг севган йигити Суҳайл эди! Суҳайл қувватга киргунча Меҳр уни тарбиялайди. Меҳрнинг донолиги орқасида Суҳайл Жобирни енгиб, подшоликка кўтарилади. Зиндондаги икки ота ҳам озод қилинади.

Меҳр — ажойиб қаҳрамон қиз. У фаросати, жасорати билан Суҳайлдан қолишмайди

«Сабъаи сайёр» да тасвирланган аёллар образида Навоий фидокорлик хусусиятларини алоҳида кўрсатади. Бу эса шоирнинг инсонпарварлик идеаллари билан мустаҳкам боғланган. Айниқса, Меҳр образида бу хусусиятни очиқ кўрамиз. У Жобир зиндонда ётган маҳбуснинг ким эканини билмаса ҳам, уни зиндондан қутқаришга ҳаракат қилади. Тадбир билан иш кўрган Меҳр мақсадига етади.

Маълумки, халқ яратган дoston ва эртақларда яшаш, душманга қарши кураш беҳад оғир бўлишига қарамай қаҳрамонлар, одатда, ўлмайди. Яшаш, кураш халқ қаҳрамонларининг орзусидир.

«Хамса» даги аёллар фақат ақлли, тадбиркор, давлат арбобигина эмас. Қизлардаги жасорат, фидокорлик хусусиятларини моҳирона тасвирлаган Навоий уларнинг уруш майдонида эрлар билан бир қаторда туриб жасорат ва чаққонлик билан кураша олишларини ҳам тасвирлайди. Бу жиҳатдан «Садди Исқандарий» даги Чин гузали образи жуда мароқлидир.

«Хамса» нинг бешинчи достони «Садди Исқандарий» да Чин ҳоқони Исқандарга кўп қимматли ҳадялар беради. Шу билан бирга Чин гузали бўлган қизни ҳам тақдим этади. Қизнинг таърифи:

Ҳитойи насаб, шўхи Чин нақод,
Жамолга хуру пари хоназод.
Икки банда ҳуснига хуру нағи,
Ва лекин қочиб хар биңи бир са и.
Хитой мулкида зўлфи гавго солиб,
Кўзи Чин дёбирида яғмо солиб²³.

Исқандар ҳадялардан бири — сирли ойнага берилиб, қизга эътибор этмаган эди. Қиз ҳуснига мағрурланмай, Исқандарга ўз ҳунарини кўрсатиш учун пайт пойлаб юрар-

²³ «Хамса», 767-бет.

ди. Искандар Мағриб ерларида кетаётганида, ўзи итга, оёққули чумолига ўхшаган махлуқларга дуч келди. Улар Искандарнинг аскарларини талаб, кўнларини еб қўяди. Шоҳ буларга ҳужум қилиш учун жанг новораларини чалдирганда, бир ёқдан қўнларига чангакли ҳодалар кўтариб олган, филдек катта ваҳшийлар — девлар келиб ҳужум қилади. Ваҳшийнинг биттаси Искандарнинг 13 паҳлавонини енгиб, қийнаб олиб кетади. Шоҳни қўрқув босса ҳам, ўз аҳволини душманга сездирмай, кулиб турар ва ҳикмат иўлини унутмас эди. Шу пайтда юзига ниқоб тутган эпчил «йигит» шоҳ олдига келиб, таъзим қилади. Унинг махсус уруш кийимлари ва эпчил ҳаракаллари шундай оғир жангларда иш кўрсатиб юрганлигидан дарак беради.

Бу ҳолатда бир чобук айлаб шитоб,
Ғиёб орази узра чини ниқоб.
Нечүнким куёш кўкда топа ба фарқ,
Қуёшдек бўлиб кўк темир ичра гарқ.
Сипехр узра меҳри жиҳон тобдек,
Келиб жўш ер узра симобдек.
Тутуб чип — бачини кўлга печон каманд,
Осиб ҳудидини хуққа Чини паранд.
Саманди олиб, барқдин тезлик,
Ўзи чархдин таври хунрезлик.
Кириб чун тарид ётти ҳар сарн фош.
Яқинроқ суруб, шаҳга индурди бош²⁴.

Ниқобли «йигит» шоҳни дуо қилгач, ваҳшийга ҳужум қилиш учун чопиб кетди. Бу чаққон «йигит» нинг ким эканини шоҳ ҳам, бошқалар ҳам билмас эди. Лекин ҳаммалари унга жуда ачинадилар. У жуда усталик билан жанг қилиб, ваҳшийни чарчатиб, довдиратади. Унинг жангидан халқ даҳшатга тушиб турганда, у девнинг бўйишга ўралган каманд ташлайди ва бўйини билан бир қўлини боғлаб, тезликда подшоҳ томон судрайди. Бу қаҳрамон «йигит» шоҳ олдига келиб, эпчиллик билан отдан сакраб тушади.

Искандар бу ишдан шу қадар хурсанд бўладики, кўнгилидаги ҳамма ғам-ғуборни кўтарилади. Бу ниқобли жангчи Чин хоқони ҳадя қилган гўзал қиз эди. Хоқон қизнинг уста жангчи эканини мақтаганда, Искандар ишонмаган эди. Қиз пайт пойлаб юриб, ўз ҳунари ва қаҳрамонлиги билан бутун кўшини аҳлини ҳайратда қолдирди. Демак, ҳеч ким енга олмаган ваҳшийларни Навоий орзу қилган идеал қиз енгади. Хотин-қизларнинг жангда ҳам қобилиятли эканига ишонган Навоий Луъбати чин образи орқали ўз фикрини несоблаб берди.

²⁴ Уша асар, 475-бет.

Луъбати чин енган кучли махлуклар бир неча йиллар давомида халқнинг тинчлигини бузиб, унга азоб-уқубат берар эди. Қиз шу балоларни халқнинг бошидан даф қилади.

Алишер Навоий юқоридагидек аёллар образини яратиш билан давр олдига муҳим ижтимоий проблемалар қўйди.

Кишилик эрки поймол қилинган бир даврда Навоий Ширин ва Меҳрибону каби давлат арбобларининг ижтимоий ҳаётда эрлар каби иштирок қилишини истайди. Лекин XV асрда бу идеалларни амалга ошириш мумкин эмас эди. Навоий асарларидаги хотин-қизлар замон тартибларига қарши қанчалик норозилик билдирсалар ҳам, у замонни қанчалик лаънатласалар ҳам, у даврлари тартибларини енга олмайдилар, кишилик ҳуқуқини бугувчи ғовларни емира олмайдилар. Улар ишқ қурбони бўлдилар.

Лекин Навоийнинг хотин-қизлар ҳақида айтган илғор фикрлари зўр прогрессив ҳаракат ва муҳим ниятлар эди. Хотин-қизларнинг бахт тўғрисидаги орзуси Алишер Навоий асарларида ажойиб моҳирлик билан тасвирланган:

«Не хуш дебдур ул дараманди фирок,
«Ки оз бахт — киб дусидни яхшироқ».
Шикоят менга йўқ турур шоҳдин,
Ки шаккун эрур бахт гўмроҳдин!»²⁵

«Хамса» таги хотин-қиз образларини гоёвий жиҳатдан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Актив ирода эгаси ва ўз тақдирига бўйсунмай, бир қадар исёнкорлик хусусиятига эга бўлган образлар. Булар — Ширин, Лайли, Меҳр (Шаҳрисабз шоҳининг қизи, III иқлим мусофирининг ҳикояси), вазир Маллунинг қизи (IV иқлим мусофирининг ҳикояси).

2) Тақдирга тап берувчи, ҳарамдаги асоратга, ўз насибаси ва тақдирига қуннққан қизлар: Булар — Дилором, Равшанақ, Меҳриноз («Садди Икандарий» дostonидан).

Алишер Навоий «Хамса» нда салбий аёллар образини ҳам кўрамизки, улар дostonда жузлий бир ўринни эгаллайдилар. Бундан Навоий ўз асарларида хотин-қизларни камситган деган маъно чиқмағлиги керак албатта, чунки бу салбий аёллар пулга сотилган, инсонлик қийматини ерга урган одамлардир. Баъзи ўринларда улар сатирик образлар сифатида тасвирланиб, ўқувчида ачиниш, нафрат туйғуларини уйғотади.

Маккорлик, алдамчилик, тож-тахт учун кураш сарой ҳаётида одат тусига кирган эди. Хусайн Бойқаронинг хотини Хадичабегим маккорлик билан шоҳнинг маслиҳат вақти-

²⁵ Уша асар, 1529-бет.

дан фойдаланиб Мўмин мирзони ўлдириш ҳақидаги фармонга қўл қўйдириб оладики, бу нарса мамлакатда ҳалокатли ўзаро урушларнинг кучайиб кетишига яна бир сабаб бўлади. Навоий «Хамса»даги салбий аёл образларини тасвирлар экан, юқоридагидек воқеаларни ҳам эътиборга олган бўлиши мумкин. Иккинчидан, «Ёсуман» каби образлар дostonларда тасвирланган ижобий образларнинг айрим фазилатларини, инсоний хислатларини равшанроқ очишга ёрдам беради.

Навоийнинг «Хамса» сидаги аёллар романтик буюқлар билан безалган бўлсалар ҳам, улар ўйловчи, севувчи, инсон ҳаёти йўлида курашувчи хотин-қиз образларидир. Уларни бадний ишланиши жиҳатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Асарда асосий қаҳрамон бўлиб, романтик образ даражасига кўтарилган аёллар — Ширин, Лайли, Дилором, Меҳрибону.

2. Образ даражасига кўтарилмай, фақат ишора билан берилган ва асарда мукамал қаҳрамон даражасига кўтарилмаган персонажлар — Лайлининг онаси, Искандарнинг онаси, Шириннинг каниз қизлари ва бошқалар.

3. Эпизодик характерда берилган қизлар — Гулчеҳра, Равшанак, Жамила (Навфалнинг қизи), Меҳр, Чин гўзали ва Меҳриноз.

Хуллас, Алишер Навоийнинг хотин-қизлар ҳақидаги фикрлари, тарихий жиҳатдан олганда, катта ва муҳим ижобий роль ўйнашига қарамасдан, бир қадар чеклангандир.

Навоий ўз давридаги хотин-қизларнинг ниҳоят даражада огир аҳволи ҳақида сўзларкан, у бунинг ижтимоий-иқтисодий ва синфий асосларини кўра олмади ва англай олмади, демак бу асосларни, зиддиятларни йўқотиш у ёқда турсин, ҳатто танқид ҳам қилмади.

Демак, Навоий хотин-қизларнинг фаровонлиги ҳақида орзу қиларкан, бунинг учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий омилларни кўрмади ва бу ҳақда масала қўймади ҳам.

Шунинг учун унинг бу орзулари утопик характерга эга эди.

Навоий тарафидан яратилган баъзи хотин-қиз образлари, масалан, Ширин, Лайли гарчи разил қўлида разилларча яшашдан ўлимни афзал кўрсалар-да, лекин разилларга, ўзларининг бахтини поймол қилувчи ва бўғувчиларга қарши актив курашмайдилар, уларга қарши курашиш зарурлигини англамайдилар; кўпинча ўзлари фарёд чекайдилар, ўз дардларида ўзлари қовриладилар.

Навонийнинг инсонпарвар, оташин поэзияси унутилмади, балки халқ ичиди томир ёйди, одамлар дилига жо бўлди ва бизнинг замонамизда, Совет мамлакатиди юксак баҳоланди.

Алишер Навоний ҳамма учун тинчлик, қувонч, бахт-саодат тўғрисида уйлар эди. Бироқ Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар умумнинг бахтли бўлиши тўғрисидаги идеаллар фақат хаёл бўлиб келди.

Революция натижасиди инсон зулмдан, хотин-қизларимиз асоратдан абадий қутулдилар. Шу туфайли Навонийнинг овози янги куч, янги оҳанг билан совет ўқувчилари орасиди тобора янграб эшитилмоқда.

Ҳ. Ҳомидий

НАВОИЙ ВА ЖОМИЙ

XV асрнинг икки буюк сиймоси — ўзбек Алишер Навоий (1441—1501) билан тожик Абдурахмон Жомий (1414—1492) ўртасидаги чин дўстлик ва ҳамкорлик ўзбек ва тожик халқларининг тарихий биродарлиги ва ҳамкорлиги заминида оувёдга келган.

Шоир айтгандек:

Дўст бўлгандек буюк Жомий, буюк Алишер,
Дўст бўлгандек қиз ва севги, чашма бирла ер —

Икки кўшни хабар олиб туриндик ҳар кун,
Иккимизга тааллуқдир шун ўчмас яқун —

Ҳеч айрилмас икки тандур тожик ва ўзбек
Қорачиқидан ҳеч ажратиб бўлмаган кўздек¹.

Навоий, дўсти Жомийнинг вафоти (1492)дан сўнг, унинг билан бўлган чин дўстлиги ва ҳамкорлиги хотирасига атаб «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» (1493—94) деган алоҳида асар ёзган.

Бу асар Навоий билан Жомий ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликдан далолат берувчи тарихий ҳужжат ва ўчмас ёдгорликдир.

Навоий бу китобига ёзган сўз бошисида, унинг бир муқаддима, уч мақола ва бир хотимадан иборат эканини ва бу беш қисмнинг ўқувчиларни ҳайрон қолдирадиган даражада бўлгани туфайли, унга «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» (беш марта ҳайрон қолиш) деб ном қўйганини билдиради.

Ҳақиқатан, бу беш қисмнинг ҳар бири — бир дoston, асарнинг ўзи эса Навоий ва Жомий дўстлигига доир ҳайратомуз

¹ М. Шарҳзода, А. Умарий, Т. Фаттоҳ, Қардошлик мадҳияси, «Кизил Ўзбекистон», 27 сентябрь 1942 йил.

ва ўзига хос бир ҳамсадир. Кириш қисмида Навоий дўсти Абдурахмон Жомийни замонасининг улуғ олими ва шоири сифатида танитиб, унинг билан ошналик тарихини баён қилади. Биринчи мақолада Жомий билан дўстлик даврида ўтган қизиқ воқеаларни ҳикоя қилади. Иккинчи мақола Навоий ва Жомий ўртасида ўтган макотиба—ёзишмалардан иборатдир. Учинчи мақола Навоий туфайли Абдурахмон Жомий ёзган асарлар ва уларда Алишернинг таърифланиши тўғрисидадир. Сўнги қисмда Навоийнинг Жомий олдида таълим олиш ва фойдаланиш юзасидан ўқиган китоблари, Жомийнинг вафоти ҳам шунга доир хотиралар ёзилган.

Навоий Абусаид мирзо ҳукмронлиги бошланган вақтларда (1457—58) Жомийнинг Ҳиротдан шаҳар хиёбонига кўчиб чиқиб яшаганини ва шу кезларда бир қанча илм толиби қатори ўзи ҳам унинг «Мухтасар битилган Кофня рисоласи сабақига мумтоз бўлган»² ини, яъни Жомий ёзган араб наҳвидан дарс олганини билдиради. Демак, Навоий ва Жомий дўстлиги шогирдлик ва устозлик муносабати билан бошланади. Алишер туғилганда Жомий 27 ёшда, Ҳиротдан хиёбонга кўчиб чиққанида эса 44—45 ёшлар чамасида бўлган ҳамда ўзининг илм-маърифати ва камтарлиги билан 17 ёшлар чамасида бўлган ажойиб истеъдод соҳибни — Алишернинг ҳурмат ва муҳаббатини қозонади.

Бу вақтларда ёш Алишер Жомийдан бошқа Фасиҳиддин Низомий каби устозлардан дарс олиш, мустақил ўқиш, ўрганиш, ижодий изланишлар ва адабий муҳит таъсири туфайли камолга етган эди.

УЛУҒ ДЎСТЛИК

Навоийнинг кўп адабий тортишувларда енгиб чиқиши ва поэтик таланти билан замонасининг машҳур шоирларини ҳайрон қолдириши ҳам бежиз эмас эди. Навоий Абусаид мирзо замонида Ҳиротда шеър шинавандаларининг нафосат давра-сида бўлганини «Хамсат-ул-мутаҳаййирин»да (1 мақолада) ҳикоя қилади. Ўтиришда Хисрав Деҳлавийнинг ғазалларида кўшиқ айтган ҳофиз:

Мисоли катран борон сирришкн ман хама дур(р) шуд,
Чунин асар диҳад, оре тулғи чун ту суҳайле³

байтини айтганида, ўтиришдагилар: «Эътироз ва танбех юзи-дан» «сирришкн ман хама дур шуд» ўрнига «сирришкн ман ҳа-

² Навоий, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 1961, 15-бет.

³ Навоий, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 18-бет.

ма хун шуд» уқики, «дур шуд»нинг маъноси «йўқтур», дейдилар (Навоий).

Ҳамма бу фикрга қўшилгани ҳолда Навоий: «Бу фақир ҳеч нима демадим», деб ўзининг бу фикрга қўшилмаганини билдиради. Утиришдагилар ҳам буни сўраб биладилар, тортишадилар. Натижада утиришда бўлмаган бир кишини ҳакам белгиламоқчи бўлиб, баҳсни ечишни хат орқали Жомийдан сўрайдилар.

Жомий жавобида бу мисрани ёзиб юборади:

Сухан дураст, тааллуқ ба гуши шаҳ дорад⁴.

Аслида ўша байтда:

«Ёмғир қатрасидек менинг кўз ёшим дурдона бўлди. Ҳақиқатан, сен каби суҳайл (юлдуз)нинг чиқиши шундай асар қилади» дейилган. Ашулачи бу байтни туғри айтган эди. Утиришдагилардан бири айтганидек, шоир «менинг кўз ёшим қон бўлди» деган эмас, чунки Жомий жавобида таъкидлаганидек, «сўз дур» (дурдона маъносидадир ва подшоҳ қулогига тааллуқлидир) Шарқ феодал подшолари қулогига зирак тақишига ишора⁵. Жомийнинг жавобида Алишернинг ҳақли экани таъкидланган.

Навоий адабий соҳада қозонган мана шундай галаба ва муваффақиятлари учун ҳам устоз Жомийга миннатдорлик билдиради, «ул жамоат мулзам»⁶ бўлиб, фақирга Аларнинг (Жомийнинг) тарбият ва мададлари бу нав еттиким, маълум эмаски, ҳаргиз киши бу нав мухтасар⁷ ва муфид⁸ жавоб бўлмай⁹ деб езади.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, Абусаид мирзо замонидаёқ Алишер Навоий ҳам устоз шоир сифатида танилган эди.

Чунончи, «Мажолис-ун-нафонс»да маснавий устаси ҳисобланган Абдусамад Бадахшонини шеърларидаги қофия хатоларини курсатгани каби фактлар характерлидир.

«Кўнгина маъни аҳллари ва ингичка нукталар устида сўз юритувчи нозик фаҳм гуруҳлар Анварий ва Салмон шеъри устида икки томон бўлишиб баҳслашганида, бир-бирларига сўз ўтказа олмагандан кейин,— езади Навоий,— бу фақир

⁴ Шў асар, 19-бет.

⁵ Жомий бунда *درست در است* ифодасидаги сўз ўйинидан *درست در است*

фойдаланган.

⁶ *Мулзам бўлиш* — енгилш, сузи ўтмай қолиш.

⁷ *Мухтасар* — қисқа.

⁸ *Муфид* — фойдали.

⁹ Навоий, Ҳамсат-ул-мутаҳаййирин, ЎзССР ФА ШИ, инв. 693. 23-бет.

олдига муҳокама учун келтириб турар ва ҳар қандай бир ҳукм топганларида таслим бўлиб, жанжаллари бир ёқлик бўлгандир»¹⁰.

Алишернинг устоз сифатида танилиши Жомий учун ёқимли ва қувончли эди.

Самарқандда эканида, Юсуф Бадний, Риёзий каби шоирларнинг шеърларини танқид этиб, тузатишга кўмак кўрсатиши, муаммо устаси ҳисобланган Улоини Шоший билан мушоира каби фактлар шоирнинг камолотидан далолат беради.

Феодал системасининг маълум даврида яшаган прогрессив ва зийрак ҳамма кишилар сингари Алишер Навоий ҳам майда феодалларга қарши курашувчи марказий монархия тарафдори бўлган. У, Ҳусайн Бойқаро ҳукуматида мамлакатнинг бутунлиги ва халқнинг тинчлигини сақловчи марказлашган давлат сифатида қараб, уни мустаҳкамлаш учун курашади. Мамлакатнинг парчаланишини истаб ғалаён кўтарган Едгор Муҳаммад каби шаҳзодаларга қарши курашда бевоқифа бошчилик қилади (1469—70 йиллар). Алишернинг тadbиркорлиги туфайли Едгор Муҳаммад қўлга олинади.

*

Шогирдлик ва устозлик тарзида бошланган Навоий ва Жомий дўстлиги Алишер устоз ёзувчи ва давлат арбоби (1472 й.) бўлиб танилган даврда сиёсий ва адабий ҳамкорликка айланади. Навоий ва Жомий дўстлигининг бу иккинчи даври, шундай муносабат бошланишига сабаб бўлган шогирдлик ва устозликнинг ҳурмат ва хайрихоҳлик каби традицияларини ўзида сақлагани ҳолда, энди янги ва ҳаракатчан асосларга суянади. У ҳам бўлса, XV асрнинг иккинчи ярмида темирйўллар давлатида ва шу орқали мусулмон шарқининг кўп қисмида мутараққий зиёлиларнинг ҳаракатида танилган бошлиқ сифатида кураш саҳифасини очишдан иборатдир.

Феодализм даврида яшаган улуг кишилар, гуманистлар (Руставели, Низомий, Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин) каби Навоий ва Жомий ҳам умумий тинчликни бузувчи маъносиз юриш ва урушларга қарши биргаликда ҳаракат қилганлар.

«Жомий халқ тинчлиги ва мамлакат ободонлиги тўғрисидаги фикрларини Навоий орқали амалга оширар эди ва Навоийнинг олий мақсадларини вужудга келтириш йўлида унга ёрдам берад эди»¹¹.

¹⁰ Навоий, Муҳокама-ул-лугатайн, 1940, 61-бет.

¹¹ С. Айниев, Мир Алишер Навоий, «Шарқи сурх» журнали, 4—5-сон, 1941, 21-бет.

Навобий умуман типчликни бузувчи феодал галаёиларига қарши курашда Хусайн Бойқарога ёрдам бергани ҳолда, подшоҳнинг халқ рузгорини оёқ ости қилувчи маъносиз урушлар очилишига кўнмас ва бундай ҳарбий юриш ва урушларга қарши Жомий билан ҳамкорликда тadbиркорлик кўрсатар эди.

Чунончи, «Подшоҳнинг Қундуз вилоятига қўшни билан юриш қилиши Аларнинг (Жомийнинг) ва ҳеч кимнинг дилхоҳи эмас эрди. Мен фақирга деб эрдиларки, мумкин қадар бу юришни ман қилишга саъй қилгайсен ва агар мумкин бўлмаса, юриш жазм бўлса, бизга битиб юборгайсан. Мумкин бўлганча ва қўлдан келган қадар саъй қилинди... Чун юриш муқаррар бўлди, мен фақир Алар (Жомий) хизматига, бу кайфиятни битиб руқъа (хат) юбордим ва бул рубобий да руқъа аввалида бор эрди:

Гуфтам фалакам ба ҳар тараф вонандаст,
Сарғаштаги орандаву гирёнандаст.
Не, не донанд ҳар онки у донанд аст,
К-у низ асири даси гардонандаст¹².

(Дедим, фалак ҳар томонга сурувчидир, оворагарчилик келтирувчи ва йнгалатувчидир. Фалакнинг қўлига асир бўлиб тушганлар буни билганича билди).

Руқъага жавоб битиб ва рубобийга бу нав жавоб илтифот қилиб эрдиларким:

Рубобий:

Эзид, ки ба харфи мо каламронандаст,
Бар мову ту асрори қидам хонандаст.
Бо у дили мо ба заррае монандаст —
К-анш, бод ба пушту, руй гардонандаст¹³.

(Қаламимнинг тебраниши худо ихтиёридадир, у менга ва сенга қадим сирларини билдирувчидир. Унга қараганда бизнинг дилимиз зарра кабидир. Шамол уни орқа-уинга айланттирувчидир.).

Навобий «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» асарига Жомийнинг жавоб хатида ёзилган шу тўртликни (рубобийни) келтирсанда, хатининг узини ёзмаган, эҳтимол, уз хатида Жомий Хусайн Бойқаронинг Қундузга юришини тўхтатиш учун қандай иш кўрганини ёзгандир ва балки Навобийнинг буни китобга киритиши мумкин бўлмагандир. Лекин шундай бўлса-да, бу эсдалик Навобий ва Жомийнинг мамлакат тинчлиги йўлида биргаликда ҳаракат қилганларини равшан кўрсатиб туради.

Навобий ва Жомий мамлакатда тинчлик ўрнатиш масаласидагина эмас, адолат ва ободонликнинг равнақи йўлида ҳам

¹² А. Навобий, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 1961, 47-бет.

¹³ А. Навобий, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 1961, 47-бет.

бир фикрда бўлганлар ва биргаликда ҳаракат қилганлар. Улар элнинг тинчлиги ва юртнинг ободонлиги динга эмас, адолатга боғлиқдир деган замонаси учун прогрессив фикрни ифодалаганлар:

Навой:

Шоҳ ки эҳ адл ва бунёд этар,
Адл бузук малуми обод этар!
Кофирин одил ани обод этиб,
Муъминин золим ани барбод этиб,—

деб битган бўлса,

Жомий:

Нуктаи хуш тубтаст он дурбин:
Адл дораг муъво қонм, на дин!
Кўфр кише к-у ба адл ояд фарех,
Мулкро аз золими диндор беҳ¹⁴,—

яъни:

Не хуш айтилибдур ҳаққи кўриб,
Динмас, адл тутар юртин қонм-мақом,
Элни адолат-ла бошқарган кофир,
Диндор золимдан яхшироқ мақом.—

деб ёзган эди.

Навойнинг ҳиммат ва гайрати, Жомий, Ҳасан Ардашер каби дўстларнинг унга хайрихоҳлик ва ҳамкорликлари туфайли Ҳирот илм, санъат ва адабиёт бирмунча ривожланган маданий марказга айланади.

Навой ва Жомий исбний тинчлик, инсоф ва адолат масалаларида дўст ва ҳамкор бўлганларидек, санъат ва адабиёт тўғрисидаги эстетик фикр ва фалсафий нуқтаи назарлари ҳам бир-бирига яқин ва ҳамоҳанг эди.

Замонасининг илгор эстетик назарлари мавқеида турган Навой ва Жомий адабиётдаги гоявий мазмун ва бадний форма бирлиги масаласини кўп жиҳатдан тўғри талқин этиши даражасига кўтарила олганлар.

Чунончи, Навой:

Назмда ҳам есл анга маъни дурур,
Бўлсин анинг сурати, хар не дурур.
Назми маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маъни қониле хўб эмас,—

деб ёзса, Жомий:

Ҳар бувад лафзу маънини боҳам,
Ин дақиқу латифу он мақкам;

¹⁴ Жомий, Ҳафт авранг, 157-бет.

Сити у роҳи осмон гирад,
Номи шоир ҳама жаҳон гирад¹⁵

яъни:

Бўлса маъни билан сўзи ҳамдам,
Бу латофат-ла у назокат ҳам,
Донги кетган бутун жаҳон бўйлаб,
Номи шоирни осмон бўйлаб,—

деб битган эди.

* *
*

Кенг ва ҳар тарафлама маълумоти, мислсиз бадий асарлари билан Алишер олиму шоирларнинг ҳурмат-муҳаббатини қозонган эди. Ҳатто Жомий китоб, рисола, ғазал ва қасидалар ёзганида илтифот ва ишонч юзасидан Навоийга берган. Бу ҳақда Навоий Жомийнинг «Бу варақларни ол, бошдан-оёқ қараб чиқ ва хотирингга ҳар қандай айтадиган сўз келса айт» деб танқид ва ислоҳ қилишни сўраганини билдиради, «мулоҳазаларимни айтсам, мақбул тушар эди»¹⁶ дейди. Навоий «Ҳамса»да ҳам Жомий ҳар бир янги асарини ҳаммадан аввал менга кўрсатар эди, деб ёзган.

Номағаким роқим этиб хомасин,
Кўрмади, мен кўрмайин, эл номасин¹⁷.

Шу тарзда, Жомийнинг уз асарларини ёзиб тугаллаши билан ҳаммадан аввал Навоийга манзур қилиши ижодкор дўстига ихлос ва ишонч ифодаси эди. Навоий ҳам астойдил ҳурмат ва ишонч юзасидан уз асарларини Жомийга кўрсатар, фикр ва маслаҳат сўрар эди. Улар бир-биринга шогирд, бир-биринга устоддай ҳаракат қилардилар. Бундай самимий адабий алоқалар жараёнида аксар янги ижодий режалар туғилар, янги асарлар бунёдга келар эди. Навоий «Тухфат-улафкор» қасидасининг яратилиш тарихи бунга мисол бўла олади. «Бир кун ул ҳазрат (Жомий) хизматларида эрдим. Бир навъ назмдин сўз утар эрди ва сўз асносида Амир Хисравнинг «Дарёи аброр» қасидаси мазкур бўлди. Бу фақир гуё унинг таърифида муболага қилдим...

Ул ҳазрат (Жомий) ҳеч нима демардилар, то мажлис тарқади.

¹⁵ Жомий, Итиҳоб аз асарҳо, 1956, 39—40-бетлар.

¹⁶ Навоий, Муҳокамат-ул-луғатайн, 1940, 61-бет.

¹⁷ Навоий, Ҳамса, 1940, 16-бет.

Ҳамул кунларда подшоҳ Марвга юрмоқчи эрдилар. Бир неча кундан сунг сафар ҳозирланди. Фақир ул ҳазрат (Жомий)дан ижозат тилан деб, хизматларига бордим. Фотиҳа уқиб руҳсат бердилар: доғи қўюнларидин бир жузь қоғоз чиқариб фақирга иноят қилдилар. Олиб очтим эрса, «Дарёи аброр» жавоби «Тужжатул асрор» эрдиким, ҳамул кунларда айтиб эрдилар. Ҳар киши уқиб билтурким, «Дарёи аброр»дин якдастров ва рангинроқ воқеъ буллубдур. Ниёзмандлик қилиб отланиб, от устида қасидани уқиб хушхоллик била борурда, ҳаёлга «Тухфат-ул-афкор» қасидасининг матлаи келди. Манзилга тушгандан сўнгра битиб, бир кишидан ул ҳазрат (Жомий) хизматларига юбордим. Агар тугатурга лойиқ бўлса ва ишорат қилинса машғуллик қилайин, йўқ эрса, хайр. Ул ҳазрат (Жомий) руқъаларида таърифлар қилиб муболағалар битиб юборди:

Китъа:

Зиҳи гарда аз шавқи шаҳбози табъат
 Хумосни кидеи хавони тазарвни,
 Зи мардум фириетода матлаи хуш,
 Ки аз афла суҳав мисли он нест марвни.

(Сенинг лочини табъинг шавқидан муқаддас қушлар тусовуқин овлаш ҳавасидадурлар, кишидан юборилган матлаъинг шундай гузалки, сўз санъаткорлари орасида унинг каби матлаъини ҳеч ким ривоят қилган эмас.)

«Дарёи аброр»нинг матлаъи будурким, матлаъ:

Кўси шаҳ халиву Соғи гул-гулаш дарди сар аст,
 Хар ки қонсе тил ба хушқу гар, шаҳи баҳру сар аст.

(Подшоҳ когорасининг ичи бўшу, шовқин-сурони бош офриқдир. Хул-қуруққа қаваот қилган киши дарё ва қуруқликнинг подшоҳидир.)

«Тужжат-ул-асрор» («Сирларнинг туби»)нинг бошланмаси будурким, матлаъ:

Кунгури айвони шаҳ кел, қохи айвон бартар аст,
 Рахнахо дол каш ба девори хисори дин дар аст.

(Подшоҳ сароёи айвонининг жимжимаси зуҳал юлдузининг пештоқидан юксак бўлганда ҳам, билгинки, ундан дин қалъасининг деворига рахна пайдо бўлади.)

«Тухфат-ул-афкор»нинг («Фикрлар совғаси») матлаъи (бошланмаси) будурким, матлаъ:

Оташин лаъле, ки тожи хушравоиро зевар аст,
 Аҳгаре баҳри ҳабли хом пухтан дар сар аст.

(«Подшоҳлар тожини безайдиган ўтдек снувчи лаъл бошдаги хом хаёлни гишириш учун бир чўғдир»)¹⁸.

Навоийнинг Жомий каби улуғ шоирлар томонидан қанчалик ҳурмат қилинганини шу ҳам кўрсатадигки, улар Алишернинг газалларига найравлик (эргашиш) тарзида назиралар ёзар эдилар. Навоий «Хамсат-ул-мутаҳаййирин»да кўрсатишча, унинг

Олмағай эрдинг жамоли олам оро, кошки,
Солмағай эрдинг бари оламда гавго, кошки,—

бошланмали газали эл орасида шуҳрат тутган ва Жомий ҳам бу радифда Навоийга эргашиб шетр айтган. Лекин: «Туркча алфоз бирла назм илтифот қилмас эрдилар. Бир форсий газал айтдилар. Бошланмаси будур:

Дидаме дидори он дилдори раъно, кошки,
Дида равшан кардаме з-он рӯи зебо, кошки.

Навоий юқоридаги байтини ва унга эргашиб Жомий ёзган шу байтни Ҳусайн Бойқаронинг эшитганини ва ёқтирганини, Жомийнинг байтига мусаддас (олтилик) боғлашни Навоийга топширганини ва бу мусаддасни ҳам мақтовлар билан Жомийга юборганини, Жомийнинг ҳам унга юқори баҳо берганини эслаб ўтади.

Навоий ўзининг Жомий байтига боғлаган мусаддасини қуйидагича кўрсатиб ўтади: «Мағлаъ»и бу навъ боғланиб эрдиким, банд

Кардаме дар хоки кўн дўст маъво, кошки,
Судае рухсори худ бар хоки он но, кошки.
Омади берун зи-куй он сарвболо, кошки,
Буркаъ афқачди зи-рӯй оламоро, кошки.
Дидаме дидори он дилдори раъно, кошки,
Дида равшан кардаме з-он рӯи зебо, кошки¹⁹.

(«Дўст бўсағаси тупроғида манзил тутсам эди. Юзминни оёғининг тупроғига сурсам эди. Хушбичим сарв қомат у гўзал эшигидан чиқиб келса эди. Оламни безатувчи юзидан чачонини олиб ташласа эди. У раъно дилдорнинг юзини кўрсам эди. Унинг зебо юзидан кўзимни равшан қилсам эди»)²⁰.

¹⁸ Навоий, Девони Форий, 5-том, II китоб, 316—347-бетлар.

¹⁹ «Хамсат-ул-мутаҳаййирин», 1961, 72—73-бетлар. С. Айний, ч. II, саҳифа 453.

²⁰ Хўкмдор ва соҳиб девон Ҳусайн Бойқаро ҳам шу радифда Навоийга назира ёзган.

Қилмағай эрдим юзинг кўрмак таманно, кошки
Солмағай эрдим кўнгүл мулкига яғмо, кошки.

Проф. Х. Орасли «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро»ни ўрганиш масаласини қўйди. Навоий «Маҷолис-ун-нафонс»да бу рисолаи кўрсатиб ўтади. Бу рисолада Навоий ва Жомий ҳурмат билан гилга олинган (Қарағ: Навоий — замондошимиз. «Ўзбекистон маданияти», 16 февраль 1966 й.).

Агар Жомий Навоийнинг «Кошки» радифли ўзбекча газалига назира газал битган бўлса, Алишер ҳам Жомийнинг

Мурғи жон қарди ҳавон донаҳон холи ў,
Гар набасти риштаи доғар тани ман боли ў²¹.

бошланмали газалига Навоий таҳаллуси билан форс-тожикча назира газал айтгандирки, у шундай бошланади:

Чашми шўхи ёру аз дунболи абру холи ў,
Наст оҳуе, ки чарге бошад аз дунболи ў²².

Навоийнинг бу газалига Ҳилолий, Сайфи Бухорий каби замондошлари ҳам назира (газал)лар яратганлар.

* *
*

Ўз ҳукмронлигининг биринчи даврида Навоий ва Жомий каби илғор кишиларнинг маданият ва санъатни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятларини ҳимоя қилган, ўзи ҳам санъат ва адабиёт билан шугулланган Ҳусайн Бойқаро (ҳукмронлиги 1469—1506 йиллар), кейинчалик ичкиликка берилди: «...Кун йўқ эдиким, намоз пешиндан сўнг ичмағай», «ўғлонлари ва сипоҳига бу ҳол эди. Ифрот билан айш ва фикс қилар эди»²³. Хазина пуллари ҳам шу йулда сарф қилинди. Халқдан пул йиғиш учун турли солиқлар солинади. Навоий саройнинг шу сийёсатига қарши очикдан-очик норозилик билдирди. Алишер бошида сарой фитналарининг булутти қуюқлаша бошлади. Саройда манфаатпараст ва реакцион гуруҳларнинг позицияси кучая бошлади.

Ҳусайн Бойқаро Мажидиддин каби халқни таловчи ва зирлар таъсирига берилиб, Навоийнинг насиҳатларига эътиборсиз қарай бошлади.

«Алишер Навоийнинг подшоҳни қўршаб олган сарой муҳити билан чиқиши қийин эди. Султон Ҳусайн онласининг жанжал ва фикс-фасоди Алишер Навоий учун айниқса оғир эди»²⁴.

Алишер мамлакат ва халқ манфаати учун ишлашга шайроит йўқлигини кўрди. Давлат ишидан истеъфо бериб бўшаш фикрига тушди. Бу масалада дўсти ва ҳамкори Абдураҳмон Жомийдан маслаҳат ва ёрдам сўради. Лекин А. Жомий,

²¹ Ҷомий. Ҷилд I, саҳифа 232.

²² Девони Ҷомий, ЎзССР ФАШН, Инв. № 121, 138-варақ.

²³ «Бобирнома», 204-бет, 1856, Козон босмаси.

²⁴ Проф. А. Яковлевский, А. Навоийнинг даври, «Қизил Ўзбекистон», 22 апрель 1941 йил.

А. Навоий каби халқ ва мамлакатга фойдали бўлган кишининг давлат ишидан кетишига розиллик бермас, Алишернинг халққа паноҳ бўлиб қолишини талаб этар ва турли насихатлар билан Навоийни тинчитиб қўяр эди. Буни Навоий қуйидагича баён қилади.

«Мен фақир ул вақт ким хизматга машгул эрдим, доим ул ҳазратга (Жомийга) ўзимнинг қутулишим бобида илтимос қилур эрдим.

Алар (Жомий) бир нав сўз билан фақирга таскин берур эрдилар. Бир кун Мурғобда эканда мулозамат машаққати ва иштиғол куплигидан сиқилиб, алар (Жомий) хизматига бир кишини юбориб, бу рубоийни руқъада арз қилдимки, рубоий:

То кай чу сабо ҳар тарафам жилвагарй!
Хоҳам суй сарви худ кунам пансинарй.
Фарёдкунону хок бар сар фиканон
Гўям, ки халосам деҳ азни дарбадарй²⁵.

(Қачонгача шамолдай ҳар томонга юраман, ўз сарвим томонига бошим билан боришни истайман. Фарёд ва фиғонлар билан бошимга тупроқ сочиб, мени бу дарбадарликдан қутқар, демоқчиман).

Алар (Жомий) насихат руқъа юбориб эрдилар. Марвда бу руқъа алардин (Жомийдан) келди, ким руқъанинг охирида бу икки байт бор эрди:

Жуз ни коре мабодат гоҳу бегоҳ,
Ки дар зилли залили давлати шоҳ
Хати хази худ аз дил баргароши,
Барои ҳақ паноҳи халқ боши²⁶.

(Подшоҳ давлатининг узун ва кенг кўлагасида ўз хузур-ҳаловатинини ўйлама, ҳар доим ҳақ учун халққа паноҳ бўлишдан бошқа иш билан шуғулланма).

Қўрамизки, Жомий, халқ манфаатларини ҳимоя этиш учун, Навоийнинг сарой хизматида қолишини талаб этади.

Навоий давом этиб ёзади:

«Сўнги икки байт жавобида битилиб эрдиким.

байт:

Ба тавкен вуқуаш баҳра ёбам,
Зи амраш чун қалам сар барнатобам²⁷.
(«Ундан келган кўрсатмадан фонда кўраман,
Унинг буйруғидан каламдек бош тортмайман»).

²⁵ Навоий, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, ЎзССР ФАШИ, Инв. № 693, 28-бет.

²⁶ Шү асар, 23-бет.

²⁷ Шү асар, 23—24-бетлар.

Навойи устоз Жомнига, у кишининг маслаҳатидан четга чиқмасдан, хизматда давом этажаги ҳақида суз берган бўлсада, лекин сарой интригаларига, халққа ўтказилган зулм ва адолатсизликка чидаб тура олмайди. Борган сайин шоирда саройнинг бугиқ муҳитига нафрат ошади.

Бу бизга Навойининг «Тухфат-ул-афкор» қасидасидан ҳам равшандир.

«... Ул ҳазрат (Жомий) бу руқъани (хатни) битиб юбориб эрдиларким, қитъа:

Чу харфе чанд хондам з-он касида,
Дили хосонаш андар қайд дидам,
Дар он асно чу шуд чаъми басиқат —
Кушода, жумла динго сайд дидам»²⁸.

(«У қасидадан бир неча сузлар ўқидим, ҳослар кўнглини банд кўрдим. У вақтда курувчан кузини очиб, ҳамма дилларни ов қилинган кўрдим»).

Жомий давом этиб, қасиданинг мазмуни тўғрисида: «Унинг равишидан шундай билинадикки, сиз сарой амалларидан юз ўгириш фикрида қаттиқ турасиз», дейди²⁹.

Бу кезларда Навойи Жомидан қайта фикр олмасдан истеффо бериб, давлат ишидан бўшайди. Лекин бу вақтда Жомий ҳам сарой интригаларининг кескинлашганини ва қўрқинч тус олганини сезган, Алишернинг бундай ҳалокатли муҳитдан узоқроқ туришини маъқул топган эди. Буни биз Навойининг қўйидаги эсдалигидан биламиз:

«Ушбу тарихда эрдиким, мен фақир сипоҳиликдан мутан-аффир бўлиб, маносибни тарк қилиб, мулозиматни ўқситиб эрдим. Алар (Жомий) таъбих ва насихат юзасидан сўрдиларким: «бу навъ амре масмуъ бўлди, жиҳат не эрди эркин?» Мен фақир дедимки: «Инсон жинси ихтилоти ва суҳбатидан малул бўлуб эрдим, бу ишга ул боше. Алар дедиларки: «Инсон деб кимни ҳасл қилиб эрдинг?».

Қўрқиб эрдим, ким манъ қилгайлар, бу жавобдин билдим, ки бу иш муборақ хотираларига хеле нохуш келмаган эрмиш. Хотирим жам бўлди»³⁰.

Қўрамизки, Жомий сарой хизматидан бўшаб кетishi боисини сураганида, Навойи саройдаги одамлар суҳбатидан безор бўлганини айтаркан, Жомий: Улар одамми? — деган ва шу сузи биланоқ сарой аҳлига нафрат изҳор этган.

Навойи «Тухфат-ул-афкор» қасидасида узун каби пешқа-

²⁸ «Хамсат-ул-мутаҳаййирин», 26—27-бетлар.

²⁹ Навойи, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 26—27-бетлар.

³⁰ Навойи, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 27—28-бетлар.

дам шахсларнинг подшо ва унинг саройига қарши нафрат ва
газабини умумлаштириб, жумладан, бундай деган:

Шаҳ ки ёд аз марг н-орад, 3-Уст вайронни мулк,
Хусрав³¹ беоқибат «хусри» билоду кишвар аст.

Қайди зийнат масқати фаррӯ шукухи хусравист,
Шери занжирӣ зи шери беша камсавлаттар аст.

Лозими шоҳӣ набошад холи аз дарди саре,
Кӯси шаҳ холию бонги гулғулаш дарди сар аст.

Бегунахро сохтан озурда аз тийғи забон—
Нотавон кардан рағи беранжро аз ништар аст.

Золиму одил на як сонанд дар таъмири мулк,
Хук дигар дар шиёри мулку деҳқон дигар аст³².

(«Ўлимни ёдига келтирмаган подшо юртни вайрон қилади, у оқибатсиз хусрав (шоҳ) дурки, ундай подшоҳнинг шаҳар ва ўлкаларга зиён ва зарари тегади, холос.

Подшоҳ шавкатининг нури тушадиган ер унинг зийнатга боғланишидир, лекин занжирдаги шер ўрмон шеридан камсавлатроқ эканини унутма.

Подшоҳнинг борлиги ранж-машаққатдан холи эмас, чунки унинг довули бўш бўлса ҳам, овозининг гулғуласи бошга битган балодур!

Гуноҳсизни тил тиги билан ранжитиш—оғриқсиз томирни ништар билан яроқсиз қолга келтиришдир.

Мамлакатни обод қилишда золим билан одил баравар эмаслар, ерни шудгор қилишда чўчка бир бошқаю, деҳқон бир бошқа, яъни деҳқон нообод ерни ҳайдаб обод қилади, чўчка тескарисича, обод ерни тумшуғи билан шудгор қилиб вайрон қилади».)

«Тухфат-ул-афкор» қасидаси прогрессив шоирнинг сарой воқелиғи устидан чиқарилган ҳаққоний ҳукми ҳам эди.

*
*
*

Алишер Навоий вазирликдан бўшагандан сўнг ҳам мамлакат ва халқ манфаати пайида бўлди. Ўзига берилган ерсувлардан келадиган даромадлар ҳисобидан ободонлик ва ма-

³¹ Хусрав — подшоҳ, у оқибатсиз бўлса, яъни кейинги ҳарфлари — «ав» тушиб қолса, «Хуср» қоладикки, бу зиён, зарар демакдир. Навоининг бу қасидага кўп маъни берувчи иборат, муаммога ўхшаш (бекитиқчи) иборалар кўнганманки, бунга фан аҳлининг мохирлари қоилад қилибдилар («Муҳокамат-ул-луғатайн», 1940, 58—59-бетлар) дегани ҳам бежиз эмас эди.

³² Алишер Навоий, Девони Фоний, 5-том, II китоб, 346—351-бетлар.

даний қурилиш ишларини давом эттирди. Шунинг билан бирга Навоий қизгин ижодий ишга берилди.

Шоир ўзининг «Чор девон», «Девони Фоний» каби девонларига кирган ўзбекча ва форс-тожикча лирик шеърларини ёзишда давом этиш билан бирга, машҳур «Хамса» дostonлари устида ишлади. Навоий ижодий ишини ҳам халқ манфаатига қаратди.

Навоийнинг ўзбек тилини бадний тил даражасига кўтариб халқнинг она тилидаги буюк бадний асарларга бўлган ташналигини қондириш учун кўпроқ ўзбек тилида ёзиши ҳам шуну кўрсатади.

Зотан Навоий одамгарчиликни халққа гамхўрлик билан ўлчар эди.

Одами эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ халқ гамидин гами³³.

Навоий ўз «Хамса»сида Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомийлар ҳақида сўзлаб, улар «Хамса»ларини форс тилида ёздилар, форсий эл ўқиб хурсанд бўлди. Мен «Хамса»ни туркий (ўзбек) тилида ёзаман, токи туркий эл ҳам баҳра топсин, дерди:

Форсий ўлди чу аларга адо,
Туркий ила қилсам ани ибтидо,
Форсий эл топди чу хурсандлик
Туркий доғи топса барумандлик³⁴.

Халқ манфаатини ўйлашдан узоқ турган «Турк улусининг хуш таъб беклари ва мирзалари ва соҳиб зеҳн пок таъблари ва озодалари андоқки керак машғуллук, асбобин туза олмадилар ва ул навъ таъб натижаси кўргаза олмадиларки, ундин хушгўйлик умиди тутса бўлмай... Турфароқ буқим, бу навъ подшоҳ... тарғиби ва талқини...ни унутиб ва жодаи нофармонлиг ва залолатни тутуб кўпи, балки бориси форсийга мойил бўлдилар ва ул тил билан назмга қойил»³⁵. Темурий феодал аъёнлар Навоий томонидан асосланган ўзбек адабий тили ва классик адабиёти каби янгиликка қарши борар эдилар. Улуғ Жомий эса бу масалада ҳам Навоийга хайрихоҳлик билдирди.

Жомий «Искандарнома»сида Навоий «Хамса»сига бағишлаб мадҳия ёзади. Бу мадҳиясининг бир ўрнида Жомий Навоийнинг қалам калиги билан ўзбек тили хазинасини очганини ростгўйлик ва хурсандлик билан таъкидлаб ўтади:

³³ «Хамса», 1940, 61-бет.

³⁴ «Хамса», 1940, 17-бет.

³⁵ Навоий, Танланган асарлар, III том, Тошкент, 1948, 207-бет.

Зиҳи табъи ту, устоди суҳан,
Зи мифтоҳи килкат кушоди суҳан.

Суҳанро, ки аз равнақ афтода буд,
Ба кунжи ҳавон раҳт бинҳода буд.

Ту доди дигар бора ин обрӯй,
Кашиди ба жавлонғахи гуфтугӯй.

Сафоёб аз нури рои ту шуд,
Навонӣ, зи лутфи навонӣ ту шуд³⁶.

Таржимаси:

Сенинг юксак табъинг билан сўз устоди,
Каламингнинг калити-ла сўз кушоди.

Сўз юзининг порлоқлиги ўчган эди,
Ҳазина ҳам юкин боғлаб кўчган эди.

Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
Кайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.

Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,
Эй Навонӣ, лутфинг билан наво топди³⁷.
(Ғафур Ғуллом таржимаси).

Дарвоқе, Жомий айтганидек, Навонӣ қаламининг калити билан сўз ҳазинаси очилади. Улуғ шоир ўзбек тилининг лирик («Ҳазойин-ул-маоний»), эпик («Ҳамса») ва илмий («Муҳокамат-ул-лугатайн») имкониятларини очиб беради. Шоир ва олим ўзининг бу асарлари билан халқнинг она тилидаги буюк бадиий асарларга бўлган ташналигини қондирди, ўзбек тилини адабий тил даражасига кўтарди, адабиётни халққа яқинлаштирди, ўзбек адабий тили ва классик адабиётининг мустақкам пойдеворини қурди. Жомий Навонийнинг ўзбек адабий тили ва классик адабиётини асослаганини хайрихоҳлик билан кўтиб олади.

Демак, Навонӣ ва Жомий дўстлиги улардаги гуманистик ҳамда эстетик фикр ва қарашларнинг бирлиги, ҳаёт ва адабиётда бир-бирига ишонч ва ҳамкорликда ўз ифодасини топди.

* * *

Иккинчи мақола («Ҳамса-ул-мутаҳаййирин»да) Навонӣ ва Жомийнинг бир-бирларига агаб ёзган ҳамда дўстлик ва ишонч ҳисларини дилга жо этган шеърини хатларига оиддир.

Навонӣ ва Жомийнинг дўстона ёзишмаларидан намуналар Жомийнинг «Баҳористон»ида, Хондамирнинг «Макорим-ул-

³⁶ Ч о м и, ч. 5, саҳифа 352.

³⁷ Адабиёт хрестоматияси, 1963, 132-бет.

ахлоқ» китобида сақланиб қолганидек, Навоийнинг «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» асари билан ҳам бизга қадар етиб келгандир. Чунончи иккинчи мақолада Навоий ёзади:

«Алар (Жомий) Макка сафарига борганда Бағдоддин бағоят рангин нома битиб эрдилар. Аввалида бир ғазал бор эрди. Матлаъи будур:

Бар канори Дажла дур аз ёру маҳрум аз днёр,
Дорам аз ашки шафақгун Дажлаи хун бар канор.

(Дажла ёқасида ёр (дўст)дан узоқ, днёрдан маҳрум бўлиб, шафақсимон кўз ёшидан узга қонли дажлага эгаман).

Ул ғазалга тақлид ёзиб нома юбориб эрдим:

Шоми ҳижрон к-у ба мағриб шуд ниҳон хуршедвор,
Е раб-аш, субҳи висол аз жониби машриқ барор!

(Айрилик шоми, қачон Ғарбга қўшсадай ботади, Шарқдан висол тонги отса эди).

Руқъа (хат) охирида бу рубоийни битиб эрдим:

Ин нома на нома, дофен дарди ман аст,
Ороми даруни ранжпарварди ман аст,
Таскини дили гарму, дами сарди ман аст
Яъни хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст³⁸.

(Бу хат, хат эмас, дардимни қайтариб юборувчидир, Дардли ичимга осойишталик берувчидир, Ўссиқ юрак совуқ нафасни тинчитувчидир, Яъни жаҳонни айланувчи моҳимдан хабардир).

Алар Маккадан қайтганда Ҳалабдан бир руқъа (хат)га жавоб битиб эрдилар, рубоий:

Ин руқъа на руқъа, мояи ҳар тарабест,
Таҳсили ишоту айиро хуи сабаб аст

З-ин сон ки бувад мухтасару пурмаъни,
Гўё эн жавохирулқалим мунтахабаст³⁹.

(Бу хат, хат эмас, тўла севинч асосидир, қувонч ва шодликнинг хуш сабабидир. Қисқа ва тўлиқ маъноли бўлиши билан бирга, гўё танланган гавҳар сўзлардир).

Жомий Ҳижоз сафаридан Шом йўли орқали қайтиши муносабати билан Навоий ёзади, рубоий:

Инсоф бидеҳ, эй фалаки минофом!
То з-ли ду кадом ҳубтар кард хиром.

³⁸ А. Навоий, Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 1961, 40—41-бетлар.

³⁹ Шу жойда, 40—41-бетлар.

Хуршеди жаҳонтоби ту аз жониби субҳ?⁴⁰
Ё мохи жаҳонгарди ман аз жониби Шом⁴⁰.

(Эй ложувард тусдаги фалак, инсоф билан айтгин, бу икки-сидан қайси яхшироқ юриш қилди: тонг отиш томондан чиқиб, дунёни равшан қилган сенинг қуёшингми ёхуд Шом томондан чиқиб, жаҳонни айланувчи менинг ойимми?)

Алар (Жомий) бу рубойининг жавобини битиб эрдилар, рубойи:

Бо вилки ту гуфт номак-эй голи хиром,
Сад тўхфан хуш ба Рум оварда зи Шом.
Гар пов ту дар мисй набошад, нарасад,
Махжуроиро зи жониби дўст наем⁴¹.

(Нома, қаламинг-ла юришингда сен, Шомдан Румга келиб яхши совгаларни келтирдинг, деди. Агар ўртада оёқ (восита) бўлмаса, ҳижронда қолганларга дўст томонидан салом етмайди).

Мен фақир Астробод йулида Алар (Жомий) хизматига бу рубойини битиб эрдим:

Эй бод, дилам бишуд, дигар жониби ёр,
Жон ҳам бибару ба пов у соз нисор!
В-он гах қадаре зи холи пояш бардор,
Баҳри нваз жони мани дилшуда ор!⁴²

(Эй шамол, дилим ёр томонга интилади, жонни ҳам олиб бор ва оёғига фидо қил, шунда менинг жону дилим урнига оёғининг тупроғидан озроқ олиб кел).

Алар (Жомий) жавобида бу рубойини битиб эрдилар:

Эи бод, чу омади зи сарманзили ёр,
Омад ба дилам з-омаданат сабру қарор,
Н-омад ба қарор аз ин қадар жон зинҳор,
Ўро бибару баён, ки дони биспор!⁴³

(Эй шамол, ёр манзилдан келишинг билан дилимга сабру қарор келди. Бу қадар билан зинҳор жон қарорга келмади, уни олиб бор ва билганингга топшир.)

Навоний ва Жомий мана шундай ёзишмаларда бўлганлар.

Бу дустлик расм-одатга айланган, дустлар ҳар доим бир-бирларидан хабардор бўлиб турганлар. Бир-бирларига қардошлик мухаббати, ҳурмат ва самимият билдириб, хатлар, рубойлар ёзганлар.

⁴⁰ Шү жойда, 42-бет.

⁴¹ Д. Навоний, Хамсат-ул-мутаҳайириш, 1961, 44-бет.

⁴² Уша асар, 44-бет.

⁴³ Уша асар, 44-бет.

*

«Хамсаат-ул-мутаҳаййирини»нинг 3 мақоласи Навоий туфайли Жомий ёзган асарлар ва уларда Алишернинг таъриф ва тавсифига бағишлангандир.

Чунончи, Жомийнинг «Нафоҳат-ул-унс» («Дустларнинг нафаси»), «Ашъат-ул-ламаот» («Шуълалар зиёси») каби фалсафий-тасаввуфий асарлари, прозаник «Баҳористон», «Мушиқин ва адвор» каби рисолалари шулар жумласидандир.

«Нафоҳат-ул-унс»да булгани каби, «Баҳористон»да ҳам тазкирачилик хосияти кўзга ташланади. Чунончи, «Баҳористон»нинг 7 равасида Рўдакий, Даққиқий, Фирдавсий, Ҳофиз каби Шарқ назмининг улкан устозлари қаторида туркий-узбек тилида йирик шеърин бадеалар яратган ажойиб истеъдод соҳиб Алишер Навоий зикрида самимий гаплар айтилади ва шоир ижодига юксак баҳо берилади. Чунончи, «Гарчи табиа-тидаги ва қобилиятидаги кенглик туфайли туркий ва форсий шеърлари кўп бўлса ҳам, унинг туркий (узбек тили)га майли кўпроқдир. Бу тилдаги газаллари ун минг (байт)дан зиёда бўлур ва Низомий «Хамса»сига жавобан яратган маснавийлари 30 минг байтга яқин, уша тилда ундаи кўп ва ундан яхшироқ ҳеч ким шеър айтган ва назм гавҳарини тизган эмас, унинг форсча шеърлари шулар жумласидандир»⁴⁴, дейди.

* * *

Жомийнинг вафоти (1492) Навоий учун айниқса оғир йўқотиш эди. Навоий Жомийга камоли яқинлигидан «Соҳиб азо» бўлган ва марҳум дўст хотирасига 140 мисралик таркиб-банд марсия ёзган, жудодик аламин ифодаланган бу марсияда улўғ олим ва шоир Жомийнинг образи гавдаланади, чунончи:

Дўстон, дар хама фан подиран олам ку?
Афзал-у афсаҳи ажноси бани одам ку?
Дили асҳоб шуд аз теги фирокаш сад рещ,
Он ки буди ба хама хулқи хушаш марҳам ку?
Ҳома рў карда сияҳ, жоман худро зада чоқ,
Ки худованди маи-он бар уламо аълам ку?
Ҳужра холию паришон шуда авроқи кутуб,
Соҳибн ҳужра кужо, жомеи онҳо ҳам ку?⁴⁵

⁴⁴ Жомий, Баҳористон, ЎзССР ФАШИ, Инв. № 335, 228—231-саҳифа.

⁴⁵ «Хамсаат-ул-мутаҳаййирини», 1961, 82 бет.

(«Дўстлар, ҳамма фанда олам яктоси қани? Одамзотнинг олим ва гузал сўз устоси қаерда? Дўстларнинг кунгли ундан айрилиш дарди билан юз пора бўлди. Ҳаммага яхши, хуш хулқи билан марҳам бўлган зот қани? Қалам юзини қора қилиб, ёқасини йиртдики, менинг эгам, олимлар аълами қаерда? Хужра бўш, китобларнинг варақлари паришон бўлган, хужра эгаси қаерда, уларни тўнлаган киши қани?»)

Хуллас, Шарқ шеърятининг камолига улкан ҳисса қўшган Навоий ва Жомий образлари қардош адабиётлар дўстлиги тарихидан ёрқин лавҳалар очади. Халқ шоири Ғ. Ғулом айтгандек:

Икки кўла-қудагай қадим-қадимдан бўён,
Бирининг ўгли тожик, келини ўзбек кизи,
Отаси фарғоналик, модараш аз Бадахшон.
Она тилиси тожик, аммо ўзбекдур ўзи.

Ажралмас дўстлигимиз тимсоли бўла олур,
Навоий ва Жомийнинг туғма биродарлиги,
Қондошлик, қариношлик аср, асрлар қолур,
Халқларнинг жудоликни билмас дўстпарварлиги.

Навоий ва Жомий каби улуғ тарихий сиймоларнинг ёру биродарлиги, ҳаёт ва адабиётда қўлни-қўлга бериб ва олға қараб ҳаракат қилишга мададкор бўлишлари ҳайратомуз ва ибратли фактдир.

С. Усмонов

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЛУГАТ СОСТАВИДА ТОНИН - ФОРСЧА ВА АРАБЧА СЎЗЛАР

(Классик адабиётни урганувчилар учун ёрдам)

Ўзбек тилининг лугат составидаги сўзлар тарихий манбалари жиҳатидан туркий қабилаларнинг тилларигагина бориб тақалмайди. Лугат составининг тахминан ярмини туркий сўзларидан (традицион тилшуносликда қўлланиб келган термин билан айтганда, «эроний» тилларга мансуб бўлган тиллардан), араб тилидан, мугул тилидан, кейинги юз йил давомида эса рус тилидан ва рус тили орқали Фарбий Европа тилларидан кирган сўзлар, оз миқдорда бўлса ҳам ҳинд, урду, пушту, хитой ва бошқа тиллардан кирган сўзлар ташкил қилади.

Ўзбек тилининг лугат составини тарихий-этимологик жиҳатдан анализ қилишда, классик адабиёт тилини урганиш чоғида, айниқса Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш чоғида, олий ўқув юр்தларининг студентлари катта қийинчиликка учрайдилар. Чунки сўзларнинг тарихан қайси тилга мансуб эканлиги ҳозирги филологик лугатларда, одатда, кўрсатилмайди. Бунда бошқа тиллардан кирган сўзларнинг ўзлашиб кетганлиги, бинобарин, уларнинг ўзбек тилининг ўз сўзлари бўлиб кетганлиги кўзга тутилади. Шунинг учун студентлар ўзларининг практик машғулотларида ва ишларида бирорта ҳам махсус қўлланмадан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Ўзбекча сўзларнинг тарихан қайси тилга мансублиги кўрсатилган К. К. Юдахиннинг 1927 йилда нашр қилинган «Қисқача русча-ўзбекча лугат»ини, У. Аҳмаджонов ва Б. Илёсовларнинг 1931 йилда нашр қилинган «Ўзбекча-русча лугат»ини ҳозир ҳеч ким топа олмайди.

Таълимдаги мана шу мушкулни бир мунча енгиллатиш учун бу мақолада тожик-форс ва араб тилларига мансуб бўлган сўзларга тухтаб ўтилади. Студентлар бундай сўзларни

бошқа сўзлардан ажрата билишлари учун, уларнинг маъно группаларини, «кўзга кўриниб турадиган» белгиларини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Бироқ бунда сўзларнинг грамматик ёки бошқа бирон хусусиятлари илмий жиҳатдан анализ қилинмайди. Бундан ташқари, кичик бир мақола бу каби қийин масалани ҳар тарафлама ёритиб бериш имкониятига эга эмаслиги ҳам аён.

I. „ЭРОНИЙ“ ТИЛЛАРДАН КИРГАН СЎЗЛАР

1. **Тарихий шароит.** Ўзбек тилининг лугат составида «эроний тиллар»га (айниқса, тожик тилига) оид бўлган сўзлар салмоқли ўринни эгаллайди. «Эроний» сўзлар турли жанрларга ва нутқнинг турли стилистик формаларига кўра турлича бўлгани ҳолда, умуман олганда, лугат составига нисбатан 5 процентдан 20 процентгача бўлган миқдорни ташкил қилади.

Ўзбек тили лугат составига «эроний» тилларга оид сўзларнинг кўп миқдорда кириши ҳозирги бизнинг кунларимиздаги ҳодисагина эмас. Бу — ўзбек халқининг узоқ тарихи билан чамбарчас боғланган. Икки қардош халқ бўлган ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида деярли бир хил иқтисодий-сиёсий ва маданий шароитда яшаб келганлар.

Тарихий текширишлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёнинг асосий аҳолиси қадимги даврларда «эроний» ва туркий тилда сўзлашувчи қабилалар бўлган. А. Ю. Якубовскийнинг фикрича, туркий тилда сўзлашувчи қабилалар (улар кейинчалик ўзбек, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ халқи составига кирган) Мовароуннаҳрда (Амударё билан Сирдарё ўртасидаги территория) эрамизнинг VI асрдан анча илгариги даврлардаёқ яшар эди. Туркий халқлар VI асрда ва ундан сўнгги даврларда Шош (Чош) вилоятидаги (Бинкент — Тошкент атрофи) қадимги маданиятнинг яратилишида муҳим ўринни эгаллаган¹.

Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон территориясида VI асрларгача туркий тилда сўзлашувчи қабилаларга нисбатан «эроний» тилда сўзлашувчи шарқий эроний қабилалар, қabila иттифоқлари, халқлар (сўғдлар, саклар, массагетлар, бактриялилар, парфиянлар, париканийлар, хоразмийлар в. б.) кўпроқ бўлган.

Ўтроқ ва ярим ўтроқ ҳаёт кечирган туркий тилда сўзлашувчи аҳоли ҳам, «эроний» тилда сўзлашувчи аҳоли ҳам бой маданият яратганлар. Сўғдларнинг ўз ёзувлари бўлган. Бу

¹ История народов Узбекистана, Ташкент, 1950, т. I, стр. 9 (А. Ю. Якубовский ёзган сўзбоши).

сўз системаси 25 ҳарфдан иборат эди. У чапдан ўнга қараб ёзилган. Сўғд тилида VII аср диний (будда, христиан ва б.) адабиёт бўлганлиги, Рустам ҳақидаги ашула парчалари бизга маълум. Бу—ўша вақтдаги Ўрта Осиё аҳолисининг маданиятидан дарак беради. Уларнинг турмушлари ҳам маданиятнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатар эди. Улар деҳқончилик, боғдорчилик билан бир қаторда, ҳунармандчилик, савдо ишлари билан ҳам шуғулланганлар.

«Эроний» тилларда сўзлашувчи аҳоли билан туркий тилларда сўзлашувчи аҳоли орасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабат ва алоқа кучайган сари Ўрта Осиёнинг кўпгина районларида аҳоли икки тилли бўлиб қолади. Кўп ҳолларда эса «эроний» тилда сўзлашувчилар туркий тилда сўзлашадиган бўлиб қоладилар. Бунда туркий халқнинг сон жиҳатдан кўпая бориши, янги кўчманчи туркий қабилаларнинг келиб қўшили бориши муҳим роль ўйнаганлиги шубҳасиз.

Бундан сўнги асрларда ҳам туркий халқлар «эроний» тилларда сўзлашувчи қabila ва халқлар билан ёнма-ён, ҳатто, аралаш яшаганлар. Улар VII—IX асрлар мобайнида араб босқинчиларига қарши биргаликда курашганлар. Бу каби кундалик ва узоқ давом этган иқтисодий, маданий ва ҳарбий-сиёсий алоқалар тилда из қолдирмаслиги мумкин эмас, албатта. Шунинг учун *ҳом*, *кўп*, *катта*, *калта* сўзлари сўғд тилидан, кейинроқ *фарзанд*, *ҳеч*, *рўй*, *агар*, *хона* каби сўзлар тожик тилидан ўзбек тилига жуда қадим замонларда кириб, ўзлашиб кетган. Ҳатто баъзан айрим сўзларнинг туркийми, «эроний» сўзми эканлигини ажратиш ҳам қийин.

Сомонийлар династияси даврида (IX—X асрлар) араблар истилоси муносабати билан адабий тил, давлат ва дин тили сифатида тарқалган араб тили ўрнига «порсий дари» ёки оддий равишда «порси» ё бўлмаса «дарий» деб аталган маҳаллий тил адабий тил сифатида кенг ёйила бошлайди. IX—X асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг «эроний» тилларда сўзлашувчи аҳолиси дарийлар ёки тожиклар деб аталар эди. «Порсий дари» адабий тилига Хуросондаги тожикларнинг сўзлашув тили асос бўлган².

Адабий тилнинг бундай номланиши бир қадар шартлидир. Чунки форслар (порслар) Эрон территориясида яшаган эроний халқ бўлиб, улар сўғдлар, бактриялилар, тухарлар ва б. Ўрта Осиёдаги халқлар негизида таркиб топган дарийлар ёки тожиклар составига кирмаган³. Шунинг ҳам ҳисобга олиш ло-

² А. Н. Болдырев, Из истории развития персидского литературного языка (Журнал «Вопросы языкознания», № 5, 1955, 79-бет).

³ А. Ю. Якубовскийнинг «История народов Узбекистана» га ёзган сўз бошиси, 12-бет.

зимки, ҳозир икки мустақил миллий адабий тил бўлган тожик ва форс (форс тили Эроннинг давлат ва адабий тили) тиллари XVI асрларгача ҳозиргидек фарққа эга бўлмаган. Е. Э. Бертельс бу давргача бўлган «тожик ва форс адабиётларини тилга кура чегаралаш мумкин эмас» дейди⁴.

Шундай қилиб, дарий тили негизда яратилган тожик адабий тили араб тилини дастлаб поэзия соҳасида сиқиб чиқаради. Масалан, Рудакий (941 йилда ўлган), Фирдавсий (934 ёки 935—1020 ёки 1025) ўз асарларини тожик тилида ёзганлар. Поэзиядаги бу кураш XI асрларда тожик тили фойдасига узила-қесил ҳал бўлади. Аммо илмий прозада араб тили яна юз йил ҳукмронлик қилади. Чунки илмий терминологияни маҳаллий тилда (тожик тилида) яратиш масаласи, бундаги қийинчиликлар Урта Осиё олимларини ўз асарларини ҳали арабча ёзишга мажбур қилар эди. Дастлабки яратилган тожикча илмий терминлар суфийий йўл билан ёки эскириб кетган сўзларни қайта тиклаш йўли билан яратилган эди. Бу ҳол маҳаллий тилда ёзилган илмий асарларни тушунишда қийинчилик туғдирар эди. Шунинг учун баъзи авторлар ўз асарларида арабча терминларни ишлата бердилар, баъзилари эса умуман арабча ёзишни афзал кўрдилар. Масалан, Хоразмий (780—847), Беруний (973—1048) каби машҳур олимлар асарларини араб тилида ёзган эдилар. Жаҳонга машҳур Абу Али ибн Сино (980—1037) эса асарларини, асосан, араб тилида ёзган бўлса ҳам, баъзи асарларини тожик тилида ёзган.

Сомонийлар династияси ҳукмронлиги даврида давлат тили ҳисобланган тожик тилида ёзиш ҳаракати борган сари кенг тус олади.

Тожик тилида дунёвий адабиётнинг яратилиши (диний адабиёт араб тилида ёзилар эди), давлат ишларини тожик тилида олиб бориш бу тилнинг туркий тилларга таъсирини яна ҳам кучайтиради. Бу таъсир бир томонламагина эмас эди. Проф. А. К. Боровковнинг текширишлари шунини кўрсатадики, «эроний» тиллар (айниқса, тожик тили) туркий тилларга (айниқса, ўзбек тилига) таъсир қилганидек, туркий тиллар ҳам (айниқса, ўзбек тили) «эроний» тилларга таъсир кўрсатган. Демак, бу процесс икки томонлама бўлиб, кўпроқ ўзаро сўз олиш йўли билан борган. Сўз яеаш соҳасида, сўз бирикмалари тузишда, умуман, синтаксис соҳасида ҳам, бундай ўзаро бир-бирини бойитиш тенденцияси мавжудлиги маълум⁵. Шунинг

⁴ Е. Э. Бертельс, Персидский — дарн — таджикский (Советская этнография, № 4, 1950, 55-бет).

⁵ А. К. Боровков, Таджикско-узбекское двуязычие... («Ученые записки» Института востоковедения, IV, 1952, 187—199-бетлар).

учун маҳаллий тожик давлати қулаб, туркий династиялар булган қорахонийлар, сўнгра эса газнавийлар (XI—XII асрлар) давлатни қўлга олгандан кейин ҳам ўзбек ва тожик тили орасидаги яқин муносабат уз кучини йўқотмаганлигидан, туркий тилда ёзилган асарларда ўрни билан тожикча сузлар ишлатила берган. Умуман олганда, XI—XII асрларда халқ тили формасида шаклланган ўзбек тили, гарчи у вақтларда «туркий» деб аталган бўлса ҳам, тожик тили элементларини қўнғина миқдорда уз ичига олган эди. Чунки аҳолининг икки тилликлги Ўрта Осиёнинг айрим жойларида қадимги даврдан бешлаб ҳозирги давргача сақланиб қолди ёки тиллардан бирининг талабаси билан тугади. Ҳар икки ҳолда ҳам ўзаро боғлиқ процесси давом эта берди. Масалан, Маҳмуд Қошғарининг кўрсатишича, XI асрда ҳам сўғд тилида, ҳам туркий тилда сузланган Тараз (ҳозирги Жамбул), Сайрам аҳолисининг⁶, келинчалик, туркий тилинғина сақлаб қолганликлари билан, «эроний» элементларини тамомилан унутиб юборишлари мумкин эмас эди. XIII—XIV асрларда Хоразм аҳолиси икки тилда — туркий тилда ва қадимги хоразм тилида сўзлашган. Мунгуллар ҳужуми муносабати билан XII—XIII асрларда туркий аҳолининг қулаиб кетиши туркий тилни устун ҳолатга қўяди. Қадимги хоразм тили эса XIV асрларда ўзбек тилига синғиб кетади. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўзбек тилида мавжуд булган *ди* (<*хуб*), *оог*, *пичча* (<*пиччоми* — «дадам»), *осмон* (<*осм*), *жуфт* («эр»), *ариқ* (*ар* — «сув») каби сузларнинг қадимги хоразм тилида (у «эроний» тиллардан эди) ишлатилган сузлар булганлигига ажабланиб бўлмайди. Чунки голиб тилда мағлуб тилга онд баъзи сузлар сақланиб қолади.

Темури (1336—1406) ва темурийлар даврида адабий асарлар тожик тилида ёзилгани каби, туркий тилда (хусусан, ўзбек тилида) ҳам ёзилади. Масалан, Дурбек (XV аср), Сайдахмад (XV аср), шунингдек, Лutfий (1382—1491), Саккокий (XV аср), Атоий (XV аср), сўнгра эса Навоий (1441—1501) ўзбек тилида ажойиб асарлар яратдилар. Бунда айниқса Навоийнинг асарлари катта ўринни эгаллайди.

Навоий замонасида ва ундан кейин ҳам адабиётда тожик ва ўзбек традицияси давом этади. Тожик шоирлари айни замонда ўзбек тилида ёзганларидек (масалан, Абдураҳмон Жомий) ўзбек шоирлари тожик тилида ҳам ёзганлар. А. Навоий уз замондошлари сингари икки тилли («зуллисонпайн») шоир эди. Икки тиллилик халқнинг ўзидаёқ мавжуд эди. Алишер Навоий бу ҳақда шундай деб ёзган эди:

⁶ А. К. Боровков, Юкоридаги асар, 181-бет.

⁷ А. А. Фрейман, Хорезмский язык, М.—Л., 1951, стр. 32.

«Туркининг улуғидини кичигига дегинча ва навкардин беги-га дегинча сарт тилидин баҳрамаандурлар»⁸. У яна туркий шоирлар ҳақида «турк шуаросенким, фореш тил биле раинги ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар»⁹ дейди. Марғилон шаҳар аҳолиси XV асрларда тожик тилида сўзлашган бўлса ҳам, ҳозир у ерда ўзбек тили асосий тил ҳисобланади. Бизнинг қишлоқларимизда Самарқанд, Бухоро, Чуст шаҳарларининг аҳолиси, Наманган областидаги айрим районлар (масалан, Косон аҳолиси), Тошкент областининг тоғли районларидаги айрим қишлоқларининг аҳолиси икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида сўзлашадилар.

Адабиётдаги икки тиллик XIX асрда ҳам давом этган эди. Масалан, Махмур, Гулханий, Фазлий, Нодира ўз асарларини ўзбек ва тожик тилида ёзганлар, демократ шоир Муқимий асарларида тожикча бутун-бутун мисралар, иборалар, сўзлар учраб туради.

Совет даврида икки тилли ёзувчиларнинг энг машҳури сифатида тожик ва ўзбек тилларида «Қуллар», «Дохунда», «Одина» каби ажойиб асарлар ёзган С. Айинийни кўрсатиш мумкин.

Ана шу ўзига хос тарихий шароит натижасида ҳозирги ўзбек тилининг луғат состави тожик сўзларига бойлиги билан Урта Осиёдаги туркий тилларининг (қозоқ тили ҳам) луғат составидан бир мунча фарқ қилади. Ўзбек тилининг луғат состави билан тожик тилининг луғат состави доираси ўзаро бир-бирларига туташиб кетган. Баъзан тожик тилигагина хос деб ҳисобланган сўзлар ўзбек тилида ҳам ишлатила беради. «Эроний» тиллардан, хусусан, тожик тилидан кирган сўзларни баъзан форсча сўзлар деб ҳам атайдилар. Ваҳоланки, форелар Эрон территориясида яшаганлар. Урта Осиёдаги «эроний» қабиле ва халқларининг бир қисми тожик миллати составига кирган бўлса, бир қисми ўзбек халқи составига сингиб кетган. Шунинг учун ўзбек тилидаги «эроний» тиллардан кирган сўзларни фақат «форсча сўзлар» деб аташ Урта Осиё тарихида муҳим роль ўйнаган маҳаллий «эроний халқлар»ни унутиб қўйиш бўлар эди. Аммо тожикча деб номлаш ҳам бир мунча шарғли. Чунки тожик номи IX асрлардангина маълум бўлгани ҳолда, «эроний» сўзлар анча илгариги даврлардаёқ туркий тилларга (айниқса, ўзбек тилига) кирган бўлиши мумкинлиги юқорида айтиб ўтилди. Деҳқончилик, бовдорчиликка оид, шаҳар ҳаётига оид сўзларининг жуда кўп қисми «эроний»

⁸ Алишер Навоий, Муҳокамат-ул-луғатайн (Таълиқан асарлар, III том, 1948, Тошкент, 177-бет).

⁹ Уша ерда.

тиллардан кирганлиги бу фикрни тасдиқлайди. Чунки «эроний халқлар» Урта Осиёдаги деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган энг қадимги ўтроқ халқлардан эди. Туркий халқлар эса (айниқса, қорахонийлар, мўғуллар ҳукмронлиги даврида чўллардан келган туркий халқлар) кўпроқ чорвачилик билан шуғулланар эди.

Урта Осиёдаги «эроний» тилда сўзлашувчи халқларнинг бевосита меросхўри Эрондаги форслар бўлмай, тожиклар бўлганлиги учун, ўзбек тилидаги «эроний» сўзларни «тожикча сўзлар» деб номлаш «форсча» дейишга қараганда ҳақиқатга яқинроқдир. Шунга қарамай, ҳозирги ўзбек тили луғат составидаги «эронизмлар» составида форс адабий тилига онд ёки тожик ва форс тилларига муштарак (умумий) бўлган сўзлар йўқ дейиш хато бўлар эди. Аммо бу сўзларни аниқ ажратиб кўрсатиш осон иш эмас, албатта. Ана шу қийинчилиكنи ҳисобга олиб, тилшуносликда умумлаштирувчи маънога эга бўлган «эроний тиллардан кирган сўзлар» деган ибора қўлланади.

Юқоридагиларни яқунлаганда, «эроний тиллар»дан сўзлар тубандаги тарихий шароитлар билан боғлиқ ҳолда кирган:

1. Эрамининг бошларидаёқ бир территорияда бирга ҳаёт кечириш натижасида мавжуд бўлган иқтисодий, ҳужалик ҳоҳасидаги алоқа ўзаро сўз олиш учун қулай замин бўлган.

2. Урта Осиёда дам форс-тожик давлати, дам туркий ҳоқонлар давлати ҳукм суриши натижасида давлат ишлари, маъмурий ёзишмалар, расмий қоғозлар гоҳ тожикча, гоҳ туркий тилда олиб борилган. Ҳатто, Бухоро ва Қўқон хонлигида сўнги даврларгача иш қоғозлари икки тилда олиб борилган эди¹⁰.

3. Адабиёт икки тилда — ўзбек ва тожик тилида тараққий этган. Кўпгина машҳур ёзувчилар икки тилда ёзган. Шунинг учун тожикча сўзлар бевосита тожик адабиётидан ҳам, ўзбек адабиётидан ҳам халқ тилига кириб, ўзлаша борган.

4. Урта Осиёдаги, шў жумладан Ўзбекистондаги, аҳолининг талай қисми икки тилда сўзлашган. Бу бир тилда иккинчи тил элементларини ишлашишга замин бўлган.

5. Айрим жойларда туркий ва «эроний» тиллар, диалектлар чатишганида, Ўзбекистон территориясида туркий (ўзбек) тил устун чиқса ҳам, баъзи «эроний» тил элементлари ўзбек тилида сақланиб қолган. Бунинг акси ҳам, яъни туркий тилда сўзлашувчи этник элементлар тожик тилида сўзлашувчи этник элементларга сингиб кетган ва тожик тилида сўзлашадиган бўлиб қолган.

¹⁰ А. К. Боровков, Юқоридаги асар, 184-бет.

Одатда бошқа тилдан сўз олиш бирон ҳаётий талабга, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун «эронизм»ларнинг ўзбек тилига кириш сабабларини қисқача шундай кўрсатиш мумкин:

1. Она тилида мавжуд бўлган сўзлар кўп маъноли (полисемантик ёки омоним) бўлганлигидан, уша маънолардан бирини доим алоҳида, конкрет ифодалаш эҳтиёжи туғилади. Тожиқча сўзлар бу эҳтиёжни қоплаган. Масалан: *кўк*, *кун*, *сув* каби сўзлар ифодалайдиган бир қанча маънолардан «осмон», «офтоб», «дарё» маънолари тожиқча сўзлар билан ифодаланган. Бу билан она тилидаги кўп маъноли сўз зиммасидаги «юк» бир мунча енгиллашади.

2. Тожиқ тилидан кирган сўзлар она тилидаги сўзлар билан бир хил моддий-мантиқий маънога эга бўлса ҳам, стилистик жиҳатдан фарқ қилиши мумкин. Айниқса бадий адабиёт бундай стилистик оттенкага эга бўлган сўзларга катта эҳтиёж сезади. Шу каби талаб билан *дил*, *афт*, *чеҳра*, *нозик* каби сўзлар кирган.

3. Она тилидаги сўз ўзининг кўп маънолилиги негизда турли грамматик формаларга эга бўлиб қолиши мумкин. Масалан, *ёғоч* сўзи «ўсимлик» («деревно»), «материал» («бревно»), «деревянный» маъноларига кўра конкрет предметни ҳам, бошқа предметнинг белгисини ҳам ифодалай берган. Кейинчалик тожиқ тилидан кирган *дарахт* сўзи эса «ўсимлик» («деревно») маъносини ўз зиммасига олиб, *ёғоч* сўзи «бревно», «деревянный» маъноларигагина шлатиладиган бўлиб қолган. Чоғиштиринг: *Дарахт эдик. Дарахтнинг илдизи узун. Аммо ёғоч от, ёғоч қошиқ в. б.* Бунда *дарахт* сўзи от бажарадиган грамматик функцияларни бажаргани ҳолда, *ёғоч* сўзи сифатга хос функцияни бажаради.

А. Навоий ўзининг «Тарихи мулуки Ажам» номли прозаик асаринда *йиғоч* (ҳозирги тилда *ёғоч*) сўзини ҳам «дарахт», ҳам «калтак» ёки «ходача» маъноларида қўллаган. Чоғиштиринг:

Афросиёб... чун Навдарни ўлтурди, Эрон мулкани андоқ буздик, оз ерда маъмурлуқ қолди, *йиғочларни* кести ва иморатни йиқти ва коризлар била булоғларни кўмди.

...Кова оҳангар сипоҳсолар бўлуб, темурчилар белига боғлар сахтиёни *йиғоч* бошига боғлаб, алам қилиб юруб, Заҳҳокдин эл аюрулуб эрдилар, туролмай қочти¹¹.

¹¹ Мисоллар ТошДПИ ўқитувчиси Л. Халилов томонидан тайёрланган илмий-танқидий текстнинг қўлёзмасидан олинди. Автор унга ўз ташаккурини изҳор қилади.

4. Янги пайдо бўлган предмет ёки тушунчани ифодалайдиган сўзнинг она тилида бўлмаслиги уларнинг тожикча ифодаланishiга сабаб бўлиши мумкин. Бунда ўша янги тушунчанинг тожик халқидан кирганлиги, айниқса, катта роль ўйнайди. Масалан: *ширмай, ширчай, нонвой, газ, андава, дугтоп* ва б.

5. Ўзбек тилининг конкрет диалектлари тожик тили билан қандай муносабатда бўлганлиги ҳам айрим аҳамиятга эга. Тожик аҳолиси билан яқин яшаган ўзбек аҳолиси тилида тожикча сўзлар кўпроқ. Чунки кундалик ҳаётда тожик тили вакилининг яхшироқ тушуниши учун ўз тилини «мослаш»га интилиш тенденцияси ўша шева вакилида кучли бўлади. Умуммиллат тили таркиб топиши процессида бундай диалектлардан кўплаб тожикча сўзлар кириб келиши табиийдир. Масалан, Самарқанд, Бухоро диалекти, Қашқадарёдаги аҳоли тилида шундай тенденция сезилади: Тошкентда *бола, ўт* дейилгани ҳолда, ўша диалектларда *бача, оташ* сўзлари ишлатилади.

Ўзбек тилида тожикча сўзларнинг кўп бўлиши ўзбек тилини кучсизлантириб юбормади, балки уни бойитди. Иккинчи томондан қараганда, бу ҳодиса ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий ҳаёти бои, рангбаранг эканлигидан далолат беради.

2. Тожик тилидан кирган сўзларнинг маъно группалари. Ўзбек тилида тубандаги каби маъноларни ифодалайдиган тожикча сўзлар мавжуд:

1) хў-рўзгор, киним-кечак ва маталарнинг номлари бўлган сўзлар: а) дастурхон, дазмол, ҳокандоз, оташкурак (курак—ўзбекча), барқаш, обдаста, жоманов (жоминшуй), хум, хур-мача, шийша, коса¹², пиёла, чирог (<чарог), парда, гугурт, гитам, чойшап, поёндоз, полон, кўрна, челак (<чалик «бочка»), рўзгор ва б.; б) пайпоқ, пайгава, кавуш (<кафш), сарпо (<сарпо), пошна, чок, астар, маржон, марварид, чонон, зарбоб (<зарбафт//зарбофт), киса, доғ; в) чарм, шойи, беқасаб (<беқасаб), адрас, мовут, чит ва б.

2) иморат ва қурилишга доир сўзлар: хона, чайла, миҳ, тахта, девор (девол), ғишт, гувала, сарров, спич, хари, панжара, четун (<сутун), пойдевор, наҳса, хода, чўп (<чўб), роҳ, гов, токча, тоқи, пештоқ, гумбаз, тарнов, пойғак, обрез, оҳак, даҳлиз, даста, режа, шип, пона, ранг, дарича, дарвоза, дераза, зина, нарвон ва б.;

3) ишлаб чиқариш билан боғланган шахс, қурол-асбоб номлари бўлган сўзлар:

¹² *Коса* сўзи хинд ва урду тилларида «бронза» маъносини англатади.

а) корхона, ошхона, новвойхона, кушхона; б) сартарош, аравакаш, мардикор, чорникор, заргар, мискара, хунарманд, новвой (∠новвой), савдогар, дарвозабон, дорвоз, борбон, дуқондор ва б.; в) арра, пойтеша, мола, анжом, замбил (∠замбил), тандир, ранида, жувоз, обжувоз, қунда, занжир, устара, газ, газчўн, авдава, ғалвир, ғилдирак, чамбарак, дуқон, дастроҳ, чарх, пов, дарра, соявон, чорва, туш, шираж ва б.;

4) озик-овқат ва бунга доир нарсаларнинг номи бўлган сўзлар: ёғ, гушт, ош, нон, зогора, шакар, қанд, поввот, баргак, бурда, шира, шароб, хурак кабилар. Шу билан бирга, ширмои (шир — тожикча «сут», мой — ўзбекча), ширчо (чоӣ — хитойча) каби бир элементни бошқа тилдан олинган сўзларни ҳам тожик тили негизда ясалган деб ҳисоблаш керак;

5) озик-овқат ва техника экинлари номи бўлган сўзлар: шолӣ, дўбия, мош, нўхот, жўхоч (тож. *жувори*, пуштуча жувор), жавдор, гуруч (∠бирниж), ғуза ва б.;

6) сабзавот, поллиз экинлари ва меваларининг номлари бўлган сўзлар: с) сабзавот, сабзи, пиёз, гаримдори, зира, турп; б) беҳи, олча (∠олуча), гилос, шафтоли, анор, бодом, ниста, анжир, нок, нацвати, ғура, добулча ва б.;

7) дарахт ва турли ўсимликларга доир номлар:

а) ток, тут, чинор, дарахт, қаҳраб, хазон, барг, шох, повда, чангал; б) гул, дона, шилуфар («лилия»), хина, печак, беда, хашак, хас, шона ва б.;

8) бегдорчиликка доир сўзлар: бог, богоон, текзор, хамток, найвад, пархеш, бустон, гулзор, гулстон ва б.;

9) эр ва осмонга доир предметларни англатадиган сўзлар: а) замин, биёбон, дашт, чаман, дара, чангалзор, чим, қавақ, дарё, чашма; б) осмон, офтоб, жаҳон, гардуш, фалак ва б.;

10) ҳайвон, парранда, ҳашарот ва уларнинг аъзолари номлари бўлган сўзлар: а) жонивор, каламуш, гавмиш, гавзанда, шор, този; б) кана, пашша, шилла; в) калла, думба, дум; г) хўроз, гуррак, жўжа, каптар, лаблак, булбул, бедана, чил, занча, пар, пат, тўхум (∠тўхм) ва б.;

11) одамга ва унинг аъзоларига доир сўзлар: а) афт, ангор, рўи, дийдор, кифт, пешона, гардон, гавда, тана, лаб, мушт, кафт, дил, жигар, чеҳра; б) ҳамшира, ҳамсоя, жувон, доя, фарзанд, надар, бева, гувоҳ, ошна, душман, дўст, доншманд, банда, банди, ёр, биродар, кампир, меҳмон, жонон, хуштор, дилдор ва б.;

12) давлат ва маъмурий ишларга, ҳарбий ишларга доир сўзлар: а) муҳр, номзод, моёна, чора, пойтахт, тахт, тож, подшоҳ, шаҳзода, шоҳ, дор, ўлка, шева, намойиш, муштум.

зўр; б) саркарда, сардор, лашкар, навкар, сарбоз, жанг, жанггоҳ, зўр, паҳлавон; в) ханжар, замбарак, тўпнотча (⟨тўфангча) ва б. ;

13) шаҳар ҳастига, маданиятга, савдо-сотиқ ва молияга доир сўзлар: а) шаҳар (⟨шаҳр), кўча, обод, даҳа (шаҳарнинг бир қисми), сартарошхона, хонадон; б) савдо, бозор, нарх, баҳо, дўкон, даромад, харид, харидор, пул, арзон; в) жура, якка, чорак, нимчорак, дона, тоқ, жуфт, якун, майда, пайса ва б. ;

14) санъат ва адабиётга, маданиятга доир сўзлар: а) оҳанг, куй, тарона («куй»), соз, тор, дутор, сетор, танбур, пап, сурнай, карнай, чанг, ғижжак, рубоб, дап (⟨даф) ва б.; б) дoston, ёр ёр; в) базм;

15) кишига хос бўлган хусусиятлар ва бошқа белгиларни ифодалайдиган сўзлар: а) озод, бегона, олифта, чапани, хунук, нокас, дағал, номард, дилкаш, дилбар, ном, хушомадгўй, бечора, шод, сустан, содда (⟨сода), равшан, сарсон, рост, пуч, паст, новча, маст, сархуш, саранжом, танг, ноз, нозик, найранг, покиза, пардоз, хурсанд, хуррам; б) озор, орзу, баҳона, андиша, дуруст, бадтар, бежой, осон, осойиш, жудо, хуш, ширин, нордон, шўр, шўрак, хоҳиш, обрў, ростгўй, пиёда, аста ва б. ;

16) динга доир сўзлар: худо, жон, беҳишт, фирдавс, намоз, намозгоҳ, руза, оташпараст, парварлигор, пир, пари, салла, гуноҳ ва б. ;

17) турли касалликлар, кишиларнинг ҳиссиётига доир сўзлар: а) бод, пес, дард, хала, парҳез, саратон, хаста, захм, дардманд, говмичча, кал, кар; б) нола, нолиш, ситам, овоз ва б. ;

18) мактаб ва тарбияга оид сўзлар: дафтар, нома, шогирд, нодон, намуна ва б. ;

19) вақт ва фаслга доир сўзлар: баҳор, наврўз, наҳор, пешин, гал, зум, дам, палла, пайт ва б. ;

20) турли табиий ҳодисалар, табиий бойликлар номи: а) шабада, бода, жой, соя, ях, харсон; б) мис, симоб, сим, пулат, зар, тилла, олмос ва б.

3. Тожиқ тилидан кирган сўзларнинг баъзи бир фонетик белгилари. Тожиқча сўзларни фонетик тузилишига кўра ажрата олиш имкониятини берадиган баъзи бир белгилар бор. Лугат составини тарихий жиҳатдан анализ қилишда шу белгилардан фойдаланиш мумкин. Бунда сўз бошидаги биринчи товушга ва сўз охиридаги товушлар бирикмасига диққат қилиш керак. Масалан, сўз бошида «в», «г», «з», «л», «ф» товушлари келар экан, демак, бундай сўзлар туркий сўз-

лар бўлмай, ё «эроний» тиллардан, ё араб тилидан, ёки рус тилидан (рус тили орқали) кирган сўзлар бўлади. Хусусан, «г» билан бошланган сўзларнинг кўп қисми (рус тилидан кирган сўзларни, айрим тақлидий ва *ғўзал* каби сўзларни мустанго қилганда) тожик тилидан кирган. (Бунга ўзбекча-туркийча сўз ясовчи аффикслар қўшиб ясалган сўзлар кирмайди: *гапчи, газлама* кабилар).

Тожик тилидан кирган сўзларнинг охирида шундай товушлар мавжуд бўлади¹³.

а) сўз охирида тубандаги икки ундош келади:

нт: кент, Паркент, Заркент;

ст: масг, даст, рост, суест;

фт: афт, кифт, кафт, жуфт;

шт: гушт, фишт, мушт, саргузашт, дашт;

шк: кўшк, мушк;

хт: дарахт, бахт, тахт;

хм: захм, тухм > тухум;

зм: базм, жазм, изм, ҳазм;

ҳр: шаҳр, қаҳр, муҳр;

рх: чарх, нарх;

рм: чарм, гарм (гармдори, гармсел);

рг: барг, жувонмарг;

рд: дард, зард, мард;

нд: қанд, панд, тунд, хурсанд, фарзанд;

нж: ранж, биринж > гурунч > гуруч;

б) ундош ва унли товушлар келади:

са: коса, сомса, пайса, пахса;

на: хона, тана, кана, баҳона, пешона;

ра: чора, зира, дара, шира, гира-шира/аммо *яра* туркий сўз/;

да: банда, гавда, новда, кунда /«тунка»/, рапида;

ҳи: беҳи, шоҳи > шойи;

ки: хомакн;

до: жудо, худо, гадо;

ди: банди;

в) икки ундош ва унли товуш келади:

фта: олифта, ошифта;

ста: хаста, писта, аста;

лла: калла, тилла, малла, пилла;

г) унли ва ундош товуш келади:

ак: фалак, данак, дуккак, хўрак, гуррак;

анг (ан): чанг, жанг, оҳанг, наҳанг;

об: офтоб, кабоб, об;

ос: новвос, гилос;

¹³ Қўрсатилган товушлар баъзан аффиксга, баъзан эса бутун сўзга тенг келиши ҳам мумкин. Масалан, *ак, об, тор* каби.

Демак, юқорида кўрсатилган фонетик ва морфологик белгилар тожикча сўзларни аниқлашда катта ёрдам берса ҳам, бирмунча нисбий характерга эга.

II. АРАБ ТИЛИДАН КИРГАН СЎЗЛАР

1. **Тарихий шароит.** «Эроний» тилларга мансуб бўлган сўзларнинг туркий тилларга (шу ҳисобдан, ўзбек тилига) қачон кирганлигини конкрет айтиш мумкин бўлмагани ҳолда, араб тилига мансуб бўлган сўзларнинг ўзбек тилига кира бошлаган даври, асосан, маълум.

Арабча сўзлар ўзбек тилига VII—VIII асрлардан бошлаб кирди деб ҳисоблаш мумкин. Бу — арабларнинг шунда даврда Ўрта Осиёни забт этишлари билан боғланади. Араблар ушарни босиб олган территорияда маҳаллий динларни қувғин остига олади. Беровий VIII асрда Эрон, Сугд ва Хоразмда маданият намояндалари бўлган қоҳинлар ва уларнинг сақлаб қолган китоблари Кутайба томонидан йўқ қилиб ташланган эди, деб маълумот беради¹⁵.

Араблар ушларнинг велем динларини мажбурий ва моддий маънафатдор қилиш уюмлари билан маҳаллий аҳоли орасида тарқатди. Шунинг учун мечитлар, мадрасалар, мактаблар очилди. Чунки велем дини ёсқинчилар учун маҳаллий халқни эксклузатсия қилишида катта идеологик қурол вазифасини бажарар эди.

Араблар маҳаллий сўзларни ҳам йўқ қилиб, амалий ишларида ўз сўзларини юргиздилар. Давлат ва суд ишларини араб тилида олиб бордилар. Фан ва адабиёт араб тилида ёзилган бўлди. Ушунинг манхўр олимлари Хоразмий, Абу Райҳон Беровий, Ибн Сино ўз асарларини араб тилида ёзганлар.

Ушунинда Ўрта Осиё халқлари тилига таъсир қилган араб тили ҳозирги араб мамлакатларида классик арабий тил сифатида сақланган бўлиб, у ўлик тилга айланган. Ҳозирги араб мамлакатларида (Миср, Сурия, Йроқ, Жазоир, Саудия Арабистони ва б.) халқ у тилда сўзлашмайди. Жонли сўзлашув тилини аке эттирадиган диалектлар классик сўз тилидан анчагина фарқ қиладиган бўлиб қолган. Чунки классик сўз тили Арабистоннинг шимолда эрамининг I асрларидаёқ тарқалган тил эди. У поэзия тили эди. Вақт ўтиши билан жонли тилда юз берган тараққиёт, ўзгаришлар классик тил билан жонли сўзлашув тили орасида фарқни борган сари кучантирди. VIII—IX асрлардаёқ сўз-

¹⁵ Ўзбекистон тарихи, I том, I-китоб, Тошкент, 1956, 144-бет.

ларнинг қачонлардир Арабистонда қўлланган маъноларидан бошқа маъноларда қўлланиши тез-тез учрайдиган бўлиб қолди¹⁶. Ўзбек тилига кириб қолган арабча сўзлар ўзбек тили шароитида семантик ўзгаришларга учрамаслиги, айниқса, мумкин эмас эди.

Масалан, араб тилида «ташқи кўриниш» маъносини ифодалаган *башара* сўзи ҳозир ўзбек тилида *юз*, *бет* сўзларига стилистик синоним бўлиб қолган. Шу каби *асбооб* сўзи аслида арабча *сабаб* сўзининг кўплик формасидир. Аммо у ўзбек тилида «қурол» маъносини англатади. Яна: *касал* — арабча «дангасалик, хушёқмаслик», ўзбек тилида «огриқ», «бозлезнь»¹⁷, *миллат* арабча «дин», «диний жамоа», «секта», «халқ», ўзбек тилида эса «нация», *унвон* — арабча «сарлавҳа», «адрес», *ғазал* — «йиғирмоқ», ўзбек тилида «звани», «шеърний асар» в.б.

Чоғиштиринг: Чун Қубод анинг *миллатини* қабул қилди, эл мол ва аёллари номаҳфузлиғидни ожиз бўлуб, иттифоқ қилиб, Қубодни тутуб банд қилдилар. (А. Навоий, Тарихи мулуки Ажам).

Бу жиҳатдин авбош ва арзол йиғилиб, ғавғо қилдилар. Ва анинг атбои кўп бўлди ва Қубодни дағи фириб ва фусун биле ўз *миллатиға* киюрди. (Ўша ерда.)

Шундай қилиб, араб тили маҳаллий тиллар бўлган «эроний» тилларга ва туркий тилларга катта таъсир кўрсатади. Маданий жиҳатдан араблардан устун турган ўзбек ва тожик халқининг ота-боболари ўз адабиёт ва маданиятларини араб тили формасида яратадилар. Машҳур маҳаллий олимлар ўз асарларини араб тилида ёзадилар. Бу эса араб тилининг аҳамиятини анча юқорига кўтаради. Иккинчи томондан, араб тилининг бойлиги, ифодалилиги илмий терминлар яратишда анча қулай эди. Улуғ Алишер Навоий араб тилининг бу хусусияти ҳақида «Муҳокаматул луғатайн» асарида шундай дейди: «Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат тазйини била муъжиза тироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур...»¹⁸.

Классик грек фани Урта Осиё халқларига араб тили орқали маълум бўлди — грек файласуфларининг асарлари

¹⁶ К. В. Оде-Васильева, Учебник арабского языка, Л., 1936, 8-бет.

¹⁷ Ф. Абдуллаев, Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир (ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти асарлари, Тошкент, 1949, 98-бет).

¹⁸ «Бу тилларнинг барчасидан араб тили нафислик билан ажралган ва бадийлик беағи билан муъжиза кўрсатувчандирки, бунда ҳеч бир тил аҳлининг даъвоси йўқ...» (А. Навоий, Танланган асарлар, III том, Тошкент, 1948, 175-бет).

Ўрта Осиёда дастлаб араб тилида тарқалган эди. Шунинг учун баъзи бир грек сўзлари ўзбек тилига тўғридан-тўғри грек тилидан эмас, араб тили орқали кирган. Масалан: *фанор, қонун, жуғрофия, кимё*¹⁹ каби. *Мармар* сўзи араб тили орқали латин тилидан (лот. *marbog*), латин тилига эса грек тилидан (грекча *marmaros*) кирган ва ҳ.к.

Шундан қилиб, Европада латин тили бир вақтлар халқаро тил, илм-фан тили бўлганидек, араб тили ҳам Осиёда уч юз йил давомида шунга ўхшаш мавқеда бўлган. Юқорида айтилганидек, бунда ўзбек ва тожик олимлари, ёзувчиларининг роли жуда ҳам каттадир. Илмий терминлар масаласида туғилган қийинчиликлар туфайли Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуг олимлар ўз асарларини арабча ёзишга мажбур бўлганлар. Бу вазият араб тили элементларининг араб истилоси давридагига қараганда кейинроқ, Ўрта Осиё мутафаккирлари фаолияти даврларида кучайишига сабаб бўлди.

Аmmo сомонийлар династияси ҳукмронлиги даврида араб халифалигининг ҳукмронлиги бўшашиб мустақилликка интилиш кучайган сари араб тилининг аҳамияти чегараланади. У фақат дин тили сифатидагина қолади.

Агар тожик сўзлари ўзбек тилига сўзлашув тили орқали, адабиёт орқали в. б. йўллар билан кирган бўлса, араб сўзлари, биринчидан, китоб, мадраса, дин орқали, иккинчидан, тожик тили орқали кирган. Кейинги ҳолни араб сўзларига тожикча морфемалар қўшиб ясалган *дарҳақиқат, дарҳол, бақувват, бадавлат, ғамхўр, ҳаваскор, ҳарнав, мансабдор, мулкдор, қарздор, ноҳақ* каби сўзлардан билса ҳам бўлади. Бундаги *дар, ба, хўр, кор, ҳар, дор, но* морфемалари тожикчадир.

Учинчидан, баъзи арабча сўзларнинг бевосита оғзаки сўзлашув тили орқали кириши ҳам жуда мумкин бўлган бир ҳол эди. Чунки араб халифалигининг Ўрта Осиёдаги ноibi ва лашкар бошиси ҳисобланган Қутайба ибн Муслим маҳаллий халқдан катта солиқлар, қимматбаҳо буюмлар билан бирга ўз аскарларининг сонини кўпайтириш учун соғлом кишиларни ҳам олар эди²⁰. Самарқанд, Қашқадарё областларидаги аҳоли орасида ҳозиргача қўлланадиган *қутаймағир* (∠ Қутайба олғир!) деб қарғаш ўша даврдан қолган бўлса керак.

Ҳозирги ўзбек тилида арабча сўзлар луғат составининг тахминан 13% дан 20% гача бўлган миқдорини ташкил қилади.

¹⁹ Ф. Абдуллаев, Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир (А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти асарлари, 1949, 88-бет).

²⁰ Ўзбекистон тарихи, I том, I-китоб, 158—159-бетлар.

Араб тилидан кирган сўзлар тожикча ва рус тилидан кирган сўзлардан миқдорий жиҳатдан бир характерли хусусияти билан фарқ қилади. Бу шундан иборатки, тожик ва рус тилидан кирган сўзлар барқарорликлари ва иқтисодий ва маданий алоқа кучайган сари ортиб, қўшилиб боргани холда, араб тилидан кирган сўзлар сон жиҳатидан кўпаймаётганигидан ташқари, диний-мистик сўз ва иборалар ҳисобиغا қатъий бермоқда. Агар А. К. Боровковнинг ҳисобича, 1923 йилда Самарқандда чиқадиган «Зарафшон» газетасининг бир сонида арабча сўзлар барча сўзларнинг 32,1 процентини ташкил қилган бўлса, ун билдан сўнг (1934 йилда) В. В. Решетов «Қизил Ўзбекистон» газетасининг тўрт сонидagi арабча сўзларнинг лугат составининг 20 процентдан сал ортиқ эканлигини аниқлади¹. М. Мирзаевнинг ҳисоблашича, бу миқдор 1947—48 йилларга келиб яна ҳам камайган. У «Қизил Ўзбекистон» газетасининг тўрт сонидagi арабча сўзларнинг миқдори 18 процент атрофида бўлиб қолганигини қайд қилади².

Гарчи бу ҳисоблар бирмунча шартли тушунилса ҳам (чунки турли стиль ва жанрга кўра лугат состави ҳар хил бўлади), улар лугат со тавидagi ўзгаришларнинг қандай сўзларга, қай теъовга қараб юз бераётганини кўрсатади.

2. Арабча сўзларнинг маъно группалари. Ўзбек тилига кириб қолган арабча сўзларнинг кўпроқ қандай маъно ифодалайдиган сўзлар доirasига маънублиги араблар ўзбек халқи ҳаётининг қайси соҳаларда қандай роль ўйнаганидан гўвоҳлик беради. Арабча сўзлар кўпроқ тубандаги соҳаларга оиддир:

1) ишлаб чиқарини би я бөлганган (шаҳе, курут в.б.) сўзлар: касб, касиб, қасиб, саноат, муассаса, уста, ақоб, хизмат, меҳнат ва б.;

2) ул-жой ва қўргиниша дўир сўзлар: бино, иморат, ҳовли ва б.;

3) озик-овқатга дўир сўзлар: таом, овқат, галла, асал, қадах ва б.;

4) ҳайвон, парранда ва ҳашаротларга оид сўзлар: ҳайвон, фил, парранда, ҳашарот ва б.;

5) одам ва унинг аъзоларини ифодалайдиган сўзлар: одам, инсон, аёл, оила, аъзо, улфат, амма, хола, волида, ав-

¹ В. В. Решетов, Лексический состав совр. узб. языка (Проблемы языка, сб. 1, Ташкент, 1934, стр. 44-бет).

² М. Мирзаев, Совет-интернационал сўзлар — илмий терминологиянинг муҳим манбаларидандир (Ўзбек орфографияси ва терминологиясига дўир масалалар (тўплам), Тошкент, 1952, 89-бет).

под, аждод, шерик, димоғ, меъда, ҳалқум, қалб, жамол, ба-
шара, исм, қад, қомат, низо, садо ва б. ;

6) давлат ва маъмурий ишларга, ҳарбий ишга доир сўз-
лар:

а) давлат, ҳукумат, ҳокимият, ҳукм, ҳоким, амал, вакил,
ваколат, вилоят, ислоҳот, қабила, иттифоқ, ватан, дидор, мил-
лат, синф, истибодод, зулм, золим, маъмурият, идора, маж-
лис, қарор, сивёсат, ранс, қози, амир, фуқаро, аҳд ва б. ;

б) аскар, хавф, хатар, ҳужум, ҳамла, ҳарбий, мудофаа,
ғаним, марра, аслаҳа, талофот, жасорат, шиддат, шухрат,
жасур, шавкат ва б. ;

7) динга доир сўзлар: дин, мусулмон, кофир, оллоҳ, ма-
чит (∠ масжид), жаннат, жаҳаннам, охират, уламо, имом,
меҳроб, авлиё ва б. ;

8) санъат ва адабиётга доир сўзлар:

а) санъат, нақш, наққош, расм, расом, рақс, раққоса,
машқ, машшоқ, сурат, тасвир ва б. ;

б) адабиёт, адиб, асар, бадийи, шеър, шоир, ҳикоя, ма-
сал, мақол, мақола, назм, наср, рубоий, маснавин, аруз,
қофия, вази, қисса ва б. ;

9) фанга доир сўзлар: фан, илм, таълимот, фалсафа,
файласуф, табиёт ва б. ;

10) мактаб ва тарбияга доир сўзлар: мактаб, китоб, дарс,
тарбия, маориф, ҳулқ, ахлоқ, тартиб, иттизом, таълим, савол,
жавоб, муаллим, мураббӣи, қалам, ҳарф, алифбо, имло, иншо,
имтиҳон, даволат ва б. ;

11) нашриёт ишларига доир сўзлар: нашр, нашриёт, мат-
буот, матбаа, таҳрир, муҳаррир, хабар, мухбир, ахборот, тап-
қид, таржима, таржимон ва б. ;

12) турли абстракт тушунчаларни ва белгиларни ифода-
ловчи сўзлар: роҳат, айш-ишрат, ғайрат, аҳамият, ақл, идрок,
диққат, фаросат, ҳаёл, суръат, бидъат, маъно, эҳтиёж, эҳтиёт,
ҳурмат, саломат, омонат, вақт, муҳаббат, ҳол, аҳвол, раҳмат,
ғурбат, ҳалок, азамат, қиймат, секин, сокни, карра, марта,
навбат, ғам, мусибат, алам, кулфат, хасрат ва б. ;

13) ер ва осмонга доир тушунчаларни ифодалайдиган
сўзлар: ҳаво, само, нур, анҳор, шамол, коннот, олам, дунё
ва б. ;

14) вақт тушунчасини ифодалайдиган сўзлар: вақт, замон,
давр, фурсат, доим ва б. ;

3. Арабча сўзларнинг баъзи бир фонетик белгилари.
Араб тилидан кирган сўзларнинг ўзбекча сўзларда мавжуд
булмаган тубандаги ўзига хос фонетик белгилари бор:

1. Сўз бошидаги биринчи унли товуш чўзиқ айтилади.
Чунончи:

а) о товуши: олам, оила, одам, оқибат, охир, ожиз, олим, одил, олий ва б.;

б) э товуши: ёзувда э ҳарфидан сўнг айириш белгиси (ъ) ёзилади: эътибор, эътиқод, эълон, эътироф, эътироз ва б.
2. Сўз ўртасидаги унли чўзиқ айтилади. Уша унлидан сўнг ёзувда айириш белгиси ёзилади:

а) а дан сўнг: маълум, маъно, маъдан, таълим, таъна, таътил, муътабар, муътадил, муъжиза ва б.;

б) е (э) дан сўнг: меъмор, меъёр, меъда, шеър;

г) олдинги ундошдан -ат қисми ажратиб талаффуз қилинади. Ёзувда -ат қисмидан олдин айириш белгиси ёзилади: санъат, суръат, бидъат, журъат каби.

3. Сўз ўртасида ёки сўз охирида қатор *ао, оа, аа* унлилари келиши мумкин: *маориф, соат, мудофаа, мутаассиб, манфаат* каби.

4. Сўз ўртасида *фф, мм, зз, рр, лл, сс* келади: *музаффар, муваффақият, муаммо, аммо, муаззам, муҳаррир, муаллим, муассаса* каби.

5. Сўз охирида тубандаги товушлар бўлади:

о: аъло, маъно, само, хурмо;

зр: *зир, зур*: узр, назир, ҳазир, хузур;

ср: аср, каср, қаср, наср, Миср;

хр: меҳр, муҳр;

мр: умр;

см: расм, исм, қисм;

за: ариза, ожиза, маъруза;

рф: урф;

рб: зарб, ғарб, ҳарб (ий);

лум: мазлум, маълум;

ия: молия (аммо *Зулфия* сўзидаги *зулф* «гажжак» «эроний» тиллардан кирган), адлия;

лм: илм;

қл: ақл, нақл;

шк: ишқ, машқ ва б.

6. Составида «ҳ» ёки «ж» товуши бўлган сўзларнинг жуда кўп қисми арабча сўзлардир: *ҳол, аҳвол, аҳд, аҳл, ҳалол, таҳлил, тимсоҳ, наҳр, мажҳул, ҳақ; жамият, жаҳл, ажаб, жабҳа, жума, жам* каби.

Юқорида кўрсатилган белгиларни унли-кесил, қатъий деб ҳисобламаслик керак. Баъзан асл ўзбекча сўзлар ҳам уша белгилардан бирига эга бўлиши мумкин. Масалан: *ожиз* (ар.) — *очиқ* (ўзб.), *мулла* (ар.) — *қўллар* (ўзб.) ва б.

4. Арабча сўзларнинг баъзи бир морфологик белгилари. Араб тилидан кирган сўзларда баъ-

зан арабча аффикслар учрайди. Улардан баъзилари ўзбек тилида маълум грамматик қийматга эга бўлса (масалан, *-ий* *-вий*), баъзилари грамматик маъно ифодаламайдн (*-ат*, *-от* каби). Арабча сўзларнинг морфологик структурасида тубандагилар кўзга ташланади.

1. *-ий*, *-вий*: сиёсий, маънавий, маъновий, узвий, оилавий, илмий, синфий, ихтиёрний ва б.

2. *-ат*, *-от*: ҳукумат, ҳурмат, туҳмат, азамат, маълумот, таълимот ва б.

3. Уч-тўрт бўғинли сўзларнинг бошида *му* элементи келиши мумкин: мутафаккир, мубтало, мувофиқ, муносиб, муборак, муаллим ва б.

4. Қўлгина арабча сўзларнинг ўзаги уч ундош товушдан иборат бўлиб, улар орасидаги унлилар ўзгариши билан ёки олдига префикс қўшиш билан янги сўз ва формалар ясалган. Ана шу «ички флексия» изларидан уларни таниб олиш мумкин: *мактаб-мактуб-китоб-котиб-кутуб* (хона); *масалан-масала-мисол-масал*; *нисбат-нисбий-муносабат*; *валад-авлод*; *олимп-оламо*; *сабаб-асбоб*; *шеър-шоир-ашъор*; *машиқ-машишоқ*; *жамоат-жамият-ижтимоий*; *жам-мажму-жума*; *жумла жамила*; *назар-нозир-назора-манзара-назарий* ва б.

Арабча сўзларни ажратишда хатога йўл қўймаслик учун юқорида кўрсатилган белгиларнинг бир нечасини айна бир сўздан топишга ҳаракат қилиш лозим: *муассаса*, *мутолаа*, *ошиқ-ишиқ* ва б.

Н. Маллаев

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҒАЗАЛ ВА УНИНГ РИВОЖИДА НАВОЙНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА¹

Адабиёт тарихи адабий тур ва жанрларнинг ҳам тарихидир. Адабиётлар тарихи шунинг кўрсатадики, бадний сўз санъатининг ривожидан катта ўрин тутган санъаткорлар алоҳида адабий формаларнинг (тур ва жанр) тараққиётида ҳам муҳим роль уйнайдилар. Гомер ва Фирдавсийнинг қаҳрамонлик эпопеясида, Эсхил ва Шекспирнинг трагедияда, Эзон ва Криловнинг масалчиликда, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг ҳамсафчиликда, Гоголь ва Салтиков-Шчедриннинг сатирада, Бальзак ва Толстойнинг романчиликда, Мопассан ва Чеховнинг ҳикоячиликда қилган хизматлари ва бошқалар бунга яққол мисол бўла олади. Шу жиҳатдан қараганда қуйидаги тўртликнинг аҳамияти каттадир:

Дар назм се тан паямбаронанд,
Ҳарчандки: «То набю баъди»;
Азсофу қасидаю ғазалро —
Фирдавсию Анварию Саъди².

(Назмда уч киши пайғамбардирлар. Гарчи (ҳадисда): «Мендан бошқа пайғамбар бўлмайди» дейилган; Жангнома, қасида ва ғазалда — Фирдавсию Анварию Саъдий).

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳам адабий тур ва жанрларнинг ривожидан салмоқли ўрин тутган санъаткордир. Унинг бон ва бебаҳо ижоди ўзбек классик адабиётини, унинг тур ва жанрларини янги тараққиёт поғонасига кўтарди, такомиллаштирди.

¹ Мазкур мақоланинг қисқа варианты «Ўзбек тили ва адабиёти» журналыда босилган (1961 йил, 3-сон).

² Бу тўртлик Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» китобидан олинди. Коппур, 1907, 85-бет.

Навоийнинг адабий тур ва жанрларнинг ривожиди тутган ўрнини ўрганиш ва ёритиш, шубҳасиз, адабиёт тарихи ва адабиёт назарияси жиҳатидан жуда катта аҳамиятга эгадир. Биз ўзбек адабиётида ғазалчилик ва унинг ривожиди Навоийнинг роли ҳақида баъзи бир мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ғазал Яқин ва Урга Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган ва узоқ тарихга эга бўлган бир жанрдир. Манбаларда ғазалга турлича таъриф берилган. Бу таърифлардан энг мукаммали Қабул Муҳаммаднинг «Ҳафт Қулзум» асаридаги таърифдир: «Бидонки, ғазал дар лугат дўст дошган, ҳадис бо занон. Ва дар истилоҳ абъёти чанд аст, муттаҳид дар вазн ва қофия. Ва байти аввали он абъёт (ду) мисра бошад, ҳар ду қофиядор, онро матла ва мабда номанд. Ва байти сонн агар ҳар ду мисрааш қофиядор бошад, зеби матла ва ҳусни матла. Ва байти охиrho мақта ва хотима хонанд. Ва маршрут он аст, ки мутажовуз аз 12 байт набошад... Ва баъзе то 19 байт ҳади ғазал гуфтанд... Аммо базе шуарои мутохорин 21 байт гуфтаанд... Лекин ҳади ғазал то 19 байт аст. Дар ғазал голибан зикри жамоли маҳбуб ва сифати ҳоли муҳиб ва сифати ҳоли ошиқ бошад. ва мувоиз ва насойиҳ дар дигар иқсоми шеър дарж гардад. Аз ҳарчи бинояд кунанд, агар висол бошад ё фироқ, ба ҳамон тамом кунанд...»³.

(«Билгилки, «ғазал»нинг луғавий мазмуни хотинларга севги ва улур билан муносабатдир. Ва унинг истилоҳий (терминологик) мазмуни бир неча байтнинг бир қофия ва вазн билан бирикувидир. Бундай шеърнинг аввалги байтининг ҳар икки мисраси ҳам қофияланади, уни матла ва манба деб атайдилар. Иккинчи байтининг ҳам икки мисраси қофияланган бўлса, у матлага зеб ва ҳусндир. Охиrho байтини мақта ва хотима дейдилар. Ва шарт шуки, у 12 байтдан ошмаслиги керак... Ва баъзилар 19 байт ғазалнинг чегараси деганлар... Аммо баъзи кейинги шоирлар 21 байтгача дейдилар... Лекин ғазалнинг чегараси 19 байтгачадир. Ғазалда кўпинча маҳбубанинг жамоли ва сифати, ошиқ аҳволи ва кечинмалари тасвирланади. Ваъз ва насихат шеъриятнинг бошқа турларида ифодаланади. Ғазал, висолми ё фироқми, нима билан бошланган бўлса, ўша билан тугалланиши керак...)

Бу таърифта, А. Мирзоев таъкидлаганидек⁴, мақтада шоир таҳаллусининг берилиши, қофиядан кейин радиф ҳам ишлатиш мумкинлиги, ғазалнинг тематик жиҳатдан ижтимоий ҳаётнинг

³ Қабул Муҳаммад. Ҳафт Қулзум, Лаҳнау, 1230, VIII бўлим. 44—45-бетлар.

⁴ А. Мирзоев, Рўдаки ва инкишофи ғазал дар асrhoи X—XV, нашриёти Давлатии Тожикистон, 1957, 26—27-бетлар.

хилма-хил масалаларини қамраб олиши ва бошқаларни илова қилиш мумкин. Бироқ, шунда ҳам бу таъриф ғазалнинг тематик ва бадиий-поэтик хусусиятларини ифодалайди-ю, лекин унинг шаклланиши ва тараққиётини ифодалай олмайди, албатта.

Ғазал узоқ ва мураккаб тараққиёт босқичларини кечиб ўтди ва ҳар халқнинг бадиий сўз санъатида ўз специфик хусусиятлари билан такомиллашди. Форс-тожик тилидаги адабиётда ғазалнинг куртаклари X асрда, ҳаммадан аввал «одамуш шуаро» — Рўдакийнинг ижодида равшан кўрина бошлайди. Бироқ у даврда ғазал ҳали тула шаклланмаган эди. Ғазал Рўдакий ва унинг пайравлари вужудга келтирган замин асосида форс-тожик адабиётида XII асрда шаклланди ва такомиллашди. Бу процесс Шибли Нуъмоний айтганидек⁵, тасаввуфнинг ривожини билан эмас, балки Е. Э. Бертельс⁶ ва А. Мирзоевлар⁷ таъкидлаганидек, шаҳарлар ҳаётининг ривожини, хўжалик ва маданиятнинг тараққиётини билан, шунингдек феодализмнинг қарши норозилик кайфиятларининг кучайиши билан боғлиқдир. Ўзбек ғазалчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам шунини кўрсатади.

Форс-тожик тилидаги адабиёт ғазалчиликларида XII асрда Саноний ва Аттор каби мутасаввуф шоирларнигина эмас, балки Муиззий, Имодий, Сўзаний, Амъақ, Рашидиддин Ватвот каби прогрессив ва истеъдодли шоирларни етиштирди ва мана шу шоирлар ғазал жанрининг ривожидида катта роль ўйнадилар. Ғазал тобора дунёвий моҳият касб этиб борди. Ҳатто Саноний каби сўфи шоирлар ҳам

Моҳ рўё гирди он руҳ зулфи чун занжир чист,
Ва андар он занжир чандин печ-тоб аз қири чист?

га ўхшаш ғазалларида мистик талқиндан ҳийла узоклашиб, ҳаётга дунёвийликка яқинлашган эдилар. Бу дунёвий адабиётнинг голибона ҳаётчан қудратини кўрсатади. XIII—XIV асрларда эса Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий ва Қамол Хўжандий каби буюк ғазалчилар етишди. XV аср форс-тожик тилидаги адабиётда ғазалнинг мислсиз устози Абдураҳмон Жомийдир.

Форс-тожик тилидаги ғазалчиликнинг ривожидида форс-тожик тилидаги адабиётни вужудга келтирган барча халқларнинг — тожиклар, эронийлар, озарбайжонлар, Ҳиндистон

⁵ Шибли Нуъмоний, Шеър ал-Ажам, V, том, 28—30-бетлар.

⁶ Е. Э. Бертельс, Навои, Опыт творческой биографии, М.—Л., 1948, 48-бет.

⁷ А. Мирзоев, Рўдаки ва инкишофи ғазал дар асрҳои X—XV, нашоиёти давлати Тоҷикистон, 1957, 46—47-бетлар.

⁸ Қаранг: А. Мирзоев, Ўша асар, 52-бет.

халқлари ва бошқа халқлар, шу билан бирга зуллисонанн ўзбек ёзувчиларининг роли ва ўрни бор. Ҳар бир халқ ва тарихий босқич ғазалчиликнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшади, ғазал халқлар адабиётидаги муштарак ва ўзига хос хусусиятлар билан бирга тараққий этади, такомиллашади.

Ғазал туркий тиллар группасида сўзловчи халқлар адабиётида ҳам узоқ тарихга ва бой тажрибага эга бўлиб, бу тажрибалар ғазалчиликнинг ривожига катта ҳисса қўшди. Ғазал ўзбек адабиётининг ҳам жуда кенг тарқалган муҳим бир жанридир. Ўзбек классик адабиётидаги ғазалчиликнинг вужудга келиш илк даврини ҳозир эниқлаш имкониятига эга эмасмиз. Бироқ шуниси равшанки, XIV асрдаёқ ғазал ўзбек адабиётида лирик турнинг асосий жанрларидан бири сифатида кенг тарқалган ва такомиллашган эди. «Қиссан Рабзувий» даги, «Муҳаббатнома»даги, шунингдек бошқа ёдгорликлардаги ғазаллар шунини кўрсатади. Ғазал ўзбек классик адабиётининг барча тараққиёт босқичларида лирик турнинг асосий жанрларидан бири бўлиб қолди. Ўзбек классик адабиётида ғазал ёзмаган, девонининг салмоқли қисмини ғазал ташкил этмаган шоир йўқ десак янглишмаймиз. Ўзбек совет адабиётида эса ғазал традицион бир жанр сифатида яшаб келмоқда, социалистик воқелик заминиде янги ва нафис ғазаллар яратилмоқда.

Ғазал ўзбек адабиётида дунёвий йўналишининг бир жанри сифатида вужудга келди ва бу адабиётнинг барча тараққиёт босқичларида унинг тематик-ғоявий ва бадиий-эстетик ривожини билан бирга ривожланди. Ғазалнинг ривожини адабий оқимларнинг кураши билан, эстетик тафаккурнинг тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, турли ижтимоий ва адабий-эстетик позициядаги шоирларнинг ғазали, поэтик ва бошқа шаклий ўхшашликларига қарамай, турлича моҳиятга эгадир.

Ўзбек классик адабиётининг вужудга келиши ва ривожланишида туганмас чашма ва маҳорат мактаби бўлган халқ оғзаки ижоди ўзбек ғазалчилигининг вужудга келиши ва ривожланишида бой маънавий, бадиий-поэтик бир манба бўлди. Айниқса халқ қўшиқлари, уларнинг узоқ тажрибаси, бой ва хилма-хил мазмуни, бадиий услуби ва санъатча моҳияти ғазалларга бой маънавий озуқа берди, уларнинг халқчиллигига, миллий колоритига, тили ва бадиий услубига самарали таъсир этди.

Лутфийнинг

«Қон бўлди кўнгул фироқингиздин,
Жон куйди ҳам иштиқингиздин»⁹;

⁹ Л у т ф и й, Ўзбек классиклари кутубхонаси, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1958, 88-бет.

Навойнинг

«Базм аро гар йўқ най ила даф,
Ҳам ёмон эрмас ун била каф»¹⁰

Шунингдек бошқа шоирларнинг ҳам халқ қўшиқларига ўхшаш кўплаб содда, раvon, жўшқин ва мусиқий ғазаллари вужудга келди.

Халқ қўшиқларининг ғазалларга таъсирини вазн масаласида ҳам раvshan кўриш мумкин. «Туркий» деб юритилган халқ қўшиқларининг вазни (рамали мусаммани мақсур) ғазаллардан ҳам кенг ўрин олади. Навоий «Мезон-ул-авзон»да халқ қўшиқлари ҳақида сўзларкан: «... Яна сурудедурким, ани «туркий» деб турлар ва гоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мугажовиз, айш аҳлиға судманд ва мажолис оро суруддур... ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқеъдур...»¹¹— дейди. Шоир Атоий девонидаги 260 ғазалдан 109 таси мана шу вазнда битилган¹². Ғазалнинг қўшиқларга мувофиқлашган ҳолда яратилиши куй орқали унинг кенг жамоатчиликка, саводсиз кишиларга бориб етишини кўзда тутиш билан ҳам боғлиқдир.

Кўп ғазалларга халқ асарларидаги қаҳрамонлар образи куюқ мазмун ва жило бергани, халқ санъаткорлиги сайқал бағишлагани, халқ мақоллари, таъбирлари ва халқ юмори латофат қўшгани маълум. Бунга, жумладан, Навоийгача етишган атоқли санъаткорлардан Атоийнинг халқ эртақларидаги «сув париси» образи асоснда яратган:

«Ул санамким, сув яқосида паритек ўлтурур,
Гояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур»¹³,—

матлали ғазали ёки Лутфийнинг халқ мақоллари тизмаси асосида яратган:

«Аёғингга тушар ҳар лаҳза гесў,
Масалдурким: «Чироғ туби қоронғи»¹⁴.

ғазали ва яна кўп-кўп адабий ёдгорликлар яққол мисол бўла олади. Ғазал бутун тараққиёти давомида халқ оғзаки ижодидан кенг баҳраманд бўлади, халқ асарларига, халқнинг ҳаёти, руҳи ва умид-орзуларига янада яқинлашиб боради.

¹⁰ Алишер Навоий, Танланган асарлар, I том, Девон, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 78-бет.

¹¹ Алишер Навоий, Мезон-ул-авзон, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1949, 94-бет.

¹² Э. Рустамов, Отоий, (Отоий, Танланган асарлар, Тошкент, 1958, 8-бет).

¹³ Отоий, Танланган асарлар, 84-бет.

¹⁴ Уша асар, 95-бет.

Шу билан бирга, ўзбек адабиётида ғазал ёзма адабиётининг тажриба ва традициялари заминида вужудга келди ва ривожланди. «Қўтадгу билик»даги баҳор тасвири ва қариллик айёмига бағишланган парчаларга ўхшаш лирик шеърлар ўзбек ғазалчилигининг маълум илдизлари ҳам бўлди.

Ўзбек адабиётида ғазалчилик форс-тожик тилидаги адабиёт (адабиётлар) ғазалчилигидан бирмунча кейин вужудга келди ҳамда форс-тожик ғазалчилигидан, унинг тажрибаларидан таълим олди, традицияларини давом эттирди ва ривожландирди. Хусусан Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Камол Хўжандий ва Абдураҳмон Жомий каби шоирлар ўзбек ғазалчиларининг диққатини ўзига жалб этди. Буни, жумладан, Навоийнинг 3 уста ғазалнависе ҳақидаги қуйидаги қитъаси ҳам равшан кўрсатади:

Ғазалда уч киши тавридир ул навъ,
Қим анди яхши йўқ назм эҳтимоли.
Бирини муъжиз баёлиғ соҳирини хинд,
Ки ишк ахлини ўртар сўзу ҳоли.
Бирини Нисси нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту доуболи.
Бирини куден асарлик орифи Жом,
Ки жомини Жам дурӯр сингон сафоли.
Навоийнинг назмига боқсанг эмастур,
Бу учининг ҳолидин хар байти холи.
Ҳамою кўзгудурким акс соъмиш,
Анга уч шўҳи маҳвашиниғ жамоли¹⁵.

Маълумки, ўзбек халқи билан форс-тожик тилидаги адабиётни яратган халқлар уртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар чуқур тарихий илдизларга эгадир. Бу хусусан ўзбеклар билан тожиклар мисолида равшан кўринади. Иқтисодий ва маданий ҳаётдаги алоқалар ўзбек адабиёти билан форс-тожик тилидаги адабиётлар уртасида ҳамкорлик алоқаларини ва муштарак хусусиятларини вужудга келтирди. Форс-тожик тилидаги адабиёт ўзбек халқига манзур бўлиб, унинг маънавий маданияти ривожига самарали таъсир этганидек, ўзбек адабиёти ҳам форс-тожик тилидаги адабиётни яратган халқларга манзур бўлиб, уларнинг маънавий маданияти ривожига самарали таъсир этди. Ўзбек халқи Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий ва Жомий каби буюк сўз санъаткорларини яқиндан билгани ва севганидек, ўзбек адабиётининг Лутфий, Навоий ва Бобир каби улкан намоянадалари ҳам форс-тожик тилидаги адабиётининг яратувчилари бўлган — тожик, эрон, озарбайжон, ҳинд ва бошқа халқларга ҳам манзур ва севимли бўлди. Форс-тожик тилида-

¹⁵ Алишер Навоий, Танланган асарлар, I том, Девон, 144-бет.

ги адабиёт ўзбек халқига яна шунинг учун ҳам яқинки, ўзбек халқининг ўзи ҳам шу адабиётни яратувчилардан бири, унга катта ҳисса қўшган халқдир. Маълумки, ўзбеклардан (айниқса XV асрга қадар) кўп форсигўй шоирлар етишган ҳамда Хоразмийдан (XIV аср) торғиб Ҳамза Ҳакимзодага қадар кўпчилик ўзбек ёзувчилари зуллисонайн — икки тилда (ўзбек ва форс-тожик тилларида) ижод этган ёзувчилардир. (Бу традиция Совет даврида ҳам давом этади). Ўзбек ёзувчилари форс-тожик тилидаги асарлари билан, жумладан, нафис газаллари билан ҳам шуҳрат қозонганлар. Лутфий, Навоий Бобир, Муҳаммад Солиҳ, Турди, Амирий, Махмур, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва бошқалар шундай шоирлардандир. Жумладан, Навоий мавлоно Лутфийнинг форс-тожик тилидаги ижодкорлик маҳорати ва шуҳрати ҳақида бундай деган эди «... Форсийда қасидагўй устодлардан кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур.. охир умрида радифи «офтоб» шеъри айттиким, замон шуароси татаббуъ қилдилар, ҳеч қайси матлани онча айта олмадилар ва ул матла будурким:

Э зи зўфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро ба жойи моҳ дар бар офтоб.

Ва ўтар вақтида бу газал матланним туганмайдур эрди, ва сият қилдиким, ҳазрати Махдуми Нуран (Жомий — Н. М.) тугатиб, ўз девонларида битсунлар деб, ул ҳазрат ҳам тугатиб, ўз девонларида битдилар ва ул матла будурким:

Гар кори дили ошик ба кофири Чин афтад,
Беҳ з-онки ба бадхўйи бемехри чунин афтад»¹⁶.

Навоийнинг ўзи ва бошқа машҳур ўзбек ёзувчилари ҳам форс-тожик тилидаги адабиётга қимматли дурлар қўшдилар. Демак, ўзбек газалчиларининг форс-тожик тилидаги адабиётдан таълим ва илҳом олиши уларнинг ўзи ҳисса қўшган адабиётга мурожаат қилишлари ҳамдир. Ўзбек классик адабиёти форс-тожик тилидаги адабиётлар билан ҳамкорлик қилди ва у билан ижодий мусобақалашди ҳам. Мана шу ижодий ҳамкорликда ривожланган ўзбек газалчилиги газал жанрининг умумий тараққийсига, унинг ғоявий-бадний такомиллигига катта ҳисса қўшди, форс-тожик тилидаги газалчиликка ҳам ижобий таъсир қилди.

Худди шунингдек, газалчиликнинг ривожига ўзбек халқи билан озарбайжон, туркман ва бошқа халқлар ўртасидаги

¹⁶ Алишер Навоий, Танланган асарлар, III том, Тошкент, 1948, 56-бет.

адабий алоқалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лутғий, Навоий, Бобир ва бошқа машҳур ўзбек ёзувчиларининг озарбайжон, туркман ва бошқа халқларга яқиндан манзур бўлгани, севилгани каби, Фузулий (1498—1556) ва Маҳтумқули каби ёзувчилар ҳам ўзбек халқига манзур ва севимлидир. Навоийни ўзига устоз деб, ундан катта таълим олган Фузулий ва Маҳтумқулиларнинг асарлари, жумладан ғазаллари, ўзбек халқи орасида кенг тарқалган, унинг музика санъати — ашулалари қаторидан мустаҳкам ўрин олган. Улуғ озарбайжон шоири Фузулий ғазалчиликнинг устоз намояндalarидан бири бўлиб, у ғазал ҳақида:

Ғазалдир сафо бахши аҳли назар,
Ғазалдир гули гулистони ҳунар.
Ғизоли ғазал сайди осон дагил,
Ғазал мункири аҳли ирфон дагил.
Ғазал билдирар шоирнинг қудратин,
Ғазал ортурар нозимнинг шуҳратин.
Ғазал де, ки машҳури даврон ўла,
Ўқимоқда, ёзмоқда осон ўла¹⁷,—

деган эди.

Демак, ўзбек ғазалчилигининг шаклланиши ва тараққийсида ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек ёзма адабиётининг тажриба ва традициялари билан бир қаторда, бошқа халқлар билан бўлган адабий алоқалар ҳам маълум адабий фактор сифатида ижобий аҳамиятга эга бўлди ва ўз навбатида бу адабий алоқалар бошқа халқлар адабиёти ривожига салмоқли хисса қўшди.

Ўзбек ғазалчилигининг ривожини санъатнинг бошқа тури — музика санъати ривожини билан ҳам узвий боғлиқдир. Маълумки, жуда кўп халқ куйлари ва мақомларда айтиладиган ашулаларнинг тексти ғазаллардир. Бу ҳолат ўзбек ғазалчилигининг илк даврларидаёқ вужудга келган эди. Масалан, Хоразмий «Муҳаббатнома»да

Хусайний пардаси узра тузуб соз,
Мўғанний бу ғазалини қилди оғоз¹⁸;

Ироқий мутрибе хоҳам хуш алҳон,
Ки хонд ин ғазалро дар сифаҳон¹⁹

мисраларида «Хусайний» ва «Сифаҳон» куйларини тилга олса, Саид Аҳмад ибн Мироншоҳ «Таашшуқнома»да 10 номадаги 10 та ғазалнинг ҳам махсус куйлар билан айтилишини таъ-

¹⁷ Фузулий, Девон, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1959, 6-бет.

¹⁸ Хоразмий, Муҳаббатнома, 292-бет (Британия музейида сақланётган қўлёзманинг фотонусхаси).

¹⁹ Шў қўлёзма, 310-бет.

кидлайди: 1—2 номадарда — «Ироқ», 3-номада — «Наво», 4-номада «Хусайний», 5-номада — «Рост», 6-номада — «Ушшоқ», 7-номада — «Сифаҳон», 8-номада — «Ҳови», 9-номада — «Ниҳованд», 10-номада «Панжгоҳ»²⁰. Худди шунингдек, Лутфий ҳам ғазалларида сўз уйини билан бир неча мақомларнинг номини тилга олади, билвосита бўлса ҳам, шеърингга музика билан боғлайди:

Лутфий Хирида қолмади шеърингга муштари,
Азми Хижоз қилки мақомнинг Ироқ эмиш²¹.

Солди Туркистон элига Лутфийни кофир кўзунг,
Не мажолн борки қилгай «рост» оҳанги «Ироқ»²²,—

ва бошқалар.

Ғазалнинг музика санъати билан алоқаси тобора ривожланади. Шоирлар куйларга мослаб ғазаллар битадилар, созандалар ва ҳофизлар ғазалларга куй яратадилар. Навоий, Бобир, Амирий, Нодира, Увайсий, Мунис, Оғахий, Муқимий ва Фурқат каби кўп шоирларнинг ғазаллари халқ куйлари ва классик мақомлардан кенг ўрин олади.

Ғазал ва ғазалхонлик тўйларни, халқ сайлларини обод қилади. Йиғинларда (тўй, зиёфат ва бошқалар) ғазални куйга солиб айтишдан ташқари, уни музика куйига солмай айтиб бериш, мушоира қилиш ҳам бир одатга айланган эди. Буни ғазалхонлик, уста ғазал айтувчиларни ғазалхон ёки ғазалгўй деб юритилади. Бу одат ҳозирда ҳам, айниқса, Бухоро, Самарқанд областларида ва бошқа жойларда давом этиб келмоқда. Бу ерларда шундай маросимларда кўпинча икки тилда: ўзбек ва тожик тилларида ғазаллар айтилади. Бундан ташқари, «байтбарак» деган махсус мушоира бўлиб, унда ҳам кўпинча ғазаллар байтидан фойдаланилган. Байтбарак айтувчилардан бири айтган байт қандай товуш билан тугалланса, иккинчиси худди шу товуш билан бошланувчи байт айтиши ва байтбарак бир томоннинг енгилишига қадар давом этиши лозим эди. Байтбаракка доир махсус китоблар ҳам яратилган эди²³.

Демак, ғазалнинг ривожини музика санъати ва халқ маросимлари билан ҳам яқиндан боғлиқдир. Куй ғазалга ҳаёт бағишлайди, унинг кенг омма ўртасида ёйилишига хизмат қилади, куй янги-янги ғазалларни ҳам вужудга келтиради.

Ғазал ўзбек адабий тили ривожини билан бирга ривожлан-

²⁰ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, I том, 1941.

²¹ Лутфий, Уша асар, 52-бет.

²² «Навоий замондошлари», Тўплам, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 131-бет.

²³ Қарағ: Садриддин Айний, Асарлар, 8 томлик, I том, Тошкент, Ўзадабияшр, 1963, 34-бет.

ди. Ўзбек шоирлари халқ жонли тилидан кенг фойдаланиб, ўзбек адабий тилининг ривожига ҳисса қўшдилар ва бу тилнинг ривожини янгидан-янги ғазалларнинг вужудга келишида ўз вазифасини муваффақият билан бажарди.

* * *

*

XII—XIII асрларнинг адабий ёдгорликлари ниҳоятда оз сақланиб қолган ва бизга маълум бўлган ёдгорликларда ғазал жанрида битилган шеърлар йўқ. Дастанлар ва ғазаллари билан биз фақат XIV аср адабий ёдгорликлари орқали танишиш имкониятига эгамиз. Булар «Қиссан Рабғузний» (1310)даги ажойиб «Баҳориёт» ғазали, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидаги (1353—54) ғазаллар (унда жами 5 ғазал бўлиб, бундан 3 таси ўзбек тилида — бири Муҳаммадхожа ғазали, 2 таси форс-тожик тилида) ва бошқалардир. Бу ғазаллар ўзбек ғазалчилигининг XIV асрда сезиларли ютуқларга эришганини ҳамда ўзбек ғазалчилигининг илдизлари бир мунча олдин бошланиб, XIV асрга қадар маълум тажриба туплаганини кўрсатади. Маълумки, Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи, XIII асрнинг охиридан бошлаб Чингизхон истилоси оқибатида қаттиқ шикаст кўрган, хароб бўлган хўжалик ва маданиятни тиклаб, янги-янги ютуқларни қўлга кирита бошладилар. Айниқса Хоразм тез тараққий этди. Бу ҳолат ўзбек дунёвий адабиётининг ривожига хийла қулай шарт-шароит вужудга келтирди. Дунёвий адабиёт билан диний-мистик адабиёт ўртасида, ҳатто Рабғузний каби бир ёзувчининг ижодида, қаттиқ кураш борди. Бу курашда дунёвий адабиёт ўсди, камол топди. Ғазалнинг ҳам тараққиёти мана шу дунёвий адабиёт билан боғлиқдир. Дунёвий адабиёт вакиллари, ўзбек классик адабиётининг кейинги тараққиёт босқичидаги прогрессив ёзувчилар ғазалнинг тематик-ғоявий, бадиий-поэтик ривожига етакчи роль ўйнадилар, ғазал тобора ҳаёт талабларига, халқ оммаларининг манфаатига яқинлашиб борди. Диний-мистик адабиёт намоядалари эса уни бадбин ва реакцион фикрларнинг воситаси қилишга, реакция сарой аристократ ёзувчилари феодал маишатирастлиги ва сарой адабиётига ҳос шаклбозликлар қурбони қилишга интилдилар. Бундай фарқ-тафовут ва зиддиятлар севги темасида яратилган ғазалларда ҳам равшан кўринади. Прогрессив шоирларда севги темаси дунёвий, инсоннинг инсонга бўлган севгиси бўлиши билан бирга, у кенг ижтимоий-фалсафий категориядир ҳам. Севги ҳаётга, инсонга, яхшилик ва эзгуликка муҳаббатнинг ифодасидир. Севги темаси шахсий ишқий кечин-

маларнинг ифодасигина эмас, албатта (маълумки, масалан, Лутфий 90 ёшдан ошганидан кейин ҳам ишқий ғазаллар битган). Севги темасидаги ғазалларга ижтимоий ҳаётнинг бошқа масалалари бўйича киритилган «қистирмалар» (антиклерикал ва антифеодал кайфиятлар) янада қимматлидир. Реакцион шоирларда эса севги темаси ё илоҳий севгининг ифодаси ёки маишатпарастликнинг баёни бўлиб қолар эди.

Масаладан узоқлашиб кетмайлик. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга қадар ғазал жанри ўзбек адабиётида маълум тараққиёт босқичини ўтди, XIV асарда Рабғузий ва Хоразмий каби шоирлар ғазалчиликда маълум мавқе тутган бўлсалар, XV асрнинг биринчи ярми Саккокий, Отойи, Яқиний ва ниҳоят Лутфий каби забардаст ғазалчиларни етиштирди. Бу шоирларнинг ҳар бири ғазалчиликда ўзига хос хусусият ва мавқега эга. Бироқ шу билан бирга, уларнинг ғазалларига хос айрим муштарак хусусиятларни ҳам кўрсатиш мумкин:

Ғазалнинг асосий ва етакчи темаси севгидир. Бу севги ҳаётий, инсоннинг инсонга бўлган севгисидир; дунёвий севги таркидунёчилик ва бадбинликка, шайхлар ва зоҳидларга қарши қўйилади; севги темаси (қисман бўлса ҳам) ижтимоий ҳаётнинг бошқа масалалари (дўстлик, вафо, садоқат, эзгулик, зулм-зўрликдан норозилик ва бошқалар) билан бирга боғланади. Ғазалда уч асосий образ: ошиқ, ёр ва рақиб образлари яратилади; ёр ва рақибдан шикоят кенгроқ ва чуқурроқ ижтимоий мазмун касб этади; халқ оғзаки ижоди (қўшиқлар, мақоллар, образли ифодалар ва бошқалар) ғазалнинг ғоявий-бадний ривожига, тилига катта ҳисса қўшди; ўзбек ғазалчилари форс-тожик тилида ҳам ғазаллар битдилар, форс-тожик тилидаги адабиётдан таълим олдилар ҳамда у билан мусобақалашиб катта муваффақиятларга эришдилар; гарчи баъзи воқеабанд ғазаллар (масалан, Лутфийнинг «Зотингда ҳақ изҳори камолот қилибдур»²⁴ ғазали кабилар) яратилса ҳам, пароканда ғазал ёзиш ҳоким бир традиция эди (Саъдий, Ҳофиз ва Хусрав Деҳлавийларда бўлганидек); кўпчилик ғазаллар 7—8 байтли ғазаллардир, ғазаллар ўзбек тилига, унинг талаффуз хусусиятларига мос бўлган вазнда — «арузи туркий»да, шу билан бирга кўпроқ рамал ва ҳазаж баҳр-

²⁴ Хоразмий, Отойи, Саккокий, Лутфий ва бошқалар ҳақида махсус илмий текшириш ишлари бор: С. Қосимов, Хоразмийнинг ижоди (кандидатлик диссертацияси); Э. Рустамов, XV асрнинг биринчи ярми ёзувчилари... (кандидатлик диссертацияси); Э. Рустамов, Узбекская поэзия в первой половине XV века, ИВЛ, М., 1963; Ҳ. Зарифов, Лутфий ва Навоий, «Улуғ ўзбек шоири», Тўплам, Тошкент, (1948) ва бошқалар.

ларида яратилади; ғазалларда қофиядан ташқари (оддий қофиядан ташқари қофиятайн—жуфт қофия, тажнисли қофия ва бошқалар ҳам ишлатилган), бир ёки бир неча сўзли радифлар ҳам қўлланилади; ғазал ўзбек адабий тили билан бирга ўсади; ғазал музика санъати билан узвий алоқада ривожланади; XIV аср ва XV асрнинг биринчи ярмидаги ғазалчилик Навоий ғазалларининг вужудга келишига маълум замин бўлади; бу даврдаги ғазаллар ҳали тематик ва ғоявий жиҳатдан маҳдуд бўлиб, халқ ҳаёти ва унинг эҳтиёжларидан анчайин четда қолади; уларда тасаввуф таъсири ҳам баъзан содир бўлади; шартли ва мавҳумий образлар хийла кўпроқ қўлланилади ва бошқалар.

Юқоридаги фикрларни қувватлаш учун, изоҳсиз бўлса ҳам, бирор шоирдан, масалан Отойидан бир неча шеърий парча келтираемиз:

Севги; ёр ва ҳаётга муҳаббат:

Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди...

Антиклерикал ва таркидунёчиликка қарши кайфиятлар:

Сайй этар зоҳид мени жаннатнинг эски боғина,
Мен борурменму юзунгдек навбахоримдан йироқ.

* *
*

Кўрармен боғи жаннат мевасидин,
Яноқнинг норини юз қатла беҳроқ.

* *
*

Учмоқта юз қатла кнёмат бўлур эди,
Тубида агар бўлса, бу қомат билан рафтор.

* *
*

Зоҳидо, хуру қусур кавсару туби санго,
Бизга дилбар васлидур дунёву уқбодин мурод.

* *
*

Сўрса малакулмавт: «Санга ҳур керак?»—деб,
«Йўқ-йўқ, менга дилхоҳ!» дегумдур, дағи ўлғум.

Бўлса жаннатда Отойи сенсизин, қилгай фиғон,
Олдилар дўзахка деб, фирдавси аълодин йироқ.

Ижтимоий норозилик кайфиятлари:

Чун сифлалар насиби бўлбўтур, Хироту Тун учун,
Кел, хирқа кий Отойи, равон бўл бў Хироттин.

* *

*

Ё инк балоси манга ё жаври замона,
Ё ёр жафоси манга ё ғуссаи агёр.

* *

*

Ёр чун фарёдима етмас, тахаммуд кил кўнгул,
Додни кимдин тиларсан, подшо раҳм айламас.

* *

*

Юз Отойидек гадое ўлса, кайтиб бокмагай,
Бў думоғу кибрким, ул ҳаси султончиладур.

Ошиқ, ёр ва рақиб:

Эшикта итларинг манго миннат килбўлар, оҳ,
Хеч кимса бўлмасиу кешининг тили ошида.

Халқ оғзаки ижодиға мурожаат:

Шамман шарх айласам тобўёда хижрон қиссасин,
Сен дегайсенким, ўкўйдур ири Кавфон қиссасин.

* *

*

Энди билдим рост эрмиш, балки кўрдум кўз билди,
Улки дерлар сув қизи, ки, гоҳ кузга кўрунур.

Янги образлар ва образли ифодалар:

Хурлар кавсар шаробни ичмагайлар равзада,
Лабларниг жоми майининг тобсалар саркўтнини.

Оғзингда мўъжиз оятин Исо кўруб зиёд,
Биздин қочиб ёшурунди кўк ичра уётин.

* *
*

Хусн ичра қусурин билибон то дами маҳшар,
Ешунди юзунг ҳижолатидин жаннат аро ҳур.

Радиф:

Эй орази шамсу камарим, нетти, не бўлди?
В-эй тишлари дурру гавҳарим, нетти, не бўлди?

Музика санъати билан алоқа:

Ғар ўқур хонанда мажлисида Отойи шеърини,
Зухро чағи кўбсор, қилур шамсу камар завқу жаҳоқ.

ва бошқалар. (Мисоллар Отойининг 1958 йилда Ўзадабий-нашр босиб чиқарган «Танланган асарлар»идан олинди).

Навойи даврида ғазал форс-тожик тилидаги адабиётда ҳам, туркий тиллардаги, жумладан ўзбек адабиётида ҳам янада кенг тарқалди ва ривожланди. Абдурахмон Жомий «Баҳористон»да ғазалнинг энг кенг тарқалган бир шеърӣй форма бўлиб қолгани ҳақида бундай деган эди:

«Шеър дар иқсом аст: чун қасида ва ғазал ва маснавий ва қитъа ва рубойӣ. Ва шуаро дар шумораст, онҳо мутафовут. Баъзе муқалларки, ба жамъи иқсом шеър гуфтаанд ва баъзе аз қабилеандки, майли эшон баъзе аз ин бештар буда аст, чун муттақалимон, ки ихтимоми эшон ба қасоид буда аст ва дар малойиҳ ва мавоъиз ва ғайрон. Ихтимоми он баъзе ба маснавийи, ба хилофи мутаҳиронки, суҳани эшон аксар ба тариқи ғазал воқе шуда аст ва алади ин тоифа аз ҳаср берун аст...»²⁵.

(«Шеър шундай қисм (тур)лардан иборат: қасида, ғазал, маснавий, қитъа ва рубойӣ. Шоирлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Баъзиларга назмнинг ҳамма турида шеър битиш насиб бўлган, баъзиларнинг майли булардан бирига кўпроқдир. Чунончи: утмиш шоирлар кўпроқ қасида, мадҳия, ваъз ва бошқаларга, баъзилар маснавийга кўпроқ эътибор берганлар ва ҳозирги шоирларнинг сўзи бундан фарқли ўлароқ ғазал шаклида воқе бўлбдур, бундай шоирларнинг сони беҳад кўпдир...»

²⁵ Абдурахмон Жомий, Баҳористон, Қонлур, 1907, 85-бет.

Дарҳақиқат, Навоий «Мажолис-ун-нафоис»да келтирган 400 дан зиёд шоирнинг деярли ҳаммаси ғазалнавислардир. Ғазал XV аср адабиётида шунчалик кенг тарқалган бир адабий жанр бўлганки, Навоий «Мезон-ул-авзон», «Муҳокамат-ул-луғатайн» ва бошқа асарларида илмий мулоҳазаларини баён этишда кўпинча ғазаллардан парча келтиради.

XV аср адабий ҳаётида ғазалнинг таърифи беҳад ошиб кетади. Жомий «Ашнат ал-ламаъот» асарида ғазалга юксак баҳо бериб: «Аз жинси жавҳари фунуни шеър ҳеч гавҳаре латифтар ва жавҳаре ширинтар аз ғазал нестки, ҳама самаран аъмол ва мақомат ва аҳвол ва натижаи ишқ ва муҳаббат бо маъшӯқ муврус асрори фироқ ва висол аст:

Аз фунуни шеъри фан беҳтарин омад ғазал,
Чун накурӯён, ки дар сурат беҳанд аз жини инс»²⁶.

(«Шеър фани жавҳари жинси ғазалдан кўра латифроқ гавҳар ва ширинроқ жавҳар йўқки, у барча аъмолларнинг ва ҳаракатларнинг ва аҳволнинг самарасини, севги ва севиш сўзларини, висол ва фироқ сирларини ифодалаган бўлин: Шеърят фанининг энг яхшисидур ғазал, Ғазаллар юзи инс-жинсдан ҳушдир ҳар маҳал».)

XVI аср шоири Сайфий Бухорий бўлса:

«Панж байтеки диллазир буд,
Беҳтар аз хамсатайн медонам»²⁷

(«Кўнгилга ҳуш беш байтни икки хамсадан аъло биламан»),— дейди. Бу сўзларда, шубҳасиз, катта муболага бор. Бироқ, XV аср адабиётида ғазалнинг кенг тарқалгани ва китобхонларга жуда манзур бўлгани шубҳасиздир.

XV аср ғазалчилигининг ривожидан ҳаммадан аввал Жомий ва Навоийларнинг хизмати улуғдир. Жомий форс-тожик адабиётида ҳаммадан ҳам кўп ғазал ёзди (жами 1000 ғазал). Парвиз Хонларининг таъкидига кўра, на Санойӣ, на Аттот, на Саъдий, на Хусрав Деҳлавий ва на бошқа шоирлар бунчалик кўп ғазал битган эмаслар²⁸. Жомийнинг ғазаллари гоёвий мазмуни ва бадий қиммати билан Саъдий, Хофиз ва Хусрав Деҳлавийларнинг ғазаллари каби мароқлидир.

Алишер Навоий ўзбек ва форс-тожик тилидаги ғазалнинг улкан устозларидандир. У Ҳамид Сулаймонов аниқлаганидек²⁹, ўзбек тилининг ўзидагина 2600 ғазал яратди ва бу

²⁶ А. Мирзоев китобидан олинди, 63-бет.

²⁷ Шв китоб, 64-бет.

²⁸ Парвиз Хонлари, Арузи Форсий, Техрон, 149—150-бетлар.

²⁹ Алишер Навоий, Ҳазойин-ул-маоний, I. Фаройиб-ус-сиғар, Сўз боши, ЎзССР ФА нашриёти, 1959.

рақам унинг форс-тожик тилидаги ғазаллари билан 3000 дан ошади. Гап, албатта, соннинг ўзидагина эмас. Навонин ғазаллари ўзбек ғазалчилигини янги тараққиёт поғонасига кўтарди ва форс-тожик тилидаги ғазалчиликка бебаҳо хисса қўшди. У «Садди Искандарий»да айтган эди:

... Ғаразким чу назм ўлди тухмат манга,
Эйилди жаҳон ичра шўҳрат манга.
Ғазал тарзиға аввал айлаб ситез,
Жаҳон ичра солдим улўғ рустхез.
Ўқур вақти аҳли саломат мўни,
Кўруб олам ичра киёмат куни.
Ҳар аснофи зикри эмас шаънима,
Билур ҳар киши боқса девонима...³⁰

Афтидан, Навоий бадиий ижодкор сифатида шуғулланган биринчи адабий жанр ҳам ғазал бўлган.

Навоий ғазаллари унинг ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожини учун курашининг ҳам, шу курашдаги улкан ютуқларининг ҳам ажралмас бир қисмидир. Навоий ижоди реакцияцион феодал-клерикал адабиётга қарши курашда ўсди, чиниқди, такомиллашди. Навоий реакцияцион ва дидсенз шоирларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Жўмладан, у шакл-бозликка берилиб кетиб, маза-матрасиз шеърлар битган мутакаббир ва баландпарвоз шоирларга қарши бундай деган эди:

Керак даҳр аҳлига ўн кун жадал,
Ки беш байтдин боғлағай бир ғазал.
Басе маснавиғўйи нозук хаёл,
Ки назм аҳли ичра солиб қийлу кол.
Халойиққа юз ҳўснў ноз айлағай,
Ки ўн йилда минг байт соз айлағай.
Чинқорғон замон ул навъ ойин савод,
Ки оламда йўқ бўйла рангин савод.
Саводиға ҳар кимки кўз солибон,
Қаро шомин меҳнат аро қолибон.
Не зўлматки, йўқ оби ҳайвон анга,
Қаю тунки, йўқ меҳри рахшон анга³¹.

Навоий бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқ ва ватанга хизмат қилишга, илм-маърифатнинг равнақига бағишлади.

Чун ғараз сўздин эрур маъно анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотин, хоҳ эр³²,—

³⁰ А. Лишер Навоий, Хамса, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1958, 1237-бет.

³¹ А. Навоий, Хамса, 1649-бет.

³² А. Навоий, Танланган асарлар, I том, 1948, 318-бет.

деган шоир асарларида даврининг энг илғор қарашлари ва орзу-интилишларини доҳи санъаткорга хос юксак маҳорат билан ифодалади, қўйлади.

Навоний меросининг жуда катта ва бой бир қисмини лирика — «Хазойин-ул-маоний» ва «Девони Фоний» ташкил этади. Ҳамид Сулаймонов аниқлаган рақамларга кўра, «Хазойин-ул-маоний»нинг умумий ҳажми 44901 мисра бўлиб, бундан 49 006 мисра газаллардан иборат. Шу билан бирга, «Хазойин-ул-маоний»нинг композицион асосини ҳам газаллар ташкил этади. Чунки «Хазойин-ул-маоний»нинг 4 девонда бошқа жанрдаги шеърларнинг миқдори бирмунча фарқ қилади, лекин газаллар эса, ҳар бир девонда 650 тадандир. Навонийнинг газалга эътибори ва муҳаббати шу даражада эдики, у даврининг девон тузиш традицияларидан чекиниб, ўз девонларини қасида билан эмас, балки газал билан бошлайди.

Навоний халқ оғзаки ижодидан, ўзбек ва форс-тожик тилидаги газалчилик тажрибаларидан кенг таълим олди. У устоз газалнависларнинг традицияларини давом эттирибгина қолмай, балки газалчиликни янги тараққиёт поғонасига қўтарди. Навоний газални ҳаётнинг эҳтиёжи ва талабларига янада яқинлаштирди. Унинг газалларида севги темаси чинакамига кенг ижтимоий-фалсафий категория бўлди. Навоний газалнинг тематик доирасини кенгайтди. У газалларида ижтимоий ҳаётнинг деярлик барча масалаларини қамраб олди. Газаллар улуг шоир ва мутафаккирнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларининг бадий тажассуми, XV аср ҳаётининг шоир лирик кечинмалари орқали ифодасидир. В. Г. Белинский айтганидек, лирикада «... шоирнинг шахсияти биринчи ўринда туради, ҳам фақат, у орқалигина биз ҳамма нарсани қабул қиламиз ва англаймиз»³³. Навоний лирикаси, жумладан газаллари, билан кўз ўнгимизда буюк гуманист, халқпарвар, маърифатпарвар, мураббий, зулм-зўрликни қораловчи, бемаъни хислатларни ва разил кишиларни аёвсиз танқид қилувчи ҳамда, шу билан бирга, даврининг зиддият ва муаммолари билан яшаган улуг инсон сифатида гавдаланади.

Навоний фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларни алоҳида байтлардагина эмас, балки бутун-бутун газалларида тема қилиб олди. Бу жиҳатдан унинг «Кўюнг бориди қилман жаннатга гузар ҳаргиз», «Неча ёлгон сўзу музҳик ҳаракот, эй воиз», «Хонақоҳда халқан зикр ичра гавго қилди шайх», «Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул»,

³³ В. Г. Белинский, Мақолалар, Тошкент, 1948, 28-бет.

«Порсо ёрим соғинмас масжиду сажжодадин», «Мени ишқдин манъ этар сода шайх», «Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била не висбати» каби ғазаллари ўзбек адабиётида ҳамда маълум даражада форс-тожик ғазалчилигида ҳам катта янгилик бўлган эди. Навоий ўзбек классик адабиётида дастлабки ҳажвий ғазалларнинг аuctори, ҳажвий ғазалнинг асосчиси дир. Ҳажвий ғазал кейинчалик Турди, Махмур ва Мунис каби шоирлар ижодида янада ривожланиб такомиллашади.

Навоий ғазалнинг образлар галереясини ҳам кенгайтирди ва бойитди. У кўпчилик ғазалларга хос ошиқ ёр ва рақиб образлари билан чегараланиб қолмади. Ғазалда бош лирик қаҳрамон — Навоий XV асрнинг улуг мутафаккири ва маданият арбоби, олими ва санъаткори сифатида гавдаланади. Шу билан бирга, Навоий шоҳларнинг (кўпроқ салбий), шайх ва зоҳидларнинг (сатирик) ва бошқа ижтимоий табақаларга мансуб бўлган кишиларнинг образларини ҳам яратди.

Навоий, бутун ижодида бўлганидек, ғазалларида ҳам халқ озаки ижодидан кенг баҳраманд бўлади ва бошқа ёзувчиларни халқ озаки ижодини севиш ва ундан таълим олишга чақиради.

Навоийга қадар воқеабанд ғазал ёзиш деярли одат эмас эди. Навоий эса кўплаб воқеабанд ғазаллар яратди. Бу билан у маълум бир темани кенг ва чуқур ёритишга, шеърнинг гоъвий-бадний силсиласини мустаҳкамлашга, байтларнинг мантиқини жиҳатдан узвий боғлиниши ва бирикшишга эришади ҳамда тадриж усулини ажойиб моҳирлик билан ишлатиб ғоятда гузал воқеабанд ғазаллар битади.

М. Шайхзода айтганидек, «Навоий девонининг асосий организини ғазал ташкил қилар экан, шоиримизнинг бадний приёмлари ва маҳорати ҳам бу жанрда яққолроқ ва тиникроқ бўлиб изҳор қилинган»³⁴. Навоийнинг ғазалларида тадриж, параллелизм, хусни таълил, тажоҳули орифона, жонлантириш, тарди акс, саҳли мумтанеъ, талмех, тарсеъ ва бошқа адабий усулларнинг, хилма-хил бадний тил воситаларининг ажойиб ва оригинал лавҳаларини кўрамыз.

Навоий лирикани, ундаги образларни ҳаётий-реалистик деталлар билан бойитади, реализм тенденцияларини ривожлантиради.

Навоийнинг кўпчилик ғазаллари 7—8 байтли ғазаллардир. Бу билан Навоий ўзбек ғазалчилигининг асосий ҳажми донрасини ҳам қатъийлаштиради. Навоийдан кейинги шоирларнинг кўпчилик ғазаллари ҳам 7—8 байтли ғазаллардир.

³⁴ М. Шайхзода, Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида, Ўзбек адабиёти масалалари, Тўплам, 1959, 240-бет

Улуғ шоир газалнинг вазн хилларини ҳам кўпайтиради, у ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарих, музореъ, мужтасс, сарийъ-хафиф ва бошқа баҳрларда газаллар битеди.

Санъат аҳлларининг ҳомийси ва ҳамкори бўлган Навоий ўз газаллари билан музика санъатининг ривожига ҳам самарали таъсир қилди. Унинг кўп газаллари халқ куйлари ва классик куйлар репертуарида мустаҳкам ўрин олди.

Навоий газалларида ўзбек тили бойликларини, унинг қудрати ва нафосатини намоён қилди, бу тилнинг ривожига газаллари билан ҳам мислсиз катта роль ўйнади.

Биз Навоий газалларининг бир қатор хусусиятлари ҳақида тезислар тариқасида мулоҳаза юритдик. Бу тезисларни мисоллар билан асослаб ўтиш кўп саҳифаларни ташкил этар ва ўшанда ҳам, шубҳасиз, тўла бўла олмас эди. Бироқ шуниси равшанки, Навоий улуғ шоир сифатида ўз давридаёқ буюк санъаткорларнинг юксак баҳосини олди. Абдурахмон Жомий Навоий ҳақидаги кўп баҳоларидан бирида «... ҳамоноки ба он забон бештар аз вай ва беҳ аз вай касе шеър нагуфта аст ва гавҳари назм насуфта» («ўша тилда ундан кўп ва ундан яхшироқ ҳеч ким шеър айтган ва назм гавҳарларини тизган эмас») ³⁵, деса, Бобир «Алишербек назирини йўқ киши эрди, туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас» ³⁶, деган эди. Бу баҳолар Навоийнинг газалларига нисбатан ҳам берилган баҳолардир.

Навоий ўзбек классик адабиётининг тараққиёти йўлини белгилаб берди, барча прогрессив сўз санъаткорларига устоз бўлди ҳамда бир қатор бошқа халқларнинг адабиётига самарали таъсир этди.

Навоийдан кейин газал бутун ўзбек адабиёти ва адабий тили билан бирга ўсди, ривожланди. Навоий газаллари билан ҳам, адабий-эстетик қарашлари, «Мажолис-ун-нафос», «Муҳокамат-ул-луғатайн» ва «Мезон-ул-авзон» каби асарлари билан ҳам ўзбек газалчилигининг бутун тараққиётида бир муаллим бўлиб қолди. Бобир ёр ва диёр ҳақида солда, нафис ва жўшқин газаллар битди, XVII—XIX асрнинг биринчи ярми шоирлари ижодида газалнинг ҳаётий моҳияти, реалистик тенденциялари ривожланди, кўп ҳажвий газаллар яратилди, мушоира газал ва унинг турли формалари, ширу-шакар газал ва унинг турли формалари ва бошқа газал турлари вужудга келди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида газалнинг халқчиллиги, унинг ижтимоий-сиёсий қиммати янада ўсди, у ижтимоий адолатсизликка қарши халқ кураши-

³⁵ Баҳористон, 108—109-бетлар.

³⁶ Б о б и р, Бобирнома, I қисм, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 198-бет.

нинг, янги маърифатнинг овозини куйлади ҳамда тили ва бадиий услуби билан янада кенг халқ табақаларига яқинлашди; Муқимий, Фурқат, Завқий ва Авазлар каби янги ва истеъдодли ғазалчилар егишди.

Беш аср давомида ўзбек ва форс-тожик ғазалчилиги тараққиётида Навоий традицияларининг изи равшан кўринди. Навоий ғазалларига ўхшатма битиш, мухаммас боғлаш кенг тус олади. Жумладан, XV асрдаёқ Жомий каби буюк сўз санъаткори Навоийнинг «Очмагай эрдинг жамолнинг олам оро кошки» ғазалига

Дидаме дидори он дилдори раъно кошке,
Дида равшан кардам аз хокн он по кошке.

матлали ўхшатма битган эди. Бобирдан тортиб Ҳамзага қадар (ва қисман ундан кейин ҳам) деярли барча ўзбек шоирларининг девонида Навоий ғазалларига ўхшатма ва мухаммасларни кўриш мумкин. Масалан, Огаҳийнинг «Таъвиз-ул-ошиқин» девонида жами 64 мухаммас бўлиб, булардан 11 таси шоирнинг ўз мустақил шеъри («табъи худ»), қолганларидан 29 таси Навоий ғазалларига, 7 таси Фузулий, 6 таси Рожий, 5 таси Мунис, 3 таси Фируз, 1 таси Нодир ва 1 таси Ғозий ғазалларига боғланган мухаммаслардир (умуман Навоий ва қардош озарбайжон шоири Фузулий ғазалларига ўхшатма ёзиш ва мухаммас боғлаш кенг авж олган). Шу билан бирга озарбайжон, туркман, қozoқ, татар ва бошқа халқларнинг адабиётида Навоий ғазалларига ўхшатма битиш ва мухаммас боғлаш сезиларли даражададир. Бу ҳам Навоий қудратини ифодаланди.

С. Иброҳимова

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИДА ҒАЗАЛ

Ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишини ёритиш, шубҳасиз, ундаги айрим жанрларнинг шаклланиши ва тадрижий такомилани ўрганиш ва ёритишни ҳам тақозо қилади. «... совет воқелиги, Коммунистик партия раҳбарлиги, ўзбек классик адабиёти ва фольклорининг энг яхши традициялари ҳамда дунё реалистик адабиётининг, биринчи навбатда буюк рус адабиётининг гоявий-эстетик тажрибаси ўзбек совет адабиётининг майдонга келиши ва тараққий этишида ҳал этувчи роль ўйнайдиган энг муҳим факторлардир»¹. Мана шу факторлар ўзбек совет адабиётида мавжуд бўлган традицион ёки янги адабий жанрларнинг ҳам замини, факторларидир.

Маълумки, ўзбек классик адабиётида етакчи тур шеърят эди. проза нисбатан кам ривожланган, драматургия эса йўқ эди. Совет воқелиги, бадний адабиёт олдида турган янги вазибалар ҳамда дунё реалистик адабиётининг, биринчи навбатда буюк рус адабиётининг самарали таъсири билан ўзбек совет адабиётида драма, бадний очерк, реалистик новелла, реалистик повесть ва роман ҳамда бошқа адабий жанрлар вужудга келди. Шу билан бирга ўзбек классик адабиёти ва халқ оғзаки ижодидаги ғазал, рубой, мухаммас, туюқ, қўшиқ ва бошқа хил адабий жанрлар яшаб қолди, янги моҳиятга эга бўлди.

Ўзбек совет адабиёти жанрларини ўрганиш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар вужудга келди ва келмоқда. Бироқ шунини таъкидлаш лозимки, ўзбек совет адабиётидаги айрим традицион жанрлар ҳозирги кунга қадар махсус ўрганилган,

¹ Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки, I том, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961, 13-бет.

текширилган эмас, улар ҳақида умумийроқ тарзда, кўпинча йўл-йўлакай мулоҳаза юритиш билан қолмоқдамиз. Ваҳолонки, традицион жанрларни илмий асосда ўрганиш ва ёритиш адабиётшунослик учун ҳам, адабий ижод практикаси учун ҳам жуда аҳамиятлидир.

Биз ғазал жанри мисолида адабий меросга муносабат, уни танқидий ва ижодий эгаллаб олиш, энг яхши традицияларни давом эттириш ва ривожлантириш, традицион адабий формада янги ҳаёт воқелигини акс эттириш, янги лирик қаҳрамон, янги характер ва образлар, янги ҳис-туйғунинг бадний ифодаси, шеър тузилиши ва бошқа масалалар ҳақида баъзи мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ғазал қадимий адабий жанрлардан биридир. Бу жанрнинг негизи, асосий хусусиятлари, Абдулгани Мирзоев таъкидлаганидек², X асрда, форс-тожик классик адабиётининг асосчиси Рудакий поэзиясида вужудга келди ва XII асрда махсус адабий жанр сифатида тула шаклланди.

Ўзбек классик адабиётида ҳам ғазал кўп асрлик тарихга эга. XIV асрдаёқ у ўзбек классик лирикасининг асосий жанрларидан бирига айланди. Ғазал ўзбек классик адабиётининг тарихий тараққиёти билан бирга ўси, гоявий-бадний жиҳатдан такомиллашди, унинг янги турлари вужудга келди. Хуллас, ғазал прогрессив адабий йўналишнинг энг муҳим жанрларидан бири бўлиб қолди³. Ўзбек совет адабиётида эса ғазал традицион жанр сифатида давом этиб, янги моҳиятга эга бўлди.

Ўзбек совет адабиёти революциянинг алангали йилларида туғилди. Бу адабиёт олдида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, янги ижтимоий тузумнинг афзалликларини халққа тушунтириш, ички ва ташқи душманни тор-мор келтиришга оммани сафарбар этиш, янги ҳаёт қурувчи кишиларнинг дунёқарашини ва маънавий киффасини шакллантириш каби революцион, жанговар вазифалар турар эди. Табiiий, бу вазифаларни амалга оширишда классик поэзиянинг тажриба ва традицияларигагина таяниш кифоя қилмас эди. Ҳаёт янги, жанговар, революцион поэзия яратишни тақозо қиларди. Поэзия шнор ва чақирқ каби янграши, бадний содда ва жўшқин, давр талабларига ҳозиржавоб, бўлиши керак эди.

² А. Мирзоев, Рудакий и развитие газели в X—XV веках, Таджикгосиздат, 1958.

³ Ўзбек классик адабиётида ғазал ва унинг тараққиёти ҳақида, жумладан, қаранг: Н. М. Маллаев, Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожига Навоийнинг роли, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журна-ли, 3-сон, 1961.

Ҳамза Ҳакимзода шундай революцион поэзияга асос солди. Унинг «Яша Шуро», «Хой, ҳой, отамиз», «Уйғон», «Ишчи бобо», «Ишчилар, уйғон!», «Берма эркингни қўлдан!», «Қизил аскарларга», «Яшангиз ишчи-деҳқонлар!» каби революцион шеърлари вужудга келди. Ҳамза революцион шеърларни яратишда ўзбек халқ қўшиқларининг традицияларидан, рус ва бошқа қардош халқларнинг революцион поэзияси тажрибаларидан илҳом олди, урганди. Ҳамза поэзияси ўзбек совет поэзияси тараққиётининг пойдевори бўлиб қолди.

Революциянинг дастлабки йилларида мафкура майдонида, жумладан, адабиёт соҳасида қаттиқ кураш борди. Бу ёш совет адабиёти билан буржуа миллатчилик адабиёти ўртасидаги кескин кураш эди. Мафкуравий кураш адабий меросга муносабат масаласини ҳам қамраб олди. Буржуа миллатчилари ўзбек классик адабиёти бойликларини сохталаштиришга, реакция адабий оқим намояндаларини идеаллаштиришга, утмиш адабий бойликларидан панистомизм ва пантуркизм реакция қарашларини тарғиб этишда фойдаланишга интилдilar. Пролеткультчилар эса умуман адабий меросни рад этишга ҳаракат қилдилар.

Шундай бир шароитда Ҳамза Ҳакимзода адабий меросга тўғри муносабатда бўлди, у В. И. Лениннинг, Коммунистик партиянинг маданий меросни илмий асосда қайта ишлаб чиқиш, унинг энг яхши традицияларини давом эттириш ва ривожлантириш ҳақидаги сиёсатини тўғри тушунди. Ҳамза ўзбек классик адабиёти бойликларини, унинг традицияларини ўрганиш ишини давом эттирди, бу адабиётнинг традицияларидан ижодий фойдаланиб, янги мавзу ва янги моҳиятга, янги образ ва эстетик идеалга эга бўлган традицион жанрдаги янги шеърлар яратди. «Ўзбек хотин-қизларига» ғазали, «Ҳужум хонларга» ва «Муборак» мухаммаси ва бошқа шеърлари шулар жумласидандир. Ана шу шеърлари билан Ҳамза традицион адабий формадан фойдаланиб, янги мавзунини куйлаш, янги образ ва характер яратиш, янги ҳис-туйғунини фойдалаш мумкинлигини амалда кўрсатди. Ҳамза традицион жанрда ҳам совет адабиётининг новаторлик қудратини намойиш этди. Унинг ижодида традиция билан новаторлик диалектик асосда бирикди. Зотан янгиликнинг, демакки, новаторликнинг пайдо бўлишига хизмат қилмайдиган, унга стимул бўлмайдиган традиция чинакамига традиция бўлолмайди. Инқилоб аввалида айрим миллатчи шоирлар ҳам традицион жанрлар формасида шеърлар ёздilar. Аммо улар бу традицион жанрларнинг кўпроқ формал хусусиятларини, реакция шоирларнинг бадиий тенденцияларини қабул қилдилар, йиғ-лоқи, мунгли шеърлар битдилар, совет воқелигини бузиб кўр-

сатишга, туғилиб келаётган янгиликларни барбод этишга интилдилар.

Ўзбек совет поэзияси Ҳамза Ҳакимзода асос солган революцион поэзия заминида ўсди, улғайди, лириканинг граждандлик, пейзаж, интим лирика каби жанрларида совет адабиёти хазинасига кирган юзлаб ғоявий-бадний юксак шеърлар пайдо бўлди. Ҳамза Ҳакимзоданинг традицияларини ривожлантирган, бойитган, социалистик реализм ижодий методи асосида поэзиянинг янги ва юксак чуққилари томон қадам босган шоирларимиз — Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Уйғун, Шайхзода, Миртемир ва бошқалар традицион жанрларда ҳам янги, дилрабо ва сермазмун шеърлар яратдилар ва яратмоқдалар.

Собир Абдулла, Ҳабибий ва Камтар каби кекса шоирларимиз поэзиясида традицион лирик жанрлар салмоқли ўрин тутди. Адабиётимизнинг ўрта бўғин намояндалари ва ёш қаламкашлари ҳам ўз адабий тажрибаларида традицион шеърли жанрлардан фойдаланмоқдалар.

Ўзбек совет поэзиясида классик лириканинг ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоний, мурабба ва туюқ каби жанрларида янги асарлар яратилди ва яратилмоқда. Ўзбек совет лирикасида энг кўп қўлланилган ва қўлланилаётган традицион жанрлардан бири ғазалдир. Бу ҳол, бизнингча, қуйидагилар билан изоҳланади:

Ғазал ўзбек классик лирикасида энг кенг тарқалган оммабоп жанрдир. Ғазалнинг тараққиёт йўли ўзбек классик лирикасида прогрессив адабий йўналишнинг тараққиёти ва тақомили билан боғлиқдир.

Ғазал бадний форма ва поэтика жиҳатидан егук, мукамал жанрдир. У асрлар синовидан ўтди, сайқал топди. Ғазалнинг ҳажми, қофия усули, ритмикаси ва бошқа хусусиятлари лирик кечинмаларни ифодалашга жуда мос келади.

Ғазал санъатнинг бошқа тури — музыка билан узвий алоқада ўсди, тақомиллашди. Ғазал кўпгина мақомларнинг ва халқ куйларининг ҳамроҳи бўлиб келди. Бу куйлар, уларнинг текстини ташкил этган ғазаллар ҳозирги кунга қадар халққа манзур бўлиб келмоқда.

Ғазал халқ ижодчилари, бахшилари ва шоирлари ижоддан ҳам маълум ўрин олган. Достонларда халқ бахшилари лирик кечинмаларни ифодалашда ғазал формасидан ҳам фойдаландилар.

Шу ва бошқа жиҳатлари билан ғазал ўзбек совет поэзиясидан ўзинга йўл ва ўрин топди.

Ўзбек совет газали бутун адабиётимиз билан бирга ўсди, камол топди. Энг яхши ғазаллар тараққиётимиз турли бос-

кичларида бадий адабиёт олдига қўйилган вазифа ва талабларга жавоб сифатида вужудга келди, социалистик ҳаёт ва тараққиётни шарафлади, кишиларимизни меҳнат ва ижодга, фидокорлик ва ташаббускорликка чорлади, мақомлар ва халқ кўйларига жўр бўлди. Адабиётимиз тараққиёти маълум босқичлари учун характерли бўлган бир неча ғазални мисол тарзида келтиришни мувофиқ қурамиз.

Граждан уруши даври ва 20-йилларда революция ғалабасини мустаҳкамлаш, чет эл инверентларига ва босмачиларга қарши кураш, халқ хужалигини тиклаш, маданий инқилоб, хотин-қизлар озодлиги учун кураш ва бошқа масалалар адабиётимизнинг асосий темалари бўлди. Бу темалар шу даврдаги ғазалларда ҳам ўзининг маълум ниъкосини топди. Ҳамза Ҳакимзода, Сафо Муғанний ғазаллари, шoirалардан Нозиманинг бизга қадар сақланиб қолган икки ғазали («Муборак» ва «Инқилоб қуёши»⁴), шоира Мутрибаининг «Буюк инқилоб» ғазали⁵ ва бошқалар шулар жумласидандир. Мутриба 1917 йилда ёзган «Буюк инқилоб» ғазалида:

Мустабидлар даври ўтди, энди даврон бизники.
Битди хасрат, кетди кулфат, шоди хандон бизники.

Эски турмуш зулматидин энди бўлдиқ биз халос,
Кўзларингизни очинг, хуршиди тобон бизники.

Кўпи замонлар камбағалларни эзиб сармоядор,

Барчаси барбод бўлди, боғу бўстон бизники.

Фосиқу эolim, текинхўр ҳам амалдор ўрнида,
Ишчи-ю доно, хунарманду билимдон бизники...—

дейди. Революцияни:

Ака, ука, сингиллар, кутлуғ кунинг муборак,
Бахту икбола етган улуг кунинг муборак,—

каби оташин мисраларда куйлаган шоира Нозима «Инқилоб қуёши» ғазалида хотин-қизлар озодлигининг бундай куйлайди:

Балкиб чиқди, нур сочиб инқилобнинг қуёши,
Тинди, абад қуриди мазлумалар кўз ёши.

Эру хотин хўкўки эмди бўлуб баробар,
Барча ишда тенг бўлур ҳам қариси, ҳам ёши,

Нилму ўрфон абвоби кенг очилди бизлара,
Ўқиб анда бўлайлик алломалар тенгдоши.

⁴ Қаранг: Тўхта син Жалолов, Ўзбек шoirалари, Ўзадабийнашр, 1959. 217—218-бетлар.

⁵ Қаранг: Ҳакима ва Мутриба, Шейрлар, Ўзадабийнашр, 1962. 41-бет.

Басдур эмди жаҳолат, бидъат лойиға ботмоқ,
Биз-да бўлсак вақтидур ҳар бир ишда ишбоши...

Хотин-қизлар озодлигининг жанговар курашчиси ва куйчиси Ҳамза Ҳакимзода хотин-қизлар озодлиги темасида, уларни меҳнат ва маърифатга қақриб, «Ўзбек хотин-қизларига»⁶ ва «Озод хотин-қизлар қўшиғи»⁷ ғазалларини ёзди. Бу ғазаллар Ҳамзанинг революциягача ёзган:

Сабо, арзимни еткур моҳи тобон бир келиб кетсун,
Тамоми хусн элининг шоҳи, султон бир келиб кетсун⁸;

(бу ғазал Муқимийнинг «Сабо, арз айла, то ул зулфи райҳон бир келиб кетсун»⁹ ғазалига назира тарзида ёзилган);

Хастасин кўргали ул дилбарн жонон келадир,
Юзи моҳ, юлдузи ўт, кўзлари чўлпон келади¹⁰,—

матлаъли ғазалларидан ўз темаси, ғоявий йўналиши, эстетик моҳияти, образи ва бошқа жиҳатлари билан тубдан фарқ қилади. Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига», «Озод хотин-қизлар қўшиғи» ғазаллари ўз ғоявий йўналиши билан унинг «Уйғон», «Бу кун 8 март», «Яша Шўро» каби асарларига жўрдир.

Шундай қилиб, биз 20-йилларда яратилган энг яхши ғазаллар ўзбек совет адабиёти тараққиётининг дастлабки босқичига хос хусусиятларни ўзда мужассамлаштирган янги ғазаллар сифатида вужудга келганини кўрамиз. Бу — жанрнинг янгилинидир.

Ўзбек совет ғазаллари адабиётимиз тараққиётининг кейинги босқичлари билан бирга ўсди, такомиллашди, давр талабларига хизмат этди. Улуғ Ватан урушигача бўлган беш йилликлар даврида яратилган энг яхши ғазаллар сифатида Уйғуннинг «Мардонавора айтинг»¹¹, С. Абдулланинг «Дугоҳ Хусайн», «Кўзинг» каби ғазалларини кўрсатиш мумкин.

Улуғ Ваган уруши даври поэзияси жанговар қаҳрамонлик поэзиясидир. Бу даврда яратилган Уйғуннинг «Онт», «Кел», «Кут», Ғайратийнинг «Қўшиқ» шеъри каби яхши ғазаллар ҳам шу руҳда бўлиб, қаҳрамонлик поэзиясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Улуғ Ватан урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида С. Абдулланинг «Бўстон этиб кет», «Уғлим-

⁶ Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Асарлар, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1969, I том, 78-бет.

⁷ Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Асарлар, I том, 185—186-бетлар.

⁸ Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Асарлар, I том, 46, 185—186-бетлар.

⁹ Муқимий, Танланган асарлар, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1958, 164-бет.

¹⁰ Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Асарлар, I том, 46-бет.

¹¹ Уйғун, Танланган асарлар, I том, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1958, 218-бет.

га хат», «Вафо қилса», «Диёрим», «Парво этиб кет», «Бир «огайним»нинг таърифи», «Нордон сатрлар»¹², Ҳабибийнинг «Азаматлар»и каби кўпгина етук ғазаллар пайдо бўлди. С. Абдулла, Ҳабибий ва бошқа ғазалнавис шоирларимиз билан бирга бу жанр формасидан Туроб Тула, Акмал Пулат ва бошқа шоирларимиз ҳамда айрим ёш қаламкашлар фойдаланмоқдалар (Масалан, Ҳ. Салоҳ, Эркин Воҳидов).

Шуни таъкидлаш керакки, адабиётимиз тараққиётининг турли босқичларида дид билан ёзилган, гоёвий-бадний пишиқ, ғазалчилик тараққиётига маълум ҳисса бўлиб қўшилган ғазаллар билан бирга давр талабидан четда қолган, китобхоннинг диди ва завқига номуносиб, қуруқ ваъзхонлик ва тақлидчилик характерида ёзилган гоёвий-бадний саёз ғазаллар ҳам пайдо бўлди, ҳатто уларнинг айримлари куйларга ҳам кирган. Ғазалчиликдаги бу ижобий ва салбий ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда традициядан туғри фойдаланиш асосига қурилган новаторликни маъқуллаш, традицияга суниестемол билан қараш майлларини қатъий рад этиш керак.

Ўзбек совет адабиётидаги ғазални тематик-гоёвий мотивларига қараб: 1) ишқий-интим ғазал, 2) пейзаж ғазали, 3) ахлоқий-таълимий ғазал; 4) публицистик (ёки гражданик) ғазали, 5) ҳажвий ғазал каби турларга ажратиш мумкин.

1. Ғазалнинг энг кенг тарқалган тури ишқий-интим ғазалдир. Ғазал деганда биринчи навбатда ишқий-интим шеър кўзда тутилиши бежиз эмас. Ғазал дунёвий адабиётнинг бир жанри сифатида вужудга келди, ўсди, такомиллашди. Диний-мистик адабиёт ҳаёти, инсоннинг ўзлиги ва унинг фаолиятини инкор этади ёки рад қилади. Дунёвий адабиёт мана шу диний-мистик адабиётга қарши курашда тобланди. Диний-мистик адабиётга қарши курашда севги, инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини куйлаш катта аҳамиятга эга эди. Чунки бу тема инсонни шарафлайди, унинг ўзлигини ҳимоя қилади. Севги темаси интим кайфиятлар доирасида қолиб кетмайди. У кенгроқ ижтимоий-фалсафий мазмун касб этиб, инсоннинг ҳаётга, яхшиликка муҳаббатини, унинг бахтга интилизини ва бошқаларни ифодалайди. Бу тема кўпчилик ғазаллардан урин олди, шоирлар девонининг катта қисмини ташкил этди. Муҳаббат шоир ва мутафаккир Алишер Навоий:

Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай дегон,
Барча ишни тарк этиб, қилсун бизнинг девонни ҳифз¹³.

¹² С. Абдулла, Ҳаёт гулшани, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1959.

¹³ Бу баит Н. М. Маллаевнинг олий ўқув юртлири учун ёзган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидан олинди, Тошкент, 1963, 442-бет.

дер экан, севгининг мана шундай кенг маъносини кўзда тутар эди.

Севги ижтимоийдир, унинг моҳияти конкрет тарихий шароит билан, кишиларнинг ўзаро муносабати, характери билан белгиланади. Албатта, совет кишиларининг интим севгиси билан ўтмиш жамиятлардаги кишиларнинг севгиси айнан бир нарса эмас. Аммо самимий севгининг донимий, ҳамма даврлар учун хос шартлари бор. Бу — вафо, садоқат, фидокорлик, ростгўйлик ва поклик каби хусусиятлардир. Бинобарин, совет кишиларининг севгисини тараннум этувчи асарлар билан севги темасида ўтмишда яратилган асарлар ўртасида маълум уйғунлик мавжуд. Совет ёзувчилари севги темасини ёритиш ва севгувчилар образини яратишда устоз санъаткорларнинг тажрибаси ва традицияларидан илҳом ва таълим олмақдалар. Аммо традициядан таълим олиш новаторлик билан уйғунлашса, ишқий асарда замон руҳи, ҳаёт пульси сезилса, у ижобий ҳодисага айланади. Биз ишқий-интим темадаги газалларга ҳам шу жиҳатдан қарамоғимиз керак. Шоирларимиз (С. Абдулла, Хуршид, Уйғун, Хабибий, Қамтар ва бошқалар) бир қатор чиройли ишқий-интим шеърлар яратиб, адабий традициялардан ижодий фойдаландилар, севги темасидаги газаллар сирасига янги газаллар қўшдилар. Анниқса Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган ишқий-интим темадаги газалларда давр, замон руҳи, севгувчиларнинг маънавий қиёфаси уз ифодасини тона билди. Бир-икки мисол келтирайлик. Собир Абдулла шоира Зебинисонини «Биёки зулфи кажу...» деб бошланувчи машҳур газалига «Зебинисога жавоб» деган ўзига хос назира яратди:

Кел э, муҳаббат эли, васл ҳам вафо бунда,
«Нигохи гарму адоҳойи дилрабо» бунда.
Шаҳиди бўлмоқ учун «дашти карбало» демаким,
Ўликка жону сенинг дардинга даво бунда.
Навои гар тиласанг тонгда, бенаво бўлбул,
Киларга сайр чаман, келки, хушхаво бунда.
Варақла дунёда бор ҳар китобни, «ошиқ,
Сенинг ғизлаганинг, яъни муллоо бунда.
Этувчи кадринга чин ёру ошнони десанг:
Этувчи кадринга чин ёру ошно бунда.
Кидирса бахту вафо дунёдан агар дустлар,
Хаёту бахту бақо, завқ ҳам сафо бунда¹⁴.

Шоир севги темасини бу газалда икки замонни — Зебинисо яшаган XVII аср билан совет замонини чоғштириш фониди срилади.

¹⁴ Собир Абдулла, Танланган асарлар, Тошкент, Ўздавнашр, 1956, 38-бет.

Улуғ Ватан уруши севгувчиларни бир-биридан йироқлаш-тирди, жудо қилди. Ҳижрон изтиробни жангчини ҳам, меҳнат фронтидаги ёрини ҳам эзди, уртайди. Бироқ Улуғ Ватан уру-ши даврида яратилган яхши ишқий-интим шеърларда биз йинглоқи сатрларни эмас, балки ҳароратли, умидвор ва мағрур сатрларни кўрамиз. Масалан, Уйғуннинг «Онг», «Қут», «Кел» каби ғазаллари шундай ғазаллардандир. Шоир «Қут» ғазалида ошиқ тилидан айтади:

Қайтаман, албатта, дилдор, қайтаман мардона, қут!
Қайтаман, кўнглингни шод эт, бебаҳо дурдона, қут!

Интизорсан йўлларимга, яхши онглайман фақат,
Қайтаман, сабр айла бир оз, тошмасин паймона, қут!..

Тоқатинг ток, менда ҳам ҳажрингда тоқат қолмади,
Интизор бўл майли, аммо бўлмагин девона, қут!..

Қайтаман икбол гули бахтинга мен Уйғун бўлиб,
Сен муҳаббат гулшанидан гул сочиб ҳарёна, қут!

Албатта, шоир севгига тааллуқли ёки ёрга хос бирор нар-сани тема қилиб олиши, кичик бир масала заминда туғил-ган ҳис-туйғуни ифодалаш мумкин. Масалан, фақат кўзга, қош таърифига, қомат тавсифига бағишланган шеърлар ҳам бўлиши табиий. Бундай шеърлар ҳам китобхон қалбига йўл олади, унинг ҳис-туйғуси, шуурига таъсир этади. Масалан, С. Абдулланинг «Дугоҳ Ҳусайн» номли ғазали ёки «Кўзинг» радифли ғазали шундай ғазаллардандир. Бу ғазалларнинг куйга солиб айтилиши, халққа манзур бўлиши, бизнингча, уларнинг ҳаётийлиги, мисраларининг мусиқийлиги, образлар-нинг янгилиги, оригиналлиги билан изоҳланади, улар кишини шод қилади, кўнглига фараҳ бағишлайди. Бунга ўхшаш шеър-ларни шу шоирдан ҳам, ўзга шоирлардан ҳам келтириш мум-кин.

Аммо севги темасида ёзилган кўпгина ғазаллар ҳам бор-ки, уларда на замонанинг руҳини ва на традицияга ижодий муносабатни кўрамиз. Улар кўз-нарсис, қош-камон, тиш-маржон, лаб-ғунча каби юзлаб шоирларда қайта-қайта так-рорланган ўхшатишлар тизмасидан иборат бўлиб, китобхонга на янги мазмун, на янги бир ғазаллик ҳис-туйғуси бахш эта олади. Баъзи шундай шеърларда шоирлар зўрма-зўракилик ва сунъийлик билан «замонавийлик» элементини киритишга ҳам уринадилар. Масалан, ғазалчиликда катта тажрибага эга бўлган шоир Собир Абдулла ҳам баъзан шундай саёз, жўн шеърлар ёзди. Мисол учун унинг «Ўтажакдир» шеърини ол-сак, сарлавҳа остида қавсда берилган «Биринчи майда» қайди ва айрим мисралардаги қистирмалари бўлмаса, ошиқ киму

ёр ким, бу севгининг моҳияти нима-ю, ибрат бўла оладиган томони нималигини англаб бўлмайди. Шоир шеърини:

Эи кўз карашинг узма шу дам ёр утажакдир,
Юз гамза билан кўзлари хумор утажакдир.

мисралари билан бошлаб,

Шахло кўзининг шавкида тунлар мижжа қоқмай,
То эртагача Собирни бедор утажакдир¹⁵.

мисралари билан тугатади.

Бундай шеърларни, жумладан, 1963 йилда нашр этилган кекса шоиримиз Хабибийнинг шеърлар тўпламида ҳам кура-миз. Тўпландаги «Бир кел»¹⁶, «Дилдор уйнасин»¹⁷, «Қам-кам»¹⁸, «Оромжон»¹⁹ каби шеърлари китобхонга янги завқу шавқ беролмайди. Афеуски, бошқа шоирларимизда ҳам бундан ғазаллар тез-тез учраб туради.

2. Пензаж ғазали ҳақида сўзлар эканмиз, бу соҳада шоирларимизнинг хийла тажриба тўлагани, табиат тасвири фонида ғузаллик гоёсининг тараннум этилгани, инсон ва табиат, инсоннинг табиатни ўзгартириш қудрати, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янги қиёфасини ҳарорат билан тасвирловчи ғазаллар ҳам яратилганини таъкидлаш керак. Собир Абдулланинг «Май гулдастаси»²⁰, «Борбон қўшиғи»²¹ каби шеърларини ўзбек совет адабиётида яратилган завқли-мароқли пейзаж ғазаллари намунаси деб таърифлаш мумкин. «Май гулдастаси» табиат, пейзажни янги образлар воситасида ифодалаши билан бирга яна шунинг учун жозибалики, у воқеабанд ғазал бўлиб, тадриж санъати билан ёзилган, айни чоқда бу ғазал мўшорна ғазал ҳамдир. Бир неча санъат-алабий усулини бир шеърнинг ўзида муваффақият билан қўллаш, эътироф этиш керакки, ғазалнависларимизда аҳён-аҳёнда учрайдиган ҳодиса бўлиб келмоқда. С. Абдулланинг бу ғазали билан танишайлик:

Дейди ҳур ўлкам: чиройим долазоримдан сўранг,
Долазор яшнаб туриб дер:— навбаҳоримдан сўранг.

Навбаҳор тилга кириб, дер: бу ғузаллиқнинг барин
Мен эмас, кулган, безанган ҳур диёримдан сўранг.

¹⁵ Собир Абдулла, Сўз ва соз, Тошкент, Ўздавнашр, 1943, 8—9-бетлар.

¹⁶ Хабибий, Танланган асарлар, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963, 15-бет.

¹⁷ Уша асар, 24-бет.

¹⁸ Уша асар, 79—80-бетлар.

¹⁹ Уша асар, 81-бет.

²⁰ Собир Абдулла, Танланган асарлар, Тошкент, Ўздавнашр, 1956, 21-бет.

²¹ Уша асар, 24-бет.

Хур днёр гул-долаларга бурканиб май ойида,
 Дeyди: — сиз кўркимни алвопранг шноримдан сўранг.
 Сўзлади кўлда қуёшдай товланиб, алвон шнор:
 — Бахтиёр халқ кўлда эрки барқароримдан сўранг.
 Бахтиёр халқ дер юракдан:— рахбарим Компартия,
 Сиз бунн, сафга тизилган дўсту ёримдан сўранг.
 Сафда гул тутган кизим, шўх кўйлаган ўғлим кўриб,
 Яшнаган бахтим, ясанган рўзгоримдан сўранг.
 Шў азиз байроқни тутган дўсту ёронлар дегай:
 — Қудратим, эрким, иродамни қаторимдан сўранг.

Собир Абдулланинг иккинчи шеъри «Богбон қўшиғи»да табиат фониди шу табиатни гўзаллаштирган, табиат муҳити ва соҳибни булган инсоннинг қалби очилади:

Богда мен кезсам агар, ўпкай этакдан гулларим,
 Тебраниб, бўй тарқатар райҳонларим, жамбулларим.
 Богбонлик гашти бор, гохо чиқиб тонг чоғида
 Кўйласам, сайрар қўзиб, гул шоҳида бўлбулларим.
 Уйнашар бор мевалар, гуллар, миришқор келди деб,
 Тўкилар шафтолилар, тегмай уларга қўлларим.
 Яшнадиб Ильич чироғи, гулшаним равшан қилиб,
 Кечалар кундуз каби, доим ёруғдир йўлларим.
 Бўлмагай, ёлғиз ўзим юрсам, чаманнинг нашьаси,
 Дўстларим келса тўлар юрганда ўнгу сўлларим.
 Партия, бўлмас тамом хар қанча миннатдорлигим,
 Сен билан бахт топдим, айланди боққа чўлларим.

3. Классик поэзияда ахлоқий-таълимий ғазаллар нисбатан каттароқ ўрин тутади. Совет шоирлари ахлоқий-таълимий ғазаллар яратишда ўзбек классикларининг тажрибасидан ўрганиш билан бирга қардош туркман адабиётининг классиги Махтумқулининг насихат циклидаги ғазалларидан ҳам илхом олдилар, озарбайжон шоири Фузулийнинг ғазалларидан ўрганидилар. Масалан, шоир Ҳабибий, С. Абдулланинг ғазал-насихатлари шунн кўрсатади.

Ахлоқий-таълимий темадаги ғазалларда совет кишисининг маънавий фазилатлари тарғиб қилинади, замонамиз кишилари хулқ-атвори ва шаънига хилоф бўлган, утмишнинг сарқитлари сифатида яшаб келаётган салбий хислатлар қораланади. Бундай ғазаллар кўпроқ контраст приёмида, яхшиликни ёмонликка қарама-қарши қўйиш, биринчисини маъқуллаш ва тарғиб этиш, иккинчисини қоралаш ва рад қилиш асосига қурилган. Ҳабибийнинг «Тўғри бул»²², «Инсон»²³, «Ёмон рафиқ»²⁴, «Ишламасанг»²⁵, С. Абдулланинг «Ўғлимга хат»²⁶,

²² Ҳабибий, «Муштум» журнали, № 11, 1961.

²³ Ҳабибий, Шеърлар. Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963, 11-бет.

²⁴ Уша асар, 69—70-бетлар.

²⁵ Уша асар, 30-бет.

²⁶ С. Абдулла, Хаёт гулшани, Ўзадабийнашр, 1959, 49-бет.

«Бўстон этиб кет»²⁷ кабилар шундай ғазаллардир. Уларда лирик қаҳрамон замонамизнинг бир мураббийси, муаллими сифатида гавдаланади. Мана шу ғазаллардан ғоявий-бадний жиҳатдан пухтароқ бўлган Ҳабибийнинг «Тўғри бўл» ғазалини мисол тариқасида келтирамыз:

Тўғри бўл дўстим, агар бўлсин десанг таъбнигни чоғ,
То абад яйраб яшарсан халқаро эркин, фароғ.
Тўғрига раҳмат дегай эл, эгрига лаънат дегай,
Тўғрининг қалби чароғу, эгрининг қалбида доғ.
Эгрига бўлсанг яқин, эл эгри кўрғайлар сени,
Эгри кўзгу қайда кўрсатгай бировни тўғри, соғ.
Қалбакилик бирла ҳеч яшнаб униб-ўсмас киши,
Бир масал борким, кўкармас дейди қалб одамда боғ.
Эгри ўсганда ўтиндан бошқа бўлмас ҳар ёғоч,
Тўғриликдан юрса аъмоларга йул бошлар таёғ.
Тўғри бўлса кимки бўлмас эгрига ҳаргиз яқин,
Бир нафас турмай камон бирла қочар пайкон узоғ.
Қўлга келса эгрилик бирла наким бўлмас насиб,
Ўзгага кетгай Ҳабибий ҳарна сайд этса тuzоғ.

Бу ғазал бошдан-охир халқ афоризмлари, мақоллари асосига қурилган. Ғазални ўқир эканмиз, шу кунга қадар халқ орасида кенг қўлланилаётган «дилни тўғрининг тили тўғри», «оқ кўнгилликнинг юзи ёруғ», «рост сўз ҳаққа қарор топади», «ростга завол йўқ», «тўғри бўлсанг ўсиб бориб гул бўласан. эгри бўлсанг ўсиб бориб кул бўласан», «тўғри одам эгри сўздан ор қилур», «тўғри сўз тош ёрар, эгри сўз бош ёрар», «тўғри сўз қиллчдан ўткир», «эгри — озади, тўғри ўзади», «эгрининг сояси ҳам эгри»²⁸ каби халқ мақоллари хотирага келади.

Шоир ҳоқоридаги ғазални халқ доволигининг ифодаси бўлган мақоллардан ижодий фойдаланиш, уларни ягона бир композицияга уюштириш, сайқал бериш ва мусиқий шеърини формага келтириш асосида ёзган.

Шоир Ҳабибийнинг куйга солиб айтиладиган «Ёмон рафиқ» ғазали ҳам шундай хусусиятларга эгадир. Бундай ғазалларнинг эстетик-тарбиявий қиммати катта. Бироқ ахлоқ-тарбия темасидаги шундай ғазаллар билан бирга, айрим жўн, образлари мавҳум, китобхоннинг диди ва завқига таъсир этмайдиган ғазаллар (ёки байтлар) ҳам бор. Кекса ғазалнавис Ҳабибийнинг барча ғазалларини ҳам бир текисда ёзилган, китобхонга манзур ғазаллар деб бўлмайди. Масалан, у «Уч сўз бир маъно» ғазалида синоним характердаги сўзларни топиб, танлаб шеърга тизган, аммо айрим байтлар

²⁷ Ўша асар, 39-бет.

²⁸ Ўзбек халқ мақоллари, иккинчи нашри, Тошкент, 1960, 86—88-бетлар.

фикр ва образ жиҳатидан абстракт бўлиб, ўтмиш ғазалчилигининг айрим тенденцияларига механистик тақлид тарзида битилган. Масалан, шу ғазалдаги:

«Кўрарман қувватим бору, кучим бору, мадорим бор,
На бўлса тан берурман: тоқату, сабру қарорим бор.
Кел э соки, бу кеча қоса паймона қадаҳ тўлдир,
Ҳабибий, сипкарой мен одату расму шпорим бор»²⁹,—

байтлари шундай байтлардир.

4. Совет публицистик ғазали ўз объекти, тематикаси, ғоявий йўналиши, эстетик идеали, образлари жиҳатидан ўтмишдаги ғазаллардан тубдан фарқ қилади. Совет публицистик ғазалининг объекти совет воқелигидир, публицистик ғазал шу воқеликнинг муҳим масалаларини ўзига тема қилиб олди. Коммунистик партиявийлик, халқчиллик ва социалистик гуманизм унинг бош ғоявий йўналишидир. Мамлакатимизда социалистик жамиятни қуриш ва коммунистик жамиятни барпо этиш учун кураш публицистик ғазалларимизнинг эстетик идеалидир. Бош лирик қаҳрамон — шоирнинг қиёфаси ва орзу-тилагига ҳам янги. У янги жамиятнинг актив қурувчиси, шоирнинг «менлиги» ва «биз», яъни коллектив бир-бирига ниҳоятда яқин, бир-бири билан айният, «мен»да «биз» англашилгани каби, «биз»да «мен» тушунчаси ҳам ўз ифодасини топган. Шу маънода шоир — лирик қаҳрамон сифатида бевосита ўз номидан сўзлагани каби, ишчи, колхозчи, қурувчи, жангчи, зиёли ва бошқалар тилидан ҳам сўзлайверади. Масалан, Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган кўпгина ғазалларда шоир жангчи тилидан, фронт орқасидаги ёр, ота ёки она тилидан кўйлайди. Масалан, Уйғуннинг «Кут»³⁰, «Онт»³¹, «Кел»³², «Мардонавор айтинг» («Қиз хати») ³³, «Арзимни ёра айтинг» (Йигит хати)»³⁴, С. Абдулланинг «Пахтакор жувонга» каби ғазаллар шу турдаги ғазаллардир.

Ўзбек публицистик ғазалининг энг яхши намуналаридан бири ҳамон Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ўзбек хотин-қизларига» ғазали бўлиб келмоқда. Шоир икки даврни бир-бирига қиёс қилиб, контраст аспектида хотин-қизларни янги ҳаётга, маърифат ва маданиятга, меҳнат ва ижодга чорлайди,

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паршон қил.
Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи,

²⁹ Ҳ а б и б и й, Шеърлар, Тошкент, 1963, 32-бет.

³⁰ У й ғ у н, Танланган асарлар, I-том, Тошкент, 1958, 203-бет.

³¹ Уша асар, 194-бет.

³² Уша асар, 202-бет.

³³ Уша асар, 218-бет.

³⁴ Уша асар, 219-бет.

Илму фан тиги бирлан жаҳл бағрини қон қил.
 Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
 Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.
 Чуриликни муллалар сенга қилдилар тақрир,
 Кел бүгун бу заҳминга маърифатни дармон қил.
 Аналик ҳуқуқининг ҳурмат этмаганларни
 Юзларин қора айлаб, феълидан пушаймон қил.
 Ой юзинг қора чиммат зулмидан қутилтиргил,
 Чик қоронги турмушдан, нур ичида жавлон қил.
 Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
 Нурларинг олиб кўзга сурман сулаймон қил³⁵.

Биринчи байтда кишанланган ҳаётга қарши озод, эркин ҳаёт, иккинчи байтда жаҳолатга қарши илм-фан, мактаб, анжуман, учинчи байтда сояда сарғайган юзга қарши гулгун ва гулистон, тўртинчи байтда чуриликка қарши маърифат, бешинчи байтда оналик ҳуқуқининг поймол қилинишига қарши уни химоя этиш, олтинчи байтда қора чиммат ва қоронги турмушга қарши нурига ҳаёт, еттинчи байтда сурман сулаймон традицион образига қарши маориф нури қўйилган. Шоир ўзинининг даҳшатли оқибатларини фош этади ва уни рад қилади, янгиликни қўйлайди ва шунга чорлайди. «Илму фан тиги бирлан жаҳл бағрини қон қил», «заҳминга маърифатни дармон қил» каби янги образлар бу газалнинг моҳияти ва эстетик қимматини янада оширади. Ҳамза ҳусусан бу газалда классик поэзия тажрибасидан, унинг поэтикасидан ижодий фойдаланиш, традицион формага янги мазмун ва янги гоя киритиш мумкинлигини исбот этди. Ҳамзининг бу газали шеър тузилиши (вазн, қофия ва радиф) жиҳатидан Фазлийнинг «Қил» радифли газалга ухшатмадир, тақрор айтиш керакки, фақат шеър тузилиши жиҳатидангина ухшатма, ҳолос, тема, гоя, мазмун, образ жиҳатидан тамомла янгидир. Фазлий газали интим газал бўлиб, унда шоир ёрининг қошу кўзини таърифлаб, эротикага берилади.

Ушуг Ватан урушининг дастлабки йилларида шоир Ғайратий Ҳамза газалига назира—ухшатма тарзида «Қўшиқ» (Ҳамзага назира) газалини яратди. Бу газалда ҳам Фазлий ва Ҳамзага ухшаш «қил» радифини қўйлади. Бундаги образ эса тамоман янги образ бўлиб, ватанпарварлик гоясини қўйлайди. Демак, бир шеърни формада турли даврда, турли тема ва турли образлар билан шеър яратиш мумкинлигини кўрсатади.

Тўғри, совет газалчилигида бўш, саёз ва ваъзхонлик тарзида ёзилган публицистик газаллар ҳам пайдо бўлди, шахсга сиғиниш мадҳхонлик руҳидаги газалларни ҳам туғдирди.

³⁵ Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Асарлар, I том, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1960, 184-бет.

Бунга Собир Абдулланинг «Биринчи май», «Минбарда»³⁶, «Янги йил шарафига»³⁷, Чустийнинг бир қатор шеърлари ва бошқалар мисол бўла олади. Аммо биз бундай ғазалларни қоралаш, рад этиш билан бирга, совет публицистик ғазалининг ижобий тенденцияларини яхши ғазалар мисолида ёритиш ва шу тенденцияларни ривожлантиришимиз керак.

5. Ўзбек классик поэзиясида лирик ғазал билан бирга ҳажвий ғазаллар ҳам яратилган. Ўзбек ҳажвий ғазалига Алишер Навоий асос солди. Унинг «Содда шайх», «Ғавго қилди шайх», «Эй воиз» кабилар ҳажвий ғазаллар бўлиб, уларда шоир жоҳил таркидунёчи, бадбин ва ҳийлакор шайх-зоҳидларни фош этади. Ҳажвий ғазал Турди, Махмур, Муқимий, Аваз ва Завқий каби пешқадам шоирлар ижодида ривожланди, унинг тематик ихтоси кенгайди, шайх-зоҳидларни фош этувчи ғазаллар билан бирга, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг хилма-хил масалаларига бағишланган ҳажвий ғазаллар ҳам яратилди. Масалан, Завқийнинг «Дармазаммати замона», «Бўл», «Қарз», «Кўп қизиқ», «Каждор замона», «Қулоқ солинг ёронлар», «Уй пули», «Золим пули», Ҳажви Икчи эшон³⁸ кабилар ҳажвий ғазаллар бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги муҳитнинг бир қатор иллатларини, феодал бойларнинг зулмини, жоҳилликни, дин пешволарининг мунофиқона хуружларини ва бошқаларни қаттиқ танқид қилди. Шу билан бирга классик лирикада юмористик характерда бўлган ғазаллар ҳам пайдо бўлди. Бунга Муқимийнинг «Таърифчи печь», «Кўсамен», «Ҳайрон кўсамен», «Девонамен», «Араванг», «Лой», «Шикоятчи безгак»³⁹ каби шеърлари мисол бўла олади. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ҳажвий (сатирик ва юмористик) ғазаллар кўплаб ёзилди ва уларни девонларда, баёзларда махсус ҳажвиёт бўлимига ажратиш бир одат бўлиб қолди. Бу ҳол XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабиётнинг халқчиллик руҳи ва реалистик тенденцияси сатирик йўналишнинг ривожланишини, ҳажвиётда ғазал ва мухаммас каби жанрларнинг поэтик хусусиятларидан фойдаланишни тақозо қилганини кўрсатади.

Классик шоирларнинг тажрибаси ўзбек совет шоирларига ҳажвий ғазал яратиш учун бир мактаб бўлиб хизмат қилди.

³⁶ Собир Абдулла, Сўз ва соз, Ўздавнашр, 1943, II-бет.

³⁷ Уша асар, 14-бет.

³⁸ Қаранг: Завқий, Танланган асарлар, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1958.

³⁹ Қаранг: Муқимий, Танланган асарлар, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1958.

Масалан, Ҳамза Ҳақимзоданинг ҳажвий асарлар яратишда айниқса Муқимий ва Завқийлардан илҳом олгани, уларнинг айрим традицияларини новатор сифатида ривожлантиргани маълум.

Совет адабиётида сатира ва юмор эски турмуш сарқитларига, текинхурлик ва дангасаликка, ивгогарлик ва товламачиликка, майшатбозлик ва шухратпарастликка ҳам бошқа иллатларга қарши қаратилган. Бу соҳада ҳажвий ғазаллар ҳам салмоқли ўрин олди. Шоирларимизнинг яхши ҳажвий асарлари жамоатчиликка манзурдир. Хусусан «Муштум» сажифаларида ўрин олган етук ҳажвий ғазалларни китобхонлар қониқиш билан кутиб оладилар. Сўнгги йилларда вужудга келган диққатга сазовор ҳажвий ғазаллар сифатида. С. Абдулланинг «Унинг орзуси (бир мансабдор тилидан)»⁴⁰, «Бутилка-тилка»⁴¹, «Бир «оғайним»нинг таърифи», «Нордон сатрлар»⁴², Ҳабибийнинг «Ҳушёр эмас»⁴³, Порлоқ Ёқубовнинг «Бир ивгогарнинг таърифи»⁴⁴, Жавдат Абдулланинг Завқийнинг «Аҳли раста» ҳажвига назира тарзида ёзган «Салом берар теракка»⁴⁵ каби ғазалларини кўрсатиш мумкин. Бу ҳажвий ғазалларда замонамиз ва тараққиётимизнинг бош йўлидан четда турган, унга халақит бераётган кишиларнинг сатирик образи яратилиб, утмиш жамиятдан сарқит бўлиб келаётган иллатлар фош этиб ташланади. Шубҳасиз, совет сатираси моҳияти ва вазифаси билан утмиш сатирасидан тубдан фарқ қилади. Аммо шунини таъкидлаш керакки, шоирларимиз ҳажвий ғазалда классик адабиётдаги сатиранинг тажрибасидан, усулларидан ижодий фойдаланишда, традицияни новатор сифатида ривожлантиришда маълум муваффақиятларга эришдилар. Буни, жумладан, Жавдат Абдулланинг Завқий «Аҳли раста»сига назира тарзида ёзилган «Салом берар теракка» ҳажвий ғазали мисолида равшан кўриш мумкин. Маълумки, Завқий ўз сатирасида раста аҳлини — савдогарларни, чайқовчиларни, бозор амалдорларини, жами 46 кишини ҳажв қилган. Жавдат Абдулла ўз шеърисида ичкилик балосига гирифтор бўлган кишини ҳажв қилиб, образни бадний умумлаштиришга, ароқхўрларга хос бўлган бир қатор хислатларни жамлаштириб беришга муваффақ бўлган. Шоир Завқийнинг услубидан, айрим ўхшатишларидан фойдаланган, Завқий шеърисида қофияланган сўзларнинг кўпини ўз ғазали учун қофия

⁴⁰ С. Абдулла, «Кивил Ўзбекистон», 16 декабрь 1963 йил.

⁴¹ С. Абдулла, Ҳаёт гулшани, Тошкент, 1959, 51-бет.

⁴² С. Абдулла, Ҳаёт гулшани, Тошкент, 1959.

⁴³ Ҳабибий, «Муштум», 2-сон, 1961.

⁴⁴ П. Ёқубов, «Муштум», 7-сон, 1960.

⁴⁵ Ж. Абдулла, «Муштум», 12-сон, 1963.

қилиб олган. Бироқ бу ҳолат янги темада янги шеър ва янги образ яратишга халақит бермаган. Ҳажвни ўқиган киши хоҳ-нохоҳ Завқий шеърини эслайди, аммо шу билан бирга, янги ва қизиқарли шеър ўқиётганидан қаноат ҳосил қилади:

Ичмоқни ким қўйибди сен сўлтамаст сўтакка,
Шоҳ ташлашинг ҳавода ухшайди варваракка.
Ичган чоғингда сўзсиз гўёки гунг-соқовсан,
Ҳеч ким сўзингни укмас, ухшар тилинг гудакка.
Бўлсанг қаерда меҳмон жон борица ичарсан,
Сочик қолиб бу ёқда, лаб артасан этакка.
Еш болалар мазахлаб кайфли чоғинг етаклаб,
Бу йўрға той, деб алдаб миндирдилар эшакка.
Гоҳида сен эгиб бош кўзлар гилай, қовоқ шиш,
Инсон қолиб бу ёқда бердинг салом теракка.
Ўпка, жигар, қорнилар сендан ўгирса юзлар,
То кишига қолмай аҳвол бўлғай аён қузакка.
Тортган эдик сени биз кайфият ботқоқидан,
Гўёки сен асов от ҳеч юрмадинг етакка.
Мастлик билан ичарсан чимасга юз қасамлар,
Айтгил бу ёлгонингни Жавдат эмас, бўлакка⁴⁶.

Бундай ҳажвий ғазалларнинг аҳамияти катта, улар бошқа жанрдаги сатирик асарлар каби жамиятимиз руҳига хилоф бўлган иллатларни қўпориб ташлашга оператив бир жанр сифатида ёрдам бермоқда.

Ўзбек совет ғазалида биз тўхтаб ўтган ғазал турларидан ташқари мушоира-ғазал (масалан, Собир Абдулла ва Ҳабибийнинг «Вафо қилса» мушоираси)⁴⁷, мувашиша-ғазал (масалан, Уйғуннинг «Жафо қилма» шеъри)⁴⁸ каби ғазаллар ҳам яратилди. Бундан ташқари, бошқа жанрдаги асарлар таркибида ҳам ғазал жанридаги шеърларни учратиш мумкин. Бу айниқса музикали драма асарларига хосдир. Ғазалларнинг купгина мақомлар ва халқ куйларига ритм жиҳатидан мослиги шуни тақозо қилади («Алпомиш», «Нурхон», «Олтинқул», «Ватан ишқи» ва бошқа музикали драмалардаги шеърларнинг каттагина қисми ғазаллардир).

Биз юқорида ўзбек совет ғазалининг турлари ва уларнинг айрим хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритдик. Ҳатимада ғазалларга хос баъзи бошқа хусусиятларни ҳам таъкидламоқчимиз. Классик лириканинг традицион жанрларидан мухаммас, рубоий, туюқ ва бошқа жанрдаги шеърлар кўпроқ поэзиямизнинг етакчи вазни — бармоқда яратилмоқда. Аммо ғазаллар арузда яратилмоқда (бармоқ вазнида ёзилган баъзи

⁴⁶ Ж. Абдулла, «Муштум», 12-сон, 1963.

⁴⁷ С. Абдулла, Ҳаёт гулшани, Тошкент, 1959, 52-бет.

⁴⁸ Уйғун, Танланган асарлар, I том, Тошкент, 213-бет.

газалларни мустасно қилганда). Бизнингча, газалнинг музика санъати билан чамбарчас боғланган ҳолда яшаб, камол топиши, уни куйга мослаб ижод этиш традицияси шунини тақозо этади. С. Абдулла, Ҳабибий, Уйғун ва бошқаларнинг газалларига диққат қилар эканмиз, уларнинг газаллари ўтмиш газалнависларининг шеърларида ҳам кўпроқ қўлланган, музикага янада яқин бўлган рамал ва ҳазаж баҳрларида яратилганларини кўрамиз. Газаллар айниқса рамали мусаддаси маҳзуфда кўпроқ яратилди.

Баъзан адабиётшуносларимиз ва тилшуносларимиз аруз баҳрлари, газалчилик сунъий равишда арабча-форсча сўзларни кўпроқ ишлатишга олиб келади деб таъкидлайдилар. Тўғри, арузда ёзиш, газал битиш тил жиҳатидан хийла мураккаб бир иш. Аммо газалчилик тажрибаси ва яхши газаллар мисолида шунини айтиш керакки, агар шоир моҳир бўлса, тил бойлигидан яхши фойдалана олса, арузда ёзилган шеърга ҳозирги тилда ишлатилмайдиган арабча-форсча сўзларни сунъий равишда қирғиш нуқсонидан холи бўлмоғи мумкин. Масалан, Собир Абдулланинг «Нордон сатрлар» ҳажвий газалида биз вазнга мослаш учун сунъий равишда киритилган бирорта сўзни учрагмадик. Буни Уйғуннинг «Жафо қилма» (мувашиаҳ) ва бошқа шоирларнинг бир қатор газаллари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Адабиётимиздаги жанрларнинг шаклланиши ва тарақиётини, жумладан, традицион жанрларни ўрганиш ва ёритиш жуда катта ва мураккаб проблемадир. Биз традицион газал жанри ҳақида дастлабки айрим мулоҳазаларни бериб эдик, бу масала яна кенг ва чуқур тадқиқот ишларини талаб этади.

Шу дастлабки мулоҳазалар асосида айрим хулосалар ясаймиз:

1. Ўзбек совет адабиётида газал традицион бир жанрдир. Бу жанр ўзининг ҳажм меъри, қофияланиш усули, вазни ва хотималовчи ёки ундан бурунги байтда таҳаллус қиритиш каби хусусиятларини сақлаб келмоқда (баъзан таҳаллус қиритилмаган газаллар ҳам бор. Масалан, Ғайратийда).

2. Газал традицион жанр бўлишига қарамай, ўзбек совет адабиётида янгиланган, янги моҳиятга эга бўлган бир жанрдир. Чунки унинг объекти (лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғусини вужудга келтирувчи объект) бошқа, темаси янги, мазмуни янги, образи янгидир.

3. Ўзбек совет адабиётида газалнинг ишқий-интим газал, пейзаж, ахлоқий-таълимий газал, ҳажвий газал, публицистик газал, мушоира газал турлари мавжуд.

4. Назира-газал ҳам ўзбек шоирлари ижодий тажрибасидан сезиларли ўрин олган; назира-газалнинг муҳим хусусияти

шундаки, шоирларимиз назира объектига ижодий ёндошиб, ундан айрим формал белгиларни ёки образларни олиб янги газаллар яратмоқдалар. Бунга Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига», С. Абдулланинг Огаҳийнинг Фируз куйида айтиладиган «Устина» газалига назира тарзида битган «Бир «огайним»нинг таърифи»⁴⁹ ҳажвий газали, Жавдат Абдулланинг Завқийнинг «Аҳли раста ҳажви»га назира тарзида ёзган «Салом берар теракка» газали ва Ғайратийнинг «кил» радибли «Қўшиқ» газали ва бошқалар ёрқин мисол бўла олади.

5. Ўзбек совет газалларининг сезиларли қисми классик поэзиядаги газаллар каби музыка санъатига жўр бўлиб келмоқда, унинг музыкали драмалардан ўрин олиши ҳам шу билан боғлиқдир (шунинг учун ҳам баъзи тўпламларда газал тўғридан-тўғри қўшиқ деб номланмоқда ёки қўшиқ бўлимига киритилмоқда).

6. Ўзбек совет газалчилиги тажрибаси традицион шеърний формадан ижодий фойдаланиш мумкинлигини яна бир бор исбот этди, буш газалларнинг пайдо бўлиши эса айрим шоирларнинг умуман кам қобилиятлилиги (кам салоҳиятлилиги) ёки ўз ижодига талабчанликни бўшаштириши оқибатидир. Яхши газал яратиш маҳоратни, тема танлаш, образ яратиш, поэтик истеъдод ва тил бойлигини талаб этади. Классик шоирлар тажрибасидан ўрганяш, шубҳасиз, бундан буён ҳам газалчилигини ривожлантиришига ҳисса қўшади. Шоирларимиз классик сўз санъаткорларининг меросини ва бу меросни, хусусан санъат нуқтаи назардан ёритувчи илмий асарларни яқиндан ўрганмоқлари лозим.

7. Ўзбек совет газалчилиги каби, тожик, озарбайжон ва бошқа халқларнинг ҳозирги поэзиясида ҳам газал традицион бир жанр сифатида ўрин эгаллаб келмоқда. Бизнингча, қардош шоирларнинг тажрибасидан ўрганиш ҳам газалчилигини такомиллаштиришга ёрдам беради.

⁴⁹ С. Абдулла, Ҳаёт гулшани, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1959, 87-бет.

Х. Бекмуҳамедов

НАВОИЙ ДАВРИДА ҲИРОТ

Бир ярим асрга яқин вақт давомида теурийлар давлатининг пойтахтларидан бири бўлган, улуғ Алишер Навоий яшаган ва ижод этган шаҳар — Ҳирот қадимги Шарқнинг кекса ва обод, гавжум шаҳарларидан бири бўлган.

Ҳирот ҳозирги Афғонистоннинг шимоли ғарбий қисмидаги Ҳерируд дарёси бўйидаги водий — «жаҳоннинг дурдонаси»га жойлашган. Ҳиротнинг нақадар муҳим ерга жойлашгани ҳақида Ф. Энгельс шундай деган эди: «...Эрон кўрфази билан Каспий денгизи, Ғарбда ва Шимолда Сирдарё ва шарқда Ҳинд дарёлари оралигидаги бутун бир вилоятнинг стратегик марказидир. Каспий денгизидан Ҳиндга ва Эрон кўрфазидан Амударёга олиб борувчи йўллар шу шаҳарда бир-бирини кесиб ўтади»¹.

Ҳирот шаҳрининг қачон ва ким томонидан қурилгани маълум бўлмаса ҳам, бу ҳақда авлодлар оша бизгача етиб келган бир неча ривоятлар мавжуддир. Ривоятлардан бирида афсонавий Заҳҳокнинг қизи бу шаҳарни қурган ва унга ўз номини берган. Яна бирида эса Ҳирот шаҳрини Эрон шоҳи Дорро қура бошлагани, грек-македон босқинчиларига қарши кураш зарурати туфайли уни битира олмаганлиги, шаҳар қурилишини тугаллаш ва унга аҳолини жойлаштириш иши Македониялик Искандарнинг зиммасига тушгани қайд этилади. Бу каби ривоятларнинг ўзи ҳам Ҳирот шаҳрининг қадимий шаҳар эканлигидан далолат беради. Кичик бир мақолада бутун бир шаҳарнинг кўп асрлик тарихини ёритиш асло мумкин эмас, албатта. Бинобарин биз бу мақолада Навоий яшаган даврдаги Ҳирот шаҳри ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз.

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс, Асарлар, II том, 133—134-бетлар.

Урта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларини ер билан яқин қилган Чингизхон галалари 1221 йилда Ҳиротга етиб келади. Қучлар тенг эмаслигини кўрган шаҳар аҳолиси таслим бўлади. Босқинчилар қаршилик кўрсатганларни қириб ташлайди. Хоразм шахзодаси Жалолиддин Мангубердиннинг душманга қаршилик кўрсатиш борасида қўлга киритган муваффақиётларидан илҳомланган шаҳар аҳолиси мўғулларга қарши исён кўтаради. Ҳиротликлар бу гал олти ой давомида мардона кўрашадилар, даҳшатли қирғинда шаҳар аҳолисининг асосий қисми ҳалок бўлади, шаҳар вайрона ҳолига келади.

Тарихий манбаларда, мўғуллар Ҳиротни вайрон этиб, аҳолини қириб, омон қолганларини асир олиб кетганларидан сўнг, яшириниб қолган 40 нафар киши шу мислсиз вайроналикда 15 йил давомида яшаганлари кўрсатилади. Чингизхоннинг ўғли Уғодойхон ўз вақтида Ҳиротдан олиб кетилган аҳолининг бир қисмини, асосан ҳунармандларни Ҳиротга қайтаргач, шу чексиз хароба ўрнида янги Ҳирот қад кўтаради. Шаҳар девори тикланади ва мустаҳкамланади, шаҳарнинг шарқий томонида Хуш, жанубий томонида Ферузобод, шимолни томонида Инжил, ғарбий томонида Ансорий дарвозалари тикланади. Вақт ўта борган сари Ҳирот аҳолиси кўп, обод шаҳарга айланади.

Ҳирот Темур давлати таркибига киритилиши арафасида ҳунармандчилиги, савдоси ривожланган обод бир шаҳар эди. Бу вақтларда шаҳар атрофи икки қатор девор билан уралган бўлиб, Ихтиёриддин қалъаси ўзининг мустаҳкамлиги билан машҳур эди.

Темур 1381 йилда Эронга навбатдаги таланчилик юришини қилган вақтда Ҳиротни қамал қилади. У шаҳарликларни ўз томонига оғдириб олиш ниятида шаҳар аҳолисига мурожаат қилиб, шаҳар мудофаасида иштирок этмай ўз уйида қолган кишиларнинг моли мулки ва ҳаёти сақланиб қолади деб ваъда беради. Бу унга қўл келади. Шаҳарликлар курдлар сулоласининг ҳукмдори Гиёсиддинни қўллаб-қувватламайдилар. Бу эса, Темурга Ҳиротни нисбатан осонлик билан эгаллаш имконини беради. Темур шаҳардан оғир тавон ундиради ва шаҳарликларнинг кўзғолон кутаришидан ғўрқиб шаҳар девори ва девор минораларини бузиб ташлаш ҳақида буйруқ беради. Шаҳарнинг энг атоқли хонадонларидан талайгинасини, шаҳарнинг ҳашаматли темир дарвозалари табақаларини Шаҳрисабзга юборади. Ихтиёриддин қалъаси омон қолади. Темур томонидан кўрилган эҳтиёт чораларига қарамай, Ҳирот аҳолиси жабр-зулм, талончилик ва зўравонликларга қарши 1383 йилда кўзғолон кўтаради. Бироқ Темур энг ёвуз чораларни амалга ошириб, кўзғолонни бостиради. Шу муносабат

билан Темурга вассал бўлган курдлар сулоласи тугатилиб, Хуросон мулки Темур давлатига тамомила қўшиб юборилади.

Темур ўз пойтахти Самарқанд билан рақобат қилиши мумкин бўлган шаҳарларнинг тез ривожланишига тўсқинлик қилгани каби, Ҳиротнинг ҳам юксалишига йўл қўймайди. Натижада шаҳар девори, миноралар, шаҳар дарвозаларни Темур ҳаёти вақтида тикланмаганича қолади.

Темурнинг ўғилларидан бири — Шохруҳ давридагина Ҳирот эски ҳолига қайгади ва жуда тез ривожланади.

Шохруҳ ҳукмронлигининг бошида Ҳиротда бир-бирига туташиб кетган икки бино: мадраса ва хонақоҳ (дарвешлар истиқомат қиладиган бино) қурдилар. Мадрасанинг катта ҳовлиси бўлиб, унда баланд сура ва арк бўлган, мадрасанинг икки томонида иккита баланд минораси бўлган, девор ва эшикларнинг олтин ҳали ва зангори бўёғи товланиб турган².

Хондамирнинг берган маълумотига кўра, шаҳарда 12 та мадраса, 3 та масжид, 5 та хонақоҳ, 5 та икки гумбазли катта мақбара ва махсус кутубхона бўлган. Булардан ташқари, машҳур катта масжид, Шайхулислом мадрасаси, ягона катта куприк — «Пули Тулак» бўлган.

Машҳур тарихчи, темурийларга замондош, Абдураззоқ у вақтларда ҳокимиятни қўлга киритиш учун курашиб юрган Султон Ҳусайн Бойқаро 1461 йили Ҳиротни эгаллаш учун урниб кўрган вақтида шаҳар мудофаага яхши тайёрланганини қўйидагича ҳикоя қилади. Шаҳар шунчалик мустаҳкамланган эдики, уни эгаллаш ҳақидаги фикр ҳаёлга ухшарди. Дарвоза ва миноралар шундай тақсимланган эдики, ҳар бир минора ва дарвозага маҳалла имоми ёки қишлоқ оқсоқоли ва маълум жойларга эса ҳарбий ишни яхши билувчи тажрибали кишилар қўйилган. Деворларнинг устига жанг учун керак бўлган найзалар, ўқлар, гишт каби қуроллар тайёрланиб қўйилган. Дарвозалар тепасида девордан бир-икки газ қочириб сандиқ кўринишидаги уйчалар ўрнатилган. Сандиқ ичига 5—6 жангчи сиғади, унинг деворларида ўқ отиш учун тешикчалар қўйилган. Сандиқлар харига шундай осиб қўйилган эдики, керак бўлса уни силжитиш мумкин эди. Сандиқларнинг тагидаги эшикчалар очиб қаралса, унинг тагида, дарвоза олдида турган одамлар кўринган ва одамлар бошига исталган нарсани ташлаб юбориш ва яна эшикчани беркитиб қўйиш мумкин бўлган³.

² А. М. Беленицкий, Историческая топография Герата XV в., сб. статей «Алишер Навои», под ред. чл.-корр. АН УзССР А. К. Боровкова, стр. 186.

³ Абдураззоқ, л. 326-в.

Исфизорийнинг кўрсатишича, шаҳар атрофи мустаҳкам баланд девор билан уралган бўлиб, деворнинг 149 катта-кичик миноралари бўлган. Атоқли тарихчи Ҳофизи Абрунинг кўрсатишича, деворлар, тупроқ қўргонлар, дарвозалар ва истеҳкомлар мустаҳкамлиги жиҳатдан олдинги ҳукмдорлар вақтидаги қурилишлардан кўп ҳисса афзал бўлган. Шаҳар девори ташқарисида кенг ва чуқур хандоқ бўлиб, унинг устида ташки дунё билан боғланиш учун 5 кўтарма ёки кўчма кўприк — «пули равон» жойлашган. Ҳар бир дарвоза махсус ном билан аталган: Ироқ дарвозаси, Қипчоқ, Хуш, Ферузобод ва Малик. Машҳур Ихтиёриддин арки шаҳарнинг шимоллий деворидан бошланади. Ихтиёриддин қалъаси ҳам қайта қурилади, у олдингисига нисбатан бир оз кенгайтирилади. Илгари Ихтиёриддин қалъаси хом гиштдан, тўғридан-тўғри ерга қурилган бўлса, янгиси сунъий тепаликка тош ва пишиқ гиштдан, ганчдан қилинган лой билан мустаҳкам қилиб қурилган. Қалъанинг икки дарвозаси бўлиб, бири шимолий, иккинчиси жанубий томонда бўлган⁴. Темурийлар давридаги ҳолича сақланиб турган Ҳиротни кўриш шарафига муяссар бўлган Ферриер Ихтиёриддин ҳақида ёзади: «...қалъа тўғри бурчакли бўлиб, бурчакларида катта миноралари бор ва пишиқ гиштдан қурилган. У шаҳар деворидан баланд бўлган сунъий тепаликда туради ва худди ташқи девор каби, катта ва чуқур хандоқ билан қўраб олинган...»⁵. Ҳамма ўрта аср шаҳарлари каби, Ҳирот ҳам уруш вақтларида фақат шаҳарликлар учунгина эмас, атроф қишлоқ аҳолиси учун ҳам бошналик родини уйнаган.

Шимол томонидан Инжил ариғи ўтиб, у шаҳарнинг шу қисмини суғорар эди. Инжил бутун шаҳарнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондира олмагани, шаҳарда ундан бошқа анҳор йўқлиги сабабли, аҳолининг бошқа қисми қудуқ сувидан фойдаланар эди. Инжил буйлаб шаҳарнинг энг яхши бинолари — саройлар, бадавлат кишиларнинг данғиллама уйлари жойлашган. Шаҳар ичидаги кенг, обод ва гўзал «Боғи шаҳар» ҳам шу қисмга жойлашган, унда сарой, марказий бошқармалар, маъмурий бинолар бўлган. 1400 йилда Темурнинг фармони билан «Боғи шаҳар»да Шоҳрух Мирзо учун гўзал сарой барпо этилади.

Шаҳар ичидаги энг машҳур бинолардан бири 1200 йилда қурилган Масжиди жоме бўлиб, у Хуш ва Қипчоқ дарвозалари орасида бўлган. Бу бино 1498 йилда Навоий раҳбарлигида ремонт қилинади ва ниҳоятда жозибадор ва улуғвор қилиб

⁴ Исфизориул, 26-в.

⁵ Ферриер, р. 170.

безатилади. Ҳирот шаҳрини шаҳарга тутатиб кетган обод, серҳосил ерларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Юқори мартабали ва бадавлат кишилар шаҳарда эмас, шаҳардан ташқаридаги мевазор боғларда ҳашаматли уй ва кўшклар қуришни афзал кўрардилар. Шаҳар атрофидаги бундай ерлар 9 қисмга бўлинган бўлиб, улар каналларнинг номи билан аталган: 1) Инжил, 2) Хиёбон, 3) Ғузор, 4) Қумбурон, 5) Сабоқур, 6) Туривону — Бош-тон, 7) Олин-жом, 8) Удвону-Тизон, 9) Турону-Туниён. Аниқса Инжилда, шаҳарга яқинлиги туфайли, аслзодалар яшайдиган жойлар кўп бўлиб, улар бу ерга кўплаб саройлар, бино ва боғ-роғлар қурганлар.

Ҳиротдан ташқарида боғлар, хиёбонлар, кўшк-саройлар қуриш теурийларгача ҳам одат тусига кирган эди. У даврда қурилган боғлардан энг машҳурлари Малик дарвозасидан ташқарида қурилган «Боғи баланд», шаҳарнинг шимолидаги «Боғи зогон», шаҳарнинг шимоли шарқий томонидаги «Боғи сафид» ва бошқалар эди.

Султон Абу Саид Ҳиротдан ғарбда «Боғи Зубайда» қурдилади.

Шаҳар атрофида боғ ва боғ-саройлар барпо этишга теурийлар даврида алоҳида аҳамият берилади. Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқар томонидан «Боғи Мурод»нинг ўрнида қурдирилган «Боғи Жаҳоноро» ўзининг катталиги, ҳашами билан кўзга ташланиб турар эди. Боғ ўртасида баланд ва гузалликда тенги йўқ муҳташам сарой қурилган. Боғдаги энг катта ҳовузлардан бирининг тўрт бурчагида ҳашаматли айвон — кошона қурилган. Боғда мевали ва манзара берувчи дарахтлар, гуллар ажойиб тартиб ва дид билан экилган: «Чаман оро», «Байтул омон», «Остона», «Сафар» каби боғлар ҳам шаҳар атрофини безаган.

Ҳукмдорларгина эмас, йирик мансабдорлар ҳам ҳашаматли боғ-саройлар қурдиладилар. Навоий томонидан ҳам кўпгина боғ-роғлар барпо этилган эди. Улар орасида Сангқашон кўприги яқинида шу номли боғ, «Марғоний ва Шаукон» боғи, Гузаргоҳ деган ерда хушҳаво ва гузаллигида тенги йўқ яна бир боғ бўлган. Шу боғдан шимолроқда «Бобосўхта» «Азизон» ва бошқа боғлар жойлашган.

Вазир Мажиддин «Боғи Назаргоҳ», «Боғи Мухтор», «Боғи Хиёбон» ва яна бошқа бир неча боғ қурдирган.

Шоҳруҳ Мирзо вақтида Ҳиротдан 3 км шимоли шарқий томондаги Гузаргоҳ деган ерда XII асрнинг мистик шоири Ҳўжа Абдулло Ансорий гўри устига ҳашаматли мақбара қурилади. Шу мақбарада марҳумнинг хоки устига султон Абул Қосим Бобур томонидан оқ мармар тошдан қўйилган ёдгор-

лик ҳайкалининг баландлиги 7,5 метрга яқин бўлган. Бу мақбара бизнинг давримизгача сақланган бўлиб, у билан Самарқанддаги «Гур Амир» ўргасида умумийлик бор. Ансорий мақбараси каби унинг яқинида, ўз даврининг машҳур архитектори уста Қавомиддин Шерозий раҳбарлигида қурилган «Катта масжид» ва яна бир неча бинолар Мусалло номи билан маълумдир.

1410—1411 йилларда шаҳар марказида қадимий бозор қайта қурилади: гумбазли Баланд Чорсунинг 4 томони шаҳарнинг турт асосий кучаси билан туташиб кетади, бозор кучалари анча кенгайтирилади ва усти беркитилади, расталарнинг ҳар икки томонида дукон-устахоналар бўлади, Ҳирот шаҳардаги бу машҳур катта бозордан ташқари, ҳар бир шаҳар дарвозаси сиртидан яна бозор бошланиб, Исфизорийнинг курсатишича, деярли бир фарсахга чўзилади. Шаҳар сиртидаги бозорлар ичида энг каттаси Малик дарвозасидан бошланувчи Шимолий бозор эди. Бу бозорда Алишер Навоий томонидан чорсу қурилади. Катта бозорлардан ташқари, шаҳар ичида ва сиртида айрим маҳалла бозорлари — гузарлар бўлган.

1468 йилда Абу Саиднинг вафот этиши тож-тахт учун курашиб юрган султон Ҳусайн Бойқаро (темурийлардан Умаршоҳнинг набираси) галабасини тезлатади. У 1469 йил 24 мартда тантанали вазиятда Ҳирот шаҳрини эгаллайди.

Ҳирот шаҳри султон Ҳусайн Бойқаро ва улўф Алишер Навоийлар вақтида ҳар қачонгидан ҳам обод ва гўзал бўлади. Бу даврда Ҳиротда ва умуман мамлакатда кенг миқёсда олиб борилган ободончилик иши Навоийнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Узоқ вақт давомида давлатда юқори мансабда бўлиши, султон ҳузуринда катта эътиборга эгаллиги унга кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб бориш имконини беради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Навоий у замон архитектурасининг ажойиб ёдгорликлари — саройлар, масжид ва мадрасалар, мақбаралар қуриш билан қаноатланмай, кўплаб ҳаммомлар, касалхоналар, работлар ва шу каби бошқа ижтимоий-фойдали биноларни қурдирди.

Навоий фақат Ҳирот шаҳрининг ўзида 20 га яқин ҳовуз, 9 та катта ҳаммом, 15 кўприк қурдиргани маълум⁶.

Ҳирот шаҳрини обод қилишда Навоийнинг роли мислсиздир. Унинг ташаббуси билан шу шаҳарда қурилган энг машҳур бино Инжил ариғи бўйида бўлиб, бу бинолар шу ердаги «Ихлосия» мадрасаси номи билан «Ихлосия», «Халосия» хонақоҳи номи билан «Халосия» деб аталган. «Халосия» хонақо-

⁶ Я. Ф. Фуломов, Р. Н. Набиев, М. Ф. Ваҳобов, *Ўзбекистон тарихи, бир томлик*, 1958, 204-бет.

ҳиға яқин ерда «Шифоня» номли хонақоҳ бўлиб, у ҳам Навоини томонидан қурилган. Бу ерда беморлар даволанган ва табобатдан дарс берилган.

Шундай қилиб, у замонларда Ҳирот фақат Хуросонда эмас, балки бутун Шарқ, ҳатто Ғарбнинг ҳам қўпгина мамлакатларида машҳур бўлган шаҳар эди. Лекин Ҳирот ҳақида гапирганда, унинг типик ўрта аср шаҳри эканини ҳам унутмаслик лозим. Ҳиротнинг ўзида ва ундан ташқарида саройлар, боғ-саройлар, дангиллама саройсимон уйлар билан бир қаторда тор, қинғир-қиншиқ кучалар, хароба ва ярим хароба маҳаллалар ҳам бор эдики, бу ерларда барча ноз-неъмат ва гузалликларнинг ижодкори — меҳнат аҳли, оддий кишилар зўр машаққат билан ҳаёт кечирарди.

Л. Халилов

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ „ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ“ АСАРИНИНГ ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

«Тарихи мулуки Ажам» афсонавий Эрон подшоҳи Каюмарседан бошлаб Эроннинг араблар истилоси даврида ўлдирилган подшоҳи Явдижурдгача бўлган давр ичида ўтган эрон подшоҳларининг мухтасар тарихидан иборат.

Алишер Навоий ўзининг бу асарини «Хамса»ни тугатгандан сўнг ёзган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди: «Бу «Хамса» шуглидин чун фароғат топибмен, таҳайюлум гети навардин салотин тарихи даштиға чопибмен, чун нома саводи зулматидан «Зубдатут-таворих» асосини тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон сўин била тиргузупмен»¹.

Маълумки, Навоий ўзининг машҳур «Хамса»сипи 1483—1485 йиллар давомида ёзиб тугатган эди. У «Хамса»дек улкан асарни икки йил ичида ёзган экан, «Тарихи анбиё ва ҳукамо». «Тарихи мулуки Ажам» дек кичик ҳажмдаги асарларини ёзиш учун унчалик кўп вақт сарфламаган бўлса керак. Шундай экан, Навоийнинг мазкур тарихий асарлари 1486 йилда, яъни шоир Астрабодга жўнамасдан олдин ёзилгандир. Навоийнинг ўзи «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарини ёзиб тугаллаши биланоқ «Тарихи мулуки Ажам»ни ёзишга киришгани тўғрисида аввалги асарининг охирида шундай дейди:

چون انبيا عليهم السلام تاريخى حكما و عباد سوزى على الاجمال
مذکور بولدى ايمدى عجم ملوكى ذكرى كا شروع قبلى

Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва «Тарихи мулуки Ажам» асарлари алоҳида тарихий асарлар бўлиб, бизга «Тарихи анбиё ва ҳукамо»нинг 5 та. «Тарихи мулуки Ажам»нинг 16 та қўлёзма нусхалари маълум.

¹ Алишер Навоий, Тапланган асарлар, III том, Тошкент, 1948, 192-бет.

Биз ушбу мақолада «Тарихи мулуки Ажам» қўлёзма нусхаларининг қисқача шарҳи билан чегараланамиз.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг қўлёзмалари Иттифоқимизда — Тошкент, Ленинград, Душанбадаги илмий ташкилотларнинг қўлёзма бўлимларида сақланмоқда.

ЎзССР Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида «Тарихи мулуки Ажам»нинг XVIII—XIX асрларда кўчирилган саккизта нусхаси сақланади. Булар қуйидагилардир:

- | | | |
|----|--|---|
| 1. | Инвентарь номери 5411, 1237 = 1821/1822 йилда кўчирилган | |
| 2. | " 1859, 1253 = 1837/1838 | " |
| 3. | " 185, 1267 = 1850/1851 | " |
| 4. | " 4440, 1267 = 1850/1851 | " |
| 5. | " 691, 1270 = 1854 | " |
| 6. | " 35, 1278 = 1856 | " |
| 7. | " 4508, 1274 = 1857/1858 | " |
| 8. | " 7412, 1238 = 1822/1823 | " |

5411 рақамли қўлёзма юққа қўқон қоғозига бадхат настаълиқда кўчирилган. Текст қора сиёҳда, сарлавҳалар ва тиниш белгилари қизил сиёҳда ёзилган. Шеърий парчалар икки стун қилиб ёзилган. Қўлёзманинг 20 *а*, *б*, 31 *б* бетларидаги тушиб қолган айрим сўз ва иборалар ҳошияга ёзиб қўйилган. Асар тексти тўлиқ. Ҳар бир бетда пойғир белгилари қўйилган. Қўлёзма муқоваси қалин картондан ишланган, юзида ўйма нақшлар бор. «Тарихи мулуки Ажам», «Маҳбуб-ул-қулуб» билан бирга муқоваланган бўлиб, қўлёзманинг 1 *б*—65 *а* бетларига жойлашган.

Текст формати 8,5 × 14 см, қўлёзма формати 1,2 × 19,5 см, хат ҳар бир бетда 15 сатр. Қўлёзманинг кўчирилган ери ва котиби кўрсатилмаган. Колофон (63 *а* бет):

تمت سنه ۱۲۳۷

Таммат сана 1237, яъни қўлёзманинг 1821/1822 йилларда кўчирилгани кўрсатилган. Гарчи асар тексти тўлиқ бўлса ҳам, имлода ҳар хилликлар мавжуд.

1859 рақамли қўлёзма Ўрта Осиё қоғозига оддий настаълиқ хатида кўчирилган. Текст қора сиёҳда кўчирилган. Қўлёзма қалин картондан ишланган бўлиб, юзи ҳар хил гуллар (нақшлар) билан безатилган. Қўлёзма муқоваси реставрация қилинган. «Тарихи мулуки Ажам»нинг бу нусхаси

لب تواریخ العمریم جلد مع دو کباله

асари ва астрономия жадвали билан бирга муқоваланган ва 42 варақдан иборат бўлиб, қўлёзманинг 1 *б*—42 *а* бетларига

жойлашган. Текст формати 8,5×18 см, қўлёзма формати 16×27,5 см. Сатрлар сонн 15. Бу нусхада кўп имло чалкашликларига йўл қўйилган. Котиб кўп сўзларни ўзича ўзгартирган. «Тарихи мулуки Ажам»нинг барча тўлиқ нусхалари

... *عجم تاريخى دا فرس سلاتينى نى* деб бошланса, бу нусхада эса *عجم تاريخنده فارس سلاطين نينگ* деб бошланади. Кўри-ниб турибдики, кўчирувчи тушум ва қаратқич келишигини фарқламаган, сўзларни ўзгартган. Шеър мисраларининг ўрни алмаштириб юборилган.

Қўлёзма Мирзо Абдулазиз Бухори *ميرزا عبد العزيز بخارى* қўли билан кучирилган.

Колофон (42а бет): *سنه ۱۲۵۳* Сана 1253.

Демак, асар 1837-1838 йилларда кучирилган.

185 рақамли қўлёзма Қўқоннинг шалди роқ юпқа қоғозига настаълиқ билан кучирилган. Асар тексти қора сиёҳда, сарлавҳалар, подшоҳларнинг номлари, айрим тиниш белгилари қизил сиёҳда ёзилган. Текст формати 21,5×11 см, қўлёзма формати 29×47 см. Қўлёзманинг бир неча ерида бодом шаклида катта ва кичик икки хит муҳр бор. Муҳрларнинг бирида *امير مظفر سيد امير صديق بن سيد امير مظفر ۱۲۶۴* (Амир Музаффар Саид амир Сиддиқ бинни Саид амир Музаффар), иккинчисинда *سيد امير صديق* (Саид амир Сиддиқ) деган ўзувлари бор. Қўлёзмада текестар жадвал ичага олинган. Асар тексти тушук, ҳар бир саҳифа остида нойғир белгилари бор.

„Тарихи мулуки Ажам“нинг бу нусхаси А. Навоийнинг „Хамса“, „Ҳазойин-ул-маоний“, Саид Муҳаммадхўжа бинни Жаъфархўжанинг „Достони амир Темур“, Дурбекнинг „Юсуф Зулайхо“ асари ва *اوتوز نامه* „Ўғузнома“ билан бирга муқоваланган. Муқова қалин картондан ишланган. Муқова бетида нақшлар бор. „Тарихи мулуки Ажам“ ушбу қуллиётнинг 206—326 бетларига жойлашган бўлиб, 13 варақдан иборат. Ҳар бир бетда 13 сатр.

Қўлёзма охирида асар кучирилган йил ва котиб кўрсатилган (326-бет): *محمد صديق اخوند بن محمد صادق ۱۲۶۷* Демак, қўлёзма 1850-1851 йилларда кучирилган. „Тарихи мулуки Ажам“нинг бу нусхаси тўлиқ нусха ҳисобланади.

4440 рақамли қўлёзма Ўрта Осиё қоғозига оддий настаълиқ хати билан кучирилган. Текст қора сиёҳда, сарлавҳа ва киши номлари эса қизил сиёҳда ёзилган. Текст формати

14,5 × 24,5 см, қўлёзма формати 26 × 36,5 см, сатрлар сони 21. Текст сидирга жойлашган, варақларда тушиб қолган айрим сўз ва иборалар ҳошияга ёзиб қўйилган. Ҳар бир бетда пойғир белгилари қўйилган.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг бу нусхаси Навоийнинг бошқа асарлари—«Хамса», «Лисон-ут-тайр» билан бирга қалин картон билан муқоваланган. «Тарихи мулуки Ажам» 291 б—306 б бетларга жойлашган бўлиб, 16 варақдан иборат. Асар тексти тўлиқдир. Лекин котиб кўп сўзларни ўзича ўзгартган, имлода ҳар хилликлар бор. Колофон (306 бет):

نیاز باقی حیرآبادی ولد ملا نوروز بخاری تاریخ ۱۲۶۷
(Ниёз Боқий Ҳайрободини валади мулло Наврўз Бухорий, тарих 1267)

Демак, қўлёзма 1850 1851 йилда Бухорода кўчирилган.

691 рақамли қўлёзма унчалик хушхат булмаган настаълиқда қўқон қоғозига кўчирилган. Текст қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Ҳар бир бетда пойғир белгилари бор. Қўлёзма яхши сақланган, қалин картон билан муқоваланган. Муқовада учта тамға бўлиб, тамғада عمل نور ۱۲۷۵ خواجه صحافی 1275 деган саҳхоф ёзуви бор. Текст формати 7,5X14 см, қўлёзма формати 15,5X27 см, бетда сатрлар сони 15.

«Тарихи мулуки Ажам» Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» асари билан бирга муқоваланган бўлиб, 1—39 бетларга жойлашган. Колофонда (39 бет) қўлёзманинг кўчирилган йили, ой-куни аниқ кўрсатилган бўлса ҳам, котибнинг номи ва кўчирилган ери кўрсатилмаган:

سنه ۱۲۷۵ مينك ايكي يوز ييتميش ايدىكىم عجم پادشاهلارى
نينك سلطنتى نينك تاريخى ذالقعده نينك بيكىرمى تور تيله
تمام ناپتى.

Демак, қўлёзма 1854 йилда кўчирилган.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг тексти тўлиқ бўлса ҳам, имлода ҳар хилликлар учрайди, котиб кўп сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштирган.

35 рақамли қўлёзма Ўрта Осиё қоғозига йирик оддий настаълиқ хати билан кўчирилган. Текст қора сиёҳда, сарлавҳалар ва подшоҳларнинг номлари қизил сиёҳда ёзилган. Асардаги тушиб қолган айрим сўз ва парчалар ҳошияга ёзиб қўйилган. Текст тўлиқ. Ҳар бир саҳифада пойғир белгилари бор. Айрим варақларнинг чети йиртилган ва доғлари бўлса ҳам, текстни ўқишга халал етказмайди. Қитоб қалин картон муқовада. «Тарихи мулуки Ажам»нинг бу нусхаси «Мажолис-ун-

нафоис» билан бирга муқоваланган бўлиб, 1 — 38 бетларга жойлашган. Текст формати 10,5 × 22 см, қўлёзма формати 20 × 31,5 см, ҳар бир бетда 19 сатр. Асарнинг кўчирилган ери ва котиби кўрсатилмаган. Фақат унинг кўчирилган йилигина текст охирида қайд этилган (38 б бет).

مينك ايكي يوز يېتميش اوج ايردى بيل بنى هجرتيدين اوتوب
ايردى بيل سنه ۱۲۸۳

Қўлёзма 1856 йилда кўчирилган.

4508 рақамли қўлёзма юпқа қўқон қоғозига настаълиқ хати билан кўчирилган. Қўлёзма 101 варақдан иборат алоҳида китобдир. Текст формати 7,5 × 14 см, қўлёзма формати 13 × 19,5 см, сатрлар сони 11. Асар тексти бошқа нусхалардаги сингари қора сиёҳ билан, сарлавҳалар ва тиниш белгилари қизил сиёҳ билан битилган. Текст учун жадвал чизилган. Ҳар бир бетда пойғир белгилари бор. Китоб реставрация қилинган, йиртилган бир неча бетлари ямалган. Муқоваси оддий картондан.

Қўлёзманинг кўчирилган ери кўрсатилмаган.

توائى و صف ملك عجم تمام ايتى محمود چابك
قلم سنه ۱۲۷۴

Демак, қўлёзма Маҳмуд деган котиб томонидан 1857—1858 йилларда кўчирилган.

7412 рақамли қўлёзма настаълиқ хатида қалин қўқон қоғозига кўчирилган. Бу қўлёзмада ҳам текст қора сиёҳда, подшоҳларнинг исмлари ва баъзи тиниш белгилари қизил сиёҳ билан ёзилган. Текст формати 14,5 × 30 см, қўлёзма формати 29 × 45,5 см, сатрлар сони 29. Текстлар ҳар бир бетда жадвал ичига олинган. Асар тексти тўлиқ. «Тарихи мулуки Ажам» нинг бу нусхаси «Хамса», «Мажолис-ун-нафоис» асарлари билан бирга муқоваланган.

«Тарихи мулуки Ажам» 17 варақдан иборат бўлиб, тўпламнинг 33 — 49 бетларига жойлашган. Асар охирида колофон йўқ. «Тарихи мулуки Ажам» тугаши билан «Мажолис-ун-нафоис» бошланиб кетади. Унинг охирида (88 бет) колофон бор:

رحيم قلى بن قادر قل حيسارى تاريخ ۱۲۳۸

Демак, қўлёзма 1822/1823 йилларда кўчирилган. Тўпламдаги барча асарлар бир котиб қўли билан кўчирилган. Шунга кўра, «Тарихи мулуки Ажам»ни ҳам шу йилларда кўчирилган деб айтиш мумкин.

Академик В. Зоҳидовнинг шахсий кутубхонасида Алишер Навоий асарларининг XVII асрда кўчирилган қўлйети сақ-

ланади. Куллиётда Навоийнинг 16 асари жамланган. «Тарихи мулуки Ажам» 20 бет (506—525 б). Қўлёзма майда хушхат настаъликда Ўрта Осиё қоғозига кўчирилган. Текст қора сиёҳда ва исмлар ҳам тиниш белгилари, бошқа нусхалардаги сингари, қизил сиёҳ билан ёзилган. Текст формати 19×29 см, қўлёзма формати 20×30 см, сатрлар сони 25. Қўлёзмада ўнг томондаги бетларнинг ўнг, юқори ва қуйи ҳошияларига, чап томондаги бетларнинг чап, юқори ва қуйи томондаги ҳошияларига ҳам текст ёзилган. Қўлёзма муқоваси қалин картондан. Муқованинг қирралари қизил чарм билан қопланган. Унинг ҳар икки юзида ўйма нақшлар бор. Куллиётда ҳар бир асар бошланган бетнинг юқорисидан (1—29—89, 151, 155, 218, 274, 364, 460, 306, 532, 596, 540, 604, 628) бодом шаклидаги кичик муҳр бор. Лекин хира тушганлиги ва суркалиб кетгани учун муҳр ёзувчиларини ўқиб бўлмади. Куллиётнинг икки ерида колофон бор:

1) «Фавоийд-ул-кибар» асари тугагандан сўнг (362 бет):

آيت ييلى محرم الحرام اون آلتى سیده بو تحریر انجامه
۱۰۸۰ یمتی

2. „Мажолис-ун-нафоис“ асари тугагандан сўнг (601—бет):

باهتمام خواجه عبدالرحمان كتابدار در سنه ۱۰۸۷ در يازدهم
شهر ربيع الثاني بر دست فقر عماد عبدالصمد بخاری.

Бундан маълумки, қўлёзма хиж. 1075/1078, мил. 1664/1665—1667/1668 йилларда Абдусамд Бухорий томонидан кўчирилган. Кўчирилган жойи айтилмаган. Куллиёт таркибидаги ҳамма асарлар бир котиб қўли билан кўчирилган бўлгани учун «Тарихи мулуки Ажам» ҳам шу йиллар ичида кўчирилган деб айтиш мумкин. «Тарихи мулуки Ажам»нинг бу нусхаси XVII асрнинг ягона нусхасидир.

СССР Фанлар Академияси Осиё халқлари институти Ленинград бўлимининг қўлёзмалар фондида «Тарихи мулуки Ажам»нинг қуйидаги беш нусхаси сақланади:

- | | | | |
|----|----------------|------------------------------|---------------|
| 1. | Инв. номери E1 | 1219=1804/1805 йилда | кўчирилган. |
| 2. | „ | A247 XVIII – аср охири XIX – | аср бошларида |
| 3. | „ | A109 1234=1818/1819 да | „ |
| 4. | „ | C1281 1264=1847/1848 да | „ |
| 5. | „ | B2460 1278=1861/1862 да | „ |

E1 рақамли қўлёзма Ўрта Осиё қоғозига настаълик хати билан кўчирилган. Асосий текст қора сиёҳда, сарлавҳа ва подшоҳ исмлари қизил сиёҳда кўчирилган. Бу куллиётда Алишер Навоийнинг қуйидаги асарлари жойлашган:

تاريخ „Хамса“, غرائب الصغر „Ғаройиб-ус-сиғар“,
لسان الطير „Тарихи анбиё ва ҳукамо“, انبياء و حكماء
„Лисон-ут - тайр“, تاريخ ملوك عجم „Тарихи мулуки Ажам“,
حالات سعيد حسن اردشير „Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер“,
حالات بهلوان محمد „Ҳолоти паҳлавон Муҳаммад“. „Тарихи
мулуки Ажам“ куллиётнинг 313а 322а бетларида жойлашган.
Ҳар бир бетда 33 йул. Текст формати 17Х31 см, қўлёзма
формати 48,2Х29 см. Куллиёт жигар ранг чарм билан қоп-
ланган картон муқовада.

Қўлёзма 1219=1804/1805 йилда кўчирилган. Котиб عوض
بيردى تيلو محمد اوغلى بيش آريقى

«Тарихи мулуки Ажам» тексти тўлиқ эмас. Асар охирида
Ҳусайн Бойқарога бағишланган маснавий 100 мисра ўрнига
72 мисрадир. Имлода чалкашликлар бор.

A247 рақамли қўлёзма Урта Осиё қоғозига настаълиқ ха-
ти билан қора сиёҳда кўчирилган. Сарлавҳа ва подшоҳлар-
нинг номлари қизил сиёҳда ёзилган. Текст ичида учраган
шеърий мисралар орасига қизил сиёҳ билан ; белгиси қў-
йилган. Текст формати 6,5×13,5 см, қўлёзма формати 12×
18 см, ҳар бир бетда 13 сатр. Қўлёзманинг 1^а—5^а бетларида
бошқа қўл билан тожикча шеърлар ёзилган. Қўлёзма бадхат.
Бир неча саҳифаларнинг ҳошияларига Саъдий, Жомий, Шам-
си Табризий, Роқимнинг тожикча шеърлари ёзилган. Асарнинг
кўчирилган ери, котиби, вақти кўрсатилмаган. Колофон йўқ.
Фақат хат услуби ва қоғозига кўра қўлёзма XVIII аср охири
ёки XIX аср бошларида Урта Осиёда кўчирилган деб айтиш
мумкин.

Китоб муқоваси устида ўйма нақш бор. Нақш ичига
عمل ملا برت صحاف (амали Мулла Барат саҳҳоф) деб ёзил-
ган. Қўлёзманинг бир неча бетлари заҳда турганлиги сабабли
зарарланган. Асар тексти тўлиқ эмас. Асар охиридаги мас-
навий барча тўлиқ нусхаларда 100 мисрадан иборат. Бу
нусхада эса 72 мисрадир.

A109 рақамли қўлёзма Урта Осиё қоғозига настаълиқ
хати билан қора сиёҳда кўчирилган. Сарлавҳалар, подшоҳ-
ларнинг исмлари қизил сиёҳ билан ёзилган. Шеърий мисралар
орасига қизил сиёҳ билан ; белгиси қўйилган.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг бу нусхаси Лутфий девони
билан бирга муқоваланган бўлиб, 60 бетга (88 бетдан 147^б
бетгача) жойлашган. Текст формати 14×6,5 см, қўлёзма
формати 17×11, сатрлар сони 15.

Қўлёзма охирида Бедил, Зебинисо ва Акмалнинг бир неча ғазаллари ёзилган.

Колофон: (1476 бет)

شور ذی الحجہ نینک توقور سیدا سہ شہنبہ کوئی بول نسخہ شریف
اتمامیغہ یتى و السلام سنہ ۱۲۳۴

Демак, бу нусха 1234 (1818/1819) йилларда кўчирилган. Лекин қўлёзманинг ҳеч қаерида кўчирилган жойи ва котибнинг исми кўрсатилмаган.

Гарчи бу қўлёзма тексти тўлиқ бўлса ҳам нуқсонлидир. Котиб ўзича кўп сўзларни синонимлари билан алмаштирган ва баъзи сўзлар тушиб қолган.

С1281 рақамли қўлёзма Ўрта Осиё қоғозига настаълиқ хати билан қора сиёҳда кўчирилган. Текст қизил ва ҳаво ранг сиёҳ билан чизилган рамка ичига олинган. Подшоҳларнинг, табақаларнинг номлари қизил сиёҳ билан ёзилган.

Текст формати 7×14 см, қўлёзма формати 14×28 см, сатрлар сони 13.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг бу нусхаси Ҳотифийнинг форсча «Лайли ва Мажнун» достони билан бирга муқоваланган. Муқоваси қалин картондан ва тўрт қирраси чарм билан қопланган.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг бу тексти тўлиқ эмас, деярли ярми тушиб қолган.

Текст:

معجزه مى پر گارسينز دايره و قلم جدول سينز مستقيم خط اظهار
قىلدى деган жойдан бошланади, яъни шу ергача бўлган қисми йўқ. Колофон (30a бет):

فقير حقير رحيم نياز شكسته قلم امدادى بيله رقم قىلدى
اميد اولكيم اكر خطايى منظور بولسه تصحيح قىلگاي لار و الله
اعلم سنہ ۱۲۶۴

Демак, қўлёзма Раҳим Ниёз деган котиб томонидан 1264 (1847/1848) йилда кўчирилган.

В2460 рақамли қўлёзма қора сиёҳ билан қўпол ва бадхат настаълиқда маҳаллий қоғозга кўчирилган. Подшоҳлар, табақаларнинг номлари қизилда ёзилган. Маснавий мисралари қизил сиёҳ билан қилинган. . . белги билан ажратиб қўйилган.

Текст формати $8,5 \times 15$ см, қўлёзма формати 20×13 см.

Ҳар бир бетда сатрлар сони 11.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг бу нусхаси алоҳида китоб бўлиб, муқоваси қалин картондан ва муқова қирралари чарм билан қопланган. Муқова устига нақшлар ишланган. Асар

тексти тўлиқ. Қўлёзма охирида котиб томонидан 18 мисра тожикча шеър илова қилинган, сўнг котиблар одатича

هر که خواند دعا طمع دارم
ز آنکه من بنده کنه کارم

байти келтирилган.

Ушбу қўлёзмани батафсил ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, жуда кўп ўринларда ўрин-пайт келишиги жўналиш билан, қаратқич келишиги тушум билан алмаштирилган. Котиб кўп сўзларни бошқа сўзларга — унинг Бухоро шеvasи учун тушунарли бўлган синонимлари билан алмаштирган, ўзича айрим сўз ва иборалар орттирган, айрим жумлаларни тушириб қолдирган. Колофон (108 бет):

این رقم فقیر حقیر خاکسار بیچاره سید اکرم خواجه سال
دویم پادشا شدن سید امیر مظفرخان

Мазмуни: Бу (китоб) Саид амир Музаффархон подшоҳлигининг иккинчи йили фақир ва камтарин Саид Акрамхўжа томонидан кўчирилган.

Бундан маълум бўлишича, қўлёзма 1278 (1861/1862) йилларда кўчирилган.

Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат халқ кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида Алишер Навоий асарларининг 558 инвентарь рақамли қўлліёти сақланади. Қўлліётда шоирнинг 18 асари жамланган бўлиб, «Тарихи мулуки Ажам» 31 бет (639 — 654) дан иборат. Қўлёзма қора сиёҳ билан йирик настаълиқда қалин сарғиш қоғозга кўчирилган ва қалин қора чарм билан муқоваланган. Муқовада зарҳал билан ов манзараси нақши ишланган.

Текст формати 13×26 см, қўлёзма формати 24×35,5 см, сатрлар сони 25. Қўлліётнинг 325 бетида Колофон бўлиб, унда Озарбайжоннинг Қизил оғоч деган жойида Фарҳодхон Карамонийнинг кутубхонаси учун котиб Назар Али Файзий томонидан кўчирилгани қайд этилган. Қўлёзманинг 694 бетида иккинчи колофон бўлиб, унда қўлёзманинг 1001/1004-1592/1593—1595/1596 йилларда кўчирилганлиги айtilган. Қўлліётнинг биринчи бетида 1017=1608/1609 йилларда шоҳ Аббос Сафавий бу китобни шоҳ Сафо мақбараси учун вақф қилгани кўрсатилган.

Алишер Навоийнинг ушбу қўлліёти таркибидаги «Тарихи мулуки Ажам» асари унинг ҳозирги кунда маълум бўлган барча нусхаларидан тўлиғи, саводли кўчирилгани ва энг қадимий нусхаси бўлиши билан қимматлидир.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг яна бир нусхаси Тожикистон ССР Фанлар Академияси шарқ қўлёзмалари бўлимида 1264

инвентарь рақами билан сақланмоқда. Бу қўлёзма 123 бетдан иборат алоҳида китобдир. Муқоваси қалин картондан. Муқова устига ранг-баранг нақшлар солинган. Текст қора сиёҳ билан кўчирилган, кўк ва зарҳал билан чизилган рамка ичига олинган. Қўлёзма йирник бухоро настаълиғида кўкон қоғозига кўчирилган. Қўлёзма охирида унинг 1274=1857 йилда кўчирилгани айтилган, лекин қаерда кўчирилгани ва қотиби қайд этилмаган. Аммо настаълиқ хатининг услуби, қаратқич келишинини тушум билан алмаштириб қўллаш каби белгилари унинг Бухорода кўчирилганини кўрсатади.

Асар тексти тулиқ ва яхши сақланган. Бу қўлёзма Тожикистон ССР Фанлар Академияси қўлёзмалар каталогига тавсиф этилган².

² Каталог восточных рукописей Академии наук Таджикской ССР, том I, Сталинабад, 1960, стр. 140—141.

Л. Халилов

„ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ“НИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ ТЕКСТИНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПИ ВА ТЕКСТ ТАНҚИДИ

Биз «Тарихи мулуки Ажам»нинг илмий-танқидий текстини тузишда Алишер Навоий асарларининг танқидий текстини тайёрлаган текстолог олимларнинг иш тажрибаларига суяндик. Даставвал, Иттифоқимиз фондларида сақланаётган «Тарихи мулуки Ажам» асарининг 16 нусхасини синчиқлаб ўрганиб чиқиб, илмий-танқидий текст тузиш учун танлаган қўлёзмаларни уч гуруҳга ажратдик.

Биринчи гуруҳга «Тарихи мулуки Ажам»нинг Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида 558 инвентарь рақами билан сақланаётган қўллик таркибидаги 1001/1004—1592/1593—1595/1596 йилларда кўчирилган нусхасини киритдик. Бу нусхани, текстининг тўлиқлиги ва қадимий бўлганлиги туфайли, танқидий текст тузишда таянч нусха сифатида қабул қилдик. (Шартли белгиси «А»).

Иккинчи гуруҳ қўлёзмалар турли асрга оид энг муътабар, яхши сақланган ва тексти тўлиқ бўлган нусхалардир. Буларни танқидий текст тузиш учун асосий нусхалар сифатида қабул қилдик. Бу гуруҳга қуйидагиларни киритдик:

1) «Тарихи мулуки Ажам»нинг XVIII асрда кўчирилган нусхасини; бу қўлёзма академик В. Зоҳидовнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган қўллик таркибидадир. (Шартли белгиси «Б»).

2) ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 185 инвентарь рақами билан сақланаётган 1850 йилда кўчирилган қўлёзmani; бу қўлёзма тексти ҳам тўлиқ ва яхши сақланган қўлёзмалардандир. (Шартли белгиси «В»).

3) «Тарихи мулуки Ажам» 1841 йилда Парижда француз шарқшуноси Катрмер томонидан Алишер Навоийнинг «Муҳо-

камат-ул-луғатайн» асари билан биргаликда михбосма усулида нашр қилинган. Текшириш шуни кўрсатадики, ношир «Тарихи мулуки Ажам»ни нашр қилишда унинг энг қадимги мўътабар нусхасидан фойдаланган, чунки Париж нашрининг барча хусусиятлари — текстнинг тўлиқлиги, график хусусиятлари «Тарихи мулуки Ажам»нинг биз таянч нусха сифатида қабул қилган Ленинград қўлёзмасига яқиндир. (Шартли белгиси «Г»).

Учинчи гуруҳга бошқа нусхаларининг ҳаммаси киритилди.

Биз илмий-танқидий текст тузишда таянч ва асосий қўлёзма нусхаларда бўлмаган ёки мавҳум кўринган баъзи ўринларни унча мўътабар бўлмаган сўнгги аср қўлёзмалари ёрдамида ҳал қилдик. Онда-сонда мурожаат қилинадиган бу хил қўлёзмаларни контроль нусхалар деб атадик.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг танқидий текстини тузишда дастлаб, текстни «А» нусхаси тартиби билан эски ўзбек ёзувида мукаммал кўчириб чиқдик. Сўнг таянч нусхада бўлмаган айрим сўз ва алоҳида парчаларни асосий нусхалардан олиб тўлдирдик, таянч нусхага нисбатан асосий нусхаларда бўлган фарқларни танқидий текст саҳифаси остида кўрсатиб бордик.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг танқидий текстини тузишда, таянч қўлёзма нусхаси билан асосий нусхалар тексти орасида бўлган барча график фарқларни танқидий текст аппаратида кўрсатишни лозим топмадик. Қўлёзма котиблари томонидан ғайри ихтиёрий равишда қилинган механик хатоларни ҳам кўрсатиш танқидий текст аппаратини мураккаблаштириб юборади. Шунинг назарда тутиб, таянч ва асосий нусхаларда учраган фарқларни икки категорияга ажратдик:

а) маънога ва орфографияга доир фарқлар;

б) бир сўзнинг турлича ёзилиши ва механик суратда хато ёзилган сўзларга доир фарқлар.

Танқидий текст аппаратида кўрсатиш зарур бўлган фарқлар асосан қуйидагилардир:

1. «А» қўлёзмасида тушиб қолган бўлиб, асосий қўлёзмалардан олиб тўлдирилган фарқлар.

Масалан: „А“ қўлёзмасида *كيشى* сўзи тушиб қолган бўлиб, (бет 4, фарқ 28) танқидий текстда БВГ нусхаларидан олиб тўлдирдик, шунингдек „А“да тушиб қолган сўз ва жумлаларни асосий нусхалардан олиб тўлдирдик. Агар улар асосий нусхаларда бир-биридан фарқли бўлса, буни танқидий текст аппаратида кўрсатдик:

قتل قيلماعاى داعى رعايت قيلماعاى

жумласи (бет 26, фарқ 15) „А“да тушиб қолган бўлиб,

Б да قتل قيلمائى داغى قيلمائى

В да قتل قيلمائى و رعائت قيلمائى

Г да قتل قيلمائى داغى رعائت قيلمائى

шаклларида берилган. Биз танқидий текст тузишда Г нусхаси вариантини маъқул кўрдик. Танқидий текстдаги асосий нусхалардан олиб тўлдирилган айрим сўз ва жумлалар катта қавс ичига олиб кўйилди.

2. Таянч қўлёзма нусхаси билан асосий нусхалар текстида кўп учрайдиган фарқлардан бири уюшиқ бўлақларнинг ўрин алмашганлиги ҳодисасидир.

Масалан: „А“ қўлёмасида учраган يحيى و ذكرىا، بر و بحرین، عراق و خراسانى، تحمل و مكنتى، افلاك و انجم каби уюшиқ бўлақлар сўнгги аср қўлёмалари бўлган БВГ қўлёмаларида ذكرىا و يحيى، بحر و برين، خراسان و عراقى، مكنت و تحملنى، انجم و افلاك тартибда берилган. Уюшиқ бўлақларнинг ўрин алмашиши гапнинг мазмунига путур етказмайди. Шунинг учун танқидий текст тузишда «А» қўлёмасидаги вариантларни ўзинча қолдирдик.

Шуни айтиш керакки, шеърин парчаларда айрим сўзларни бошқа вариантлари билан алмаштириш ёки уюшиқ бўлақларнинг ўринларини алмаштириб қўллаш, гарчи мазмунга таъсир қилмаса ҳам, шеър вазнининг бузилишига сабаб бўлади.

Масалан: جو كاوس منسد اوزه تاپتى زيب

(б. 15, ф. 6, 7) نيچه كون انكا چرخ بىردى فريب

шеърин парчасидаги كياوس сўзи В қўлёмасида كياوس тарзида, چرخ انكا бирикмаси ВГ қўлёмаларида چرخ انكا тарзида берилиши билан шеър вазни бузилган. كاوس сўзи كياوس сўзининг қисқа шакли бўлиб, вазн талаби билангина унинг қисқа шакли ишлатилган. Шу ўринда бу сўзнинг тўлиқ шаклини ишлатиш, шубҳасиз, шеър вазнини бузади. Текст тузишда А, Б қўлёмаларидаги вариантни қабул қилдик.

3. Таянч нусхада ва бошқа—асосий қўлёмаларнинг кўпчилигида қўлланган жуда кўп арабча, форсча сўзларни В қўлёмасининг кучирувчиси ўзбошимчалик билан кенг истеъмолда бўлган сўзлар билан алмаштирган, яъни «Тарихи мулуки Ажам» тилини замонавийлаштириш (модернизация)га

ҳаракат қилган. АВГ қўлёмаларида ишлатилган *اعداديدا،* каби арабча сўзлар ўрнига *مدتی، منزل، جمع، عظیم، سهوغة،* сингари кенг қўлланадиган сўзлар ишлатган. Бундай қилиш, зоҳиран прогрессив ҳаракат кўринса ҳам, аслида асл қўлёма текстини бузиш ҳисобланади. Қотиб мазкур арабча сўзларни тожикча-ўзбекча муносиб эквивалентлари билан тўғри алмаштирган.

Биз танқидий текст тузишда А Б Г қўлёмаларидаги вариантни қабул қилдик, мазкур фарқлар танқидий текст аппаратида акс эттирилди.

Лекин таянч ва БГ қўлёмаларидаги сўзларни В қўлёмасининг қотиби замонавийлаштироқчи бўлиб, *خطارایی* ўрнига *ضرر* ўрнига *ضرورت* 'адамларде' ўрнига *ایردم لارده* 'خودرای' ўрнига *نیجه قاتلا* 'نیجهسی بیرله' ўрнига *نیجه قاتلا* мазкур сўзларнинг эквивалентлари бўлмай, текст мазмунининг бузилишига сабаб бўлган.

4. „А“ қўлёмасида ҳар доим *بیله* шаклида ишлатилган кўмакчи В да *بیرله* тарзида ишлатилган. Бошқа асосий қўлёмаларда ҳам А нусхасидагидек қўлланилган. Бунда гарчи текст мазмунига зарар етмаса ҳам, таянч нусхадаги вариантни маъқул кўрдик.

5. Келишикларнинг ўрин алмаштириб қўлланиши:

а) Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» ва бошқа шеърӣ ва насрий асарларидан равшандирки, Навоий ҳеч қачон келишик қўшимчаларининг ўрнини алмаштирмаган. У ҳар бир келишикнинг вазифаси ва грамматик хусусиятларини жуда яхши билган. Яъни Алишер Навоий қаратқич келишиги билан тушум келишигини, ўрин-пайт келишиги билан жуналиш келишигини фарқлаган ва доим бунга амал қилган. «Тарихи мулуки Ажам»нинг сўнги асрларда кўчирилган нусхаларида қаратқич келишигини тушум келишиги билан, ўрин-пайт келишигини жуналиш келишигига алмаштириб қўлланилган. Маълумки, ўзбек тилининг Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийсининг тожик халқлари билан яқиндан алоқада бўлган шеваларида ўрин-пайт келишиги билан жуналиш келишигини алмаштириб қўллаш учрайди. Ҳиротда кўчирилган В қўлёмасида ҳам шу хусусиятни кўраимиз. Қотиб «Тарихи мулуки Ажам»ни кўчиришда ўз шеvasи хусусиятларини ҳисобга олиб худди шундай қилган.

Барча нусхалардаги *نودرنى، آنى، كانلارنى، دينىن، آفراسياب* каби тушум келишиги формасида турган сўзлар В қўл-
ёзмасида *نودرنىنك، آنىنك، كانلارنىنك، دينىنىنك* шаклида
ўзгартирилган. Бу ҳодиса тасодифий бўлмасдан, балки В
қўлёзмасининг котиби шеvasининг хусусиятидир.

б) Худди юқоридаги сингари таянч нусхамизда ва бошқа
асосий қўлёзмаларда *كـمالدا، قسطنطنيهدا، نسبتيدا، فعلىدا*. сингари урин-пайт келишигидаги сузларни В қўлёзма-
сининг котиби *كـمالعه، قسطنطنيهعه، نسبتىعه، فعلىعه، دماغىعه* тарзида узбошимчалик билан ўзгартган. Буни ҳам юқори-
даги сабаб билан изоҳлаш мумкин.

Биз танқидий текст тузишда АБГ нусхаларидаги вариант-
ларни маъқул ҳисобладик ва юқорида кўрсатилган каби бар-
ча келишик формаларидаги фарқларни танқидий текст аппа-
ратида кўрсатдик. Шу билан бирга қайси қўлёзмадаги ва-
риант хато эканлиги ҳам қайд этиб борилди.

ТАНҚИДИЙ ТЕКСТ АППАРАТИДА АКС ЭТТИРИЛМАГАН ФАРҚЛАР

1. Эски ўзбек тилининг ишланган, маълум бир тартибга
солинган, ҳамма учун умумий бўлган орфография қондаси
бўлмагани учун адабий ёдгорликларимизда бир сўзнинг турли
шаклда ёзилганлигини кўрамиз.

Масалан: „Тарихи мулуки Ажам“нинг турли асрларда кў-
чирилган қўлёзма нусхаларида кесимлик қўшимчаси „дир“
تور، تور шаклида ишлатилган.

Таянч нусхамизда *قىلىپ تورلار* шаклида берилган гап-
нинг кесими бошқа асосий нусхаларимизда *قىلىپ دورلار*
шаклида берилган.

Шунингдек, абстракт от ясовчи аффикс „лик“ А, Б қўл-
ёзмаларида *بادشاهلىق — لىق* ВГ нусхаларида *لىق — بادشاهلىق*
шаклларида ишлатилганки, мазкур аффикслар бир аффикс-
нинг турли фонетик вариантларидир. Танқидий текст тузиш-
да таянч нусхамиздаги вариантни қолдиришни лозим кўриб,
бу фарқларни танқидий текст аппаратида қайд этмадик.

2. а) А, Б нусхаларида *ب* б, *پ* п ҳарфлари фарқ этил-
май, ҳар икковининг урнида ҳам *ب* ёзилган. Лекин уқили-

шида сузнинг контекстадаги мазмунига қараб урнида „п“, урнида „б“ талаффуз этилади. Бу график фарқ танқидий текст аппаратида кўрсатилмади.

б) А, Б нусхаларида ج ҳарфи ҳам ج, ҳам ج урнида ишлатилган ҳамда контекстадаги сўз мазмунига кўра „ч“ ёки „ж“ уқилган.

Масалан: А, Б да ضحاک زمانیغچه

В, Г да ضحاک زمانیغچه

шунингдек, هوشنک نینک جون ولی عهدی ایردی

هوشنک نینک جون ولی عهدی ایردی

шаклида ёзилган.

Биз танқидий текст тузишда ВГ нусхаларидан фойдаланиб, мазкур ҳар икки товуш учун алоҳида ҳарфларни ишлатиб, қўлёзмалардаги бу фарқларни аппаратда қайд этмадик.

в) Юқоридаги айтганимиздек, эски ўзбек тилидаги турғун орфография қоидаси булмагани учун текст тузишда фойдаланган нусхаларимизда жуналиш келишиги қўшимчаси غا, قا, قه, عه шаклларида, урин-пайт келишиги қўшимчаси دا, ده, пайт равишдоши ясовчи қўшимча غچه, عچه шаклларида, шарт феъли ясовчи қўшимча سه, سا шаклларида учрайди. Бу қўшимчаларнинг бир тури маълум бир қўлёзма учун хос булмай, бир қўлёзманинг узида бир хил қўшимчанинг турли график шакллари ишлатилган. Танқидий текст тузишда ҳамма вақт А қўлёзмасидаги вариантни қабул қилдик ва мазкур график фарқларни қайд этмадик.

г) Қўлёзмалардаги котиблар томонидан ҳарфларнинг ост ва устларига қўйиладиган нуқталар онгли равишда тушириб қолдирилган ҳолатлар учрайди.

Масалан: А қўлёзмасида

الاراون بىر كىشى دورلار كىم سلطنت قىلىپ تورلار

шаклида ёзилган бўлиб, биз ўзимиз тузган танқидий текстда

الاراون بىر كىشى دورلار كىم سلطنت قىلىپ تورلار

шаклида кўчириб, тушириб қолдирилган нуқталарни мукамал тиклаб чиқдик. Нуқталарнинг тушириб қолдирилишини нуқсон ҳисобига киритмадик ва танқидий текст аппаратида фарқлар сифатида кўрсатмадик.

3. الم عليه السلام бирикмаси таянч нусхамизда ҳар доим الم عليه шаклида қисқартиб ёзилган. Биз танқидий текстда таянч нусхадаги вариантни қолдирдик ва буни фарқ сифатида қайд қилмадик.

ТАНҚИДИЙ ТЕКСТ ТУЗИШДА ИШЛАТИЛГАН БЕЛГИЛАР

1. Илмий-танқидий текстимиздаги бирор сўз асосий нусхамизда бошқа сўз билан алмаштирилган бўлса, бу ҳолда танқидий текстимиздаги мазкур сўз тепасига номер қўйдик ва саҳифа остида шу сўз қайси асосий нусхамизда қандай сўз билан алмашганлигини кўрсатдик.

Масалан, танқидий текстимиздаги *انينك* сўзи урнида В, Г нусхаларида *انى* шаклида келган. Бу ҳолда текстда ¹²*انينك* саҳифа остида 12 БГ *انى* шаклида кўрсатдик (бет 1, фарқ 12). Шунингдек, текстдаги *كاهى* сўзи урнида В қўлёзмасида *كاه كاه* келган бўлса, текстда ³⁹*كاهى* саҳифа остида 39 В *كاه كاه* усулида кўрсатдик. (бет 1, фарқ 39). Ёки текстдаги *شعر* сўзи асосий қўлёзмаларда шу сўзнинг синонимлари билан алмаштирилган бўлса, текстда ²⁶*شعر* саҳифа остида 26 В *مثنوى نظم* Г тартибида қайд этдик (бет 12, фарқ 26).

2. Текстимиздаги бутун бир жумла ёки суз бирикмаси қўлёзмаларда бошқа жумла ва суз бирикмаси билан алмашган бўлса, бу ҳолда текстда жумла бошланадиган сўзнинг олдига — унғ томонига кичкина юлдузча („*“) белгиси қўйиб, жумла тугалланган сўз охирига навбатдаги фарқ номерини қўйдик. Масалан, текстдаги *حجازغه ساكن بولدى* жумласи В қўлёзмасида *حجازغه سكون ايتى* тарзида ўзгартиб берилган. Бу ҳолда текстда ²⁹*حجازدا ساكن بولدى** саҳифа остида эса, 29* В *حجازغه سكون ايتى* тартибида берилди. (бет 5, фарқ 29).

Яна текстдаги *كوشه توتنى* жумласи В қўлёзмасида *عزالت اختيار ايتى* тарзида берилган. Буни ҳам текстда ^{19*}*عزالت اختيار ايتنى** саҳифа остида 19* В *عزالت اختيار ايتنى* шаклида қайд қилдик (бет 21, фарқ 19).

3. Танқидий текстдаги айрим уюшиқ бўлақлар асосий нусхамизда урин алмашган ҳолда учрайди. Масалан, текстдаги *عراق و حراساننى* бирикмаси В В Г қўлёзмаларида *عراقنى و حراسان* тартибида берилган. Буни ҳам, юқоридаги сингари, текстда бирикма бошига юлдузча, бирикма охирига навбатдаги номерни қўйиб, саҳифа остида қайси қўлёзмада қандай тартибда берилганлигини кўрсатдик. Масалан, текстда

حراسان 2* Б В Г остида булса * عراق و حراسانى²² حراساننى²³ و عراقنى²⁴ берилди.

4. Агар танқидий текстдаги катта бир жумла ёки текст бўлаги асосий қўлёзма нусхаларидан бирида тушиб қолган бўлса, таркибдаги айрим сўз бирикмалари бошқа асосий қўлёзмаларда фарқли берилган бўлса, шу бўлак бошланадиган жойга бир юлдузча белгиси, жумла ичидаги фарқли сўз бирикмаси бошланишига иккита юлдузча белгиси ва охирига навбатдаги номер, иккинчи фарқли сўз бирикмаси олдига учта юлдузча шакли, бирикма охирига яна навбатдаги номер. ниҳоят, текст бўлаги охирига навбатдаги номер қўйилади.

Масалан, текстдаги

هر كيم نينك بر سيموار كيشىسى بار ايرسه ايردى انينك
صورتين ياساب انينك بيله خرسند بولور ايردى تاپت
پرستليق قه منجر بولدى.

бўлаги Б қўлёзмасида тушиб қолган.

Бу бўлак таркибидаги бир аирсе биримлари бирикмалари бошқа қўлёзмаларда фарқли берилган. Буни биз танқидий текстда шундай кўрсатдик:

*هر كيم نينك بر سيموار كيشىسى ** بار ايرسه²² ايردى
انينك صورتين²³ ياساب انينك بيله²⁴ خرسند *** بولور
ايردى²⁵ تاپت پرستليق قه منجر بولدى¹ (бет 3, ф. 22**, 23, 24,
25***, бет 4. ф. 1*)

танқидий текст саҳифаси остида:

ايردىلار 25*** Г, بيرله 24 В, صورتينى 23 В, بولسه 22** В,
1* Б туш. тартибда қайд этдик.

5. а) Қўлёзмаларда тушиб қолган сўз ва жумлалар „туш“. қисқартмаси билан кўрсатилди. Масалан, اول وهمدين اول олмоши жумласидаги اول طفلنى بير قيمتى نيماكا چيرماб... ши Б қўлёзмасида тушиб қолган, бунда биз тушган сўз охирига фарқ номери 21 ни қўйиб, танқидий текст саҳифаси остида 21 Б „туш“ деб кўрсатдик. (бет 27, фарқ 21).

Худди шунга ўхшаш тушиб қолган жумла ва сўз бирикмалари бошланишига юлдузча белгиси билан ва кетига фарқ номери қўйилиб танқидий текст саҳифаси остида шу парчанинг қайси қўлёзмада тушиб қолганлиги кўрсатилди.

Масалан, танқидий текстдаги

*ينه بولدى كىخسرو پاك راي
چيان كشور و ملكيدا كخدای

وليکن بو زال اشتمل ایلادی
جهاندين داغی انی گمه ایلادی¹

шеъри Б қўлэмасида тушиб қолган. Бунда шеър бошланган жойга юлдузча белгиси, шеър охирига фарқи номерини қўйиб, саҳифа остида 1* Б туш. деб кўрсатдик (бет 17, ф. 1*).

б) Қўлэмаларда орттирилган айрим сўз ва жумлалар „орт“ қисқартмаси орқали кўрсатилди. Масалан, بهرام اوستيكا كيليپ²⁴ اوروشتي. اوروشتي كيليپ خاقان قاشيغه باردى. اوروشتي كيليپ سوزيدان سۇنگ В қўлэмасида сўзи келтирилган. Бунда биз كيليپ سوزي охирига фарқ номерини қўйиб, танқидий текст саҳифаси остида 24 В орт. деб кўрсатдик. (бет 70, фарқ 24).

* *
*

Шундай қилиб, Алишер Навойнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг Иттифоқимиз фондларида маълум бўлган барча қўлэзма нусхаларини мукамал урганиб чиқдик ва шу асосда мазкур асарнинг муаллиф қўлэмасига яқин бўлган мукамал вариантини — илмий-танқидий текстини тузиб чиқишга муваффақ бўлдик.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг турли асрларда кўчирилган нусхаларининг ўзига хос орфографик хусусиятлари бор, яъни бир сўзнинг ўзи турли қўлэмаларда турлича ёзилган. Танқидий текст тузишда барча қўлэмалар орфографик хусусиятларини ҳисобга олиш, албатта, мумкин эмас.

Шунинг учун шу қўлэмалардан бирининг орфографиясини қабул қилишга тўғри келди. Биз энг тўлиқ, қадимий ва мўтабар қўлэзма ҳисобланган А нусхасининг орфографиясини маъқул кўрдик ва буни асосга олиб бошқа қўлэмалардаги фарқларни кўрсатиб ўтдик.

هرمز بن انوشیروان آناسی وصینی بیله تخنقه اولتوردی بعضی انی* ظالم و جابر¹ دیب تور² اما بعضی عدل³ و انصافه نسبت بیریب تور⁴ هر تقدیر بیله سیاستی غالب و انتقامی شدید کیشی ایردی اگرچه اول⁵ انوشیروان قواعد و رسومین⁶ مرعی توتتی اما از کناغه کوپ سیاست قیلور جهتی دین ایل آندین منوهم بولدی لار و موجب تنفر بولدی* چون ایلدین تنفر معلوم قیلدی⁷ اول جهت دین کیم⁸ طبیعیدا انتقام و سیاست صفتی غالب ایردی رعایهغه خراجی⁹ آرتوردی و سپاهیغه جزوی جریمه اوچون قتلنی لازم توتتی چون ایل بیر یولی بومید بولدی لار اطراف دین¹⁰ دشمن لار ملکی طمعیهغه یوز قویدیلار روم دین قیصر¹¹ و عرب دین عبّاس الاحوال¹² و مغرب دین عمر و الازرق و ترکستان دین خاقان چین بورونغی اوچاونی تحفه و هدایا بیله استرضا قیلیب قایتاردی¹³ اما بهرام چوبینه کیم عجم ملوکی دین ایردی سپهسالار قیلیب [خراسانغه]¹⁴ *خاقان چین باشیغه¹⁵ بیباردی بهرام خاقان بیله اوروشوب خاقان و اوغلی بهرام ایلکیدا قتلغه ییتنی لار¹⁶ خاقان¹⁷ چیریکنی دین بهرامغه* غنیمت و اولجه¹⁸ حدین ناشقاری توشوب ایردی بعضینی کیم سلاطینغه لایق بولغای هرمز خدمتیغه بیباردی¹⁹ *و کوپ تحسین و احسان²⁰ طمع توتتی هرمزغه بدکوی لار مونداق ییتکور دیلار کیم بهرام آسر و کوپ غنیمت آلیب تور داغی سنکا از نیمه بیباریب تور²¹ هرمز جهت سیز* بد فعل لیغی²² جهتی دین²³ و مال حرصی دین* بهرام نینک ایشین²⁴ بسند قیلمای مشهور

عدالت B 3 دیب تور لار BВГ 2 جابر و ظالم B 1 ظالم 1*

B 7* Б туш. В رسومینی BВГ 6 اول لار BВГ 5 بیریب تور لار BВГ 4 اطرافیدین BВ 10 خراج 9B 8Г туш. 9 چون ایل تنفرینی بیلدی BВ орт. 11 خاقان چین اوستیغه B орт. 12 B 13 B орт. 14 خراسانده A BВГ 15* خراسانغه BВГ 16 BВГ туш. 17 BВГ 18* BВ 18* BВ 19 BВ 20* بیباریب BВ 21 BВ 22* BВ 23* BВ 24* BВ 24* بد بهرامنی ایشینی B

Ҳ. Ҳомидов

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ФИРДАВСИЙ ИЖОДИГА МУНОСАБАТИГА ДОИР

(АХБОРОТ¹)

Фақат ўзбек тили ва адабиётининг эмас, форс-тожик тили ва адабиётининг ҳам донишманди Алишер Навоий Фирдавсий ижодини юқори баҳолаб, уни Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Ҳоқоний каби мутафаккирлар билан бир қаторга қўяди.

Алишер Навоий «Муҳокамат-ул-лугатайн»да «маснавийда устоди фан»² деб Фирдавсийни атайди. «Ғаройиб-ус-сиғар»даги маснавийсида эса, унга шеърият майдонининг баҳодирини, деб баҳо беради:

Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,
Ки тар келса Рустам жавобини берур.
Ракам киди фарҳида «Шоҳнома» с,
Ки сииди жавобида ҳар хоме
Мусаллам дурӯ зохиран бу иши,
Ки маъразага келмайдур ҳар киши...³

«Рустам келса жавобини бериш»га Рустамни яратган Фирдавсийгина қодир, холос. Шои ижодига бундан юқори баҳо бериб бўлмаса керак.

Биз Навоийнинг «Ҳазойин-ул-маоний» сиини ҳам, «Ҳамса» ва бошқа асарларини ҳам кўздан кечириб эканмиз, «Шоҳнома» қаҳрамонларини жуда кўп учратамиз.

«Ҳазойин-ул-маоний»нинг дебодасидан бошлаб охиригача Фирдавсий қаҳрамонлари бир қизил ипдек чизилиб ўтади. Навоий шайх-зоҳидларни танқид қилишда ҳам, май ва маҳбуба образини яратишда ҳам «Шоҳнома»даги Жамшид жомига

¹ Бу ахборот Фирдавсий «Шоҳнома»сининг ўзбекча таржималарини тадқиқ этиш муносабати билан Навоий асарларини урганиш процессида тўғилган дастлабки мулоҳазаларни ўз ичига олади.

² Алишер Навоий, Танланган асарлар, III том, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 204-бет.

³ Навоий, Ҳазойин-ул-маоний, I, Ғаройиб-ус-сиғар, ЎзССР ФАН, Тошкент, 1959, 705—706-бетлар.

мурожаат этиб, ранг-баранг образлар яратади. Чунончи шоир, «Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур» деб бошланадиган газалида зоҳидни танқид қилиб:

Эй, хуш ул майким, анга зарф улса бир сингон сафол,
Жом улур гетинамо Жамшид, ани ичган гадо,—

дейди. Шоир учун «...Дайри фано синган сафоли жоми Жамшеддур». Бундай мисолларни ҳар 4 девондан кўплаб келтириш мумкин.

Алишер Навоий «Соқийнома»да замон ва дунёнинг бевафолигини қайд этиб, мол-дунёга ҳирс қўйишнинг зарарини таъкидлайди, ўз фикрини тарихий фактлар асосида тасдиқлаб, ҳою—ҳавас, айш тараб, давлатга маҳлиё бўлувчиларга танбиҳ беради. «Шоҳнома»даги шоҳларнинг ўтмишини эслатади:

Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қани,
Иккига тож ила авранг қани.
Қани Жамшиду Фаридуи охир,
Бирини қўйдиму гардун охир.
Не Қаённий бору не Сосоний,
Не Скандар доғи не Ашконий.
Қолмади Рустам ила Сом доғи,
Язди Жўрд ўттию Баҳром доғи⁴.

Маълумки, Фирдавсий ёзма адабиётда биринчи бўлиб, халқ ривоятлари ва тарихий манбалар асосида Хусрав ва Ширин, Баҳром Гўр, Искандар образларини яратди, «Шоҳнома»сида мадҳ этди.

Бу образ Фирдавсий туфайлигина китобдан-китобга, авлоддан-авлодга ўтиб, ўз тақомилига етди. Фирдавсийдан сўнг Низомий, Хисрав Деҳлавий, ниҳоят, Навоий бу темага мурожаат этиб, ҳар бирлари ўзларига хос услуб, гоя, форма, мазмунга эга юксак даражадаги дostonлар яратиб, ўз «Ҳамса»ларига киритдилар. Навоий «Ҳамса»сида ўз салафларини эслаб, улардан озуқланганини қайд этар экан, бевосита ёки билвосита Фирдавсийнинг номини ҳам тилга олади, хотирлаб ўтади. Навоий «Шоҳнома»даги шоҳлар тарихини эслатиш билан XV асрдаги тахт-тож талашиш, ўзаро қонли урушларни қоралайди, эл-юрт осойишталигини ўйламай, айш-ишрат билан шуғулланувчи теурий зодагонларга, шахсан Ҳусайн Бойқарога ўнг бермоқчи бўлади.

«Ҳайрат-ул-аброр» дostonининг ростлик ва тўғрилиқ, адл ва адолат, қаноат ҳақидаги мақолатларида симу зар йиғини,

⁴ Навоий, Ҳазойин-ул-маоний, IV, Фавоийд-ул-кибар, ЎзССР ФАН, Тошкент, 1960, 686-бет.

очкузлик, бахиллик ва тамаъгирликни қоралайди, бу дунё Эраж, Хушанг, Салм, Фаридун, Жамшид, Заҳҳок, Баҳман, Қорун, Зол, Рустам, Доро, Искандар каби шавкатли шоҳ ва баҳодирларга ҳам гаддорлик қилганлигини уқдириб, уларнинг тақдиридан сабоқ олишга чақиради. 16-мақолатдаги мана бу байтлар мазмун, гоյ жиҳатидан Фирдавсийнинг фикрларин билан ҳамоҳангдир:

Бир киши ул сафдаки, юз минг дурур,
Рустам эса бору йўғи тенг дурур,
Айласа ул дам ики Рустам иши,
Бир киши ҳам охир эрур бир киши.
Ожив эса Гев ила Рустам сана,
Эрлик эрур анда мусаллам санга⁵.

Алишер Навоий дostonларида айрим қаҳрамонларини «Шoҳнома»даги образларга ўхшатади. «Шoҳнома»да тасвирланишича, Зол, Рустам, Сўҳроб каби машҳур баҳодирлар 10 ёшида барча илм ва ҳунарларни ўрганиб оладилар, куч-қувватда мислсиз паҳлавон бўлиб етишадилар. Фарҳод ҳам 10 ёшида жаҳондаги барча илм ва ҳунарларни ўрганиб олади. Фарҳоднинг Аҳраманни ўлдириши Рустамнинг Мозандарон девларига қарши олиб борган жангини эслатади.

Қўюб касрига юз андоқки Рустам,
Эшикда боғлабон Рахшнин маҳкам⁶.

Навоийнинг Фирдавсий ижодига ҳурмат билан қарагани ва ундан руҳлангани «Садди Искандарий» дostonида айниқса яққол сезилади. Шоир дostonнинг XI бoбида Эрон шоҳларини тарихини «Шoҳнома»дагидек тўрт сулолага: Пешдодийлар, Каснийлар, Сосонийлар, Ашконийларга бўлиб, ҳар бир сулола шоҳларининг силсиласини, уларнинг даврида ўтган лашкарбоши ва баҳодирларни бирма-бир таърифлайди. Чунончи, Навоий Жамшиднинг «кўп ғариб амр этгани», Заҳҳокнинг «эл қонини тўкмакта бебок» лигини алоҳида танқид этади. Фирдавсий «Шoҳнома»да Турон шоҳи Афросиёбни золим, бoқинчи, эл қонини бекорга тўкадиган, худбин, раҳм-шафқатсиз, илм-донишдан беҳабар шоҳ сифатида қаттиқ танқид қилади. Фирдавсий сингари Алишер Навоий ҳам «Садди Искандарий»да Афросиёбни золим, эл-юртни хароб этувчи шоҳ деб таърифлайди:

⁵ Алишер Навоий, Хамса, Хаират-ул-аброр, ЎзССР ФАН, Тошкент, 1960, 205—207-бетлар.

⁶ Алишер Навоий, Хамса, Садди Искандарий, ЎзССР ФАН, Тошкент, 1960, 649-бет.

Яна шоҳлиг китди Афросиёб,
Вале қилди Эронни зулми хароб
Замонида гар эрди обод кам,
Ани кўнмади чарх обод хам⁷.

Шу бобнинг ўзида Навоий Фирдавсий ва унинг асарига бир неча маротаба ишора қилади; дoston хотимасида эса яна шoirни эслаб утади. Тўртинчи табақа шоҳлари баёнидаги кўйидаги байт шуни кўрсатади:

Навосози деҳқони озарлараст,
Бу навъ этти сўз риштасин бор баст⁸.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарини ёзишда (1488) «Тарихи Табарий», «Тарихи соҳиби гузида», «Тарихи Банокотий», «Жоми-ут-таворих», «Низом-ут-таворих», «Тарихи Жалилий» каби асарлар билан бирга Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан ҳам кенг фойдаланган. Навоий бу асариди ҳам Фирдавсий каби Эрон шоҳларини тўрт табақага бўлиб, уларнинг салтанатдорлиги ва ишларини тасвирлайди. Ҳушанг, Жамшид, Таҳмурас, Фаридун, Нўширвон, Манучеҳр, Баҳром Гўр ва бошқаларни мамлакатни обод этган, шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиб, ариқ чиқазган, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва палм-фанни ривожлантирган адолатли шоҳ деб кўрсатади. Бу билан Навоий ўзаро урушлар, тахт-тож талашишни авж олдириб, халқ ва мамлакатга зарар келтираётган темирйод содагонларга ўғит беради, уларни тарих мактабидан сабоқ олишга чақиради. Гарчи Навоий «Шоҳнома»даги хронологияни айнан бериб, кўпинча ундаги эпизодларни келтирса-да (Масалан, Жамшиднинг 700 йил, Ҳушангнинг 40 йил подшолик қилиши, шоҳларнинг ҳаёти, сулолаларнинг тартиби) «ўз олдига подшоҳларнинг шахсий ҳаётини ёритишни эмас, уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни кўйган» эди⁹.

Фирдавсий Заҳҳок ва Афросиёбни зулм-зўрлик, талончилик ва қирғин урушларнинг тимсоли сифатида тасвирлайди.

Навоий бу асариди шу образларнинг салбий хислатларини янада бўрттириб, уларни халқ ва мамлакат бошига битган бало деб ҳисоблайди. Бу билан шoir «Хамса»даги золим ва адолатсиз шоҳга нафрат, халқпарвар, одил ҳукмронга нисбатан ҳурмат ғоясини янада ривожлантиради, халқпарварликни

⁷ Алишер Навоий, Хамса, Сади Искандарий, УЗССР ФАН, Тошкент. 1960, 650-бет.

⁸ Алишер Навоий, Хамса, 1-ша нашр, 650-бет.

⁹ А. Хайитметов, Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асари ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1960, № 1, 19-бет.

тарғиб этади. Шуниси характерлики, Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Фирдавсий золим деб тасвирлаган шоҳларни золим, адолатли деб тасвирлаган шоҳларни адолатли деб беради. Умуман, Навоий Фирдавсийни ва унинг «Шоҳнома»сини қадрлаган, ўз ижодида ундан баҳраманд бўлган, у яратган образлардан ўз прогрессив қарашларини тарғиб этишда фойдаланган. Биз Навоийнинг Фирдавсий ижодига муносабатига қисқагина тўхтаб ўтдик. Бу масала жиддий ўрганилса, улуг гуманист Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиёти классикларининг ижодига муносабатини янада илмий асослаш, Фирдавсийнинг ўзбек адабиётига таъсирини аниқлашга шубҳасиз катта ҳисса бўлиб қўшилар эди

Ҳ. Ҳомидов

«ШОҲНОМА» ТАРЖИМАСИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Дунё маданиятининг буюк сиймоси Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ўзбек халқи орасида қадимдан маълум ва манзур бўлган асарлардандир. Утмишда шоҳномахонлик бир адабий-маданий традицияга айланган, махсус қиссахонлар, ҳофизлар гузар, чойхона ва қарвонсаройларда «Шоҳнома»ни ўқиш билан шугулланган¹. Ўзбек хаттотлари ва адабиёт мухлислари «Шоҳнома»ни қайта-қайта кўчирганлар. Масалан, машҳур олим Улуғбекнинг иници Бойсунгур 1425 йили бу шоҳ асарнинг 40 дан ортиқ нусхасини қиёс қилиб, мукаммал текстини яратишга ҳаракат қилади ва унга ўзи сўз боши ёзди. Фанда «Шоҳнома»нинг «Бойсунгур нусхаси» деб номланган бу варианты ҳамон энг мукаммал нусхалардан бири ҳисобланиб келмоқда.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларида Фирдавсий қаҳрамонлари кенг тарқалган. «Китоби Жамшид», «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Шоҳ Таҳмурос» номли халқ китоблари, «Рустам ва Сухроб», «Доро ва Искандарбек» каби халқ эртаклари бевосита «Шоҳнома» таъсирида ёки ундан илҳомланиб яратилгандир.

Фирдавсийнинг ўзбек классикларига таъсири ҳам сезиларлидир. Чунончи, Алишер Навоий Фирдавсийни «маснавийда устои фан»² дейди. Навоий қаламига мансуб «Тарихи мулуки Ажам» асарининг (1488) манбаларидан бири ҳам «Шоҳнома» ҳисобланади. «Садди Искандарий»да Навоий бир неча марта Фирдавсий ижодига мурожаат этади.

Фирдавсий ижодига қизиқиш ва уни юксак даражада қадрлаш натижаси ўлароқ, унинг «Шоҳнома»си ўзбек тилига

¹ Е. Э. Бертельс, История таджикско-персидской литературы, ПВ.Т. М., 1960, стр. 71.

² Алишер Навоий, Тапланган асарлар, III том, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 204-бет.

бир неча марта таржима қилинган. Қадимийроқ таржима бўлмиш «Сиёвуш» дostonининг насрий баёни (XVI аср) тўла сақланиб қолмаган³. Афсуски, Шоҳ Ҳижрон таржимаси (1750—51) кенг тарқалмасдан, феодал ўзаро урушлар оқибатида йўқолиб кетган. Бизгача сақланиб қолган, китобхонларга манзур бўлган ва шуҳрат тонган «Шоҳнома» таржимаси Хомуший қаламига мансуб. Хива хони Муҳаммад Амин Ипоқнинг топшириги билан XVIII асрнинг тахминан 80-йилларида Нурмуҳаммад Бухорий ҳам «Шоҳнома»ни ўзбек тилига ағдарган⁴. Лекин бу таржима, икки марта кўчирилган бўлса-да, унчалик кенг тарқалмаган, нашр қилинмаган. Шоир Мирий ҳам «Рустам ва Сўҳроб» дostonини шеърӣ таржима қилган. Лекин биз бу таржимани қўлга кирита олмадик. Бир ахборотда бу таржималар ҳақида бир оз бўлса ҳам батафсилроқ фикр юритиш кийин. Шунинг учун биз бу ўринда фақат Хомуший таржимасига оид айрим фикрларга аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз, холос.

Хомуший VIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шоир ва таржимондир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида деярли маълумот йўқ. Тарихчи Муҳаммад Содик Ёрқандийнинг маълумотига қараганда, Хомуший Ёрқант ҳокими Хўжа Жаҳон Хўжам (XVIII асрнинг 50—60-йиллари) ва Муҳаммад Ёртоллар (70—80-йиллар) даврида яшаган. Шоирнинг бизгача фақат «Шоҳнома» таржимаси ҳамда таржимага илова қилинган «Соқийнома»си етиб келган. Таржима ва «Соқийнома»нинг ўзиёқ Хомушийнинг истеъдодли шоир, адиб бўлганлигидан дарак беради. Шоир «Соқийнома»да «Тус булбули ҳаким Абулқосим Фирдавсий» асарини таржима қилишининг сабаби ҳақида гапириб шундай дейди:

Кел эй соқий, сўз нашъасини етвр,
 Кўнгилдин бори гуссан гам кетвр.
 Ичиб сўз шаробини маст ўлай,
 Ки таъб аҳли базмида ҳамдаст ўлай.
 Навосоз ўлуб тут майи хушгувор,
 Олиб сипкорай ташнан хоксор.
 Ки Фирдавсий борига сўргоч қалам,
 Манам туркий лафзига қўйдум қадам.
 Чў Фирдавсий алфози салоятда дақиқ,
 Салосатта ҳар сўзларидур амиқ.
 Жаҳон ичра эди сўзи таърифн пағз,
 Эди даҳр аро пири покиза мағз.
 Чанг урмоқ анинг дур каби назмига,
 На лойиқ эди турк ҳар лафзига.

³ Бу таржима Ленинграддаги М. Е. Салтиков-Шчедрин номли кутубхонанинг Д-13 инвентарида сақланмоқда.

⁴ «شاهنامه فردوسی», ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. 7019.

Вале дурға йўқтур садаф ичра ор,
Юрур шамъ бошида парвонавор.
Менинг ҳам хаёлимга тушти ҳавас,
Бўлай шеър аҳлига ҳамнафас.
Тикон гулга бўлгон каби ошён,
Масалдурки: бир яхшига бир ёмон⁶.

«Соқийнома»нинг давоми ҳам ажойиб ўхшатишлар, халқ иборалари ва мақоллари билан сайқалланган. Шоир «Яхши ойни ёмон демоқ», «Не ҳад зарра бергай қуёшдин нишон», «Не ҳад мўр васфи Сулаймон қилур» деб Фирдавсий даҳосини улуғлайди, ўзини тупроқ, Фирдавсийни осмон деб билади. Бундан ташқари, таржимада Хомушийнинг бевосита ўзи ижод этган шеърий парчалар ҳам мавжудки, булар унинг шоирлик қудратидан далолат беради. Лекин, биз Хомуший ижодига асосан «Шоҳнома» таржимаси аспектида баҳо бера оламиз, холос.

Хомуший «Шоҳнома»ни қачон таржима қилган? Асарнинг ҳаммаси таржима қилинганми ёки бир қисмими? Шеърий вариантдан таржима қилинганми ёки насрий вариантданми? Ҳозир илмий адабиётлардаги мавжуд фикрлар бу саволларга тўла жавоб бера олмайди. Бу масalani равшанлаштириш Хомуший ва унинг ижоди, «Шоҳнома»нинг таржимаси ҳақида келажакда иш олиб борувчилар учун ниҳоятда зарурдир, деб ўйлаймиз.

«Шоҳнома»нинг Хомуший қаламига мансуб таржимасидан бизгача 4 та номукамал қўлёзма сақланиб қолган⁶. Ҳар тўрт қўлёзма ҳам «Бижон ва Манижа» достони билан бошланиб, Ардашернинг Ҳафтводга қарши жанги билан тугайди. Лекин таржиманинг бажарилган йили, унинг ҳажми ҳақидаги фикрларда турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи авторлар 1731 йилда таржима қилинган⁷ десалар, айрим адабиётларда «1682 йилда таржима қилинган»⁸ дейилади. Биринчи фикр. умуман, тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки «Шоҳнома» биринчи марта 1750—51 йилларда Шоҳ Ҳижрон томонидан

⁵ شاهنامه فردوسی, ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1953, 265а-варақ.

⁶ شاهنامه فردوسی, ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, № 1953, 1322, 5009, СССР ФА Шарқшунослик институти, Ленинград бўлими инв. Д-24.

⁷ У. Мама тохунов, Уйғур адабиёти классиклари, Тошкент, Ўз-адабийнашр, 1959, 14-бет.

⁸ Ж. Шарипов, Ўзбекистонда таржима тарихидан, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1965, 78-бет; Ўзбек адабиёти, 4 томлик, IV том, 2-китоб, Тошкент, Ўз-адабийнашр, 1960, 229-бет. Собрание восточных рукописей АН УзССР, том II, Ташкент, 1954, стр. 394.

таржима қилинади. Лекин бу таржима Ёркант ҳоқимлари билан тоғли қипчоқ ва қорахитойлар ўртасидаги жанг вақтида йиртилиб, йўқолиб кетади. Хомуший эса Шоҳ Ҳижрондан кейин ўтган.

Мавжуд қўлёзмаларнинг биридагина, яъни 1953 рақамли нусхада «...тарихнинг минг тўқсон тўртида»⁹ таржима қилинганлиги айtilса, қолган қўлёзмаларда «тарихнинг минг юз тўқсон тўртида»¹⁰ таржима қилинганлиги уқтирилган. Демак, котибнинг хатоси билан 1953-қўлёзмада сана нотўғри ёзилган. Модомики, шундай экан, Хомуший таржимани 1194 ҳижрий (1780—81) йилда бажарган.

Хомуший «Шоҳнома»нинг қандайдир «Шайх Жаъфар Нажафий томонидан яратилган форсча насрий варианты»¹¹ ўзбекчалаштирмаган. Балки «Шеър аҳлига ҳамнафас» бўлишни истагани учун, «форсий обётларни таржима қилиб, турк алфози бирла... назм риштасига тартиб этиб, оммаи халойиққа равшан ва бараҳна»¹² айланиш қобилиятига эга бўлгани учун асл-шеърини нусхадан фойдаланган. «Султон Маҳмуд Ҳажвияси», Рустамнинг туғилиши мукамал шеърини таржимада берилиши ҳам бунга далил бўла олади.

Хомушийнинг таржимасини ўртоқ У. Маматохунов «Шеърини таржима»¹³ деб таъкиллайди, ваҳоланки, таржима насрий таржима бўлиб, айрим эпизодлар ва қаҳрамонлар руҳий кечинмаси тасвири каби ўринларгина шеър билан таржима қилинган. Хомуший таржимасининг ҳажми ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Айрим авторлар таржиманинг ҳажми ҳақида индамай ўтсалар, баъзилар «таржима эпопеянинг учинчи қисмини ўз ичига олади»¹⁴ дейдилар. Бу фикр Хомушийнинг «Тарихнинг минг юз тўқсон тўртида... Бижони Навжавон достонидан бошлаб то «Искандарнома»нинг охиригача»¹⁵ таржима қилдим, дейишига асосланиб айtilган. Ҳақиқатда ҳам шундайми? Масалани ҳал этиш учун яна Хомушийга мурожаат этамиз. Адиб юқоридаги қўлёзманинг сўз бошисидан Шоҳ Ҳижрон ҳақида қуйидагиларни ёзади. «...Хўжа Жаҳон Хўжам... назари кимён таъсирлари бу китоби «Шоҳнома»га тушуб, завқлари голиб ва таъълари роғиб бўлуб, Охунд Мулло Шоҳ Ҳижрон олийалраҳма ва алфазолга насрий «Шоҳно-

⁹ Уша қўлёзма, 1 а-варақ.

¹⁰ Қўлёзма № 1322, 3 б-варақ.

¹¹ Ўзбек адабиёти, ўша том, ўша китоб, ўша бет; Ж. Шарипов, Уша асар, ўша бет.

¹² شاهنامه ترکی، Тошкент, 1906, 640-бет.

¹³ Уша асар, ўша бет.

¹⁴ Ж. Шарипов, Ўзбекистонда таржима тарихидан, 78-бет.

¹⁵ شاهنامه فردوسی، инв. № 1322, 3б-варақ.

ма»ни турк тилига уюрмоққа амри олийлари жорий бўлуб, ул шоҳи олийжаноби некинбаракот саодатлари бирла турк алфозиға келтириб эканлар»¹⁶.

1908 йилда Тошкентда босилган «Шоҳнома»и туркийда «...Тарихни минг юз олтмиш тўрти от йили жумодиал охир (да) носири аҳли имон, халифани раҳмон, инояти мулки манон Хўжаи Жаҳон, яъни Хўжа Жаҳон Хўжам... ҳузурларида бу фақири бибизоат ва ҳақири кам иститоат, яъни Шоҳ Ҳижрон Таҳамтан ғуссасидин Жаҳонгир шер ва Барзўи далер қиссасин форсий лисондин турк тилига таржима қилдук»¹⁷ деган фикр мавжуд. Лекин Хўжа Жаҳон Хўжам билан тоғли қалмоқ, қорахитойлар ўртасидаги жанг пайтида бу таржима йиртилиб-йўқолиб, «варақ жузьдин, жузь гулдин ажраб, қассаи хубе ва ҳикояи марғубе ожиз ва мутафаррак» бўлиб, «атроф оламға етиб машҳур ва маъруф бўлур ҳолатда»¹⁸ бўлмагани учун Хомуший уни таржима қилишга киришган.

Юзаки қараганда, ҳақиқатда ҳам, Хомуший Шоҳ Ҳижрон бошлаган ишни давом эттирган, таржиманинг бир қисмигина унга тааллуқли бўлиб чиқади. Аммо таржима қўлёзмаларини ва нашрий нусхаларини қиёсий кўздан кечирганда масаланинг бундай эмаслиги равшан бўлади. Чунончи, бизгача Хомуший таржимасининг бутун қўлёзмаси етиб келмаган, мавжуд қўлёзмалар мундарижаси, сўз боши ва композицион қурилиши жиҳатидан бир-биридан деярли фарқ қилмайди. 1953-қўлёзма энг қадимий нусха бўлиб, унинг бир саҳифадан иборат сўз бошиси «Бу дафтар учинчидир, шуруъ қилинди» деб бошланади. Демак, асарнинг бош қисми 2 жилддан иборат бўлган.

1906—1908 йилларда Тошкентда босилган нусхалар эса Каюмарс шоҳлигидан тортиб Ардашернинг Ҳафтводга қарши жангигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Бу нашрларнинг тили, услуби, шеърий парчаларнинг таржимаси (баъзи ҳарфий, стилистик тафовутларни мустасно қилганда) қўлёзма билан бир хил; қўлёзмада ҳам, босма вариантда ҳам Хомушийга тааллуқли (баъзан ўзи таҳаллусини қўйиб таъкидлайди) шеърий парчалар мавжуд. 1953-қўлёзмадаги «Сабаби таълифи «Шоҳнома», «Ҳажвиёти Султон Маҳмуд», «Соқийномаи Мулло Хомуш Охунд» ҳар икки нашрда ҳам тўла мавжуд. Шуларга асосланиб, бирон мукамал қўлёзма топилгунча, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Шоҳ Ҳижрон, ўзи таъкидлаганидек, «Жаҳонгир шер ва Барзўи далер қиссасини таржима қилган. Агар, борди-ю, у

¹⁶ شاهنامه، دوسی، инв. № 1322, 76-варақ.

¹⁷ Уша нашр, 134—135-бетлар.

¹⁸ 1322-қўлёзма, 3 б-варақ.

«Шоҳнома»ни бошидан таржима қила бошлаган бўлса, Хомуший дастлаб таржиманинг бир қисмини яроқли деб билиб, уни «Бижон ва Манижа» дostonидан давом эттирган, лекин Шоҳ Ҳижрон иши кўнглига ёқмагани учун, ўз таржимасини Ардашер дostonида тўхтатиб, асарнинг бошидан қайта таржима этган ёки таҳрирдан чиқарган. Аммо камоли инсофдан Шоҳ Ҳижроннинг «Таҳамтан ғуссасидин Жаҳонгир шер ва Барзўи далер қиссасини таржима қилдук» деган сўзларини ҳам қолдирган.

2. Таржиманинг қўлёзмаси тўлалигича мавжуд бўлган ва Тошкент ноширлари ундан фойдаланганлар. Лекин унинг бош қисми қандайдир сабабга кўра йўқолган ёки ҳали топилмаган.

3. Демак, Шоҳ Ҳижроннинг хизматини ҳам маълум даражада эътироф этган ҳолда, бу таржимани тўлалигича Хомушийга тааллуқли дейиш мумкин.

Мундарижа

Армуғон	3
Ҳ. Сулаймон. Навоийнинг янги топилган «Фусули арбаа» асари ва унинг XVI асрда кўчирилган бир кўлёмаси хақида	8
Алишер Навоий. Фусули арбаа	18
М. Шайхзода. Тазкирачилик тарихидан	34
Ш. М. Абдуллаева. Навоий дostonларида хотин-қизлар образи	72
Ҳ. Ҳомидий. Навоий ва Жомий	89
С. Усмонов. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар	108
Н. Маллаев. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожидида Навоийнинг роли хақида	128
С. Иброҳимова. Ўзбек совет адабиётида ғазал	148
Ҳ. Бекмуҳамедов. Навоий даврида Ҳирот	167
Л. Халилов. Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг кўлёмза нусхалари	174
Л. Халилов. «Тарихи мулуки Ажам»нинг илмий-тадқиқот текстини тузиш принципи ва текст танқиди. «Тарихи мулуки Ажам» илмий-танқидий текстдан намуна	184
Ҳ. Ҳомидов. Алишер Навоийнинг Фирдавсий ижодида муносабатига доир.	195
Ҳ. Ҳомидов. «Шоҳнома» таржимасига оид баъзи мулоҳазалар.	200

Н14

Навойга армугон. (Тўплам, 525 йиллик юбилейга бағишланган армугондир. Бош муҳаррир проф. Ш. Ш. Абдуллаев). Т., «Фан», 1968.

206 бет. (ЎзССР Олий ва Ўрта махсус таълим мин-лиги. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика ин-ти). Тиражи
Дарь Навон.

8Ў31

На узбекском языке

ДАРҶ НАВОИ

Издательство «Фан» Узбекской ССР
Ташкент — 1968

Муҳаррир: А. Муҳаммадқулов
Техмуҳаррир: Ҳ. Қорабоева
Корректорлар: Т. Абдужабборовна, Н. Раҳимова

P11713. Тегишга берилди 27/Х.1-1967 й. Босишга рухсат этилди 28/III-68 й. Формати
60×90¹/₁₆—6,5 қоғоз л. Босма л. 13,0. Ҳисоб-нашриёт л. 11,8. Нашриёт № 2513
Тиражи 2500 Баҳаси 1 с. 0,5 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси. Черланцев кучаси, 21. Заказ 40
Нашриёт адреси: Гоголь кучаси, 70.